

ЯВДАТ ИЛЁСОВ

СУГДИЁНА



ТАРИХИЙ РОМАН

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1994

Русчадан
МАЪРУФ ЖАЛИЛ
таржимаси

Илёсов, Явдат.
И 38 Суғдиёна: Тарихий роман (Русчадан
М. Жалил тарж.).— Т.: Шарқ, 1994. 286 б.

Искандар Зулқарнайн Доро қўшикларини тор-мор келтириш билан чекланмай, Шарққа юришини девом өттиради. Бу юришини «халоскорлик» деган сўз билан ниқоблайди. Мазлум халқлар аввалига бу сўзга ишонадилар, бироқ ниқоб йиртилади. Суғдиёна халқи баҳодир йўлбошличи Спантамаъно атрофига ўюшиб, ветан озодлиги учун чел өл босқинчиларига қарши қаҳрамонларча жураш бошлидилар...

Уз 2

© «Китоб безаги, «Шарқ»
нашириёт-матбаа концерни-
нинг Води таҳририяти,
1994.

МУҚАДДИМА

ҚАТАНЛИК ҚАМПИР

Эй тошбақа. Тошинг икра не
қилмоқдасан?
Мен жун үриб, түқияпман Милет матосин.
Айг-чи, сенинг аждодларинг қандай
йлганлар?
Оппоқ отдан ўзларини сувга отғанлар.

(Афиналик қизлар айтишиуи)

Бу кампир бутун Катан аҳлига маълум эди. Юон хотинларининг фикрича бу ерга у қайсиdir шарқ мамлакатидан келиб қолган. Осиёлик аёлнинг ҳақиқий отини ҳеч ким билмасди. Тошбақа лақаби тилга олинса тиланчи ўгирилиб қаарди.

Тошбақа ҳар тонг ажинли бўйини чўзиб, беўхшов, қишиқ оёқларини зўр-базўр судраб ёпиқ дарвозалар олдида уймаланар ва ғамгин, хирилдоқ овоз билан бир бурда нон сўраб узоқ нола қиласди. Аммо кўпинча тиланчи кампирни нон ўрнига таёқ билан сийлашарди. Болалар унинг орқасидан мева қолдиқларини отишар эди. Итлар бусиз ҳам илматешик бўлиб кетган катақ якtagи этакларини узиб оларди. Кампир дўқ-пўписаларга жавобан хушомад қилгандай жилмаяр, чунки унинг қорни оч эди.

У кўп йиллардан бери бу денгиз бўйидаги бегона шаҳарнинг тош ётқизилган кўчаларида дайдиб юрар, калтак ва ҳақоратларга итоат билан чидаб келарди. Аммо баъзан, хусусан Шарқ шамоли эсганда унда кескин ўзгариш юз берарди. Тошбақа денгиз қўлтиғига бориб, тошдай қотар, кўпикланиб, ҳайқириб қирғоққа урилаётган тўлқинлардан кўз узмай бир, икки, ўн соатлаб туради. Уй-жойсиз бу кампирнинг кўзларида даҳшатли бир нур чақнарди; ҳассасини ҳар ён чайқатиб, Жанубнинг ғазабкор қуёши, бепоён қуммиклари, унда юрадиган икки ўркачли баҳай-бат махлуқлар галаси, сўнмас гулханлар атрофидаги муқаддас рақслар ҳақидаги ҳикоясини бошлар, шундай чоқларда мункиллаб қолган бу кампир овозига унинг узоқдаги ватанида яшовчи қоплонлар овозига ўхшаб кетарди.

У қўрқинчли қирғинлар, қувғинлар ва пистирмалар ҳақида ҳикоя қиласди. Даҳшатли Эрон шоқларининг номларини лоқайдгина тилга оларди. У буюк одамнинг хотини бўлганман деб таъкидларди. Лекин ҳеч ким бунга ишонмасди.

Кампир эса тўғри гапираётган эди.

БИРИНЧИ КИТОБ
ТАНГРИ АММОН ЎҒЛИ
ШАМОЛ, НОН ВА УМИД

*Ота-бала, бола ота-ла
чиқиша олмас.
Дўст дўстига бегона бўлди,
мехмонга — мезон.
Ака-уқада йўқ меҳр-оқибат,
Бўлмас ҳам энди.*

Гесиод, «Меҳнат ва кунлар»

Перикл замони Афинанинг гуллаб-яшнаган даври эди.

Шубҳасиз, Перикл ўртаҳол фуқароларга суюнади. Лекин давлат ўз меҳр-шафқатини энг қашшоқлардан ҳам дариф тутмас: эшкакчи ва аскарларга маош тўлар, ишсизларни иш билан таъминлар, очларга нон, ерсизларга ер берар эди. Ҳамма ерда — устахона, қурилиш ва далаларда қуллар меҳнат қилар, шунинг учун эркин одамларнинг бўш вақти кўп эди. Улар билим олар, бутун мавжудот олами сирларидан воқиф бўлар, юлдузлар ҳаракатини кузатар, қуёш тутилишини олдиндан айтиб берар, кенгликларни ўлчар, калисо ва қасрларни бе затар эди. Аттика қурдатли давлатга айланди; у кўпчилик юон давлатлари итифоқига бош бўлди ва Эгей денгизидаги ҳамма савдо йўлларини ўз қўлига олди.

Афиналиклар шон-шуҳратининг сўнги йўқдай туюларди. Бироқ жанубда — Пелопоннес томонда, уфқда тўпланаётган булат сингари, республикага душман бўлган давлат етилиб, кучга тўлмоқда эди. Бу бўлинуб кетган Эллададаги куч-қурдат жиҳатидан иккинчи давлат — Спарта эди. Илиқ шамоллар тароват бергувчи Пелопоннес ярим ороли илгари Ахей қабиласи уруғларига тегишли эди. Сўнгра Эпирдан бу ерга дорийлар ёпирилиб келдилар. Улар ахейларни ёнгиб, энсиз, аммо серҳосил Эврот водийсини

әгаллаб олдилар ва Спартага асос солдилар. Ҳар бир спарталик жирканиб илот, яъни «асирга олинган» деб атайдиган ахей — қул ҳисобига кун кечира бошлади. Ахейлар ғафлатда қолдирмаслиги учун ғолиблар маҳкам жипслашган жамоа бўлиб яшардилар. Спарталиклар экин-тикин билан ҳам, савдоситиқ билан ҳам, касб-ҳунар ва илм-фан билан ҳам шуғулланмас эдилар. Ўлар ов қилмагандан жангга борар, жангга бормаганида эса овга чиқар ёки сафарга ҳозирлик кўрардилар. Спарталиклар подшо ва Ӯқсоқоллар кенгашига итоат қиласар эдилар.

Илотлар Афина ҳалқига эргашиб, бойларни бадарға қилиб, ўз ҳокимиятларини ўрнатмоқчи бўлганилиги учун Спартанинг республикани кўришга кўзи йўқ, Афинага ҳasad қиласар, унинг куч-қудратидан қўрқарди. Спарта элчилари мамлакат бўйлаб ҳалаканинг итидай югурадар, зодагонлар давлатларининг подшоларини умумий душманга қарши бирлашишга даъват қиласарди. Икки юон иттифоқи шу йўсинда вужудга келди. Коринф, Мегара, Сиракуз, Тарент шаҳарлари, Халкида ярим ороли, Беотия Пелопоннес томонга ўтди. Лемнос, Эвбей, Қиклад, Спорад, Лесбос ороллари, Милет, Эпидамн, Кротон, Мессена шаҳарлари ва Фессалия эса Афина денгиз давлати томонда майдонга чиқди.

Беомон жанг бошланиб кетди.

Қирғинбарон жанглардан кейин Спарта ғалаба қозонди. Республика томонидан ўйламасдан қарам ҳалқ ҳолатига тушириб қўйилган иттифоқчиларнинг хиёнати, қашшоқ қишлоқликлар эҳтиёжига менсимиш қараш натижасида пойтахт аҳолисига нисбатан уйғонган нафрат туйғуси, душман томонга йигирма минглаб қочиб ўтган қуллар қасоси — буларнинг ҳаммаси афиналикларнинг жангда енгилишига сабаб бўлди. Улардан ўн икки қўриқчи кемадан ташқари бутун флотни топширишга, мудофаа иншоотларини бузиб ташлашга, денгиз иттифоқини тарқатиб юборишишга, ҳалқ ҳокимиятини бекор қилишига мажбур этдилар.

Уруш! У фақат Аттика ва Спартагагина эмас, бутун Элладага юзлаб ва минглаб кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган кулфатлар келтириди. Илгари ҳеч қачон юоннлар бу қадар кўп уйларни вайрон, бу қадар кўп одамни қурбон қилмаган эдилар. Бунинг устига мисли қўрилмаган зилзила юз берди. Душ-

Ман Ҳужумларидан омон қолган әкинзорларни қурғоқчылык хазон қилди. Очлик мамлакат силласини қуритар, вабо ўнг-сўлига қарамай ютари. Уруш туфайли бойиб кетган ижараҳўрлар ва ғаллафурушлар ер сотиб олар ва ўзларига қасрлар қурдиришарди. Камбағалда эса сабр-тоқат қолмади. Агар илгари гадолар йўқ, ҳеч ким садақа тилаб ўз қавмига иснод келтиргмаган бўлса, энди вайрон бўлган шаҳарлар кўчаларида овқат олиб емоққа чўнтағида бир пули йўқ сонсиз-саноқсиз одамлар дайдиб юрарди. Улар бадавлат кишиларни ўлдириб, мол-мулкини бўлашиб олишарди. Элладани ғалаёнлар силласини қуритар эди.

Шоҳлашиб уришаётган ҳўқизлар подаси бўрини эсига келтирмайди, ваҳший ҳайвон бўри эса дафналар орасида ўлжасига ваҳшиёна тикилиб туради. Юнонларга македониялик қўшнилари ана шундай кўз билан тикилиб ёгарди.

Македония баланд тоғлар, қалин ўрмонлар ўлкаси. Одамлар у ерда ов овлаб, қарағай кесиб яшайдилар, чорва боқадилар, айрим жойларда ғалла экадилар. Македонлар ёввойилар тилида гаплашадилар. Улар ҳаммаси бўлиб беш юз минг киши, аммо жуда жасур ва чидамли, қурол билан муомала қилишга ҳам уста халқ. Уларни ҳам илгари Спартадаги сингари уруғ оқсоқоллари кенгаши бошқарар эди.

Архелай шоҳ даврида македонлар юонон урфодатларини қабул қила бошлидилар. Элладаликлар варварларга яна ҳам ёввойироқ фракияликлардан ҳимояланиш учун мудофаа қўрғонлари қуриб бердилар, уларнинг аскарларини жанговар тартиб-интизомга ўргатдилар. Македония Филипп Иккинчи шоҳлик қилган даврда айниқса юксалди. Филипп гаров тариқасида Фива лашкарбошиси Эпаминонд хонадонида узоқ яшади, юонон тилида таълим олди, юртига қайтиб келган ёш подшо маҳаллий ҳокимчаларни бўйсундирди ва давлатнинг ягона ҳукмдори бўлиб олди. У ажойиб қўшин тўплаб, Геллеспонтдаги¹ анчагина юонон шаҳарларини босиб олди ва тўймас назарини Элладага қаратди.

Юнонлар шимоллик ёввойилар ҳокимиятига бўйсунмас эдилар-у, аммо Элладанинг ўз ичидаги бирлии йўқ эди: ўртаҳол гражданлар ва камбағаллар маке-

¹ Геллеспонт — ҳозирги Дарданел бўғози.

донларнинг келишини истамасди, улар ҳалқ ҳокимиятини сақлаш, ортиқча бойликни бўлашиш, маош тўлаш қонуни, озод туғилган одам дахлсизлигининг тарафдори эдилар; Геллеспонтни — скифлардан галла харид қилиш учун Боспорга борадиган сув йўлини йўқотишдан қўрқкан ғаллафурушлар ва уруш бойлик, фойда въъда қилиб турган қуролсозлар ҳам Филиппга қарши чиқдилар. Нотиқ Демосфен ҳалқ доҳийси сифатидә майдонга чиқди ва Филипп шоҳга қарши курашди. Аксинча, бошқа нотиқлар — Исократ билан Эсхин, шунингдек, пулдор Эвбул ва унинг ҳамма ялоқхўр муриллари, сотилган савдоарвачча ва ер эгалари ҳамма майдону чорраҳаларда оғиз кўпиртириб, Элладани эзаётган ички ғалаёнлар ва низо нифоқлардан ҳалос бўлиш Филиппга боғлиқ, деб жар солдилар.

Элладаликлар ўзаро талашиб-тортишаётган бир пайтда Филипп қўшинини Беотияга бошлаб келди; Херонеа шаҳри яқинида жанг бўлди, македонлар юонон аскарларини тор-мор қилдилар. Эллада Македония шоҳи ҳокимиятини тан олди. Тўғри, Филипп ўлдирилгач элладаликлар қўзғолон кўтардилар, лекин ёш подшо — Александр уни бостириб, муқаддас Фива шаҳрини таг-туги билан вайрон қилди. Мана, уч йилдирки, Эллада Македония эулми остида кун кечиради.

Аслзодаларга яхши: ҳеч ким бироннинг мол-мулкига дахл қилолмайди, у илгари кимга тегишли бўлса янги қонун билан ўша эгасига биркитиб қўйилган, «миннатдор оталар» ғалласининг бир қисмини камбағалларга бўлиб беришдек бурунги мажбуриятлар энди йўқ, савдогар бутун мамлакат бўйлаб бемалол юриши, боплаб харид қилиши, ўзига маъқул бўлган нарҳда сотиши, кўплаб пул ишлаб олиши мумкин. Ҳа, бадавлат одамларга яшаш қулай бўлиб қолди. Камбағал-чи? Қонун мол-мулкни эгасига абадий биркитиб қўйганидан унга нима фойда? Ахир камбағалнинг ҳеч нарсаси бўлмаса, унга ҳеч нарса биркитиб қўйилмаган бўлса. Илгари у оч қолса, ҳалқ мажлиси бойлардан тортиб олган ғаллани элга бўлашаётганда унга ҳам маълум қисмини тарозида тортиб берарди. Агар судхўрдан олган қарзлар уни қийнаб қўйган бўлса, мажлис бу қарзни бекор қиласади. Яхшими ёки ёмонми, ҳеч ким очлик ва совуқдан ўлиб кетмасди, энди эса ё ўғирлик қилиш, ё

бўлмаса аскарликка ёлланиб, бегона ўлкаларда дай-дид юриш, сафар гулханлари атрофида чўзилиб ётишдан бошқа чора қолмади.

Ташқаридаги аллақачон Ленеон ойи — олис Франция ўтлоқларидан кўтарилиган бўрон сершовқин тўлқинларни соҳил қояларига суреб келадиган, тоғ ёнбағирларидаги қарағайларни қулатадиган, жуни ёмғирда бўккан қўйларни жунжиктирадиган, ўрмонда дайдиб юрадиган пахмоқ йиртқичларни титраш ва думини қисишига мажбур қиласидиган қиши палласи етди. Ленеон ойи — ҳайвонлар учун ҳам, одамлар учун ҳам оғир қиши фасли аллақачон етиб келди.

Тонг. Бандаргоҳда шовқин-сурон, ғижир-ғижир, жаранг-журунг: денгизчилар қорақайин устунларга ўроғлиқ бронза занжирларни ечиб, кема ёндоридан ошириб итқитмоқдалар. Кемалар Эмпирей бандаргоҳини қолдириб, Сароник қўлтиғи кенгликларига чиқади. Эшкакчилар ўзларига қўшиқ билан далда бериб, бир меъёрда узун эшкакларини эшишади:

Қ-ни бирдан, қани ҳам-ма!
Ҳам-ма бирдан, қа-ни, ҳа!

Тўлқинтўсар олдида турган денгизчилар дарға нинг ишораси билан чорси елканларни ёзиб юборишиди. Пишиқ, чидамли мато шамол эпкини-ла қаппаяди. Кўп эшқакли катта кемалар чайқалиб, бир ёнга қийшайдилар-да, қуий чеккалари билан муздай сувни чайқатиб, яна тикланадилар ва чўчиб парвоз қиласидай ажир-бужир, яшил тўлқинлар узра оппоқ кўпикларни ёриб сузиб кетадилар.

Феаген уйғонди, бошини кўтарди ва бандаргоҳда сафланиб турган кемаларга маъносиз тикилиб қолди. Оҳиста тарқалётган намхуш қоронғилик орасидан омбор деворлари кўзга ташлана бошлади. Аста-секин Феаген кўзлари ойдинлашди. Юонон керишиб эснади, совуқдан қалтираб кетди ва инграб, тўшак вазифасини ўтаган нам хазон устидан турди.

У ухладими? Ё раб! Феаген тун бўйи тўлғаниб, одуриб чиқди, тез-тез сапчиб туриб кетар, озгини бўлса ҳам исиш учун қирғоқ бўйлаб югурадар эди, жуни сийраклашиб қолган кучук тери телпаги, эски эчки тери пўстаги, тиззага тушадиган, ўн жойидан йиртилган жун чакмони уни шимолнинг совуқ, нам, суюк-суюккача сирқиратиб, жигар, буйракларгача

музлатадиган шамолидан асрал олмас эди. Феаген югуришдан чарчаб, учи савдогарлар ҳомийси тангри Гермеснинг боши ҳайкали билан тугаган устун ёнига ўтириди, энтикиб-энтикиб нафас оларди: тиши тишига тегмас, аъзои бадаи титрар, озроққина бўлса ҳам иссиқ таълаб қилас ҳудуди. Синиққан, эзилган Феаген ниҳоят тонготарда уйқуга кетди ва уч соатдан кейин чалажон ҳолатда уйғонди, юзлари шишган, бели эса зирқираб оғрир ҳудуди. Дақшатли тун. Илло бошпанаси бўлмаган юнон нима ҳам қилсин!

Қачонлардир афиналиклар форс Доро Гуштасб-нинг аскарларини енгган жойда — Марафон шахри ёнида уч йил аввал Феагеннинг ҳам уй-жойи, ери бор ҳудуди. Хотини бор ҳудуди, Мерилад исмли ўғли ўсаётган ҳудуди. Юнон тепаликнинг тошлоқ ёнбағрида буғдой экарди. Тошлоқ ерда буғдой яхши ҳосил бермасди, лекин олиқ-солиқларга етиб турарди. Узига озроқ қолса ҳам, қисиб-қимтиб келаси фалла пишиғигача етказарди. Узига тўқроқ қўшниларнинг токзор боғлари бор ҳудуди, аммо кўчат сотиб олишга Феагеннинг пули йўқ ҳудуди. У бойиб кетишни хаёлига ҳам келтирмас, ўз еридан олиб турган озгина ҳосил учун ҳам дэҳқончилик ҳомийси илоҳа Деметрадан миннатдор ҳудуди.

Аммо маъбуллар ҳасадгўй, қисмат эса беаёв. Ёз кунларидан бирида Харадра водийсига йирик-йирик дўл ёғди. Буғдой адойи тамом бўлди. Феаген ҳам. Тўғри, дастлаб у бир оз ўзига келди — бадавлат Ламаха амакидан келгуси йил ўн чорак қилиб қайтариш шарти билан беш чорак буғдой қарз кўтарди. Уша йили қишида кўкат ҳам ҳудуди. Аммо фаллани уруғликка асрари. Баҳорда Зевсга ихлос билан сажда қилиб, ҳўқизларни қўшга қўшдида, омоч бандини маҳкам ушлаб, меҳр билан ер ҳайдади ва тупроққа қимматбаҳо уруғни сепди. Қушлар донни чўқиб кетмаслиги учун Мерилад мола билан ерни текислади. Феаген буғдойнинг бош тортишини интизор бўлиб кутди, аммо фалла етилиб қолганда қаердандир бало-қазодай чигирткаю қўнғиз ёпирилиб келди-да, ҳаммаёни шипшийдим қилиб кетди. Ҳосил нобуд бўлди, тўрт чорак ҳам ололмади.

Қайрудан Феагеннинг хотини Иринанинг юраги вардоб бўлди. Омадсиз эридан қўл сiltади-да, ўғлини олиб отасининг юрти Лакратидага жўнаб кетди. Феаген хафа бўлиб ер, қорамол ва омочни сотиб, ха-

сис Ламаха амакисига (лаънат бундай қариндошга!) қарзини тўлади-да, иш қидириб Пирей томон йўл олди.

Иш! Мана бир йилдирки, шу сўз Феагеннинг шамолда қақраб, ёрилиб кетган лабларидан тушмайди. Қўллари қавариб қонталаш бўлгунча эшкак эшишга, қовурғалари қисирлаб кетса ҳам юк ташишга, ахлат супуришга, кир ювишга — ҳаммасига тайёр, фақат бир парча арпа нонга ёки бир бурда тузланган балиққа етарли чақа тушса бўлгани. Иш! Аммо уни қаердан топасан? Бу ерда, Пирейда Феагенга ўхшаганлар тўлиб-тошиб ётибди. Мана улар, мудом қорни оч жулдуурвоқи дайдилар галаси, бандаргоҳ бўйлаб — қулфланган омборлар, шалағи чиққан қайиқлар, қулаб тушган кулбалар атрофида мурдалардай сочилиб ётибди, бир парча ғиштга бош қўйиб чўзилишга жой йўқ, уларни бу ердан турғизиб юборишга қоровуллар ожизлик қиласди...

Юнон нон ушоқ ҳам тополмаслигини, уни бошқа бирор илиб кетганини биларди. Унга ҳеч ким бери кел демайди. Ҳозир юк кам, юкчи эса сон-саноқсиз. Аммо омадга бўлган ғарифона умид уни олға чорларди — ҳамма ерда овқат бўлса-ю, оч одам ўзига емиш тополмаса, бу ақлга сифмайди, ҳақиқатга хилоф.

Бозордан бир бурда нон ўғирлаши мумкин эди-ю, аммо бундай нолойиқ ҳаракат тўғрисида ўйлашнинг ўзиёқ унга қаттиқ озор берарди: марафонликнинг қалбида деҳқонча ҳалоллик туйғуси ҳамон сақланиб қолган эди. Баъзилар уни аллақачон йўқотиб қўйган, тун бўйи маст денгизчиларни шилишар ёки дўкон эшикларини бузишарди, бироқ Феаген ҳали ҳам тасодифан топилган меҳнат ҳисобига кун кўрмоқда эди.

Нон қаерда, нон борми ахир? Феаген Деймага яқинлашди, вақт эрталигига қарамай, унинг атрофида савдогар, мардикор, тижорат аҳли, денгизчи, ажнабий кўчкинчи ва қуллар уймалашарди. Турли тилларда гаплашишарди. Яҳудийнинг узун бурни кўк-кўз фракияликнинг қулоги устида пишиллар, магрут мисрлик қорасоч италиялик билан суҳбатлашар, офтобда қорайган скиф одамларни туртиб-суриб сўкинарди.

Савдогарлар раста олдида уймалашар, мато на муналарини харислик билан кўздан кечиришар, дудланган, тузланган, қоқланган, зиравор қўшиб сирка-

ланган балиқлар тұла катта-катта сопол идишларға құл узатишар, Боспор, Сицилия, Миср ғаллаларини күришар, чарм, жун, мұйна саралашар, этрусларнинг пойабзал ва бронзасини, мисрликларнинг папирус қоғози ва зигир поясини, форсларнинг гилам ва атирупаларини, африкаликлар келтирған фил саягини күздан кечиришар, истаганларга зайден ёғи, Гиммет асали, құрғошини, мармари, кумushi, газмоли, Аттика косаси, уй жиҳозлари, гулдор Коринф күзалари ва Танагри ҳайкалчаларини таклиф қилишарди.

Феаген Дейгма ёнида икки соат дайдиб юрди, аммо шунча ноз-неъматлардан унинг оғзига бир увоқ ҳам кирмади. У очлик ва совуқдан караҳт бўлиб қолган, деярли юриб ухламоқда эди. Қулоғига пахта тиқиб қўйилгандай, марафонлик ўз овозини ҳам өшифтас эди. Ҳар қадамда оёқлари чалишиб кетар, худди тўпифидан синдириб ташлангандай эди. Бирдан кўзи тиниб, боши айланди. Феаген ранги оқариб, чайқалиб кетди. Ҳеч нарсани ажратолмай қолди, қўлларини ожизона олдинга чўзиб кимнингдир растаси устига йиқилди. Тасодифан ёғ-сут, тухум солиб пиширилган бир бўлак нонни чанглалаб олди. Раста соҳиби шовқин-сурон кўтарди. Назоратчи пайдо бўлди. Бу кулранг кигиз қалпоқ кийган скиф қул эди.

— Оймозде! — тўифиллади скиф ва қамчисини ўйнатди. — Фарёд қил, итдан туқсан!

Феаген ўзига келди ва ҳайрон бўлди. Унинг қўлидаги нон қаердан келди? Марафонлик ғамгин минфирилади:

— Олмоқчи эмасдим...

— Алмоқчи емасдим?..

Скиф қамчисини силкиди. Феаген устига шундай куч билан қамчи тушдики, унинг елкаси оловда қиздирилган темир чивиқ босилгандай жазиллаб кетди. Қўлидаги нон тушиб кетди, ўзи эса раста олдида чўвилиб қолди.

— Олмоқчи эмасдим!..

— Алмоқчи емасдим?

Назоратчи баҳтсиз марафонликнинг ёқасидан ушлади-да, бостиридан нарига итқитиб ташлади:

— Иўқол!

Бу қул ҳамма афиналикларга қаттиқ нафрат билан қарапарди, ахир шулар-ку уни кўчманчи эркидан айриб, тутун босган, аммо қалбига яқин чодиридан

маҳрум қилғанлар; вазифаси шарофати билан (бу вазифага уни бақувват бўлғанлиги учун қўйишган), скиф қулай пайт келганда ҳар бир юонни — бойми, камбағалми, элладалик бўлса бўлди, бари бир гур минг лаънат ҳаммасига — хўрлаш, ҳақорат қилишдан бир дунё роҳат оларди.

Пирейда Феагенга нон йўқ. Яхшиси, Афинага, бозор майдонига боради, балки у ерда бирор кимса бечора дайдига шафқат қилас. Тўғри, Афинагача қарийб етмиш беш стадий¹, бу масофани босиб ўтиш керак, бўлмаса Феаген бугун оламдан ўтади.

Юнон Узун Девор бўйлаб судралиб, ярим вайрон оҳак устунлар олдидা тўхтаб-тўхтаб борар ва хира нигоҳ билан шошиб-пишиб ўтиб-қайтаётган одамларга қаради. Деҳқонлар яёв боришарди. Савдо-гарлар аравада ёки хачир миниб ўтишарди. Гоҳида Феаген олдидан шаҳар оқсуякларининг икки гилдирекли араваси елиб ўтарди. Зич тўда бўлиб қуллар кетаётир. Улар тез-тез қадам ташлар, гап-сўёсиз, атрофга алангламай, енгилиб, орқага чекинаётган легион аскарлари каби саф-саф бўлиб боришар, эркаклар ва аёллар, ассуриялик, лидиялик, фригиялик, мисрлик, фракияликлар, яхудий ва скифлар каби турли қабила вакиллари худди ўзларининг исноидига сурбетларча қараб турган бегона кўзларни кўрмаслик учун тезроқ манзилга етиб олишга шошилаётгандай эдилар. Ортда қолаётгандарни шоширишга даъват қилувчи аскар овози янграрди:

— Тезроқ!

Ҳайбатли Атлас каби кенг елкали қул бутуни Элладани елкасида кўтариб тургандай эди. Олти юз қирқ минг тутқун Коринф устахоналарида азоб чекарди. Иигирма минг эркин афина гражданига ўн минг ҳуқуқсиз ажнабий кўчманчи ва тўрт юз минг сотиб олинган ёки асир олинган қул тўғри келарди. Ярим миллион ёввойилар Эгина жабр-зулми остида эди. Қуллар ўн минглаб ўлиб кетар, улар ўрнини эса «сўзловчи ҳайвонлар»нинг янги тўдаси эгалларди.

Эртага Агорда — Афинанинг бозор майдонида катта савдо-сотиқ бўлади. Тутқунларни қип-яланғоч қилиб, тахта супа устига чиқарадилар. Харндорлар уларнинг оғизларини очиб кўрадилар, кучини синайдилар, бу жонли молни югуриш ва сакрашга маж-

¹ Стадий — 160 метрга ложин.

бур қиладилар. Юзлари бужмайган чолларнинг қўллари очкўзлик билан ўн беш ёшли қизларнинг кўкрак ва сонларини пайпаслаб кўради. Қул савдоси — сердаромад машғулот. Оддий, аммо оғир ишни удалай оладиган қулнинг баҳоси қарийб икки мина туради. Ҳунарманд қулнинг баҳоси хийла баланд. Кўнгил очишга мўлжалланган чўри қизнинг баҳоси ўн, йигирма ва ҳатто ўттиз минага ёки ёлланма ҳунармандинг йиллик иш ҳақи бор-йўғи уч юз драхмани ташкил қилган ҳолда канизакнинг баҳоси уч минг драхмага боради.

Етти кун ўтар-ўтмас ҳозир Феаген ёнидан ўтиб бораётган бечора чет эллик тутқунларни бўлашиб олишади ва иш-ишига жўнатишади. Устахона бошқарувчиси, хўжайиннинг савдо вакили, ишбоши, ҳисобчи, омборчи, ошпаз, найчи ёки раққоса қилиб тайинланганларнинг тақдирига ҳавас қилса арзиди.

Аммо кулоллар, фишт терувчилар, эшкакчи ва тиквичилар қисмати-чи? Лаврион конларига ҳайдаб киритилганлар аҳволичи? Уларни коннинг тўқсон тирсак чуқурликдаги лаҳмларига тушириб қўйишиди, ўн икки соатлаб бронза чўкич билан қаттиқ ғинсни кўчиришга, арқон орқали ёки кажавага солиб юқорига олиб чиқишига, тегирмонда майдалашга, ўғир даста билан туйишига, уни лойқа ҳовуз сувида ювишига, кўрада эритишга, тўрт қиррали-узунчоқ қилиб қуйилган кумушни хачирларга ортиб, Афина йўлига чиқишига мажбур қилишади.

Бир урса ҳўқизни тил тортқизмай ўлдирадиган авави навқирон ливиялик ҳам яrim йилдан кейин дармонсиз чолга ўхшаб қолади: ҳаддан ташқари оғир меҳнат, очлик, ташналиқ, калтак ва касаллик бу азаматнинг ҳам силласини қуритади, кейин уни ҳам жарликдаги ваҳший ҳайвонлар ғажиб кетган суюклар устига тириклай элтиб ташлашади.

Феаген бир вақтлар Марафонда яшаган чоғларида қулларга қандай муносабатда бўлганини эслади ва аянчли жилмайиб қўйди. Ҳозир унинг қулдан нимаси ортиқ?

Юнон ўйлаб қолди: чапга бурилиб, зайдунзорга кирса-ю, ётиб жон берса... қандоқ бўларкин? У иккиланиб туриб қолди. Худо сақласин, йўқ! Балки бугун бирон бурда нон топиш насиб қилар? Яна

¹ Мина — пул бирлиги; олтин пул билан 28 сўм.

хайрли умид ҳолдан тойган, бутунлай руҳи тушган одамни улуғ пойтахт дарвозаси томон бошлади.

Эгри-бугри, ифлос күчаларнинг икки бетидаги сон-саноқсиз устахоналар — нақ бир-бировининг устига бостириб келаётгандек туюловчи пастак, қин-ғир-қийшиқ кулбалардан тараалаётган тутун иси Феагенning димоғига урилди. Дурадгорлик, кулолчилик, темирчилик, бошмоқдўзлик, кўнчилик, тўқувчилик, кандақорлик, арқон эшувчилар, мисгарлик ва ямоқчилик устахоналарининг тақ-туқ, жаранг-журунг, фижир-ғижир товушлари унинг қулоғини қоматга келтириди. Шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган қисмида қандай ҳид таралиши мумкин бўлса, бу ерда ҳам шу ҳидларнинг ҳаммаси: сасиган балиқ, ошланган тери, ачимсиқ лой, эчки жуни, эритилган мис, чириган гўнг ҳидлари анқиб туради...

Феаген зўр-базўр судралиб Агорга етиб келди ва ҳаммол, дўкондор, олибсотарлар, тутқунлар ва ширакайф саёқ қизлар орасига тушшиб қолди. Телпагини ечиб олди-да, қўлни олдига чўзиб, деярли кўзлари ҳеч нарсани кўрмай, оёқларини судраганча балиқ, пишлоқ, нон, мусаллас расталари ва қамиш бостирмалар, моллари очиқ ҳавода ёйиб қўйилган мол сотувчилар, аттор ва баққоллар олдидан ўтиб, то елкасини тош устунга уриб олмагунича олға кетаверди. Шундагина Феаген телпагига кўз ташлади — ҳеч нарса йўқ. Унинг боши галати бўлиб ғувиллаб кетди, каловланиб бир чайқалди-да, беҳол йиқилди.

Одам тирик чоғида унинг чеккан озорлари ҳеч кимга таъсир қилмайди, томоқ қирилиб кетгунча ҳамдардлик сўраб қичқирса ҳам, бари бир унинг ногаларига ҳеч ким жавоб бермайди; гарчи энди унга ҳеч нарса керак бўлмаса ҳам, ўлган киши атрофида эса негадир мудом иши ва сўзи билан холисона ёрдам беришга тайёр хайриҳоҳ одамлар уймалашиб қолади. Феагенни бирпасда одамлар ўраб олди. Кимдир чуқур хўрсиниб, бир коса вино кўтариб келди. Бошқаси юраги ачиб, ўз нонидан бир бурда синдириб берди. Шўрлик Феаген ҳали тирик эди, уни амаллаб ўзига келтиришди; мусаллас вужудини иситди, нон эса қувват берди, шундан сўнг хавф ўтиб кетганига ишонч ҳосил қилган одамлар яна бечорани ёлғиз қолдириб тарқалишди.

У Гермес ибодатхонаси ёнига келиб ўтириди-да, бошини тиззасига қўйиб, ўйга толди. Нима-қилмок

керақ? Энди нима қилишинг керақ, марафонлик? Яна бир кечада бугунгидай ўтса, ишининг тамом... Ўлим ҳақида ўларкан, этлари музлаб кетди. Йўқ, йўқ... Яшаш керақ, аммо қандай қилиб? Имкон борми?

— Эй, Феаген! — кимдир марафонликни чақирди. У чўчиб тушди. Кўп вақтдан бери унинг отини атаб чақиришмас, «дайди» деб қўя қолишар эди.

Феаген ўғирилиб қаради-ю, кўзлари аланг-жаланг бўлиб, нигоҳи бирдан хирадлашди. У Дракилни кўриб қолганди. Дракил ярим йил илгари ижаҳархўрдан қарз олган, қарзини тўлаётмай, касодга учраган. Марафондаги майдада-чўйда нарсалар билан савдо қи-лувчи дўкони Ламахнинг қўлига ўтиб кетганди. Дракил хотин-болаларини ташлаб, Феаген сингари омал излаб, қайдасан Афина деб йўлга тушганди. Ҳақи-қатан ҳам анча уддабурон бўлган Дракил бир бурда нон топишида бошқалардан усталик қилиб, очлик азо-бини Феагендан кўра камроқ тортган эди.

— Сенда ейдиган ҳеч нарса йўқми? — фамгинлик билан сўради Феагенниң ёнига ўтира туриб.

— Йўқ, — қуруққина жавоб берди Феаген.

— О, Гермес... — деди Дракил эчки терисига ях-широқ ўралиб оларкан ва жим бўлди. Улар шу ҳо-латда бир соатга яқин туришди — шошиладиган жой-лари йўқ эди-да. Феаген мудрай бошлади. Дракил ҳам ундан ибрат олди. Кимнингдир овози уйготиб юборганда кеч кирган эди. Улар кўзларини очишиди. Ибодатхона олдида бошларига қимматбаҳо телпак, устларига кенг ва қалин ёпинчиқ, оёқларига иссиқ бошмоқ кийиб олган учта соқолдор афиналик турар, изғирин уларни чўчитолмас эди.

— Шу гап тўғрилигига ишонасанми? — сўради бири.

— Ҳа, — жавоб берди иккинчиси, — Коринфда юон ва македон йўлбошчиларининг кенгаши бўлди. Баҳорда Александр Геллеспонтдан сузуб ўтади.

— Нега?

— Саволингни қара-ю! — кулимсиради учинчиси. — Юон ибодатхоналарини бузгани учун форслардан қасос олишга.

— Эҳе! Бу ишлар Қсеркс даврида бўлган эди. Уша ибодатхоналарнинг кимга кераги бор экан? Эл-ладаликларнинг ўзлари ҳам улар устига уймалашиб-япти. Эсингиздами, фокидаликлар муқаддас Дельф-ни қандай талаганлари? Ушанда ибодатхонани ҳи-

МОЯ қилиш деган гап фокидаликлар билан фессалияниклар ўртасида уруш чиқишига баҳона бўлган эди. Македониялик Филипп жанжалга аралашди-ю, унисиниям, бунисиниям думини қисиб, тинчтиб қўйди. Ҳақоратланган ибодатхона учун қасос олиш бир баҳона эканлигини мияси суюқ ахлат билан тўлдирилмаган ҳар бир одам тушунади. Македонияликлар форс подшосининг хазинасини эгаллаб олмоқчи, ма-на уруш сабаби қаерда.

— Боринг, шундай бўлсин ҳам! Бу бизнинг ҳам фойдамиз.

— Қандай фойда?

— Қандай фойда дейсанми? Фасоҳат муаллими Исократ айтадики: «У ерда бизни бой, тўкин-сочин мамлакат кутяпти. У ерда биз баҳт, кенглик, фаровонликка эришамиз; тўпланган бойлик билан уй ва жамоага бирлик ҳамда ҳамжиҳатлик қайтиб кела-ди.» Яхши гап. Наҳотки сенга форс олтини ёқмаса?

— Олтин-ку, ёқади. Аммо менга насиб қиласми-кин?

— Нега насиб қиласмин?

— Александр уни мендан камроқ яхши кўрмас.

— Эй Ҳаммага етади. Тир шаҳрида бир мақол эшигтан эдим. «Арслон тўйган жойда чиябўри ҳам оч қолмайди». Нима десангиз денг, менга Александрнинг режаси ёқади. Донишманд сўзини эсланг: «Эрон билан бўладиган баҳтли уруш корчалонларга катта имкониятлар эшигини очади. Давлат ҳаётига хавф солаётган дайдиларга иш топиб бериш билан Эллада қашшоқ одамлардан қутулади». Демак, форсларга қарши уруш бизга икки томонлама фойдали: бир томондан — ўлжа, иккинчи томондан ша-ҳарни тўлдириб юборган жулдуровоқилардан ниҳоят қутуламиз.

— Сен ҳақсан. Афинадан дайдилар қанча тез йўқолса шунча яхши. Ларих ўғли Эригий аллақачон аскар тўплаётган эмиш. Бирор ойдан кейин эркинроқ нафас оламиз щекилли.

«Олижаноб оталар» кетишиди. Дракил бошини қашиб, лабини тишлади-да, сўнgra Феагенга тортинибророқ деди:

— Эшигдингми?..

Феаген индамади. Албатта, ҳаммасини эшиитди у. Аммо, уруш! Ҳар бир виждонли дехқонга жирканч эшитилади бу сўз. Ҳамма юонлар қатори Феагенга

Ҳам наиза санчиш, палахмон отиш, қалқон билан ҳимояланиши үргатишган, лекин ўз уйингни босқинчидан ҳимоя қилиш бошқаю, қайсиdir кимса учун Эрон хазинасини ўлжа қилиш бошқа. Аммо нима қилиш керак? Нима қилиш керак? Нима қилишинг керак, Феаген?

— Ҳа, биргина умид... — алам билан шивирлади марафонлик.

Ярим соатдан кейин улар Эрон шоҳи Доро Кодоманга қарши бўладиган уруш учун ёлланма аскар тўплаётган лашкарбоши Эригий ҳовлисида туришарди.

ГАВГАМЕЛИ ЖАНГИ

*Искандар наизаси ярақлар шу чоқ,
Фарбда порлагандай қирмизи булоқ.
Доро қиличидан саҷраса учқун,
Қоялар қалбида ўт ёнар бутун.*

Низомий, «Искандарнома»

Куз фасли эди. Боғларда хурмо ҳосили пишиб етилган. Македониялик Искандар қўшини Дажла дарёсидан ўтиб, жануби шарқ томон йўл олди ва Ассурияning Гавгамели шаҳри яқинидаги тепаликни ишғол қилди.

Бир соатдан кейин қуруқ буталар билан қопланган тепаликда чодирлар шаҳарчаси тикланди. Шаҳарча устидаги ҳаво офтобда қорайган эллик минг аскарнинг бақириқ-чақириғидан ларзага кела бошлади. Одамлар мис қозонларда ёсмиқдан овқат пиширар, яхлит эчки ва қўй гўштини олов устида айлантирас эди.

Ўрта пиёданинг кичик бўлинма бошлиғи Феаген қорасоч бошини ўнғ қўли кафтига қўйиб гулхан ёнида ётар, қуруқ, мўрт хашакни ямлаб чирсиллаб ёнаётган гулхандан кўзини узмасди.

Форсларга қарши тугамас урушни шарққа, Осиёга кўчириш, осиёликлар бойлигини ғарбга, ўз юртларига жўнатиш учун Эллада эрлари бир юз олтмиш оғир кемада Геллеспонтдан ёввойилар мамлакатига келтириб қўйилганига ҳам мана уч йилдан ошиб кетибди. Александр аскарларининг Гра-

никда Доро Кодоман тұдаларидан бирини тор-мор келтириши буюк юришнинг бошланиши бўлди.

Ҳа, мана уч йилдирки Феаген бегона йўлларда чанг-тупроқ кечади, бегоналар нонини тановул қилиб, бегоналар сувини ичади. Қўприклар қуриб, лаҳм кавлайди, деворларга тирмашиб чиқиб одам ўлдиради, лекин худо шоҳид, у ҳамон қашшоқ. Марафонликнинг юрагига виждан (куриб кетсин!) шундай қаттиқ ўрнашиб олганки, жоҳилларга наза санчади-ю, чўнтағидан ҳамёнини олишга келганда темирдай қўллари бирдан дармонсизланиб, қоқшолга ўхшаб қолади. Дракил эса бунинг аксини қиласди. У қиличини қинидан жуда кам сугуради, лекин ҳар бир жангдан кейин қўйнидан халтасини чиқаради. Савдогар ҳам Феаген сингари алангага ўйчан тикилиб турибди. Эҳтимол бу Дракилга Пинар дарёсидан нарида Александр ўлжа олган олтин шуъласини эслатаётгандир. Еки бугдойранг Миср қизларининг билакларини безаб турган билагузукнинг жилоси бўлиб кўринаётгандир.

Македония пойтахти Пелладан шаҳар ноibi Антипатр ўн кунча бурун жўнатган аскарлар ҳали душман ёйидан отилган ўқларнинг визиллашини эшигтанлари йўқ. Кулолчилик устахонаси ёки сандонлардан яқиндагина ажратилган азаматлар жанг кўрган баҳодирларнинг саргузаштларини эшишига ишқибоз эдилар.

Феаген ва Дракил оғиз очмаганликлари сабаби янги аскарликка олинганлардан бири, Танагридан келган Лаэрт исмли чўтири беотияликнинг ўзи гап бошлади:

— Коҳинлар Александр ҳақида галати гапларни айтишади. У худонинг ўғли эканлиги ростми?

— Бўлмаса-чи,— жавоб берди Дракил. Феаген унга кўзини қисиб қаради ва кулимсиради. Савдогар қизарип кетди ва қошларини чимирди.— Бу қанақа тиржайиш, чақмоқурсин мени?— пишқирди у дарғазаб.— Қани айт-чи: Македония далаларида юриб кўрганимисан?

— Иўқ.

— Дракил эса у ерда уч йил яшаган. Менинг кўрганларимни сен ҳам кўрганингда лабингни бурмаган бўлардинг.

Лаэрт яқинроқ сурилиб ўтириди ва ёлворгандай

Дракилнинг ғадир-будур иягига қўлини теккизиб қўйди:

— Сўзлаб бер!

— Жоним билан. Фақат гапимни бўлманглар. Сиз билан ўттиз ёшгача Марафондан ташқарига чиқмаган аллақандай кўрсичқон эмас, Дракил гаплашяпти...— Дракил Феагендан юз ўғирди-да, гулхан ёнига тўшалган жун ёпинчиқ устига ўрнашиб ўтириб олди.— Хўп, әшитинглар. Бизнинг йўлбошчимиз, баҳти барқарор бўлгур Александр йигирма беш йил илгари Пеллада дунёга келди. Унинг онасини Олимпиада дейдилар, бадавлат ва оқсуяк оиласдан. Лекин отаси ким?

Дракил кўрсаткич бармоини юқори кўтарди. Аскарлар кўзларини катта очиб, каромат қилаётган авлиё олдида ўтиргандай унинг қўлларига тикилишиди. Феаген заҳарханда билан деди:

— Македонлар подшоси Филипп ўзини Александрнинг отаси ҳисобларди. Наҳот у янгишган бўлса? Наҳотки бизнинг донишлар дониши бўлмиш ҳукмдоримиз сенга ўхшаган бир азamatдан туғилган бўлсалар?

Савдогар икки қўллаб бошини чангллади. Янги олинган аскарлар даҳшатга тушиб қотиб қолдилар. Дракил бақириб юборди.

— О, ҳароми! Ҳозир устингга осмон ағдарилиб тушади. Ҳа. Филипп янгишган.— Дракил овозини пасайтириди.— Лекин... айтишларича, Александр Зевс яшинсоcharдан туғилган эмиш.

Дракил орқага чекинди-да, ҳаммага тантанали нигоҳ ташлаб чиқди. Ҳайратга тушган аскарлар миқ этмай туришарди. Феаген бош чайқаб, пўнғиллади:

— Негадир ишонгим келмаяпти. Бу одатдаги бузуқ хотинларнинг ҳийласи— қўшни ҳовлидаги бирон эркак билан тунашадида, кейин худоларга тўнкаб юришади.

— О, аҳмоқ!— хитоб қилди Дракил.— Сен нимани билардинг! Наҳотки Тиндарнинг рафиқаси Леда ўғли Полидевкин оққуш қиёфасида намоён бўлган Зевсдан туғмаган бўлса. Сенингча Дионис ҳам Зевс билан оддий аёл Семеладан туғилмаганми?

— Геракл-чи?— тортишувга ҳайиқиброқ аралашди беотиялик Лаэрт,— у ҳам Зевс билан оддий аёл Алжменадан туғилган-ку.

— Ҳа,— илиб кетди унинг қўллашидан руҳланган савдогар.— Финикия маликаси, Қадманинг синглиси Европани яшинсочар ҳўқиз қиёфасида на-моён бўлиб, ўғирлаб, ўзининг севиклиси қилиб олмаганими?

— Пушти паноҳимиз Зевс бобо роса хотинбоз бўлган эканларда ўзиям,— пўнғиллади Феаген.

— Аргослик Даная-чи?— давом эттириди савдогар бошлигининг шаккокона сўзларини эшитмай,— беотиялик Антиопа-чи? У сенинг жамоангдан, Лаэрт! Шундай эмасми?

— Ҳа... шундай шекилли,— иккиланиб жавоб берди беотиялик. У бу хатарли суҳбатни бошлаганига пушаймон бўла бошлаган эди.

— Шундай экан, нима учун Зевс Олимпиада билан ҳам бирга бўлиши мумкин эмас?— Феагенга ҳамла қиласди савдогар.— Сен қандай эътиroz билдирма, бари бир Александр тангрининг ўғли. Унинг қилаётган ишлари далолат-ку бунга, чақмоқ урсин агар. Болалик пайтидаёқ у ҳаддан ташқари ботир сифатида шухрат ортирган. Бир куни Филиппга Букефал лақабли от келтиришади. Шаҳар девори ёнида уни синашаётган экан. Букефал энг зўр ча-вандозларни ҳам устидан ағдариб ташлайверибди. Филипп дарғазаб бўлиб, уни олиб кетишни буоради. Александр эса шунда: «Эгарга ўтиришни эплай олмаганлари учун қандай ажойиб отни йўқотяптилар-а, кўрдингизми?»— дейди. Филипп баттарроқ дарғазаб бўлиб: «Ўз қўлингдан келмагандан кейин кексалар устидан кулма!»— дейди. «Рухсат бер, мен уни ўргатаман»,— дейди Александр. Атрофда кулги кўтарилади: ҳамма шаҳзода ҳазиллашяпти шекилли деб ўйлади. «Марҳамат!»— дейди Филипп. Александр югуриб Букефал ёнига келади-да, шарт юганидан ушлайди ва бошини қўёшга тескари томон буради — қараса, от ўз соясидан чўчиётган экан. Азamatимиз тулпорни силаб-сийпаб хотиржам қиласди, бирдан устига қақрайди — ҳаш-паш дегунча от устида ўтирибди-да. От типпа-тик бўлиб кетади, лекин Александр қилт этмайди. Шунда Букефал бирдан қўэзғалиб, ўқдай учиб кетади. Нима бўлганини биласизми? Тахт меросхўри тамом бўлди деб, энди уни тирик кўришдан умид узиб, Филипп ҳам, Олимпиада ҳам, бутун атрофдагилар ҳам йиғлашга тушибади. Нима бўлди деб ўйлайсиз, яшнн урсин мени!

Кечкүрун Александр ҳеч нарса бўлмагандай от ми-ниб қайтиб келади, Букефал эса қўйдай ювош тор-тиб қолганмиш. Қайси оддий одам боласи шундай ишга журъат қиласди? Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Александрни илоҳий кучлар асрайди.

— Бунга худоларнинг нима дахли бор? — пўнғиллади Феаген.— Айтишларича, уларнинг Македониясида от кўп. Ҳар бир македонияликнинг ҷаддаси чавандоз эканини ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Александрнинг ҳаммадан моҳирроқ бўлиб чиққанига сабаб, у илгари ҳам шўх отларни миниб юрган. Шаҳзода чавандозликни қирчанги миниб ўрганмаган-ку, ахир.

— Унинг ақли-чи? — эътиroz билдириди савдо-гар.— У Суқротдан ҳам донишмандроқ, унга номаълум сир йўқ: атроф-теваракда нима бўляпти, нима бўлган ва нима юз бериши унга кундай аён. Айтишларича, кўр Гомернинг «Илиада»сини бошдан-оёқ ёд билармиш. Қайси оддий одам боласи бунга қодир?..

— Бўлмаса-чи! Ахир, уни Арастунинг ўзи ўқитган. Агар мен ҳам шундай мураббийдан тарбия олсам, Александрдан нодонроқ бўлмасдим.

— Вақиллама! — Феагённинг сўзини бўлди савдо-гар.— Херонеа ёнидаги жанг, дўстим Лаэрт, эсингдами? У беотияликлар ерида бўлган-ку, ахир?

— Эсимда.

— Биласизми, Александр ўшанда қандай жасорат кўрсатган? Ушанда у ҳали йигирмага кирмаган эди. Биринчи бўлиб жангга кирди-да, фиваликларнинг муқаддас бўлинмасини савалай кетди. Унинг қўлларига тангрилар куч бермаган бўлса шундай қила олармиди?

— Намунча: «Илоҳий, илоҳий», деб вайсаб қолдинг? — Феагеннинг жаҳли чиқди.— Нима учун Александр маст фракияликка ўхшаб ўзини найзага урганини ёш бола ҳам тушунади. У шуҳрат истарди. Македонлар тунлари ухламай, қандай қилиб бутун Элладани босиб олишни ўйлашарди. Филипп саройида уруш ва юришлардан бошқа гап бўлмаган. Александр эса бу гапларни эшитавериб, шуҳрат ҳақида ўйлай бошлаган. Шуҳратпараст одам отасининг ғалабаларига ҳасад қилиб лабларини тишлаган, сўкинган, унга ҳеч нарса қолмаётгандай қўрққан. Мен ҳам сен ўйлаганча бефаҳм эмасман, уч йилдан бери анча-мунча нарсани кўрдим, эшитдим. Айтмоқчи, сен

афтимга тупук сачратиб бунча шовқин соласы, яшин-ку уриб сени ўлдирмас, лекин мен шубҳасиэ, кал бошингга мушт тушираман. Эсингдан чиқдими, аҳмоқ, мен бошлигингман-ку.

Дракил дарҳол жим бўлди. Феаген зарда билан гулханга қараб туфурди.

— Қароқчи сенинг Александринг, тангри ўғли эмас,— ғазаб билан қўшиб қўйди,— бизни талон-торож қилди, форсларни талаяпти. Кейинчи, кейин кимни? Бунинг устига у арақхўр, маҳмадона, мақтанчоқ, иззатталаб пасткаш.

— Ҳим,— Дракил кўзларини айёrona қисиб тиржайди. Мана сенга камгап Феаген. Бошлиғи керагидан ортиқча гапириб юбормадими, а? Ҳатто ўспиринларнинг ҳам бунга ақли етди, ўҳ-ҳў, уларнинг чиройли, аммо бефаросат кўзлари бақрайиб қолганини қаранг! Ҳамشاҳринг гапларини керакли одамга етказиш чорасини қил, Дракил. Ҳомсемизнинг руҳи кўтарилиди. Ўзининг қўли устунлигини ҳис қилиб, сурбетларча хоҳолаб кулди.

— Иўқ, сен ноҳақсан, дўстим Феаген,— Дракил катта бошини кўтариб, ирғиб ўрнидан турди.— Мени яшин урсин, ҳақ бўлсанг агар! Менга қара! Гранидаги жангда бизнинг ўттиз минг пиёда ва беш минг отлиқ аскаримиз бор эди. Шундайми? Форсларнинг эса қарийб йигирма минг ёлланма юон аскарлари, тахминан тағин шунча отлиқ ва пиёда камончилари бор эди. Бундан ташқари, улар баландда, жарлик ёқасида турарди, бизга эса ботқоқдан ва дарёдан кечиб ҳужум қилишга тўғри келган эди. Шундайми? Шундай бўлса ҳам Александр душманни боплаб қирди. Боплаб урди. Айт-чи: осмон кучлари унга мададкор бўлмаган бўлса, ким ғала-бага мушарраф қилди. исса остонасида эса бир юз ўттиз минг форс устимизга ёпирилиб келди, лекин Александр буларнинг ҳам кулини кўкка совурди. Агар худолар қўлламаган бўлса, ким зафарга етказди? Ўшанда: «Худоларнинг ўзи биз учун ҳаммадан кўра яхшироқ жанг қилмоқда», деб бекор гапирмаган эди у. Мен бу икки оёқли маҳлуқларни боплаб қийратмай қолган бирорта жангимизни эслай олмайман. Буларнинг ҳаммаси — осмондан. Ниҳоят, Миср. Уша юришимиз эсингдами: Ливия чўлларида сувсизликдан қетишимизга оз қол-

ган эди. Коҳинлар Александрни Мисрнинг бош тангриси Аммон ўғли эканлигини тан олмадиларми?

— Бари бекорчи гап,— гап қўшди Феаген,— форслар жасур ҳалқ, лекин уларнинг қуроллари ҳеч нарсага ярамайди. Уларга жанг қонун-қоидаларини ўргатишмайди, ҳар ким ўзи билганча жанг қиласди. Шунинг учун битта македониялик учта форсга бас кела олади. Форсиянинг ўзи ҳам жуда дармонсизланиб қолган. Сатраплар орасида ўзаро қирғин урушлари ёки ғалаён чиқмаган кун йўқмиш эшишимча, у ерда ҳар хил қабилалар кўп, форслар уларни талагани-талаган, шундоқ бўлгач, улар болта кўтармай қўядими. Солиқлардан ҳалқ қашшоқланниб кетган. Ўз подшоси мамлакатни ҳақорат ва шармандалика дучор қилган бўлса. Айтадиларки, ҳалиги, ўша подшоларни бесоқол ҳарам ҳодимлари ўз ҳоҳишлари билан таҳтга чиқарар, тағин маликалар ёки уларнинг ўйнашлари ифвоси билан ўзлари ўлдирап эмиш. Богоаз деган ҳарам ҳодими уч подшони ўзи таҳтга чиқариб, ўзи ўлдирганлиги билан шуҳрат қозонган. Тўртимчисига ҳам етиб борар экан-у, лекин Қодомон ўз вақтида унинг калласини олиб ташлаган. Форсия — касал одамдай нарса. Касалда куч нима қилсин? Тушундингми? Хўш, энди Аммон коҳинларига келсак, агар сенинг ҳам томоғингдан бўғиб олсаму шафқат қилмасдан бор кучим билан қиссан, мени фақатгина худонинг ўғли, укаси, амакиси, буваси, набираси, қайнараси, қайниси, қайнатаси ёки куёви дебгина қолмасдан, ҳатто дунёда мавжуд бўлган ҳамма худоларнинг отаси ҳам деб тан оласан. Тушунарлимни? Хўп бўлди,— Феаген ҳорғин қўй силтади,— ўлган илоннинг бошини қўзғама, деб тўғри айтганлар. Яна: истаганимизча эмас, эплаганимизча яшаймиз, деганлар. Овқат тайёрми?

Маҳмадоналик чегарадан чиқиб кетганлигини марафонликнинг ўзи ҳам билди. Уч йилдан бери кўриб, эшишиб, тушунса ҳам қаҳрини ютиб (ахир у ҳам қачонлардир Александрнинг тангри ўғли эканлигига ишонган эди-да!), жим юрганди, охири бўлмади, бутун аламини Дракил бетига тўкиб солди. Манави Лаэрт, чўтири аҳмоқ ҳам бемаъни саволи билан унинг қўлтиғига сув пуркади, ер ютсин сени.

— Аммо, Феаген...— Дракил яна гап бошлаган

эди, Феаген баҳсни тұхтатиш учун ғазаб билан ўшқырди:

— Овозингни ўчир, түнка! Минғир-минғир гапплингдан қулоқларим оғриб кетди.

Дракиіл мадад истаб Лаәрт ва унинг ўртоқларига жавдирағи. Лекин улар күзларини ердан олмадилар. Камбагалларнинг болалари қалбан Феаген томонда әдилар. Бироқ унинг фикрлари жудаям хатарли. Унинг гапини маъқуллашини күрсатишига ким жүръят қиласы? Дракиілге ҳам ёрдам бергилари келмайды. Ще хатты-харакатлари билан у очкүз судхүрни эслатарди. Фақат чүтири Лаәртгина савдогарнинг нигоҳига маъқуллагандай кулиб жавоб берди, лекин оғзидан сут ҳиди кетмаган бир боланинг ниша ёрдами тега қоларди?

Дракиіл безовгаланиб қора пахмоқ жун билан қопланған چаккасини қашиди ва Феагеннинг маслаҳати билан бўғиқ овозини «ўчириб», жим бўлди...

Шу пайт қайдадир ўнг томонда, подшо чодири тарафда бўлса керак, бурғунинг жарангдор ва чўзиқ навоси янгради.

— Кўрикка ҳозирланинг!

Гулханлар атрофида эринчиқлик билан чўзилиб ётган аскарлар бир йўла ҳаракатга келишди: улар шошилиб ёринчиқларини қоқар, қилич осиб юрадиган қайишларини тўғрилашар, қуролларининг ҷангини артишарди. Кейин дикқат билан таҳлаиган ёринчиқлари устига ўтиридилар, лекин энди ҳар хил бекорчи гаплар эшитилмас эди. Ҳамманинг юзида, айниқса кичик бошлиқлар чеҳрасида жиддийлик ва бадиқкатлик, кўзларида хавотир бор эди.

— Кўрикка ҳозирланинг!

Чодирлар орасидан Македония қўшинининг олий мартабали бошлиқлари тўдалашиб ўтиб боришарди. Подшо гоҳ-гоҳ гулханлар олдида тўхтаб, аскарларга дикқат билан — мастрлар, беморлар, руҳи тушганлар йўқми, жанг олдидан ҳамма соч-соқолини тозалаб олганми (қўл жангидан соқолидан тутқизмаслик учун) деб назар ташлар, айниқса сопқончилар тўрвалари ва камончилар садоқларини инжиқлик билан титкилар, кўздан ўтказарди — қўрғошин зўлдир ва темир ўқлар етарлим; қалқонлари маҳкамми, камалак иплари янгиланганми, совутлар яроқими; уларнинг овқатларидан татиб кўрар, савол берар, ношукур жангчилардан индамай ўгири-

либ кетар (энди улар кунини кўради!), бошқалардан яхшироқ кўринган аскарларга хиёлгина бош иргаб қўярди. Баъзиларни ҳатто исмини атаб, қўл узатарди, шунда қўпол эркакларнинг жангларда илиқ сўзни қўмсаб қолган қалблари мумдай эриб кетарди.

Ниҳоят у Феаген бўлинмаси олдидан ўта бошлади. Уч йиллик уруш мобайнида марафонлик биринчи марта Александрни шунчалик яқиндан кўриши эди. Ахир, подшо битта, ўрта пиёданинг кичик бўлинма бошлиқлари эса сон мингта. Тангрি Аммон ўғли ҳар ким билан юзма-юз учрашиши шарт, деб ким айта олади? Подшонинг қиёфаси Феагенни ҳайратга солди. Македониялик ўрта бўй, озғин, ҳатто нимжон эди. Жингалак,mallла соч толалар очиқ, икки томони қабариқ қайсар пешонасига тушиб турарди. Чапга сал қийшайган бўйни, қизил юзлари, кўк кўзларидаги нозли ифода, улар остидаги майда ажинлар, лабларидаги инжиқлик белгиси ва думдумалоқ хотинча ияги Феагенга ҳусни хаizon бўлаётган лакратидалик гўзал хотинини эслатди. Бу ҳар нарсага қодир баҳодир эмас, минг-минглаб оддий одамлардан бири эди.

Ҳоким ортидан кулранг хитон устидан сидирға совут таққан, бошларига тожли ёки попукли жез дубулға кийган шахсий соқчилар ва лашкарбошилар өргашиб борарди. Ҳаммасининг ёнида сербар қилич осилиб турарди. Жундор оёқлари болдирига кавушлари тизимчаси чирмаб ташланган. Тирсаккача ялан-ғоч муштакдор қўлларида юмaloқ оғир қалқон.

Подшо ва мулозимлар гумбазсимон сарғиш тепалик устида тўхтاشди; улар қаршисида теп-текис далалярнинг у ер-бу ерида бамисоли бетга тушган сийрак доғдай тўп-тўп сарвлар ўсган қўнғир водий ястаниб ётарди. Дехқонлар ғаллани аллақачон, ёзнинг ўрталаридаёқ ўриб олишган эди. Олисада, деярли Юқори Заб яқинидаги душман гулханидан таралиб, мудроқ тўлғаниб, кўкка ўрлаётган тутун орасидан қалашиб ётган ясси томлару тўрт бурчак миноралар кўриниб турарди. Берироқда, оппоқ уч бурчак чодирлар орасида минг-минг одам уймалашарди. Булар Эрон шоҳи Доро Қодомон жангчилари эди.

— Сафланишяпти,— деди Александрга озғироқ малла чол хириллаб. У ўзини мағрур тутар, ҳар бир

ҳаракати билан қадр-қимматини таъкидлаб турарди.— Фурсатни ўтказмай, ҳозироқ зарба берайлик.

Александр унинг гапини эшиштаётгандай эди. У индамай жануби-шарққа, форслар турган томонга Қараб, нималарнидир ўйларди.

— Хўш?— деди чол сабрсизлик билан.

Шоҳ бош чайқади.

— Йўқ, Парменион.

Чол қовоғини уйди.

— Бўлмаса қачон?

— Қачон?— Александр чиройли бурнининг учини қашиди.— Тонгда. Майли, одамлар дам олсин.

— Ахир, улар тўрт кундан бери бекор-ку!— қизишиб кетди Парменион,— яна қанча дам олишлари керак?

— Майли, яна бир кечани бекор ўтказа қолишсин,— эриниб жавоб берди шоҳ.— Ҳордиқ одамларга ҳамиша фойдали.

— Лекин форслар эрталабгача сафланиб улгуради-ку!— Парменион баттар қизишиди.

— Зарари йўқ...

Александр эснади; у Парменионни бутун донишмандлиги билан бир пақирга ҳам олмаслигини кўрсатиб қўйишни истагандай эди.

— Зарари йўқ?— чол оппоқ қошларини чимирди.— Сен яхши кўрадиган Қсенофонтнинг сўзларини эсга олиш жоиз эмасмикин? «Душманга ҳужум қилишнинг шундай пайтини топки, рақиб сафлари тартибга келтирилмаган, сенинг эса аскарларинг жаигга тайёр, у қуролсиз, сен эса қуролланган, сен уни кўрасану у сени кўрмайдиган, у ноқулай жойда, сен эса қулай жойни эгаллаган бўл». Ёки сен кексалар маслаҳатини унудингми?

— Йўқ,— лоқайд жавоб берди Александр.

— Бўлмаса нимани кутяпсан? Душман ҳали сафлангани йўқ. Улар тартибсиз ҳолда, бизниг отлиқларимиз эса жангга тайёр. Биз душманни кўриб турибмиз, ўзимиз эса манави тепаликлар қатори ортида кўздан панамиз. Форслар пастда, биз юқорида. Нега ҳужум қилмаслигимиз керак?

Александр жаҳл билан афтини бужмайтирди.

— Кўр бўлиб қолганинг йўқми, бобой? Тун яқин.

Парменион довдираб қолди (ў, Тифон илони ютсин сени!), аммо тезда ўзини қўлга олди:

— Хўш, нима бўлибди? Тун бўлса бўлар. Бошқа

иложи йўқ. Агар биз форсларга ҳужум қилмасак, улар бизга ҳужум қиласди.

Шоҳ бошини ўғирди, Парменион унинг қаҳри кўзларида нафрат ифодасини кўрди.

— Ҳужум қилмайди,— деди шоҳ тундлик билан.

— Нима учун?

— Нима учун?— қичқирди Александр. Юзларига бирдан қон тошиб келди ва пивопазнинг афтидай қип-қизил бўлиб кетди.— Чунки улар биздан қўрқади! Биз қўрқув солиб уларни ҳолдан толдирамиз. Енгил отлиқлар бўлинмасига бўйруқ бер, тун бўйи машъал ёқиб, водий бўйлаб айланаб юрсин. Палахмончилар эса кам-кам тошиб туришсин. Унисини ҳам, бунисини ҳам тез-тез алмаштириб тур, одамлар ухлаб олсин. Соқчилар мудрамасин — бошини оламан! Лашкаргоҳга сичқон ҳам кирмасин. Айғоқчи-ми, жосусми, тентираб юрган осиёлик учраган жойидаёт ўлдирилсин. Гапимга тушундингми?

— Нима кераги бор бу ишларнинг?— кекса лашкарбоши шоҳга тикилди. Ҳайрон бўлган Александр Парменионга ҳўмрайди.

— В танғрим! Форслар тун бўйи бехосдан бўладиган ҳужумни кутиб, кечаси билан сафда тик туриб чиқсин.

У бурилди ва тепалик ёнбағридан пастга, қароргоҳга қараб тез йўл олди. Гетайралар —«подшо ўртоқлари»— ҳукмдор орқасидан зўрга етиб юришарди. Парменионнинг ўғли, пахмоқ, айиққа ўхшаган баҳодир Филота отаси ёнида қолди. Чол ўйларди: «Форслар тун бўйи бехосдан бўладиган ҳужумни кутиб, кечаси билан сафда тик туриб чиқсин». Афина-Паллада! Унинг, Парменион — шоҳ Филиппнинг дўсти, машҳур жангчининг наҳот шу фикрга аввалроқ ақли етмади? Ҳа, форслар Александрдан қўрқади, биринчи бўлиб ҳужум қила олмайди, тағин шундай зим-зиё тунда. Бехосдан бериладиган зарбани қайтариш учун тонг отгунча сафда типпа-тик туришади, уйқусизликдан толиқиб, сохта ваҳимадан қўшта қўшилган ҳўқиқадай тинкаси қурийди, эрталаб чарчоқдан оёқлари чалишиб кетаётган бир пайтда тетик, яхши дам олган Александр аскарлари тепаликда форслар устига босиб тушади-ю, барини яксон қилиб, водий тупроғига қориштиради... Қандай жўн-у, қандай улуғвор режал

Бундай воқеа биринчи марта бўлаётгани йўқ.

Масалан, Граникда чол Александрдан жангни кейинга қолдиришни сүраб қаттиқ ёлворди. Душман тепаликни эгаллаган, македонияликлар эса ботқоқ олдидаги пастликда турарди. Парменион ботқоққа ботиб қолишдан құрқарди. Лекин подшо унга қулоқ солмади. «Наҳотки,— деди Филипп ўғли,— Геллеспонтдан шундай осон ўтсаму шу ғариб дарёча олд�다 тұхтаб қосам?» У олға ташланди ва душманни тор-мор келтирди.

Финикияликларнинг форслар құлидаги Тир шаҳри таслим бўлгандан кейин Доро Филипп ўғлига дўстлик, Евфрат дарёсидан ғарбдаги, Эгей деңгизигача бўлган бутун мулкини, Исса яқинида македонларга асир тушган оиласини қутқариш учун эса ўн минг талант¹ ва ўз қизларидан бирини хотинликка олишини таклиф қилди. «Мен Александр бўлганимда,— деган эди ўшанда Парменион,— шу шартларнинг ҳаммасини қабул қиласдим.» Ҳа,— жавоб берган эди лаънати ўспирин,— Парменион бўлганимда форс подшоси таклиф қилган нарсаларга мен ҳам рози бўлардим. Лекин мен Александр бўлганим учун Доро қўйган шартлар қаноатлантира олмайди. Бутун давлатни босиб олишга кучим етгандан кейин ярим давлатни олиб нима қиласман? Менга унинг пули нима керак, шундоқ ҳам ўзимда ошиб-тошиб ётган бўлса. Доронинг битта қизини оламаним ёки бир йўла иккаласиними, ундан сўрамай уйланаверман, ахир улар меннинг қўлимда-ку».

«Ҳа, Александр ақлли, жасур ва зийрак,— қайғуриб ўйлади кекса лашкарбоши.— У қартайган эшак Пармениондан минг карра ақлли». Аммо бундай хулоса сочлари оқарган кекса македонии мутлақо қаноатлантиrmади, аксинча унинг ҳасадгўй кўнглини хира қилиб, қаршилиқ тўлқинларини уйғотди.

— Муҳтарам ҳукмдоримиз, ер ютсин уни, жуда ҳаддидан ошиб кетди,— деди чол ўғлига, улар ёнбағирдан тушиб, қароргоҳ томон юрганларida. Филота индамай бош иргади.— Бу ютуқлар учун сен билан мендан миннатдор бўлиш ўрнига,— давом эттириди сўзини Парменион,— ҳовлиқиб, бошини йўқотиб қўйди. У ҳақиқатан ҳам ўзини тангри Аммон ўғли деб тасаввур қилияпти шекилли.

¹ Та ла нт — қадимги Эллада ва Қадимги Шарқда әнбийирин пул ўлчови, 1500 олтин сўмга тўғри келади.

Филота унга бош иргаб қўйди. У отасини жуда севар, шунинг учун доим унинг фикрига қўшиларди:

— Унинг илоҳий шохларини синдириш вақти келмадимикин?— шивирлади Парменион ва гулхан ёнида ётган одамларга кўз қирини ташлади.

— Қўрамиз...— деди Филота хириллаб,— жангчилар орасида норозилар кўп. Юришлардан қамма чарчаган. Аполлон гувоҳ, ҳали унинг охири кўринмайди. Тунда чодирга кирилса-да, бир-икки зарби иш тамом.— Филота семиз, жундор бармоқларини ёэзи-ю, ўша ондаёқ, ҳайбатли мушт қилиб тугди ва кесиб олинган каллани сочидан ушлаб силкитаётгандай юқори кўтарди.

Подшо чодир олдида Александрнинг бош шахсий қоровулларини: озғин, чайир Фердикка билан қоракўз, келишган Птолемайос Лагни кўрдилар. Фердикка ота ва ўғилга очиқдан-очиқ адоват билан назар ташлади, хушчақчақ Птолемайос Лаг эса тишининг оқини кўрсатиб шўхчан жилмайганча, қилич дастасида метон балиқчи қизлари рақси куйини чертарди.

Кечқурун, қисқа ҳарбий кенгашдан кейин чодирда Александр ёлғиз қолди. У юмшоқ гиламга чўзилди, бу гиламни Гордия аҳолиси — жанговар арава шотисидаги қадимий Фригия подшоси туккан тугунини кўрсатган ўша гордиялликлар совға қилишган эди. «Ким шу тугунини ечса,— дейилади ривоятда,— бутун Осиёга ҳоким бўлади». Филипп ўғли узоқ ўйлаб ўтиrmай уни қилич билан кесиб ташлади. Бу воқеа ҳақидаги хотира подшони хурсанд қилди. Ҳа, қилич ғофиллар мамлакатининг қалити! Александр серпай қўлларининг бақувват кафтларига бошини қўйдиди, жилмайди.

Оғир қадам босиб камгап Фердикка пайдо бўлди. Подшонинг бошқа жирканч сафдошлари орасида шугина берара зиёди. Фердикка ҳамишагидай дағал хитонга ўраниб, белига мис балдоғу зеб-зийнатлар қадалмаган, анча эски камар боғлаб, атайлаб қилгандай оёғига оҳори тўкилган кўримсиз бошмоқ кийиб юради. Унинг кўриниши бефаҳм ва қўполга ўхшарди, аммо биринчи шахсий қўриқчисининг қанчалик ақлли ва зийраклигини фақат Александр биларди. Хусусан ақли ва беғаразлиги учун подшо Фердикка-

га ўзига ишонгандай ишонарди. Бунақаси хиёнат қилмайды. Фердикка фақат ўзлари учун аҳамиятли бўлган арзимас майлу иштиёклар учун бир-бирларини таъқиб қиласиган майда одамчаларга нафрат билан қарайди. У фақат Александрни севади, чунки ёш подшо дунёда бекор яшамаяпти, унга ёрдам берса арзийди деб ҳисоблади.

Кун ботгандан кейин қўзғалган шамол чодир попукларини юлқилар ва матони елкан сингари шиширап эди.

— Ўрта пиёдадан юонон келибди,— деб пўнгиллади Фердикка.— Ёнингга кирмоқчи.

— Нега?

Фердикка мўйловини ялаб турди-да, кейин жирканганнамо деди:

— Хуфия маълумот.

— Ў?— Александр тирсагига суюпди-да, гулдор шарқ қўриаси билан ялангоч кўксии ёпди.— Чақир!

Дракил қўринди. Унинг юм-юмалоқ, айёрлик балқиб турган семиз юзлари ялтираб турарди. У олдинга уч қадам қўйди-да, ҳеч бир юонон ёки македон қилмайдиган ишни қилди — подшо олдида тиз чўкди. Бу Филипп зурёдига жуда ёқарди. У илтифот билди Дракилга бош иргади.

— Сўзла!

— Ўрта пиёданинг қирқ тўртнчи кичик юонон бўлинмаси бошлиғи Феаген ёш жангчилар орасида сенинг наслу насибинг тўғрисида миш-миш тарқатиб юрибди. У айтадики, сенинг отанг Филипп эмасмиш, гўёски сен аллақандай (айтишга тилим бормайди...) ёллацма фракияликдан туғилган эмишсан... Сени у (огизга олиш ҳам даҳшат!) тангри Аммон ўғли эмас, йўлтусар ўғри деб атади. Бундан ташқари яна кўп номаъқул гапларни гапирди.

Дракил жим бўлди ва тепакал бошини қуйи эгди. Гирди қора соч билан қопланган бошининг тақир жойи тозаланган мис қозоннинг тубига ўхшарди.

— Эшитдингми, Фердикка?— сўради подшо шахсий қўриқчисидан.

— Ҳа,— қисқа жавоб берди Фердикка.

— Уша Феагенин меннинг олдимга судраб кел. Сен бўлса, отинг нимайди... Дракилми? Ўзим чақирмагуича манаин парда орқасида бекиниб тур.

Савдоғар итоаткорона яшириди. Александрнинг афтидаги ифода ўзгармади, у бепарво жилмаярди.

Умр бўйи уни фитиачилар қуршаб келарди, ҳеч ким хиёнат қиласи деб ўйламаган, аммо зиёфат маҳали кутилмаганди Филиппни ўлдирган аслзода йигит — Йавсинийни эслади. Бирмунча вақт ўтгандан кейин лашкарбоши Аттал жангчиларни унга қарши кўтаришига сал қолди. Ҳатто Александр Кичик Осиёни забт этиб, Сурия остонасигача етиб бориб, Элладада тинчлик ўрнатгандай кўринса ҳам, исёнкор Афиша Дорога элчилар юборди.

«Итдан туққанлар,— беғараз сўкинди Александр ичида. Нафратланишга муносиб одамлар унинг газабини келтирмас эди.— Улар нима истайди? Нима учун ўзларини бекорга қурбон қилишади? Мени ҳатто чақишига ожизлик қилиб, оёғим остида сувилондай жилланглашади. Товоним остида эзилиб, худди сувилондай ўлиб кетишади. Наҳотки улар менинг тангри Аммон ўғлини тўхтатиш, йўлдан қайтариш мумкин деб ўйлашса?— Македон ҳайрон бўлиб елкасини қисди.— Қурт-қумурсқалар уюми. Уларни қирдим, қираман ҳам...»

Ўзиға, ўз иқтидорига ва ҳеч қандай зарба ҳалок қила олмаслигига шунчалик ишонардики, ҳатто Дракилнинг хуфия хабари беш ёшли боланинг дағдағаси Гераклнинг қандай қулгисини қистатган бўлса унга шундай қулгили туюлди. Фердикка ранги бўздай оқариб кетган Феагенни чодирга олиб кирганда подшо ҳамони бояги ҳолатида, тирсагини гиламга тираганча ётарди.

— Александрга салом!— деди Феаген бўғиқ товуш билан. Дубулғасини қўлга олиб, амри фармон кутгандай ҳукмдорга қараб турди.

— Феагенга салом,— жавоб берди Александр бепарво,— эшитишимча, менинг ҳақимда ёмон гаплар айтибсан. Тўғрими?

Феаген бир қадам орқага чекинди. Ҳаммасн аён, Дракил уни сотибди. Бош тортиш муносиб эмас.

— Тўғри,— тан олди Феаген; икки қошининг ўртаси тиришиб бирлашиб кетди.

— Нега бундай қилдинг?

— Ўзинг-чи?— Феаген энди бўлар иш бўлганини билар эди.— Бу қилмишларни нега қилдинг?

— У-ў!— Александр қаддини кўтариб, ўтириб олди ва Феагенга тикилиб қолди.— Наҳотки сени бирор нарса билан раңжитган бўлсам?

— Раңжитдинг.

— Нима билан?

Феаген құл ҳаракати билан ўзининг дубулғаси ва сипарига ишора қилди.

— Жангла сенга қийинми? — қуруққина сўради Александр.

— Қийин.

— Бошқалар шикоят қилмаяпти-ю. Осиёга кўйлаксиз келишган эди, энди ҳаммасининг тўрвасида олтин жиринглаб турибди.

— Меникода жиринглаётгани йўқ.

— Нима учун?

— Ўғирлаш қўлидан келмайди.

— Ўғирлаш қўлингдан келмайдими? — Александр-нинг қошлиари саф олдидан ўтгандагидек кескинроқ қийшайди. — Нега ундан?

— Менинг ўзимни Ламах амаким шилиб, қоқлаган. Қанча овора бўлиб юрганман. Мен кимни қоқласам, у ҳам азобга қолади. Яхши эмас.

— Ҳа-а! — Подшо қаҳри келаётганини сөздирмаслик учун лабини қимтиди. — Лекин бу ер Осиё-ку! Еввойиларни қоқлаш гуноҳ эмас.

— Бари бир улар ҳам одам.

— Кўриб турибманки, бориб турган тентак экансан! — пўнғиллади Александр жаҳл билан. — Ҷазира Шарқ оғтоби миянгга ёмон таъсир қилганга ўхшайди. Бунинг устига совут сенга оғирлик қилаётгана ўхшайди. Ечишга рухсат бераман. Енгил пиёдага ўтганинг яхши. Эртага ҳаммадан олдинда юриб, жангни бошлаб берасан. Далаларнинг салқин шамоли миянгни тозалайди, подшоҳинг тўғрисида бўлар-бўлмас гап тўқишини бас қиласан. Гапимни тушундингми?

— Ҳа, — деди қовоғи уюқ Феаген. Александр уни ўлим жазосига ҳукм қилган эди. Писдалар олдиди борадиган ва урушни бошлаб берадиган одам камдан-кам тирик қолади. Лаънати маҳмадона! Қим мажбур қилди гапир деб? Бугун шу беъмани гапларни гапирмаганингда ҳозир подшо қаршисида турмаган бўлардинг. Сичқон ерни кавлай-кавлай мушук олдидан чиқсан экан. Македоннинг олдиди паст келсамикин, ёлвориб шафқат сўрасамикин? Йўқ, Феаген Афина давлатининг озод туғилган граждани, унга ўз ҳалқи фурурини ерга уриш муносиб эмас. Марафонлик рўй берган воқеадан қанча афсуслашмасин,

эсини йўқотиб, гангид қолмади. Қовоги солиқ бўлса ҳам, кўринишидан хотиржам, буёги нима бўлишини кута бошлади.

Александр Фердиккага ўғирилиб, бир неча оғиз чўзик, ғалати сўз айтди. Жаранглари ва сўз қурилишига қараганда у юнон тилида гапирайтгандай туяларди. Лекин македон тили фессаллар, эпирлар, фракияликлар тили билан аралашиб кетган, шунинг учун Феаген ҳеч нарса тушунмади. Александр ватанида уч йил яшаган Дракил эса, аксинча, ҳамма гапни тушунди.

— Мана, афиналиклар қанақа халқ! — деди Филипп ўғли. — Буларни Зевспинг ўзи ҳам ўзгартолмайди. Бу абллаҳни Балакр камончиларига қўшиб қўй. Эрталабки жашгда бирор ёввойи уни ўқ-еъ билан тинчтар балки.

— Ундаи бўлмаса-чи?

— Унда, бахти борлиги бу юнонни, — Александр эснади, — ўлмай қолса — майли, яшайверсин. Мени ўндан қўрқиб кетди деб ўйламаяисанми ишқилиб? Фитнажига ўхшамайди. У шунчаки бир нодон.

Фердикка марафонликни ёқасидан тутди-да, чодирдан итқитиб юборди. Александр эса Дракилни чақирди. Савдогар яна гиламга чўкка тушди.

— Сен яхши иш қилдинг. — Александр бармогидаги олтин узукни чиқарди-да, кучукка суяк ташлагандай Дракилнинг олдига ташлади. — Аскарларнинг гапларига қулоқ солиб юр, кейин уларни келиб менига айтасан. Сени Феаген ўрнига бўлинма бошлиги қилиб тайинлайман. Эпди жўна, уйқум келяпти.

Гавгамели томондан эшакнинг юракларни зириллатиб юборадиган кучли ҳанграши эшилди. Шамол тўхтади. Тонг ёришди. Александр уйғонди ва Парменонни чақириб келишни буюрди.

— Форслар қалай?

— Тун бўйи сафда туриб чиқишиди, — деди Парменон ҳасад билан. — Ҳозир ҳам шундай туришибди.

— Яхши, — Александр сапчиб турди, суяклари қисирлаб керишибди ва занг урди. Шахсий қўриқчилар ювениш учун олтин жомда сув келтиришибди.

Саҳардан бери водий узра ёйилиб турган туман кўтарилиб келаётган қуёш нурида аста-аста эриб

кетди. Доро лашкарига македонлар күзи тушди. Гавгамели билан тангри Аммон ўғли мустаҳкам эгаллаб олгаң қатор теналиклар ораси осмоннинг ярми ни қоплаб олгаң қора булат сингари қуролли одамлар билан тұлиб кетган әди.

Доро ўз қуролли күчларини икки қатор қилиб сағға тизган әди: биринчи қатор — пиёдалар, иккінчиши ёрдамчи бўлинмалар әди. Биринчи сафнинг иккала қанотига отлиқ аскарлар жойлаштирилган. Бутун сафлардан олдинда турган филларнинг хартумлари илондай буралар, икки ғилдиракли жанговар араваларниң тиглари ялтираб турарди. Подшо ва унинг мулоғимлари жанговар сафлар ўртасидан жой эгаллаганди.

Бу ерга кўпгинча Осиё қабилаларидан аскарлар тўпланган әди. Чап қанотда бақтрийлар, даҳ ва араҳот чавандозлари кўзга ташланарди. Ёнма-ён отлиқ ва пиёда форс, элам ва кадусийлар турарди. Ўнг қанотда Жанубий Сурия, Фаластиин ва Месопотамия отлиқлари, лидиялик, парфияликлар, шак, тапур, албанд, ҳинд, форсларга хизмат қилувчи ёлланмаюнон ва мард ўқцилари ёйилиб турарди. Саф ўртасини бобилликлар, ситакеплар, укселар ҳамда Қизил денгиз соҳилларида келган аскарлар тўлдирган әди. Бундан ташқари, Доро чап қанот олдига минглаб скиф чавандозлариниң чиқариб қўйғанди. Арманицон ва Каппадокия отлиқлари эса ўнг қанот олдида әди.

Узун йўл-йўл чакмон, кейг-мўл тўн ва хитонлар, калта камзул ва оқ яктаклар, кулранг, қизил, зангори рўйпўш ва ёпинчиqlар, тўр этак ва зирҳли кийимлар, совут ва синарлар, салла ва мўйна телпаклар, учли кигиз қалпоқ ва мис дубулғалар — бари бир бўлиб шундай рангба-ранг, шундай ёрқин гиламга ўхшардики, унга қараганда кўз қамашиб кетарди.

Ўн минглаб пайзалариниң ярқирашига қараб бўлмас әди. Қиличлар жаранглар, тўқима қалқонлар бўғиқ сас берар, қамчилар қарсиллар, отлар қаттиқ киппинарди.

Александр ўйлагандай душман аскарлари тунги бедорликдан чарчаган ва энди сафин бузиб чўпқайиб ўтиришар, тупроқда чўзилиб ётишар ёки от ва аравага суюшиб ухлашар әди. Бир пазар ташлашда бу галаларнинг ҳаммасини қамраб олиш қийин әди, осиёликларниң ҳарбий күчларин икки ёнга шу қадар

чүзилиб кетгандыки, чап ва ўшгдан күтарилаётган чанг-түзон орасида охирини күриб бўлмасди.

Тепаликларда бургулар чалиниди. Македонияликлар қароргоҳи ҳаракатга келди. Александр кўзга ташланди. У машҳур Букефалнинг бўри терилари тўшалган биқинларини оёқлари билан қисиб, найзасини силкитарди. Бўри териси ҳидини сезган от олга юлқинарди. Подшонинг бошида шохли дубулға. Кўкрак ва елкасини Медуза Горгона сурати солишган яхлит сипар чирмаб олган эди. Сипардан белигача, шунингдек, олди ва орқасини мис тахтачалар шокиласи ўраб турар эдн. Қизил хитонининг этаги тиззасига ҳам тушмасди. Қўли тирсагигача очиқ, елкаси оша калта, аммо кенг ёнинчиқ ҳилпираб турарди. Эллик минг оғиздан бир йўла:

— Александрга шарафлар!!!— хитоби янгради.

Бу шовқин форсларга ҳам эшитилди ва бирдаш уларни оёққа турғизди. Александр қизишиб кетган отиши жиловидан тортиб, қисқа-қисқа буйруқлар берарди. Уларни тез ва чаққон бажаришар, чўпки нима қилиш кераклигини бошлиқлар кеча билиб олишган эди.

Александр ҳар қатори бир минг йигирма тўрт кишидан қилиб ўн олти қаторга тизилган ўн олти минг уч юз саксон тўрт оғир қуролли гоплит-жангчилар фалангаси (жипс мушт)ни лашкарнинг ўртасига жойлаштирганди. Пиёда аскарлар фалангаси жанг майдони бўйлаб (энiga) икки минг қадам масофани эгаллаган. Олдинда бир киши, саф ичкарисига қараб тизилган ўн олти киши — лоҳ, кичик бўлинмани ташкил этади. Энiga ҳам, ичкарисига ҳам ўн олти кишидан (икки юз эллик олти киши) иборат бўлинма синтагмани ташкил этади. Ўн олти синтагмадан кичик фаланга, тўртта кичик фалангадан эса битта бош фаланга вужудга келади. Гоплитлар қўлларига узунлиги ўн икки тирсак келадиган найза — сарисса ва тўрт бурчак катта-катта қалқон кўтариб олишган эди. Бошларида кунгурасимон дубулға, ёнларида қилич осиғлиқ.

Лашкарнинг ўнг қанотини совут кийган, сарисса найзаси ва фракияча эгри махайра қиличи билан қуролланган гетайра — чавандозлар эгаллаган эди. Уларнинг юмалоқ бронза дубулғаларидағи от думи елкаларига осилиб турарди. Бу ерда саккизта гетайра, ёки ҳар бир илда олтмиш тўрт нафардан

жангчи бор эди. Уларга Парменионнинг ўғли Филота қўмондонлик қиласади.

Фаланга билаш гетайралар бўлинмаси оралигини ўрта пиёда қалқондорлари эгаллаган эди. Улар зиммасига жангда оғир отлиқлар ғалабасини таъминлаш юкланган эди. Сараланган гипаспистлар деб аталувчи бу жангчиларнинг қалқонларига кумуш қопланган эди. Қалқондорларни Парменионнинг иккинчи ўғли Никанор бошқарарди.

Чап қанотга эса Парменионнинг ўзи бошчилик қиласади. Бу ердан, гоплитлар фалангаси ёнидан Кратер бўлинмаси, Ларих ўғли Эригийнинг юони шеёдалари, ундан кейин Менелай ўғли Филипп бошчилигидаги фессал ва юонлардан тузилган ўрта отлиқ қўшилма жой олганди. Чап қанотнинг энг четида ўрнашган кекса Парменион атрофини Форсал шаҳри жангчилари — энг моҳир фессал чавандозлари қуршаб олган эдилар.

Бутун ҳарбий тартибнинг олди ва ёнларини агриян қабиласидан бўлган, найза билан қуролланган фракцияликлар, пэонлар, Балакра ўқчилари (булар орасида Феаген ҳам бор), оёқ яланг камончи ва сопқончилар ҳамда енгил отлиқ бўлинмалари ўраб туришарди. Александр ўрта пиёда аскарларидан саккиз минг икки юз нафарини лашкарнинг орқасига жойлаштириди, мабодо форслар қўшинни қуршаб олишга уринадиган бўлса, улар душман ҳамласини қайтариши керак.

Шундай қилиб, агар осиёликлар ҳаммадан ҳам қўшин ўртасини мустаҳкамлаган бўлсалар, македонлар асосий зарба кучини — оғир отлиқ гетайраларни — ўнг қанотга жойлаштирилар. Агар форс қўшинлари қанотини кенг ёйиб турган бургутга ўхшаса, македон қўшинлари тифи ўнг ва олга қаратиб қўйилган ойболтани эслатарди. Отлиқ мушт билан ўнг томондан зарба бериш македонларнинг энг севимли жанговар усули эди, чунки душманнинг яхши мустаҳкамланмаган чап қанотига селдай ёпирилиб келишар ва бирдан унинг сафларини пароканда қилиб юборишарди.

«Эҳ, кекса донишманд! Кекса донишманд! — ўйларди Александр, болалигида ўзи қанча-қанча ташвиш орттрган мураббийси Арастуни хотирлаб, — ўйлайсанки, келажак одамлари мени Арастунинг ожиз шогирди деб атайдилар, Арасту абадий Александр-

дан юқори туради. Йўқ, файласуф, йўқ! Менга сенинг сиёсат, мантиқ, этика, поэтика, иотиқлик, физика, табиатшунослигинг нима учун керак? Сен художўй одамларининг майда шаҳарлари тарафдоримисан? Сен буюк давлатлар, катта ва сершовқин шаҳарларга қаршимисан, савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликка қаршимисан? Аксинча, мен, Александр буларга қарши эмасман! Сен мени ўқитдинг, хўш, ўқитган бўлсанг нима қилибди? Мен ҳаммасини аксинча қиласан, токи келажак одамлари мени афиалик олимнинг занжирбанд ити деб ҳисобламасинлар...»

Александр қўл силтади. Сибизға-бурғи янграй кетди. Қўшиллар тепаликни тарқ этиб, чап қанот томондан ёшлиб, осиёликлар сари йўл олдилар. Александр ўз шахсий қўриқчилари билан ўнг қанотда, гетайралар яқинидаги турарди. Ун минглаб кўтариб-босилаётган ёёқ остидан шунчалик чанг-тўзон кўтариладикни, осмон ҳам ер сингари саргайиб кетди. Нафас олиш қийин эди.

Фира-ширада текисликда ҳорғин силжиётган душман қўшинларини зийраклик билан қузатаетган Александр тасодифан Эрон қўшинлари кўламидан унинг қўшинларни кўлами қисқароқ эканлигини сезиб қолди. У бирдан тушундикни, бу ҳолат македонлар одати бўйича душманнинг чап қанотига кескин зарба беришига тўскунлик қилади. Бундан ташқари, душман македонларини чапдан ҳам, ўнг қанотдан ҳам осонгина қуршаб олиши мумкин.

— Филота,— қичқирди подшо сал наридан ўтиб бораётган Парменон ўғлини,— ўнгга ол, ўнгга! Птолемайос, Парменонга айт, бизнинг ортимиздан поғона-погона бўлиб ҳаракат қилсан.

Парменон ўғли отликларини ўнгга бурди. Форслар рақиб томон сафларинда бўлаётган ўзариншларни кўрди. Доро Кодомон ҳал қилувчи зарба учун қулай пайт келди деб ўйлади чорги. Жанговар араваларни бошқариб турған жангчилар отларини қичаб қолди. Ҳаммаёғига қийшиқ ханжар ўрнатилган иккى юз ўлим араваси олға учиб кетди. Улар ортидан вазмий ва гумбур-гумбур қадам ташлаб филлар югуриб борарди.

Юзлари қорайиб, озиб-тўзиб кетган Феаген бутун македон қўшинлари олдида турар, палахмонини шайлаганча кутарди. Унинг орқасидаги Балакра ўқчилари олдинга энгашганча қотиб қолишди. Феаген

Хозир ҳамма нарсаи ушутган эди: марафонлик душманни күрган захоти Дракил, чақув, Александр — ҳаммаси бирдаі қалласидан чиқиб кетди. Унинг яшагиси келарди. Улишни истамасанг, ўлдиришинг көрек. Форслар аравалардан камон ўқлари ёмгирини ёғдиришарди. Юнонлар бронза ёй ўқларидан омон қолиш учун баравар ерга ётиб олишди. Биринчи арава түғри Феаген устига учиб келарди. У от ва одамларининг иржайган тишиларинин аниқ кўра бошлагани эди. Ҳозир!... Феаген прегиб турди, палахмонини айлантириди да, қўроғин зўлдир билан аравакашнинг машглайига солди. Аравакаш арава ўринидига ўтириб қоларкан, беихтиёр жиловини тортиб юборган эди, отлар бошқа томонга — келаётган йўлига кўндаланг томонга югуриб кетди. Форслар чоштагап отлар ҳаракатини тўғрилашга интилишарди, лекин пэонлар камон ўқи билан уларни тинчтишарди. Иккинчи арава биринчисига урилиб кетди, бошқалари эса бир жойга тўпланиб қолди.

Балакра ўқилари, агрии, пэонлар араваларга ҳамма томондан ёпирildилар. Аравалар шотисига, ўқига, отлар эгар-жабдуғига ўрнатилган темир ўроқлар яримяланғоч ўқчиларнинг қўл ва оёқларини узиб кетар, вужудларини пора-пора қиласр эди. Уларнинг эгик тифидан қирмизи қон томчилари оқиб турарди. Ола-була хитон кийиб, чарм қалқон таққан серсоқол аравакашлар ғазаб ва қўркувдан чинқирадилар. Ҷақон фракияликлар аравага чиқиб олар, аравакашларни калтаклар ва уларни эроиликлар томон буриб қолардилар. Барин бир осиёликларнинг элликтада жанговар араваси енгил пиёдаларнинг қалин сафларини ёриб ўтишга мусассар бўлди. Улар юони фалангаларига ҳамла қилдилар. Кеча келишиб олингандай аскарлар чекиниб, йўл берди. Аравалар бўир пиёдалар биринчи қаторининг орқасига ўтиб кетди, лекин бу ерда турган қалқондорларнинг эҳтиёт қисми уларга ҳужум қилиб, тор-мор келтирди.

Филлар ҳужуми ҳам муваффақиятсиз чиқди. Улан баҳайбат жониворлар енгил пиёда орасига кириб қолганда фракиялик ва элладаликлар қакроқ тепаликда кўкарган қамиш кучли шамол пайтида мавж уриб, тўлқинлаингани сингари шовқин солиб ҳайқира бошладилар. Филлар оёғи остига мих қоқилгап-тахталарни ирғитдилар. Қамончилар уларнинг кўзларига отар, устидаги тахтиравонда ўтири-

ган ҳайдовчиларни ўлдирап эдилар. Иисонлар ва филлар олишуви, худолар билан титанлар¹ ўртасида ги афсонавий жангларни эслатарди. Баъзи бирорлар айёрлик қилиб ўрмонлар ўғлонининг серажин ёнбоншига тортилган қайишларни кесиб юборар, устидаги камончи тахтиравон билан бирга олишаётганлар бошига гумбурлаб агдарилиб тушарди. Ниҳоят филлар ўлган ва ярадор бўлган филбоналарни меҳр билан кўтариб олишди да, бурилиб орқага югуриб кетишиди. Шунда форслар тўс-тўполондан фойдаланиб, биринчи сафдаги бутун қўшинларини олға ташладилар.

Унг қанотда скифлар билан македонларнинг енгил отлиқлари ўртасида шиддатли жанг бошланиб кетди. Скифлар, дахлар, бақтрий ва арахотлар тез ва эпчиллик билан ёй отар, македонларни отдан уриб туширас, лекин шундан кейин ханжар билан ҳимояланниб, орқага чекинардилар. Чап қанот билан форс қўшинлари маркази орасида бўшлиқ ҳосил бўлди. Александр шуни кутиб турган эди.

— Филота, бўёққа кел! — даҳшатли овоз билан қичқирди у. Яшин чақнагандай, идроки ёришиб кетди. Шу қисқагина муддат ичида, даҳо шуъласи ярқ этиб ўтгунча, Александр бутун жанг майдонини, катта ва кичик бўлинмалар ҳаракатини фикран кўришга улгурди, деярли ҳар бир форс ва юон аскари кўзига назар солди. Ҳаяжондан унинг бошидан оёғигача титраб кетди. Қўпикланган тўлқинлар узра парғоз қилаётган ёш лочиндай, ўзининг буюқ, енгилмас кучига бўлган чексиз ишонч бутун вужудини қамраб олди. У этиб келган Филотанинг елкасидан ушладида, бир силтаб ханжарни қипидан суғиргандай қисқа ва жарангдор товуш билан қичқирди.

— Пона!..

Гетайралар тезлик билан қайта сафланди. Пона сингари уч бурчак бошида Александрнинг ўзи турарди. Жанглар суронини кескин бургулар садоси босиб кетди. Минглаб қалқонлар қасирғаси янгради, македонлар душман кўнглига таҳлика солиш учун найзалиарни қалқонларига уришган эди. Минглаб оғизлардан бор овозлари билан пэонларнинг Арес Эниалий шарафига тантанали қўшиқлари жаранглади. Минг-

¹ Қадимги грек афсоналарида худолар билан курашган баҳайбат баҳодирлар.

лаб одамлар қалбини бирдамлик түйгүси қамраб олди. Минглаб қўзлардан ҳайрат ёшлари отилиб чиқди.

Александр сарисса дастасини жон-жаҳди билан чангаглаганча энгашди, гўё ҳамма нарсани зарҳал дубулғасининг эгри шохи билан супуриб ташламоққа қасд қилгандай бошини олдинга эгиб, эронийлар сафид ҳосил бўлган бўшлиқ сари ташланди. Унинг ортидан гетайралар булутдай ёпирилиб эргашди. Чап қанотда форсларга македонларнинг оғир отлиқлари туаш саф билан зарба берарди. Эллик минг юон-македонлар билан турли қабиладан чиққан юз минг осиёлик жангга, қонли жангга — Эрон подшолиги тақдирини ҳал қиласдан сўнгги жангга кирдилар.

Унгдан бошида Александр турга «пона»га қарши бақтряликлар, дахлар ва арахотлар ҳужумга ташландилар. Чапдан Эрон шоҳининг «ўлмас» шахсий қўриқчилари, мидияликлар, ҳиндлар, мард камончилари, Дорога хизмат қилувчи юон-карийлар селдай бостириб келдилар. Олдиндан македон «пона»сига ситакенлар, укслар ва Қизил денгиз соҳилларидан келгани аскарлар қарши қўйилган эди. Буларнинг ҳаммаси қаҳрамон халқ, лекин тун бўйи ухламаганидан буғунги жангда одатдагидай ғайрат-шижоат кўрсатолмади.

Александр ёвуқдаги форсга ташланди ва сариссанинг ўткир учи билан унинг юзига урди. Қизил қонига бўялган осиёлик қутуриб сакраётган отлар туёғи остига қулади. Йўл-йўл кийимли бўйдор форс шеригининг кўзи олдинга ташланаётган македон подшосининг кўзи билан тўқнашди. Эроний юоннинг дубулғасига кўз ташлади. Александр дубулғасининг икки ёнида иккита катта-катта, эгри, мертиқ шоҳ — мисрликлар қўй қиёфасида тасвирлаган қуёш худоси Аммонга қариндошлиқ белгиси бор эди. Форс бирдан бўзарди ва орқага ташланди. Урушаётганлар сафлари узра:

— Зулқарнайн! — деган фарёд шовиллаб ўтди.

— У шу ерда! — фурурланиб қичқирди Филипп ўғли. Осиёликлар унга Искандар Зулқарнайн — Иккни шохли Искандар деб лақаб қўйғанларини эшигтан эди.

— Искандар Зулқарнайн! — қичқиради осиёликлар. Қўрқоқлар от бошини буриб, қочиб қолишибди. Жасур йигитлар ё ўлиш, ёки уч ярим йилдан бери дунёни безовта қилиб уруш олиб бораётган лаънати

юноннинг қонига бўяш учун Александр устига ташланишарди.

Бақтрияликлар гетайраларга камондан ўқ қадардилар, лекин Александр олға борарди. Гирканлар македонларни жун арқон ташлаб, отдан тортиб тушришарди, лекин Александр олға борарди. Даҳлар йўл-йўлакай ўзларини македон отлари оёғи остига ташлар, эпчиллик билан туёқлар орасида айланниб, душманга ёнбошдан ойболта солар эди, лекин Александр олға борарди. Ҳиндлар бехато болта отиб, дубулга ва бош суюкларини мажақлар, лекин Александр олға борарди, унинг ортидан эса йўлдаги ҳамма нарсани супуриб, ювиб кетувчи улуғ тош кўчкиннадай гетайралар сели оқиб келарди. Бронзага чирмалиб, узун сарисса найзаларини анча олдинга чиқариб бораётган отлиқ гетайраларни на камон ўқи, на арқон, на болта, на ханжар — ҳеч парса тўхтатиб қолишга қодир эмас эди. Македонлар найзаларини тўпна-тўғри юзга санчар, душман чавандозларини туртиб-суртиб эпчиллик билан ўзларига йўл очардилар. «Пона» осиёликларнинг тартибсиз сафларини бузиб, форс қўшинларининг марказига қараб, Доро Қодомонини нишонга олиб қатънат билан олға борар эди.

— Дарейос¹,— қичқирди Александр найзасини силкитиб,— Дарейос! Яккама-якка курашга чиқ, қўрқоқ чиябўри! Исса остонасида қочиб қутулган эдинг, буғун қочиб бўпсан!

Филипп ўғли бу сўзларни форсча гапирди (уч ийлда ўрганиб олганди), енгилмас македон овозини эшишган Дорога кенг осмон тақсимчадай кичкина бўлиб туюлди. Исса остонасида бўлганидай ҳаммадан бурун отиннинг бошини бурди-да, жанг майдонини ташлаб қочиб қолди. У шунчалик шошилдики, йўлда дубулгаси, камони, шоҳона чакмонини тушириб қолдириди.

Доронинг қочаётганини кўриб, чап қапот аскарлари ҳам қиличларини ташлаб, отларининг бошини буриб қолишиди. Чавандоз ва пиёдалар тўдасн чўл ёнгинидан жон сақлаб қочгани пода сингари тапиртупур ва шовқин-сурон билан водий бўйлаб югурга бошлиди. Македонлар уларни қувиб борар, қочқипларни найза билан ағдарар, махайра билац поралар эди.

¹ Дарейос — Дориёвуш отиннинг юнонча берилиши.

Парменион чопари Гавгамели ёшгинаснда подшони қувиб етди. Шошилиб шундай хабар берди: македон қўшипларининг чап қанотида аҳвол чатоқ — ҳинд ва форс отлиқ бўлинмалари сафни ёриб кириб, озиқ-овқат, қурол-аслача, ярадорлар ва хотин-халажларни олиб юрадиган карвонга етиб қолибди. У ерда шиддатли жаиг бораётган эмиш.

— Ҳаҳ, кекса эшак! — сўкинди Александр.— Қани сенинг мақтаниб юрган теран доинишмандлигинг, ўтирик кўзининг, аниқ зарбаниг?!

У фижиниб Дорони таъқиб этишини тўхтатди ва жаигда қизишиб кетган гетайраларга бош бўлиб осиёликларининг ўнг қанотига ҳужум қилди. Ҳиндалар, парфияликлар ва шу ерда жанг қилаётган форсларининг асосий қисмлари македонлар ибратига эргашиб, тифиз қаторлар билан рўпарадан ҳамлага ўтиб, Александр устига ташландилар. Агар улар одатда гоҳ у, гоҳ бу томонга от қўйиб, наиза отган бўлсалар, йўлларида нимаики учраса ҳаммасини эзиб-яничишга ҳаракат қилган бўлсалар, энди Доро учун эмас ўзларини қутқазиши учун жанг қилаётган эдилар. Олтмиш гетайра шу ерниг ўзидаётқ чопиб ташланди. Ёриб кирган осиёликлар ўлганлар ва ярадор бўлганларининг жасади билан тўлган водийни ташлаб, Арбел томонда кўздан ғойиб бўлдилар. Парменион шундан кейингина йиқилган ва шалағи чиққан чодирлараро фил ва түялар мунигли ўкириб юрган форслар қароргоҳини босиб олди.

Александр Парменионни койиб, яна Дорони таъқиб этмоқса отилди ва ўйлда кимки учраса барини ўлдириб, қоронги тушмасдан Арбелга етиб олиш учун қушдай елди. Лика дарёсидан ўтгандан кейин тўхтади ва чодир тиклашини буюрди — одамлар ва отлар ҳам дам олишга муҳтоҷ эди. Душман ойболтаси кесиб юборган мис совути ва ёввойилар қони сачраган хитонини ёчиб ташлади-да, чўмилиб олди. Ҳаяжондан кўзлари йилтирас, юзлари ва пешонаси ловиллар эди.

— Клитарх! — бақирди у, кўкрагини тоза мато билан артаркан.— Эй, Клитарх!

Озгин ва маъюс юзларини ажин қоплаган, қармоқсимон буруни сарой тарихчиси Клитарх пайдо бўлди:

— Қани қоғозинг? Ёз; «Гавгамелида юз минг осиёлик ҳалок бўлди. Форс қўшиплари энди йўқ. Да-

рейос Кодомон ҳукмронлигига чек қўйилди...» Ёздингми?

Македон яна қурол-яроғига ёпнишди.

Клитарх сўзи:

«Гавгамели остонасидағи жангдан сўнг, келгуси кун тонгида бизнинг жануби-шарққа қараб тўрт юз йигирма стадий йўл босиб қўйганимиз маълум бўлди. Қўшинимиз Арбелга етиб келди. Ҳамиша жаңг олдидан бўлганидек подшомиз, баҳти барқарор бўлсин, ўзи ғаним томонни кузатгани чиқди. Нимани билгиси келган бўлса ҳаммасини билиб, қўшинларни мунособ дараражада сафга тизди ва ички бўлинмаларга бўлиб чиқди. Иккинчи чизиқ жанговар тартибга барқарорлик, мустаҳкамлик берди ва кутилмаган өарбаларни қайтарнишда қалқон бўлиб хизмат қилди. Тангри Аммон ўғли йўлидаги бошқа ўнлаб шаҳарлар сингари қисқа муддатли қаршиликдан кейин шаҳар таслим бўлди.

Бобил сари йўл очилди. Ўз ватанимда жуда кўплаб таърифини эшигтганим, бу афсонавий шаҳар иккни юз йилча муқаддам лесбослик шоир Алкейнинг акаси ёлланиб хизмат қилган улуф пойтахт битта ҳам ўқ узилмай таслим бўлди. Қачонлардир гўзал Сафони жавобсиз муҳаббат билан севган ўша эди. Үнга, ўз қардэшига Алкей қўйндагича мазмунда шеър бағишилаган:

Олис ўлкалардан уйингга олтин-ла бежалган фил
сүяқ дастали қилич олиб келдинг. Демак, сен бобилликларга қаҳрамонона, элладаликларга хос жасорат билан хизмат қилгансан. Сен яккама-якка курашда қаттиқ олишдинг ва бўйи беш тирсакча келадиган шоҳнинг шахсий қўриқчинини ярадор қилдинг».

Агар элладаликлар бир замон бобилликларга хизмат қилган бўлса, энди бобилликлар элладаликларга хизмат қиласди. Худолар карами шунаقا.

Бу ерда Александр тантанали равишида «Бобил ва тўрт минтақа подшоси» унвонини қабул қилди, бизни яна нари — жануби-шарққа бошлиди, кетма-кет форсларнинг икки пойтахти — Сузга ва Персеполисни забт этди. Биз лаънати Эрон шоҳларининг уясигача етиб борганимиз сабабли Персеполисни қирғин ва ёнгина топширди, сарой ва ибодатхоналарни вайрон қилди, коҳинларни қириб ташлади ва зардуштийларнинг қадимий китобларини ёқди. Аскарлар кўп ўлжа олдилар.

Биз Персеполисда түрт ой дам олдик. Бу ерда маълум бўлдики, Гавгамели остонасидағи жангдан кейин Дарейос Кодомон мадай халқининг бош шаҳри Экбатанга қочган. Пелладан йигилган ва бўйсундирнилган маҳаллий вилоятлар аҳолисидан тўплланган бўлинмалар ҳисобига қўшининн тўлдирган Александр баҳорда Экбатанга қараб йўлга тушди.

Отлиқ аскарлар ўн беш кунда қарийб олти минг стадий йўл босиб ўтди ва шиддатли ҳужум билан шаҳарни эгаллади. Кодомоннинг сўнгги ҳазиналари ҳам Александр қўлига ўтди. Дарейос шарққа, Гирканга¹ қочди. Ҳозир биз уни таъқиб этяпмиз. Қўшинлар уч қисмга бўлиниб, мамлакатга уч йўлдан кириб боряпти. Мен ҳозир илгор бўлинмадаман. Қеча биз Гиркан Дарвозаси деб аталган дарадан ўтдик. Олдимизда Кодомон бекиниб олган Рага шаҳри.

Энди ҳам у биздан қочиб кўрсинчи!..»

ДОРО ҚОДОМОННИНГ ҰЛИМИ

*Единегдами қандай ҳалок бўлди Доро,
Бўлиб току шуҳрат баҳтидан жудо?
Дўстлар қиличи қасд қилгач жонига,
Үлди у бўялиб асил қонига.*

Жомий, «Искандарнома»

Вараҳран толиққан елкасидан гилам хуржунни олди-да, ерга қўйди, тўғрироғи, тушириб юборди ва шу заҳоти ўзи ҳам маисалар устига қулади. Гёё эрта тонгдан қоронги кечга қадар оғир тош кўтариб юргандай чарчоқдан оёқ ва қўллари зирқираб оғрирди. Очликдан боши айланарди. Сувсизликдан тили йирик қум сепилгандай ғадир-будур бўлиб қолган эди. Қочоқ бирлас нафас ростлади-да, кўл тубида ялтираб турган каттакон кўлмак томон эмаклади.

Кўлмак атрофидаги ер қуриб, ёрилиб кетган, палахса-палахса бўлиб тош қотган ясси парчаларниң юқорига қайрилган четлари кафтни тирнарди. Вараҳ-

¹ Гиркан — Каспий денгизидан жануби-шарқ томондаги мамлакат. Қадимда денгиз ҳам шу ном билан аталарди. Эроннинг ўша ерида ҳозир ҳам Гургани — Журжон номли дарё ва шаҳар мавжуд.

ран сув устига эгилди-ю бирдан орқага ташланди — ўз аксидан шунчалик қўрқиб кетди. Наҳотки шу ориқ, соқоли ӯсиб, юзлари офтобда қорайиб унниқиб кетган, ифлос, жулдуурвоқи одам ўзи, Варахран бўлса? Ҳатто Рагада, ер билан яксон бўлгур, лаънати Рагада ҳам анча тузук кўринарди.

Рагани эсларкан, йўловчининг ранги бўзарди, тўғрироғи, юзлари бир парча сарғайиб кетган пишлоқдан ўйиб ясалгандай зайдарон бўлиб кетди. Бошини кўтариб, атрофга назар солди.

Варахранинг чап томонида, шимол ёқда бир-бирiga суюниб қизғимтири, бесамар тоғ тизмалари қаторлашиб туради. Узоқлашган сари улар тизмаси баландлашар, чўқилари эса тик кўтарилиб борарди. Юқоридан пастга илон изи бўлиб тушиб, текисликка чиқадиган жарликлар оғзида (қотиб қолга тўлқинлар сингари) қум тепалар ётарди. Ўнг томонда поёғсиз сахро чўзилиб кетган. Баҳор тугаб бормоқда эди. Қум тепалар устидаги лолалар аллақачон очилиб, қуриб битган. Яқиндагина қалин ӯсиб, яшиаб турган майсалаларни бирдан занг босганга ўхшарди. Яна бир ойдан кейин баҳорнинг ранг-баранг бўёғидан асар ҳам қолмайди, фақат қалин шохлаб кетган зэҳарли какра, эшакмия ва тутатовонларнинг япроқларигина рангини сақлаб, кўм-кўк бўлиб туради.

Тоғлар ва қуммилклар сукунатини на чўпон-чўликлар ҳайқириғи, на итлар ҳуриши, на бургут саси бузарди. Ўзига ҳеч ким дахл қилмаслигига ишонч ҳосили қилган қочоқ қорайиб, чатнаб кетган лабларини илиқ сувга теккизди. У сувни узоқ ва чанқоқлик билан симириди, фақат қорни шишиб, кўнгли айшай бошлагандан кейичгина кўлмакдан бошини кўтарди. Варахран зўр-базўр ўрнидан турди, хуржуни ёнига судралиб борди-да, оғир хўрсиниб, суви қочган бир парча нонни жағларини аста-аста қимирлатиб ея бошлади. Сўнгра хуржунини олиб, ёмғир ювиб кетган дарага кириб ётди-ю, шу заҳоти қаттиқ уйқуга кетди.

Варахран уч соатдан кейин чўчиб уйгонди. уни қандайдир ғалати товуш уйғотиб юборган эди. Варахран ғужанак бўлиб ўз хилватгўшасида қотиб қолди. Товуш кучаяр, кучайган сари қочоқ ғорнинг қуруқ, тупроқ деворига қаттиқроқ қисиларди. Аммо аста-секин қўрқув ҳайрат билан алмашинди.

Ҳаётсиз тепаликлар ортида, бефайз кўринниши ту-

файли ҳатто йиртқич ҳайвонлар ҳам яқын келмайди-
ган томонда кимдир құвноқ қүшиқни хиргойи қилар-
ди. Қүшиқ унча оғир әмасди:

*Күзага тегди ҳижрон,
У уч бўлинди шу он.
Майли, ямайниэ ҳозир.
Азар бошинг кетса, бас,
Уни тузатиб бўлмас.
Бунга кўйинсанг арзир...*

— Уёқда ўз қора кўнглини бўшатаётган Саҳро
руҳи әмасмикин? — ғўлдиради қочоқ гезарган лабла-
ри билан.

Мавҳумот уни қўрқувдан кўра баттарроқ толиқ-
тирди; қўйлар тўдасига писиб яқинлашган бўридай
эҳтиёткорлик билан гордан чиқдида, баҳор сели гор
деворидан ўпириб оқизиб тушган соз тупроқ қояга
ёпишди ва аста мўралади.

Ёвшан ва шўра билан қопланган тепалик ортидан
бир гала отлиқ чиқиб келди. Нотаниш йўловчилар-
нинг кўриниши ғалати эди. Уларнинг юzlари чўзи-
либ, қорайиб кетган. Бошларидаги салла, намат тел-
пак ва мис дубулғалари чанг-тупроқдан сарғайиб
кетганди. Қилич чопган ва найза илма-тешик қилиб
юборган олтин ҳалли совутларининг йиртиқ-ёриқла-
ридан каштали кийим парчалари чиқиб, осилиб ту-
рарди. Майишган қалқонларида лой қотиб қолган.
Зангори ёқут билан безатилган араваларнинг ёнбо-
шида ёриқлар кўринарди. Гулдор гилам ва юмшоқ
жун ёпиқ парчалари остидан ҳорғин отларнинг тур-
тиб чиқкан қовурғалари кўзга ташланарди.

Йўловчилар от-уловлардан тушдилар. Бир қа-
рашда уларнинг сони юз ҷоғлига ўхшарди. Ярми юма-
лоқ телпак, қисиб боғланган хитон ва узуни тор иш-
тон кийиб олишганди. Вараҳраннинг юраги қувонч
билан ура бошлади, сугдлар шунаقا кийинар эди.

Отлар чанқоқлик билан сувга итилди, лекин
уларни қамчи билан уриб, ҳайдашди. Одатда бирин-
чи бўлиб отлар сугориларди.. Аввал ўзлари сувга
тўйган одамлар жониворларини сугориб, олдинги оё-
ғига қайиш тушов солишида, ўтлашга қўйиб юбо-
ришди. Кейин қуриб ётган бултурги янтоқдан ўриб,
беш жойда катта гулхан ёқдилар. Бу ишларнинг
ҳаммасини улар бир оғиз ҳам гаплашмай бажарди-
лар. Фақат, биттаси, унча баланд овозда бўлмаса

ҳам, ҳамон ўша ҳижрон теккан ва синиб кетган хурма ҳақидаги қўшиқни хиргойи қиласди.

Бу озғиндан келган, салгина буқчайга проқ, ўрта бўйли кишининг кийими ғалати қилиқларига муносаб эди. Ҳофизнинг бошига қоплон терисидан қилинган юмшоқ телпак ёпишиб турарди. Бу олий табақага мансублик нишонаси эди. Этаги ҳиллираб, товонига-ча тушиб турган ёпинчи ҳам олачипор қоплон терисидан тикилганди. Ҳофиз ўзининг ғайриоддий кийимлари билан кўл бўйидаги одамлар орасида яқол ажралиб турарди. «Эҳтимол мадайдир,— ўйлади Вараҳран.— Лекин, нима учун ёпинчиғи бунақанги кападай каттакон?» У Рага шаҳрида учратгани тоғлиқ оқсоқоллар биттагина йўлбарс терисини ёпиниб юришарди-ку. Қочоқ «олачипор одам»нинг юзини яхшироқ кўришга интилар, аммо бунга муваффақ бўлолмасди, чунки ҳофиз атайлаб қилгандай доим унга орқа ўғириб турарди.

— Жим бўласанми, йўқми?— кимпингдир ғазабли овозини эшилди Вараҳран.— Нега бунча бақирасан?

Вараҳран жанговар аравалардан бирида соchlари елкасига тушган, заъфарон юzlари салқиган, кўзлари шилпик, узун бурунли ва қалин жингалак соқолли кишини кўрди. Кийимига қараганда форс эди у. Қаттиқроқ қимирлагаш эди, киshan жиринглагани эшитилди.

— Бақираётганим йўқ,— унинг гапини тузатди қувноқ ҳофиз.— Мен куйлаяпман. Мен қўшиқ айтилман, чунки хурсандман.

— Нимага бунча хурсанд бўласан, зоти паст, йиғлаш керак.

— Истасанг ўзинг йиғла. Мен нимага йиғлай? Мен шунинг учун хурсандманки, ҳамма бало-оғатлардан қутулдим, тез орада ватанимни кўраман.

— Ватанинг билан бирга қўшмозор бўл,— жаҳл билан пўнғиллади жанговар аравада ўтирган киши. У яна кишанин шиқирлатиб ўрнидан турди.— Ҳей, менга тушишга ёрдам беринглар!

Ҳеч ким жойидан қимирламади. Шунда қандайдир узуғ форс кийимидағи киши атрофдагиларга қўрқув аралаш кўз ташлади-да, ёнламасига юриб аравага яқинлашди ва заъфарон юзли одамга қўлинин чўзди. Асир кишанларини жаранглатиб ерга сакради ва инграб тиззасини ушлаб қолди.

— Ахраман жазоларингни берсин, ахлат қуртинг болалари!

Бу гапни эшитиб, форсча чолвор кийган йўловчилардан бири ханжарига ёпишди ва асирга ҳамла қилиб:

— Оғзингни юм, чиябўри, бўлмаса ифлос тилингни кесиб ташлайман! — деди.

Қўрқиб кетган асири қўлларини олдига чўэди ва ортга тисарилди. Ҳофиз ҳамла қилаётган кишининг қўлидан тутди.

— Узингни бос, Бесс!

— Насиҳатингни қўй, — Бесс уни кескин четга сурди. — Нима учун у ўзини эмас, бизни қарғайди? Менинг шу аҳволга тушиб қолганим унинг айби эмасми? Ўтган йили куздан бери ёввойи ҳайвондай сўнгиз ўйларда дайдиб юришимизга у айбор эмасми? Яна менга худолардан жазоям сўрайдими? Сенга уч ўлим ҳам кам, ожиз сиртлон!

У яна ханжар ўқталди, лекин яна ҳофиз уни қайтарди.

— Гапларинг тўғри, Бесс, — деди у мулоийим, — шубҳасиз, уни қатл қилсанг арзиди. Аммо... бундай одамларни ҳакамлар ҳукмига солмай қатл этмоқ яхши эмас. Бунинг тақдирини фақат Оқсоқоллар Кенгаши ҳал қиласин.

Бесс бароқ қошларини чимприб, асири томонга тупурди ва норози пўнфиллаб, ханжарини қинига солиб қўйди.

— Сен ёмон одам бўлсанг ҳам, бари бир одамсан, — асирига мурожаат қилди ҳофиз, — гулхан ёнига бориб ўтира-да, вужудингга ҳордиқ бер. Овқат қайнайти, ҳозир сихда гўшт ҳам нишиб қолади. Пича тамадди қиласизу яна йўлга тушамиз.

Асири оқсоқланиб, гулхан ёнига зўрга етди: форсча кийишган одам эҳтиёт қилиб унинг қўлтиғидан суюб келди.

— О, меҳрибон Охурамазда! — пола қилди асири тиканли гиёҳ устига ёнбошлай туриб. — Нима гуноҳ қилиб қаҳринги келтирдим, эй ёруғлик худоси? Ёки сепинг қўлингда дармон қолмадими? Бутун мавжудот устидан ҳукмронлигини ёвуз аканг Ахраман қўлга олдими?

У тишларини ғижирлатиб, ўз чаккасига муштлар, аммо юнатиш учун ҳеч ким оғиз очмасди.

Ҳофиз ёнига ўтирди. Варахран шундагина уни

яхшилаб кўриб олди. Қочоқнинг қичқириб юборишига сал қолди, бу одамни қаердадир кўрган эди.

Шамол эсиб унинг узун соchlарини гоҳ бир томонга учириб, гоҳ ақлли пешонаси ёки қорайган бостиқ чеккасига туширади. Баъзан гулхан тутуни тўрри «олачипор» одамга урар, шунда унинг ғалати нурланиб турган қорамтири юзига чуқурроқ ўrnашган бир оз қисиқроқ кўзлари устидаги унча қалин бўлмаган қайрилма майнин қош чизифи яна ҳам қўйироқ тушар, сарғимтири мўйлов остидаги қизларнидек позиқ лаблари чўччаяр, ўртаси эгилган ингичка ва кичкина бурнининг учи оғзига яқинлашар, бақувват ияги эса анча олдинга чиқиб кетар эди...

Вараҳран бу одамни қаерда учратган эди? Рагада эмасмикин? Йўқ. Қаерда, ахир? Қочқин эслай олмади.

— Бўзла,— пичинг билан руҳлантирди ҳофиз заъфарон юэли асирии.— Ҳўнгра! Имкони борида кўзёши қил. Мен эса кўз ёшинг булоғи қуримаслиги учун Аҳмоний авлодидан бўлган подшолар ҳақидағи ривоятни айтиб бераман..

Ҳақиқий достончиларга тақлид қилгандай жўрттага важоҳатли ҳолатга кирди ва дутор ўрнига эгри таёкни қўлига олди.

— Бошладим,— дея хўроздай қичқириб, ингичка бармоқлари билан йўқ торларни черта бошлади.— Осмондан ой боқади, дарёдан сув оқади. Қозон овқат пишириш учун қурилади, қулоқ эшитиш учун берилади. Шуйтиб, эшитнглар!

Бу хушчақчақ муқаддима Бессга ёқди ва хохолаб кулди. Унинг қиrrабурун, шамол ялаган қуруқ юзи зўр бериб кулишдан қизариб кетди. Бесснинг ёнида ўтирган оддий кийимли рангпар эроний кулимсиради. Аскарлар яқинроқ сурилиб ўтириши. Ҳатто асир ҳам ўз бошига муштлаш ва йиглашдан тўхтади.

— Узоқ жануб томонда, иссиқ денгиз бўйида, кўм-кўк тоғлар бағрида форс халқи яшаб, ҳаёт кечиракан,— давом эттириди ҳикоятини қоплон теридан ёпинчиқ ёпинган киши,— худолар билан баҳлашмайтортишмай, кенг яйловларда оту қўйларини боқиб, Аҳмонийлар қўли остида кун кечириб яшаркан улар, болаларим, ажойиб халқ экан. Қайковус отли Аҳмоний уларнинг биринчи подшолари бўлган экан.

Хоғиз бармоқлары билап дутор чертаётгандай та-
ёкни чертиб, бирпас жим қолди ва яна тилга кирди:

— Қиличини узоқ-узоқларга чўзибди у. Қўплаб мамлакатларни босиб олибди. Ҳеч қачон мағлубият аламини билмабди. Жон! Така-тум-тум! Эсингизда борми Камбис баҳодир? У ҳам йўл олибди —вой-вой! — ота изидан. У мисрликлар қалбига қўрқув со-либди. Жон! Така-тум, така-тум... Унинг жияни, Гуштасб ўғли Доро ҳам душманларга шундай кучли зарба берибдики, форслар мамлакати, бўталарим, шундай қудратли бўлиб кетибдики, бутун дунёда унга тенглашадиган қолмабди. Дунёда форслар босиб олмаган Юнонистондан бошқа бирор давлат қолмабди. Дунёда форслар қўлнга тушмаган юнонлар олтинидан бошқа олтиш қолмабди. Дунёда форслар қул қилиб сотмаган юнон эркакларидан бошқа эркак қолмабди. Аммо бунга қандай қилиб чидаш мумкин? Ва шунда Гуштасб ўғли Доро Биринчи юнонлар устига қўшин тортибди.

Хоғиз кулимсираб, ҳақиқий достопчилар каби бошини орқага ташлади-да, «торлар» узра бармоқларини юргутириб, атайин хириллаган овоз билап чўзиб:

— Жо-о-он!.. — деди. — Юнонларни қилич билан чопайин деса, уларни қилич чопмас, найза санчайин деса, наизаси ўтмас, ўқей отайин деса, ёй ўқлари тешиб, ўтмасмиш. Дато, Артафарн бошлиқ форс қўшинларини юнонлар тор-мор қилибди. Э, бу қандай баҳтсизлик?

Жо-о-он!.. Доро ўғли Кайхусров юнонлар устига уруш қилиб борибди. Қемаларда сузиб борса, чўктирибдилар кемасин. Куруқликдан қўшин тортса, калтак ебди қуруқда. Осмондан учиб бормоққа, нима қилсин, қанот йўқ. Қандай баҳтсизлик бу, қандай баҳтсизлик?

Ой-й-й! На Артахшатр Биринчи, на Доро Иккинчи, на Артахшатр Иккинчи, на Учишибчи — қанча Доролару Артахшатрлар ўтмади денг? — юнон ёнгогини чақмоқчи бўлиб, ҳеч бирининг тиши ўтмабди. Қандай баҳтсизлик бу, қандай баҳтсизлик?

Хоғизнинг кўзларни сузилди: форсларга бошқача нигоҳ ташлади ва тишларини шодон такиллатди, улар эса қайгуга ботган, ҳатто яқиндагина беғам хохолаб кулиб турган Бесс ҳам бош эгиб, ҳўқиз сингари оғир-оғир кавшаниб ўтиради. Фақатгина унинг

әнида ўтирган заъфарон юзли форс аввалгидай ил-
жаярди.

— Қўп замонлар ўтдими, оз вақт ўтдими, лекин форсларнинг — бутунлай кучи қолмади,— яна айтиб қолди Ҳофиз.— Агар қачонлардир буларнинг қўшинлари юонлар экинзорларини поймол қилган бўлса, энди бошқа замонлар келди ва ҳаммаси аксинча бўла бошлади. Искандар Зулқарнайн шарққа келаётир, Доро Учинчи эса оёғини қўлига олиб қочаётир, аммо қочиб қайга ҳам борарди!

Бесс бўзарид кетди, банди эса тоқат қилолмай тишларини ғижирлатди. Аммо ҳофизга ҳеч ким бир оғиз ҳам гапирмади. Вараҳран англадики, форслар бу қувноқ, ёқимли табассум қилувчи, қўллари қизларникдай ингичка одамдан ҳайиқади.

— Нега шундай бўляпти?— ҳофиз қўлидаги таёқни отиб юборди. Икки қоши тулашиб, чеҳраси ғазабли тус олди.— Сендан сўраяпман, Дориёвуш Қодомон, нима учун?— у бандининг елкаларидан чанглалаб олди.— Чунки, сизлар ҳамманглар фақат оласизлар-у, лекин ҳеч нарса бермайсизлар. Биздан ҳам, бошқа халқлардан ҳам олтинларни оласизлар. Молхолларни оласизлар. Одамларни оласизлар. Лекин ўрнига бизга ҳеч нарса бермайсизлар. Қаерда, қачон, ким бундай аҳволга узоқ чидаган, а? Мана, нима учун сени бошингга оғир кун тушганда ҳамма ташлаб кетди, эй Дориёвуш Қодомон, жон бераетганингда ҳеч ким томогингга бир қултум сув томизмайди. Ҳамма жиноятлари учун худо Аҳмоний авлодига шундай жазопи раво кўрган.

— Бас қил, Спантамаъно!— ўшқирди Бесс.— Нима, мен, дўстинг ҳам шу авлоддан эканим эсингдан чиқдими?

Ҳофиз индамай четга бурилди.

Спантамаъно! Бу кишини қаерда кўргани дарҳол Вараҳранинг эсига тушди.

— Спантамаъно!— деб хитоб қилди-да, бекиниб турган жойидан югуриб чиқди.

Хуржунини ҳам унугиб, гулхан томон югурди. Иўловчилар осмондан тушгандай пайдо бўлган бу одамга ҳайратланиб қараб қолишиди.

— Кимсан?— сўради Спантамаъно вазминлик билан.

— Фрад ўғли Вараҳрман! Қекса кандакор

Фрад ёдингдами? Дўконимиз Мароканд' жанубий дарвозасининг чап томонида. Бизниги тез-тез келиб, отамнинг кумуш идиш-товоқларга қандай гул чекишини узоқ-узоқ томоша қиласардиг. Мен Варажранмай.

— Варажран? — Спантамаъного жон кирди. — Бу-еъклардаги нима қилиб юрибсан?

— Форслар! — муштини тугди Варажран. — Молимизга харидор йўқ эди... Отам ҳаммадан қарздор бўлиб қолди. Солик тўлашга пул йўқ. Форслар дўконимизни тортиб олмоқчи бўлдилар... тортиб олишса нима қиласардик. Бутун оғламиз ҳалок бўларди. Отам бечорага раҳмим келиб, ўзимни қул қилиб сотдим. Уч йил, сен урушда юрганда, мен Рагада, лаънати Рагада азоб чекиб, шаҳар ҳокими қўлида ишладим. Энди ҳеч қачон Марокандни ҳам, кекса отамни ҳам кўролмасман деб ўйлардим. Лекин Охурамазда оҳими эшиитди. Зулқарнайн Экбатанни олганда хўжайиним қўрқанидан ўлиб қолай деди. Тартибсизлик бошланди. Қуллар устидан назорат сусайиб кетди. Мен қараб турмадим-да, уч йилда бошқалар ўттиз йилда ҳам тўколмайдиган кўз ёшлиарим оққан ифлос шаҳарни ташлаб кетдим. Қандай ҳолга тушиб қолганимни кўраяпсанми? Мен энди ҳеч қачон сен илгари кўрган қувноқ Варажран бўлолмасам керак. Тоғ ва саҳро йўллари сўнгги кучимни ҳам сўриб олди. Очлик жон-жонимдан ўтиб кетди. Агар ғариб кандакорни ўз қўл остингга олмасанг, адо бўламан.

— Ташвиш қилма, — жилмайди Спантамаъно, — сени бирга олиб кетаман. Эҳтиёт отимни миниб оласан. Худо хоҳласа, қадрдон Марокандни кўрамиз ҳали, отангни моҳир қўлларидан чиқкан қадаҳларда мусаллас ҳам ичамиз.

— Ўзингни ҳам, авлод-аждодингни ҳам баҳти барқарор бўлсин! Охурамазда омадингни берсин! Илоё...

— Бўлди, бўлди, — уни тўхтатди Спантамаъно, — менга шуниси ҳам етади. Бўлмаса менга шунча баҳти тилайсанки, кўтариб олиб кетолмай қоламан. Яхшиси бўёққа қара. Олов устига нима осилган.

— Қозон осилган.

— Қозонда нима бор?

¹ Мароканд — ҳозирги Самарқанд.

— Овқат...

— Шу овқатдан ҳозир тамадди қиласыз. Эй, коса келтир!

Лекиң овқатдан тамадди қилиш Спантамаъно ва ушинг йүлдошларига насиб қилмади. Тұсатдан тепалик ортидан оти күпиклаб кетгаш эронлик чиқиб келди. Құрқувдан оғзи қиіштейиб кетганди. Улар ёнидан от чоитириб ўтаркан, битта сүзни тилга олди:

— Искандар!..

Мабодо мудроқ босган капитар галасиға биров тош отған тақдирда ҳам улар гулханлар ёнидан тиракайлаб қочиб қолған форс ва суғдлар сингари шошқалоқлаб питраб кетмасди. Аскарлар отларини тутиб, титроқ құллари билан тушовларини ечарднлар. Қо-choқларни шундай вахима босгандыки, құллари бүй-сұнмас, тугунлар ечилмас, айиллар тортилмасди; әгаларининг ҳаяжонланғанини сезған ҳайвоплар ер тениар, ўйноқлаб, нақ күкка сапчырди.

Фақат Спантамаъно аллақачон отига мишиб олған ва тищларини ялтиратиб бақиради:

— Қалампир! Қалампир қани?

— Қалампир пимага керак сенга?— сүради Бесс ёнидан чопиб ўтаркан.

— Отлар думини остига... Шамолдай елиши учун!

— Итвачча!— сүқинди Бесс ўз тулпорига минар экан.

Ниҳоят қочоқлар амал-тақал қилиб отланиб бўлдилар. Туёқлар гурсиллай кетди. Арава тарақлашга тушди.

Қарийб ярим фарсанг йўл босгач, Спантамаъно Бесс орқада қолиб кетганини пайқади. Қочоқлар тұ-дасида, шунингдек, подшо ҳам, Бессининг яқин дўстлари ҳам йўқ эди.

— Уни ўлдиришади!— хитоб қилди сүғд ва отини орқага бурди.

— Кечроқ эслабсан,— зарда билан деди Бесс ёнидан елиб ўтаркан.— Ҳаммаси тамом бўлди.

Спантамаъно унинг орқасидан от қўйди. Бир ни-ма деб қичқирмоқчи бўлди-ю, ўша замоноқ бу фик-ридан қайтиб, кипояли жилмайди-да, қўл силтаб қўя қолди.

Бирон дақиқалардан кейин қуриб бораётган кўл бўйида ҳеч ким қолмади. Гетайралар бўлинмаси сап-сариқ тепалик ортидан отилиб чиққан пайтда маке-

донлар номаълум киши жасади устида ҳўнграб йиғлаётган чувақнига одамшигина кўрдилар. Унинг ёнида, гулхан устидаги қозонда қайнаб, қиргоғидан ошиб овқат пишарди, ҳеч ким унниг яқининг бормади.

— Фарнуҳ!— чақирди Птолемайос Лаг отининг жиловини тортиб.— Билчи, ким экан у?

— Кимсан?— сўради осиёча кийишгай ликиялик узун бурунли форс аскари.

— Мен бир гарibi потавонман, менинг исмим сизга ҳеч нарса англатмайди, жаноб,— гамгин жавоб берди у кир босгани муштчалари билан мижжа қоқиб турган мунгли кўзларини артиб.

— У-чи, у ким?

— Ҳозир — ҳеч ким,— яна аввалгида жавоб берди форс.— Бундан тўрт йил бурун шоҳлар шоҳи деб аталарди, дунёнинг ярмига ҳоким эди.

— Кодомон ўлдирилибди, Александр,— хабар қилинди Птолемайос етиб келган подшога.

— Нима-а? Дарейос ўлдирилган?

— Ҳа.

— Ким... Ким экан уни ўлдирган?

— Мингбоши Набарзан билан Барзаэп, Дараангидён ҳокими. Улар Бақтрия ва Сугдиёна ҳокими Бессининг тошириғини бажо келтирганлар.

— Бесс? Ү-ү-лаънати!.. Ёнида яна ким бор экан?

— Оқсуяк сүфдлардан бири. Оти Сиет... Спинт... питамен шекилли, худо билади бу ёввойиларининг отини.

— Спинтамен? Ким экан у?

— Фалати одам, дейишади. Бизнинг Диогенга ўхшаган. Эсингда бўлса, биз уни Коринфда кўрган эдик? У лойдан ясалган маңқали ёнида офтобга тобланиб, ёнбошлиб ётган эди. Сен у билан узоқ сухбатлашиб турғандинг-да: «Сенга бирон хизмат қилишимни истайсанми?— деб сўрагандинг. Шунда: «Албатта, мана бундай, четроқ тур, офтобни тўсиб қўйдинг?»— деб жавоб берган эди у.

— Тўгри.

— Бу Спинтамен ҳам, айтишларича, сал телбароқ эмини. Гитишиб кетган қоплои териснин кийиб юрадиган, ҳеч кимдан таш тортмайдиган дарбадар ва аскиябоз эмини.

— Ҳеч кимдан қўрқмасмишми?

— Шундай дейишади.

— Яна пима дейишади?

— Яна айтишларича, у поми муқаддас санадгаи.

Қадимги сүғдлар подшоси Сүёвуш авлодидан эмиш.

— Хўш, хўш, гапиравер!

— Сиёвуш помии қўёш худоси билан боғлашади, шунинг учуп Спитаменнинг сочи ҳам сеникидай (Лаг «сеникидай малла» демоқчи бўлди-ю, журъат қилолмади) тилларанг эмиш. Спитаменнинг авлодаждоди Суғдиёнада жуда катта ҳурмат-эътиборга эга.

— Ҳим... Ҳа, бу қизиқ экан. Нима, қотилликда Спитамен ҳам қатнашибдими?

— Иўқ. Лекин қаршилик ҳам кўрсатмабди. Асир олинган қулнинг гапига қараганда, Спитамен Доронинг мағлубиятидан хурсандмиш. Бошқалар кўзёши қилиб йиғлаб турганда, у ёш боладай қўшиқ айтармиш.

— Хўп, майли... Еш эканми у, қарими?

— Йигирма бешга кирибди.

— Мендан бир ёш кичик экан.

— Ҳа.

— Бўпти, яхши. Унинг отини эсингдан чиқарма. Балки менга керак бўлар. Лекин Бесс! Ў, лаънати! Мен тўрт йилдан бери орзу қилган ўлжани қўлимдан илиб кетди! Тўрт йилдан бери Қодомонни таъқиб қиласман. Эсингдами, «Илиада»да айтилганидек: «Ёш оҳуни ётган жойидан турғизиб, тоғлар бўйлаб чакалакзор ва жарлар оша қувган, ҳатто қўрқиб буталар орасига бекиниб олганда ҳам, уни топмагунча ҳар ёнга бетиним югуриб-елиб излаган този» сингари. Тўрт йил Дарейос мендан қочиб юрди ва ниҳоят энди қўлга кирай деганда... ўҳ, ер ости дунёси олгур, лаънати Бесс! Қодомон бошидаги тожни менга ўз қўли билан кийдиришини истардим. Тушунасанми?

— Тушунаман.

— Ана унда бутун Осиё мени қонуний подшомиз деб тан оларди. Билдингми?

— Билдим.

— Унда бу ёввойилар ҳозиргидан кўра камроқ шовқин соларди. Шундайми?

— Шундай.

— Аммо Бесс менга халал берди, минг лаънат унга! Нима дейсан, у подшони нега ўлдирдийкин?

— Балки унинг ўзи Эрон ҳукмдори бўлишни истагандир. Ахир, у ҳам Аҳмонийлар авлодидан, Доронинг қариндоши-ку.

— Зўр қариндош экан! Аммо отам Филипп руҳи билан қасамёд қиласманки, у Осиёни эгаллай олмайди. Дарейос ўлган экан, ҳозирдан эътиборан ўзимни,

яъни тангри Аммон ўғли Александрни Шарқ ҳукмдори деб эълон қиласан!

Эрта тонгда подшо қароргоҳида унинг дўстлари — гетайраларнинг улкан кенгаши чақирилди. Улар бу ерда Александрни Эрон давлати ҳукмдори деб эълон қилиш учун тўпландилар. Тантана муносабати билан македонлар ёпинчиқ ва узун кўйлакка ўхшаган кийимлари — хитонларини алмаштирилар, лекин бу тадбирдан чиройлироқ бўлиб қолганлари йўқ, шамолда қорайган юзлари ва ўсиб кетган патак соқоллари уларни тоғ қароқчиларига ўхшатиб қўйган эди.

Бугун уларни бўлаётган ҳодисаларниң ҳаммаси ҳайрон қолдираётган эди. Александр қия тепаликда ёввойилар одатича чордана қуриб ўтиради. Унинг остига қалин осиёча гилям тўшалган эди. Рўпарасидаги осиёча бронза қурбонгоҳда муаттар ҳидли Осиё исвантлари тутарди. Унинг атрофини Доронинг македонлар хизматига ўтиб кетган ноibi Артобаз, ўғли Кофен, Гавгамелида Александрга қарши курашиб асирга тушган ва подшоннинг садоқатли хизматкори ҳамда Мидия ўлкасининг ҳокимиға айланган Атропат, Сузиёна ҳокими Абулит, ликиялик Фаршуҳ, македонларга Бобилни жангсиз топширган Мазей, унинг ўғиллари Гидари ва Артибол ҳамда форс Певкест каби Осиёликлар ўраб олишган эди.

Улар форс тилида тортиммай гапиришар (фақат: Искандар, жон, бўстон, достон, гулистон деган сўзларгина эшитиларди), Александр эса уларнинг сўзларини жон қулоги билан тингларди. Үнга буларнинг парвариш қилинган узун соқоллари, кенг-мўл кийим-кечаклари, мидияликлар одати бўйича қизартирилган юзлари ва бўялган лаблари ёқиб қолганга ўхшарди. Осиёликлар подшога сездирмасдан унинг македон сафдошларини сиқиб чиқаришиди, ҳатто Александрнинг бир кўкрак эмишган, уни Граникдаги жангда ўлимдан сақлаб қолган биродари Клит ҳам бир чеккада ғамгин ўтиради. Бу ҳол македонларни нохуш ҳайратга соларди. Птолемайос Лаг кенгашни очища гапирган гаплар уларни баттарроқ ранжитиб қўйди:

— Дарейос Кодомон ўз қардоши Бесс томонидан ўлдирилганлиги,— эълон қилди Птолемайос,— ва Осиё ҳукмдорсиз қолганлиги туфайли бугундан эътиборан тангри Аммон ўғли Александр бу мамлакатнинг қонуний ҳукмдори ҳисобланади. Шарқ подшосига қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатиладиган бўлса,

биз ҳам унга шундай ҳурмат-эхтиром күрсатайлик! Бугундан бошлаб жағон ҳукмдорига ҳеч ким үз тенгидай мұомала қилмасин! Күн чиқардан күп ботаргача бўлган мамлакатлар ҳукмдори, ташри Аммон ўғлига тиз чўкиб таъзим қиласайлик!

Птолемайос Лаг биринчи бўлиб тиз чўкиб, Элладада кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган ишни бажо келтирди.

Гетайралар тошдай қотиб қолишди. Лагнинг қилиги ва гапларидан ҳайратланган павқири, малля соч, кўккўз Клит, Парменионнинг рангиар күёви Коинос, сочи оипоқ Парменион ва унинг қовоги солиқ ўғли Филота, Аррабайя ўғли пэоилик Аминталар жойларидан қимир этмадилар.

Шундай бўлса ҳам Александринг дўсти Гефестион ва осиёликлар сидқидил билан Птолемайос Лагга эргашдилар, ҳайбатли Фердикка эса Доронинг Экбатаңда қўлга туширилган уч қаватли тожини Александр боши узра икки қўллаб кўтариб турарди. Тожининг олтин гардиш кунгуралари ва ранг-баранг тошларида қўёш пури жилоланаради. Тож шуъласи шахсий қўриқчи юзига урилар, у оқариб кетгунча оловда қиздирилган оғир тошни кўтариб тургандай кўринар эди. Фердикка қўзиши қисиб гетайраларга қаттиқ тикилар ва кутарди.

Александр бошини елкасига тортироқ, сал-пал орқага ташлагашча бўйини очиқ қолдириб, индамай шарққа қараб ўтиради. Юзларидан ҳеч қаңдай ифода кўринмас, гўё атрофдаги одамларга эътибор бермаётгандай эди. Фақат унинг чакка томири уришигини подшонинг ички ҳаяжонидан дарак берарди.

Гетайралар пайсалга согани учун Фердикка олдинга бир қадам қўйди. Даргазаб, букироқ, қира-бурун шахсий қўриқчи паҳмоқ қошлирии кериб, афтини бужмайтириб, ҳозир бўлганларга тешиб юборгудек ўқрайдики, ҳамма ерга қаради. Ҳа, бугун македонлар кўп нарса йўқотган эдилар. Александр энди Шарққа юриш бошлаган пайтидаги ўсирин эмас. Агар улар Птолемайос талаб этгандай ҳаракат қилишмаса ўзларнга ёмон бўлиши турган гап.

— Александрга шоп-шарафлар! — қичқирди Фердикка. Гегайралар, фалангачилар, тепаликни ўраб олган минг-минглаб отлиқ ва пиёда аскарлар тиз чўкиб, бошларини ерга урдилар. Совет кийгап дўмнайма кифт-кураклар ялтираб кетди. Бутун майдон чўзинчоқ харсантошлар билан қопланганга ўхшарди. Даҳшат солиб бурғулар янгради. Қўшногора, кар-

най ва сурнай садолари эшитилди. Сочлари кифтла-ригача тушган пеоплар ва мүйнали сарпо кийган аг-рийлар эгри қиличларига ёпишдилар ва ёвузона күз-ларини чақнатиб бир маромда жаңговар рақсга ту-шиб, айланы кегиши.

Қуллар хүшбүй таомлар ва кучли Осиё мусалласи солинган идишу мешларни күтариб келишиди. Базм бошланиб кетди. Ичиб олган гетайраларга Александр ҳамишагидай ҳақ, у нима қылса шуларнинг фаровон-лигини ўйлаб қилаётгандай туюлди. Подшо олдида тиз чўкиб таъзим қилиш шараф-ку, ахир. Александр иззат-хурмат қилишга арзиди. Ўрта пиёда, айниқса енгил пиёда бўлинмалари аскарларига буларнинг ба-ри бир пул — улар бугун ҳордиқ чиқариш ва тўйиб овқат ейиш насиб қилганига хурсанд әдилар.

Фақат Экбатанда қолган Парменионнинг ўғли Фи-лота ва унинг уч-тўрт сафдошигина янги тартиблар билан муроса қила олмади. Қандай қилиб шундай одам — Филотадай, машҳур Парменионнинг ўғлидай одам, подшо бўлса Александрдан ёмон подшо бўл-майдиган одам ёввойиларга ўхшаб киминингдир оёғи-ни ўпади? Даҳшат! Илон ютсин бу Александрий? Мана унинг болаликдаги қилиқларининг оқибати. Ҳаммани оёғи остига олди, Македония подшоси эмас, Эрон Шоҳи бўлиб олди; яқин орада бутунлай осиё-ликка айланиб кетади, форслар орасидан садоқатли дўстлар ортиради, кейин Парменион, Филота ва бошқа баланд мартабали македонларни нима қила-ди? Ахлатхонага чиқариб ташлайдими? Йўқ, бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

Одамлардан четроқда, ёввойи жийдазорда ўтириб олиб («Бу шохдор маҳлуқни кўришга кўзим йўқ»,— деди Филота ғижиниб), ишончли одамлардан соқчи қўйиб, фитначилар Александрдан қандай қилиб ха-лос бўлиш хусусида кепгашмоқда эди. Ҳасад ва газабдан қизишиб кетган Филота мусалласи скифча-сига, сув қўшмасдан ичаверди ва кайф тезлик билан бошига урди. Филота ҳаммадан қаттиқроқ гапира-гапира, охири бутуслай маст бўлиб қолди ва ўз-ўзини муштлаб, газаб билан бақира бошлади.

Жийда буталари орасида, ширин хуррак тортиб ухлаб ётган соқчидан (бошлиқлар ичгандан кейин, нега аскар ичмас экан) уч қадам нарида аллақандай Ҷракил деган марафонлик савдогар писиб турганини у қаердан билсии.

Александр чодирда тиззаларини құчоқлада, унга бошини қўйиб диққат бўлиб ўтиради. Вужуди бўшашиб, одатдаги кучланишдан маҳрум бўлган яланғоч қўллари юмшаб ва бир оз салқиброқ турарди. Қирқ мамлакат ҳукмдорининг шу туриши омадсиз тақдирини ўйлаб ўтирган хотинни эслатарди.

Марафонликнинг хуфия хабари Александрни ташвишга солиб қўйди. Филота уни ўлдиришга қасд қилиди. Бу аллақандай Феагеннинг валақлаши эмас. Александр қўрқди, буни тан олишни истамаса ҳам, умрида биринчи марта қўрқиб кетди. Бу қўрқув мабодо фитна фош бўлмагандан ўткир қиличини бир селпиш билан танасидан жудо қилинадиган боши учун эмасди. Бу қўрқув шу калладаги орзу-хаёлларнинг чала қолиб кетиш хавфи эди. Улар ақл бовар қилмас кенгликларгача — Ҳиндистон ва Хитой, Сикифия ва Кавказ, ундан кейин Ўртаер денгизининг гароий соҳиларидағи мамлакатлар бўйлаб ёйилиб кетган орзулар эди. Жаҳонга ҳукмдор бўлиш орзузи эди.

Ҳа, жаҳонга ҳукмдор бўлиш! Нима учун? Олтин учунми? Олтин умрни енгил ва беташвиш қилади. Бунинг учун унга кўп олтин зарур эмас. Александрда хазиналар етарли. Агар унинг ўрнида бошқа бирор бўлганда аллақачон юришларни тўхтатиб, кайф-сафога бериларди. Бошқа бирор бўлса, лекин Александр эмас. Бутун инсоният тасаввурини ҳайратга солиш, ўзидан асрларга хотира қолдириш, ҳатто минг йил, ўн минг йилдан кейин, токи одам зоти яшар экан, македониялик Искандар ҳақида гапирсингилар, ёзсинилар, ўқисинилар ва баҳслашсингилар — мана улуғ одамга муносиб орзу.

Қачонлардир Қайковус, Доро Гуштасб ва унинг ўғли Қайхусров ҳам шундай орзу билан яшаган эди, аммо буни охирига етказиш уларга насиб қилмади. Улар кўп мамлакатларни забт этдилар-у, аммо шу мамлакатлар халқлари қалбига йўл тополмадилар, улар бўйсундирилган халқлар учун душман бўлиб қолавердилар, босиб олинган ўлкаларнинг ҳокимлари билан дўстлик ўрната олмадилар.

Искандар Зулқарнайн Осиёни Аҳмонийлар авлоидидан бўлган ёвуз форс подшолари зулмидан озод қилаётган дўст эканлигини жоҳилларга кўрсатиши, тушунтириши керак. Шундай қилиш сув ва ҳаводай зарур — ахир Македония узоқда-ку. Беақл Пелла оқсоқолларигагина суюпид Осиёни идора қилиб бўла-

дими? Шундай қилиш бир оёқни жар ёқасига, иккинчисини бўшлиққа тираб тош кўтаргандай бемаъни нарса. Жарликка қулаб кетиш ҳеч гап эмас, марафонлик кал айтгандай, чақмоқ урсин ёлғон бўлса. Иккинчи оёққа таянчни Шарқдан — оқсусякларга мансуб бўлган осиёликлар елкасидан излаш керак. Александр бир оёғини Фарбга, иккинчисини Шарққа тираб мустаҳкам ўрнашиб олсагина, дунё Александрга бўйсунади. Элладаликлар билан осиёликларни аралаштириб юбориш керак. Шундай қилиш керакки, афиналик Персеполисда, персеполислик эса Афинада ўзини ўз уйидагидай ҳис қилсин. Эгилувчи мис ва юмшоқ қалайи қўшилиб қаттиқ бронза ҳосил бўлади. Шарқ билан Фарбни қўшиб юбориб, томирларда доно элладаликлар билан ўйчап-ҳаёлпаст осиёликлар қони бирлашиб оқадиган қудратли янги халқ яратиш керак. Александр ўз қиличи билан бирлаштирган бепоён давлатни парчаланиб кетишдан шу йўл билангина сақлаб қолиш мумкин. Мана нима учун жоҳилларни Александр ўзига яқинлаштириб, уларнинг урф-одатлари ни қабул қиляпти.

Аммо Александр фикрининг теранлигини Филотага ўҳшаганларнинг ғарибона ақли билан тушуниш мумкинми? Эҳ, бечора қаланғи-қасанғилар! Уларнинг интилишлари тириклик ва тўшакдан нарига ўтмайди. Лекин одам фақат еб-ичиш, ухлаш ва ўзига ўҳшаганларни дунёга келтириш учунгина яшайдими? Наҳотки Зевс падари бузрукворимиз шу ҳайвоний тириклик учун одамни ўз қиёфаси ва шаклида яратган, зукко Прометей унга олов тухфа қилган бўлса? Наҳот инсон шон-шараф ва буюк ишлар учун яшамаса?

Аммо ҳамма ҳам катта ақл билан туғилавермайди. Харислик қиляпсизми? Енг, мен сизга нон ва гўшт бердим. Чанқадингизми? Ичинг, мен сизга мусаллас бердим. Сизга яхши кийим-кечак даркорми? Қийинг, мен сизга бутун Шарқ молини топширдим. Иўқ! Улар ўз овқатларини осойишта еб, аталаарини шалап-шалап қилиб ялашни истамаяптилар. Дунёда улардан бўлакча қадам ташлайдиган одам борми? Ёқасидан олинг уни! Қалтакланг уни! Унга қилмоқчи бўлган ишини, иқтидори буюрган вазифани бажаришига йўл қўйманг!. Уҳ, лаънати халқча! Эҳтимол шуларнинг кирдикорлари сабаб

бўлиб Александр кўнглига худо солган орзуларга етолмай қолар.

Нима қилмоқ керак? Парменион — бу Феаген эмас, уни осиёликлар камони ўқига дучор қилиш учун енгил пиёдага жўнатолмайсан. (Айтмоқчи, уни га нима бўлдийкин?) Парменион отасининг дўсти бўлган, аскарлар уни ҳурмат қилишади. Парменион билан Филотани қатл этиш ғаләёнларга олиб келиши мумкин. Аммо уларни жазосиз қолдириб ҳам бўлмайди — Александрни ўлдиришлари турган гап. Орқага, Пеллага қайтариб юборса-чи? У ерда исен кўтаришлари мумкин. Чораси борми?

Александрининг эсанкираган ақли ҳеч қандай йўл кўрсатолмасди. Подшо алам билан хўрсинарди. Бугун тангири Аммон ўғли қарийб ҳаммаси ўзига тобе бўлган дунёда қандай ёлғиз эканлигини ниҳоят тушиуни. Птолемайос Лаг кирганда ҳам у бир қарорга келмаган эди.

— Филота қаршилик кўрсатди,— хабар қилди Птолемайос.— Уч гетайрани ўлдириди, Фердиккани яралади. Сени ҳақорат қилди...

— Ҳо!— Александр сакраб турди.— Шундайми? Мен пушаймон бўлар деб ўйловдим, аммо бу сурбет тишини кўрсатяптими? Қўлга олдингми? Қани у?

— Соқчилар қўлида.

— Уни назардан қочирма! Икки карра, йўқ, уч карра кўпайтир соқчиларни! Унинг шерикларни ҳам қўлга ол! Филота подшо ҳаётига қасд қилди, деб аскарларга эълон қил! Ғалаён олдини олиш учун ҳар бир отлиқ ва пиёдага беш кумуш дирҳамдан пул улаштири! Кўрсатиб қўяман сизга, пасткашлар, Александринг нимага қодирлигини!..

Филипп ўғли ўзгариб қолди. Иккиласиши нимаси? Подшонинг ёдига Фива тушди. Александр тахтга ўтирас-ўтирас шимолдаги кўчманчи фракияликларга қарши курашга отланганда муқаддас шаҳар аҳолиси исен кўтарди ва Элладани яқиндагина ишғол этгани македонларга қарши уруш эълон қилди. «Ўшанда мен сусткашлик қилганимидим?—ўйлади Александр. Йўқ, мен фиваликлар устига учар юлдуздай елиб бордим, шаҳарни вайронага айлантириб, ҳалқини қулликка сотдим. Шу билан исенга барҳам бердим. Ҳа, мен буюк шаҳарни қирғин қилишдан қўрқмаган эдим, нега энди қандайдир ифлос Пармениондан қўрқашим керак экан?»

— Гетайраларга эълон қыл — эртага фитначилар устидан суд бўлади,— деди у Лагга совуқина.— Дракилни эса...— шоҳ пича ўйланиб қолди,— Дракилни отлиқ шахсий қўриқчилар сафига ўтказ. Бу одам менга икки марта яхши хизмат кўрсатди.

Филота ва унинг шериклари устидан бўлган суд тез тугади. Улар подшога қарши ёмон ниятда бўлганикда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилиндилар. Одат бўйинча гуноҳкорларни илмоқда судраб чуқур жарлик ёқасига келтиришди ва учли қоялар устига итариб юбориши, жазолаш маросимида қатнашган подшо парво ҳам қилмади.

Шундан кейин македонлар боболар одати бўйича покланиш маросимини бажо келтирдилар. Коҳинлар фитначиларнинг пора-пора бўлиб кетган ички аъзоларини даланинг икки томонига сочиб ташладилар. Жангчилар бўлинма-бўлинма бўлиб улар орасидан сукутга чўмиб ўтиб боришарди.

Ун бир кундан кейин Александрниг одамлари Экбатанда кекса Парменионни сўйиб кетдилар.

ТОҒ ОРҚАЛИ ЮРИШ

Яшинлар зарбаси бўғиқ ўқирап,
Илон изи бўлиб порлаб шуъласи,
Гирват айлантирап тупроқни кўкда,
Телбича рақс этиб бир-бири сари
Борар ва тўқнашиб увиллар шамол.
Байрам қиласар ваҳший, газабкор исен
Ва қўшилиб кетар ер билан осмон.

Эсхил, «Зинжирбанд. Прометей»

Клитарх сўзи:

«Газгамели остонасидағи жангдап кейин бир ярим йил ўтди.

Даисион¹ ойи ўрталарида Александр қўшинлари тоғлар орасидан ўтадиган Кофең дарёсининг Пар-пансида чўққиси қаршисида, тоғ оралиқларидағи ҳавзада жойлашган Кабура² шаҳрини қамал қилди ва уни бир зарб билан забт этди.

¹ Даисион — март-апрель ойларига тўғри келадиган македонлар ойи.

² Кабура — Афғонистоннинг ҳозирги пойтахти, Кобул шаҳри.

Дунёнинг тўрт томопидаи келадиган йўллар Қабурада туташади. Дунёда энг яхши ҳаво шу ерда. Бу ерда оқ сурп, шакарқамиш, ҳишдларнинг шифобаҳаш ўсимликлари, Шарқ қийик кўз ўтроқ қабилаларининг оқ тупроқдан ясалган ғаройиб сопол идишлари, мишглаб ҳўқиз ва отлар сотилади. Шаҳар чеккаларида, ерликлар айтгаандай, кузда сероб бўладиган олтинсимон ўрик, қип-қизил аиор, қирмизи олма, нордон беҳа, асалдай нок, серсув шафтоли, юмшоққина олхўри, йирик бодом, сара ёнгоқ ва ширин узум берадиган боғлар кўп. Бундай ширин меваларни ҳеч қаердан тополмайсан. Кофен дарёси бўйларидага олтига кенг ва ўтга сероб ялов бор. Бу ерда биз отларимизни яхшилаб тўйдирдик, чунки олдимиизда оғир тоғ йўли турнибди.

Йўлимиз шимол томонга, машҳур Бақтрияга боради. У улуғ пойттахта етиб бориш учун қўрқинчли Парпансида довонидан ошиб ўтишимиз керак. Махаллий халқ уни Аҳраман Эгари деб атайди. Птолемайос Лаг маҳаллий кишиларни бизни тоғдан ўтказиб қўйишга унатмоқчи бўлиб қанча уринмасин, ҳеч ким рози бўлмади. Олтин ҳам ёрдам бера олмади. Шунда Александр ёмон ниятни сезди-да, савдо карвони билан бир неча марта Бақтрияга борган ўн иафар энг яхши йўл бошловчини тутиб келиш ва улар оқсоқолининг калласини олишни буюрди. Тирик қолган тўққизтаси дарҳол рози бўлди.

Эртага йўлга чиқамиз. О, халоскор Гера, юксак тоғлар маъбудаси! Бу оғир ва хатарли йўлда бизни нималар кутяпти экан!..»

Александр ер юзидағи энг азим тоғ чўққиларидан бирига туташган қояда қимир этмай турар ва овоз чиқармай дунё ишларини ўларди.

Македон отларининг туёғи остида топталган Эрон ғарбда зангори тутуи орасида кўздан ғойиб бўлар, гўё Пелладан жўнаган, македон ҳарбий қўриқчилари ҳимоясида судралиб келаётган мадад қисмлари босиб ўтаётган сон-саноқсиз йўлларнинг ҳар бир бурилишигача тасаввуррида тикланарди. Шарқда борса келмас нотаниш тоғли ўлкаларнинг қор босган чўққилари туман орасидан қалқиб чиқиб турибди. Шимолда оғир момақалдироқли булутлар тўдаси қуюқлашиб бормоқда. Жанубда эса қайноқ олтинранг гира-ширалиқ ортида сирли Ҳиндистон ястаниб ётибди.

Осиё... Тангри Аммон ўғли инсоният бешиги шу

ер, шу хұмрайған тоғ құчоғида әкапидан, баданини жун боссан, ёввойи, бириңчи Одам ўсиқ қошлари остидаги ўтқир күзлари билан қүёш нури тұқилған бепоён дунёға сергак боққапча апа шу ердан тушиб келганидан бехабар әди. Аммо Александр сезигір қалби билан Дунёнинг буюклигини сезар, беҳад кенг күлами, ёрқин ҳаёт шавқи жүш урган бу кенгликларға нисбатан қаердадир узоқдаги депгизнинг тор ярим оролига жойлашған Эллада унга жуда кичик, гарифона ва күлгили бўлиб кўринарди. Бу ердан, юксак-юксаклардан бутун коинот унинг кўз олдида намоён бўлиб, ястаниб ётар, тангри Аммон ўғли ўзини ғалати изтироб билан ўнгидан туш кўраётгандай, оппоқ булутлар узра парвоз этаетгандай ҳис қиласади.

Александр орқасидаги тошга ўтириб олган гандхара қабиласидан бўлган коҳин арфа торларига қўл теккиэди. Зўрга эшитиладиган, жуда паст оҳанг таралди. Созандалар мис чолғуларига аста бармоқ урдилар. Улардан бири дўмбирали қўлга олди-да, бу-килган икки бармоғи билан таранг тортилған терини черта бошлади. Там!.. Дўмбира Александр қулоғи остида ўртача товушда аста-секин ва бир текис садо берар әди: там!.. там!.. там! («уёқда, уёқда» деган маъниода.)

Тоғ юриши олдидан ибодат қилиш учун муқаддас тоққа чиққан Филипп ўғли бу тинчлантирадиган, далда берадиган товушни узоқ тинглаб турди ва астасекин унинг миясини туман қоплаб олгандаи бўлди. Дўмбира садоси узоқдан келаётгандай әди: тум, тум, тум!.. Ва ниҳоят аллақапдай бўшлиқдан, мавҳумот оламидан паст, хириллаганроқ, толиқтиарлар дараҷада секин «Э-Э-Э-Э...» деган чўзиқ товуш сизиб чиқди. Маккор ва ёқимли бу товуш қоялар узра кўп вақт, балки минг йил, балки абадий титраб тургандай бўлар, Александр ўзини уйқуга кетаетгандай, ердан кўтарнилиб бораётгандай сезарди.

Зангори денигиздаги тўлқинлар шовқин-сурон билан қирғоққа урилади-да, оппоқ кўпикка ботиб орқага қайтади. Тўқ яшил осмон бағрида хурмоларнинг елпигиҳисимон баргли шохлари чайқалади. Ҳовузларнинг турғун сувлари узра ибодатхоналарнинг қуёшда пурланувчи қордай оппоқ мармарлари мудрайди. Фақат хўрсипқи ва бир-икки оғиз сўз-ла бўлинниб турган босипқи, эринчоқ ҳамда дошишмандана товуш эса ҳануз яшгравоқда.

... Эш подшо хаёлötт оламига яна ҳам чүкүрроқ чўмди ва даралардан сизиб бораётган сут каби туманларни ҳам, осмон билан қўшилиб кетган зангори чўққиларни ҳам, баҳайбат булутлар соясида қорайиб турган ғамгин ясси тоғларни ҳам, дарё ўзанининг кенг жойида шовқин солиб оқаётган совуқ тўлқинлар устига қурилган, сукутга чўмган тош мақбараларнинг лангар чўпидаги ҳиллираб турган от ёлини ҳам аниқ кўрди.

Коҳни бетиним куйлар, жазавага тушиб кетганидан овози сусайиб, баъзан енгилгина шамол уфуришини эслатарди. У олиса ҳам, яқинда ҳам, бутун атроф-теваракда янграп, гоҳ бўғиқ фарёдга, гоҳ гўдак иоласига ўхшаб кетар, баъзи-баъзинда пофора тараклар. Александр аста-секин эриб, оппоқ бўшлиққа айланиб кетаётган осмону фалакда боргап сари юксак-юксакларга парвоз қиларди. Мана, ҳаммаси бирдан гойиб бўлди, фақат мавҳумот бағридан келаётган фурсатдай чўзиқ, туш каби тутқич бермас овозгина қолди. Александр ўзини ҳис қилмас, гўё вужуди илиқ бўшлиққа сингиб кетгандай эди. Юраги жўши уриб кетди ва баҳтиёрликдан йиғлаб юборди.

Александр эрталаб Кабурада бир ҳарбий қисми қолдириди, шимолга юриши бошлади.

Иўл дастлаб ёқимли шовуллаб оқаётган дарё соҳилидаги унча кенг бўлмаган осойишта воднийдан ўтди. Қуёш чарақлаб турарди. Дарё қиргогини қоплаган наъматак, жийда ва юлгун буталари орасидап қушлар галасининг қаттиқ чуғур-чуғури эшитилар, узоқдан эса мис баркашларга қопдал кумуш таңга ағдарилётгандай садо келарди. Ўнг ва чап томонларда яшинаб турган қирмизаклар билан қопланган дум-думалоқ тепаликлар кўтарилиб турарди. Оёқ остида қалин себарга шитир-шитир ва қисир-қисир этарди. Ҳаво одатдан ташқари тоза ва тароватли эди, ундан нафас олайтгандай эмас, янги согилган сут ичаётгандай бўларди киши.

Аскарлар осойишта ва ёқимли тонгдан шод эдилар. Маъюс юзлардаги ажиниларни табассум текислаб юборди. Енгил отлиқ айғоқчилар қўшин олдида беларво боришарди. Бақувват от мингани гетайралар мингиллаб хиргойи қилишарди. Гоплитлар мис дубулгаларини ечдилар, илиқ баҳор ҳавоси дагал юзларини силар, кир бўлиб кетган соchlарини эркалаб тўзғитар эди. Дажлалик ўқилар нортуялар устида ма-

Йин чайқалиб боришарди. Пешонасадаги сочларини ҳурпайтириб құвноқ фрәкіяниклар тұдаси одимларди. Уловкашлар қамчиларини ғайрат билан қарсилатын от ҳайдашарди. Қимdir қүшинлар ортидан ҳайдаб келинаётгап пода орасидан эңг йирик бир буқани таңлаб олдида, шохига гулчамбар тақиб, сағ олдига ҳайдаб кетди. Бу қувноқ кулги ва қызын қазилларга сабаб бўлди. Одамлар қадамларини секинлатмай ерга энгашиб, қип-қизил лолалардан узиб ҳидлашар, уларнинг хушбўй иси қирмизи атиргул ҳидига ўхшашилигидан ҳайрон бўлишарди.

Жангчилар Элладани эслашар, юношлар баҳтиёр, шунинг билан бирга гамгин хўрсинишарди. Феаген-нинг кўзларига ҳатто ёш келди. Баҳор унинг қалбини мол-ҳолларни, омоч билан ҳайдалган сариқ тусли юнош тупроғини соғининш туйғусига тўлдирди. Марафотликнинг қўллари саховатли инсоний меҳнатга ташна бўлиб кетган эди. У атрофга назар солди ва меҳнаткаш одамнинг қилиб юрган ишлари, ўз ватанидан олисдаги гуллаб-яшнаб турган вўдийда қўлида қурол билан сарсон бўлиб юриш унга бемаъти бўлиб туолди. Тифи ярқираб турган наизалар табиатнинг ёқимли табассумига шу қадар муносаб келмасдики, Феаген ўз ҳолидан уялиб кетди. У ўз наизасини парча-парча қилиб, тўлқинларга отгиси келди.

Аста-секин тепаликлар тиклаша бошлади, қалин майсалар орасидан бўртиб чиққан тошларнинг ўтқир учлари кўриниб турарди. Дарё қаттиқроқ шовуллаб, унинг ёқимли саси хунук тўнгиллашга айланди. Соҳил бўйлаб унда-бунда ҳар бири қўйдай келадиган харсанѓтошлар кўзга ташлана бошлади. Водий торайиб, қоронғилаша борди. Аскарлар юзига қоялар саяси тушиб, кўзларидаги қувонч нурларини ўчира бошлади.

Кунботар маҳалда бўлинмалар тўхташди ва дарё соҳилида, сувга яқин ерда чодир тикишди. Қоринларини тўйдирив, аскарлар сўниб қолған гулханлар синига чўзилишиди, лекин анча пайтгача ухлаша олмади. Ҳамма тап-сўзлар тўниб, одам ўзи билан ўзи юзма-юз қоладиган пайт келди. Тоғлар чидаб бўймас даражада сокин эди. Номаълум дунёлар совуги уфуриб турган кўкимтир-қора, шаффоғ осмонда ниҳоятда ёрқин жануб юлдузлари чарақларди. Одам уларга қанча кўп тикилса, юраги шунча хира тортаверарди.

Осмон, юлдузлар ва дунё — нима? Улар нега мав-

жуд? Улар ҳаракати қаерда бошланиб, қаерда тугайди? Одамларнинг жаҳолатда қолган идрокига ноаниқ чексизлик ҳиссиёти кириб келар ва ҳётнинг ечиб бўлмас муаммолари олдидаги қўрқув аста-секин улар юрагини қамраб оларди. Маҳкумлик туйғуси ҳаммани азоблай бошлади. Қўрқувдан ожизларнинг қони музлаб, фарёд билан тиз чўқар ва нола қилиб худога сифинишарди. Юрагида ўти борлар шу қўрқувдан халос бўлниш учун иргиб ўринларидан туришар, яна гулхан ёқиб, ақл-ҳушлари йўқолгунча мусаллас ичишарди. Ҳатто паҳлавонлар ҳам алам билан бош эғар ва нима учун кўнгиллари бунча хира тортганини тушунилмай, гулхан ёнида миқ этмай ўтиришарди.

Қўшинлар Кофени кечиб ўтиб, Шертовон дарёси бўйлаб юқорига, шимоли-шарқ томонга йўл олдилар. Бўлинмалар юқори кўтарилиган сари табиатнинг қовоги солиша бошлади. Қия жарликлар ўрнига ён-атрофда бадқовоқ ўткир қоялар қорайиб кўзга ташланади. Дарё шарқирар, аскарлар бир-бири билан гаплашиши учун қаттиқ бақиришга тўғри келарди. Пастлик томонга кўз илғамас тезлик билан оқаётган сув босимидан баҳайбат оҳактош қоялар гумбурлар, титрар ва инграр эди. Афсонавий форга киравётган илондай қоронғи дарага ўрмалаб киравётган македон қўшинлари рўпарасидан намхуш зулумот парча-парча бўлиб учиб чиқаётгандек. Қуёш ботди. Совуқ еган одамлар номаълум хатардан қўрқиб пайзалини қаттиқроқ чангалашарди.

Дара довоилари шундай қисиб келгандики, чап қирғоқдаги сўқмоқ тугаб, ўнг қирғоқдан яна бошланиб кетарди. Илгор бўлинма аскарлари тўхташди. Бир дақиқа бурун буралиб-буралиб қалқон-тангаларни ва синарларини ярқиратиб, сўқмоқдан секин бораётган Буюк Илон оқим устида тўхтаб қолди. Тоғлар кори эрий бошлаган, дарё лойқа сув билан тўлиб оқарди. Тўлқинлар ваҳима солиб шовуллар, пахмоқ кулранг итдай одамлар оёғига ўзини отарди. Ҳеч ким биринчи бўлиб сузиб ўтишни бошлиб беришга журъат қилмасди. Бунинг чуқурлиги қандайлигини ким билади?

Қора от минган подшо кўринди. Кабурадан чиқ-қандан бери македонлар ўз ҳукмдорларини танимай қолган эдилар. У яна ҳам улардан узоқлашган, юзи-

даги такаббурлик ифодаси кўлчиликнинг ихлосини қайтарган эди.

— Нега тўхтаб қолдишлар?— қуруққина сўради йўлбошловчилар бошлиғидан.

— Уёққа йўл йўқ.

— Кўрқоқлар!— хитоб қилди Александр нафрат билан.— Шу кичкина ирмоқдан қўрқиб Кабурага қайтиб кетамизми?

У ўзига ва отишинг кучига шундай қаттиқ ишонардики, ўйлаб-нетиб ўтиrmай, қорабайир отининг биқинига ниқтаб қолди. От типпа-тик бўлди-да, оқимга ташланди. Ҳайратда турган аскарларга томчилар шалоласи сачради. Қўшинлар ўзига келмай туриб, ҳукмдор нариги қирғоқда пайдо бўлди. Қора от пишқирар ва итга ўҳшаб силкиниб сувини қоқар эди. Подшо жасоратидан ҳаяжонга тушган аскарлар унинг ортидан тоғдан кўчган шағал кўчкисидай ўзларини дарёга урдилар.

Буюк Илон яна йўлга тушди. Аммо уни кўпдан-кўп кутилмаган ҳодисалар пойлаб турарди. Сўқмоқ тез-тез гоҳ чап, гоҳ ўнг қирғоққа ўтиб кетар, букилган «илон танаси» уч-тўрт жойда дарёни кечиб ўтиб, ундан илгарилаб борарди. Оёқ остида тош кўчиб, аскарлар йиқилиб тушар, сув эса думалатиб пастга олиб кетар эди. Баъзан юқоридан кўчган дум-думалоқ харсангтош погона ва саёз жойларда гумбурлаганча дарё бўйлаб шитоб-ла юмалаб-сузиб борарди. У сопқондан отилган зўлдир каби қўрқувдан эс-хушини йўқотиб, эсанкираб қолган аскарлар сафиға урилар, қалқон ва бош суюклариши чилпарчин қиласи, суюкларини эзиз-янчар ва гавдаларини парча-парча қилиб олиб кетар эди. Тошларга урилиб пўсти шилинган тог арчалари сафларга ба-ло-қазодай келиб урилар ва бўлинмаларга беҳисоб қирғин келтиради. Бу кутилмаган ҳодисалар устига қаттиқ дўл ёғиб берди, катталиги кантар тухумидай келадиган муз парчалари македонларга палаҳмондан отилган қўргошин зўлдирдай шиддат билан урилар эди. Шундан кейин ёмғир қўйди. Бошдан-оёқ шалаббо бўлган аскарлар совуқ ва чарвоқдан титрашарди.

Ниҳоят бутунлай қороғиги чўкканда йўл дарёдан чап томонга ўтди ва тик ёнбағирга, деярли чиқиб бўлмайдиган тепаликка уланинб кетди. Илон қияликлардан аста-секин тепаликка тирмашар, илфор бў-

лини мааскарлари қўлидаги, шамолда липиллаб турган икки машъял аждахонинг аламдан ёниб турган кўзларини эслатарди.

Гулхан ёқиб исиниш ва клиймларни қуритиб олиш учун на хас-ҳашак, на бутазор бор эди. Олға юриш учун дармон ҳам қолмаганди. Аскарлар настрага тушиб кетмаслик учун қоя бўртиқларига ёнишиб олдилар ва тонггача нам тошлар устида ётиб чиқдилар. Уларни титроқ босди. Талвасали тиш гижирлаши ва бўғиқ йўталларга жавобан қоронгилик ичра қор қоплонининг бўкириши эштиларди. Шундайгина бош устида, қоронги осмоннинг жануб томонида, булутлар орасида машъум Мирриҳ ўлдузи чаракларди.

— Эй Афина-Паллада! — пўпгиллади Феаген ўткир қобиргали тошлар орасида, чуқурда ётиб.

Кечакерталаб ҳис қилган баҳтили ҳаяжонидан асар ҳам қолмаганди, бечоранинг танаси музлаб, каражат бўлиб қолган, фақат ичиди, қалбидан жонли бир учқунгина ёниб турарди. Феаген оёқ-қўлларини узатиб, танаасига қон югуртиromoқчи бўлди, лекин жарликка қулаб кетишига сал қолди. Бу юношининг ғазабини келтирди.

«Шундай азобларга чидаш учун Феаген нимагуноҳ қилган эди?» — алам билан ўзидан сўради марафонлик.

У ўзининг ҳамма қилемиш-қидирмишларини бирма-бир хотирлар, лекин ҳеч бир номуносиб нарса тополмас эди. Ҳалол яшади. Ҳалол меҳнат қилиб, ўзи ва отасини боқди. Нега у азоб чекади?

Тонг отиши қийин бўлди. Тўнгиган одамлар уни кутавериб ҳолдан тойдилар. Эрталаб ҳаммаёқин туман қоплаб олди. У ёпинчигига бурканиб, оғзини шишварди, оғзида бўшлиқ ва намлик таъми қоларди. Ниҳоят қорли чўққилардан эсган изғирин туман қатламларини учириб кетди ва Буюк Илонга жон кирди. Йўлбошловчи ва айғоқчилар сўқмоқ бўйлаб юқсriga отландилар ва мум дараҳтларига дуч келдилар. Болталар ишга тушди. Аскарлар баҳтига мум дараҳти ҳўл бўлса ҳам яхши ёнар, унинг тутуни ҳам исириқ сингари хушбўй экан. Одамлар ҳузурижон гулханлар олдида исиниб, ёпинчоқ ва хитонларини қуритишар, узоқ ланғиллаб турадиган чўғида ҳўқиз гўштини пишириб, куч тўпламоқда эдилар.

Құшиғ дәңгиздең ақасидан олти мінг еттің із түрінен сакталғандағы Ахраман Эгари томон йұлға түшінди. Бириңчи бурилиш. Иккінчи. Үнинчи. Қирқинчи... Лашкарлар тик ёнбағыр бүйлаб юқорилаб борувчи сүқмоқдан бамисоли баҳайбат қуюннинг гирватли қашотига айланиб, тепаға күтарилиб борар ва сүқмоқ буримлари ҳеч қачон аді бўлмайдигандай тууларди. Үнгда кеча қўшишлар ўтган жарлик кўкариб турарди. Олдинда ҳәёлга чўмиб бораётган кишилар пастга чўчиброқ нигоҳ ташлар ва кимдир қояга ташлаб кетган кулранг арқонни. бир-бирига ҳайрон бўлиб кўреатишар эди. Уиниг устида чумолилар ўрмаларди. Бу арқон — ўзлари юриб бораётган сүқмоқ, чумолилар эса орқаларидан келаётган ўз дўстлари эканлигига ҳеч ким ишонмасди.

Аскарларни тоғлар буюклиги олдида вахима туғуси қамраб олган эди. Улар ҳар ер-ҳар ерда эгри-бугри әманларга, уларнинг шамоллар титиб-тўзитгани таналарида осмоний мамлакат жин-ажиналарни бекиниб ётмаганмикан, деган шубҳа билан қараашарди.

Холдан тойған одамлар нафас ростлаш учун қоярахларида ётиб дам олишардй. Ҳаддан ташқари оғир йўлда чарчаган ҳўқизлар пишқириб бир ёнбошга қуллар ва қайтиб ўринидан турмас эди. Отлар чавандоз билан бирга, тошларни кўчириб-суриб сүқмоқдан жарлиқка учиб қетар, хас-хашак булути, харсангтош парчалари, төг жинслари селдай қуюлиб, пастликдаги сүқмоқ бурилишларида бораётган от ва одамларни супуриб водийга оқизиб қетарди.

Буюк Илон қапча юқори күтарилса, ҳаво шунчак совиб бөргарди. Шамол кучайди. У чанг-тўзон кўтариб, кўзларга урар, сүқмоқлардан майда тошларни зарб билан учирив, бир уришда македонларнинг бурун ва юзларини тилиб юборар эди. Эманлар тугаб, сийрак совур арчалар билан алмашинди. Қоялар орасидан, гүё маймоқ панжалари билан оғир қояларни ағдариб, қора Ҳимолай айиғи чопиб ўтгаидай бўлди.

Бу одатдан ташқари довони ошишпинг олтинчи күни кечқурун, Эгар довонигача бир стадийға яқин йўл қолганда, сүқмоқ юқорисидан ҳайбатли юмалоқ харсанг гулдурос солиб юмалади. У Буюк Илоннинг манглайига келиб тегди, миясиннинг қатиғини чиқарив, рўпарадаги қоя бўртигига урилиб, ундан бир

парчасини синдириди-да, сүқмоқ чеккасига тушиб, йўлида учраган ҳамма тирик жонни эзив-янчганча думли юлдуз каби пастга қараб думалади. Юқорида тантанавор ҳайқириқ эшитилди. Йиртқич ҳайвон тे-рисини ёпинган буғдоиранг юзли одамлар шодон қўл силтаб, ҳаяжондан рақсга тушишарди.

Македонлар турган жойларида қотиб қолиши. Тоғ аҳли иккинчи тошга ёпирилди.

Александр олдинга ёриб чиқди. Македоннинг юзлари бўзариб, ўйноқлаб турган отининг түёклари остидаги оҳакдай бўлиб кетди. Кўзлари телбанинг кўзидаид ёнарди. Газабдан лаблари қийшайди. Подшо қўрқувдан қотиб қолган енгил пиёда аскар қўлидан сопқонни юлиб олди-да, бақирди:

— Зўлдир!

Аскар тўрвасидан зўлдир олиб берди. Александр сопқонни шиддат билан айлантириб туриб қўйиб юборди, зўлдир чувиллаб юқорига учиб кетди. Тоғлиқлардан бирининг боши ёрилиб, йиқилди. Александр орқасига ўгирилди-да, сопқон чарми билан пиёда аскар юзига туширди.

— Текинхўр!

Пиёдалар ўзларига келдилар. Қамоп, пайза, пиширилган лойдан ва қўроғиндан ясалган зўлдирлар милтиллаб кўрина бошлади. Икки-уч тоғлиқ ўзлари силжитоммаган тош ёнига қулади. Қолганлари қочиб кетишли. Гетайралар олдинга ташланиши ва иккитасини найза сапчиб ўлдиришди. Биттасини тирик ушлаб, Александр олдинга судраб келишиди.

Бу баланд бўйли, қораҷадан келган ўспирин эди. Юз бичими ниҳоятда келишган эди, аммо устидаги тоғ қоплонининг териси, кўзларининг совуқ чақишаи, шамолда ҳилпираб турган қоп-қора узун соchlари маҳаллий йигит юзига ёввойи тус бериб туради.

— Ундан сўра,— хириллади Александр ноиб Артабаз елкасидач тутиб,— сўра, нима учун у менга тош отди?

Артабаз олдинга бир қадам ташлади-да, маҳаллий тилда юмшоқ ва равон сўзлади.

Тоғлиқ тез жавоб бермади. Македонларга у шунчалик жоҳил ва ақли паст бўлиб туюлдики, нима учун лашкар устига харсанг думалатганини гўё ўзи ҳам билмасди. Тоғлиқ заррача қўрқмай подшоннинг бошидан-оёғигача назар солиб чиқди, нигоҳи македоннинг шоҳдор дубулғасида тўхтади.

— Бу Зулқарнайни? — сўради тоғлиқ Артабаздан.

— Ҳа, бу Искандар Зулқарнайн,— бидирлади Артабаз. Тоғлиқ бу сўзлардан кейин ҳозироқ «олампаноҳ» оёғига йиқилади деб ўйлаган эди. Аммо йиртқич ҳайвон терисидан кийим кийган йигит парво қилмади. Унинг юзлари македонлар учун кутимаганда шафқатсизона, жиддий ва ақлли тус Олди, шунда босқинчилар, қаршиларида турган асло ёввойи одам эмаслигини кўрдилар.

— Сўра Зулқарнайндан,— деди у вазминлик билан форсга,— сўра, нима учун у бизнинг юртимизга келди?

У чуқур хўрсилик-ла Александрга тик қаради.

— Мана қанақа экан у! — қаттиқ кулди Филипп ўғли.— Менинг нима учун бу ерга келганимни жуда-ям билгиси келяптими? Яхши. Мен унга айтаман, Певкест!..

Тоғлиқни қип-яланғоч қилиб довонга кираверишдаги қояга маҳкам боғлаб қўйдилар. Артабаз сингари Александр томонга ўтиб кетган эрони Певкест пичоғини чиқарди-да, унинг елкасидаги терини кесиб олди. Ўспирии уларнинг нима қилмоқчи бўлаётгандарини тушуниб, қафасга тушган бургутдай талвасага тушди.

Александр тоғлиқка тескари ўгирилди ва шимол томонга назар ташлади. Унинг қаршисида ёрқин сарғиш тутунга бурканган бепоён водий ястаниб ётарди. Мана, у ёшлигидан бери хаёл қилган олтин Бақтриана¹.

Тоғлиқ қичқириб юборди.

Мана у, хазиналар мамлакати, Александрнинг оғси остида, унинг келишини сабрсизлик билан куттиб ётибди.

Тоғлиқ қаттиқ фарёд урди.

Мана у, гўзал қизлар, ёрқин матолар, ранг-баранг идишлар мамлакати, учқур отлар мамлакати.

Тоғлиқнинг юракни эзиб юборадиган фифонидан ўтлаб юрган буғулар чўшиб кетди. Бирин-кетин рафон қадам ташлаганча музлаб ётган қоялар узра чопиб, кўздан ғойиб бўлди.

¹ Бақтриана (Бақтрия) — Амударёнинг ўрта ва юқори оқимида жойлашган Ўрта Осиёдаги мамлакат. Форс давлатига қарам эди.

Мана у, Александринг шоң-шүхрати япа ҳам гуркураб кетадиган мамлакат, ўз қўшипларини шимолга, афсонавий Суғдиёнага олиб борадиган мамлакат.

Тоғлиқишиг нафаси бўғилиб, жим бўлиб қолди.

Буюк Илон сўқмоқ бўйлаб аста-секин пастга, муқаддас Бақтра¹ томон ўрмалай бошлади. Қояға Йирометей сингари михлаб қўйилган тоғлиқ ўсирин ўзига потаниш бўлган ғарб жангчилари орқасидан, патанига қурол билан бостириб келмагунича у ҳеч қандай ёмонлик қилмаган Ғарб қўшинлари орқасидан ўлик кўзлари билан қараб қолди. Упинг қонга беланган танасида шилинган тери парчалари осилиб ётар, буғланиб турган қони совуқ тошларга шириллаб оқиб тушарди.

Феаген бугун кўрган ва эшитганларидан даҳшатга тушиб, ғазаб билан эштилар-эштилмас деди:

— Ҳаммаси учун жавоб берасан, Александр. Бақти келади ва сен ҳаммаси учун жавоб берасан...

«ШИМОЛГА КЕТАМИЗ!»

Ундан қочинг, ёвузликдир у сёвган дови,
У — Ахрамон, удир барча мавжудот ёви.

Фирдаосий, «Шоҳнома»

Муқаддас Бақтрага иштилган ёлгиз Искандар эмасди. Македон эндигина Қабура дарвозасига яқинлашган пайтда, Бақтра жойлашган Банд дарёси воийисига уч минг кишилик лашкари билан Бесс аллакачон кириб келган эди.

Лашкарда форс ва сувдлар кўп эмас эди. Қўшип асосини Гиркан денгизицинг шарқ томонида яшовчи кўчманчи дахлардан тузилган кўнгилли отлиқлар ташкил қиласарди. Подшони ўлдирғандан кейин Бесс қўшин тўплаш учун бир йилга яқин уларниг маизилларида сарсон-саргардон бўлиб юрди ва айёронга ғаплар воситаси билан икки ёки уч қабила йўлбошчисини ўзига оғдиришга, мұяссар бўлди. Ҳозир ҳам

¹ Бақтра — Бақтрияning пойтахти, Афғонистондаги ҳозирги Балх шаҳри.

Қора пахмоқ попоқларнинг вахимали кўриниши билин далаада ишлаётган дехқонларни чўчтиб, уларнинг ҳар бири ўз йигитлари билан унинг ортидан бормоқда. Бесс ва унинг одамларини кўрган тор ҳамда баданга ёнишиб турадиган хитон, оёқларига тумшуғи юқори кўтарилган тоштовон кийган бақтрий дехқонлар оғир омочларини елкаларига олиб, шошапиша ярим вайронга деворлари орқасига ўтиб, бекиниб олишарди.

— Улар нега яшпришишади? — ҳайрон бўларди Бесс. — Наҳотки, мени юнон деб ўйлашаётган бўлишса?

Тоғ ва чўлларда юриш уни қийнаб юборган эдп. У зиравор солинган хушбўй ва аччиққина шўрва ҳамда кўркам ва покиза тўшак кўрмай толиққанди. Гулхан ёнида ухлаш, ўтда пиширилган гўшт билан тамадди қилиш кўнглиши айнитадиган даражада жонига текканди.

— Ҳаммадан бурун сени Бесс деб ўйлашяпти, — истеҳзо қилиб деди Спантамаъно, — шунинг учун қочишияпти, юропқозиқлар.

— Нима дединг? — эшитмай қолди ҳоким.

— Мен: бақтрийлар ёмон одамлар, деяпман.

— Ҳа, — қўшилди Бесс, — ўн йилдан бери шуларга ҳокимлик қиласман-у, лекин бирор марта мени кўрганда жилмайган бақтрийни учратмадим.

— Аблаҳлар, — унинг овози оҳангнда гапирди Спантамаъно, — уларни шилиб олиниса-ю, хурсандликдан хоҳолаб кулиш ўрнига улар яна хўмрайса.

Сугд ҳазил қилиб галирдими, жиддий гапирдими тушуниб етмай, Бессининг қаҳри келди. У от юганини силтади-да, ишдамай олдинга ўтиб кетди. Унинг Спантамаънога кескироқ бир гап айтгиси, камситиб, хафа қилгиси келар эди. Аммо иуқсони, тегиб зириллайдиган жароҳати бўлмаган одамии қандай қилиб узиб оласан? Спантамаънонинг гапларига эътиroz билдиrolмайсан, гўёки ҳазил қилиб гапиради лаънати сугд. Аммо Сиёвуш авлодининг бегараз бўлиб туюладиган заҳарли илон вишиллашидай ҳазилини ёси бор одам англамаслиги, унинг хатти-ҳаракатларида хавф-хатарни сезмаслиги мумкин эмасди.

Бақтрага яна икки довон ошиш қолган эди. Иўловчилар эртага кечқурун шаҳарга кириб бориш учун ҳозир бирор жойда тунаб, тонг билан йўлга чиқишга қарор қилдилар. Улар қуёш ботганда баланд

пахса девор билан ўралган қишлоққа етиб келишди. Ҳоким ҳұзур қилиб эснар әди. У түйимли кечки овқат ва юмшоқ ўринни күз олдига келтирніб олдиндан лаззат олмоқда әди. Аммо форсни аччиқ нохушлик кутаётган әкан — шундоққина пешонаси олдида қишлоқ дарвозаси қарсиллаб әпилди.

— Ким бор, очинглар! — деди Бесс уңча балаңд бўлмаган овозда, обрў сақлаб, сўнг беписандлык қилиб қамчи дастаси билан дарвозани тақиллатди. — Қўзларинг борми? Қўрмадингларми ким келганин?

Унинг кўнгли тўқ әди. Қишлоқ аҳли Суғдиёна ва Бақтрия ҳокими Бесснинг ўзи қадамранжидаги қилганини билиб дарҳол қўшқўллаб дарвозани очади-ю, олий мартабали меҳмон қаршисида тиз чўкиб қуллуқ қиласи деб ўйлаганди. Ҳаммавақт шундай бўлиб келган ва Бесс чанқаганда сувни қандай шимирса, иззат-икромни ҳам шундай ўйламай қабул қилишга кўнишиб кетган әди.

Аммо дарвоза очилмади. Бесснинг жаҳли чиқди.

— Ҳой, намунача имиллайсанлар? — хитоб қилди сабрсизлик билан. — Тезроқ очинглар!

Девор устида қўлида ўқ-ёй ушлаган бақтрий чол кўринди.

— Сен кимсан? — сўради у дарғазаб.

Ҳоким каловланиб қолди. Ҳеч ким ҳеч қачон унинг кимлигини сўраб ўтиргасди. У саройдаги олтин таҳтида савлат тўкиб ўтирганда аъшшу амалдорлар унинг қаршисида тиз чўкишарди, унинг кимлигини сўрашмасди. У шахсий қўриқчилари қуршовида шашар кўчаларидач ўтганда бутун халқ ерга қадар бош эгарди-ю, ҳеч ким унинг кимлигини суриштирмасди. У агар бирон-бир кентга бормоқчи бўлса тантана билан кутиб олиш учун икки ой тайёргарлик кўришарди-ю, ҳеч ким унинг кимлигини суриштирмасди. Бесс бу, Бесс, ахир, падарингга лаънат. Мана энди қандайдир чурук, ёшини яшаб, ошини ошаган беақл бақтрий чол бўлса... Бесс нима деб жавоб беришини билмади-да, саросима билан Спантамаънога қаради. У бўлса юзларига даҳшатли тус бериб, кўзларини олайтириди-да, сохта ғазаб билан қичқирди:

— Оч тезроқ, тўпка! Қўрмаяпсанми, итдан туққан, рўпарангда форсларининг энг олижаноби, Аҳмоний Бесс, сенинг ҳокимининг турибди-ку.

Бу сўзлар чолга заррача таъсир қилмади.

— Бесс? — тушунмагандай қайта сўради чол.—
Ундаид одамни ҳеч эшитмаганман.

Бақтрий чолнинг жоҳиллиги ҳокимиши қутуртириб юборди. Қари аҳмоқни ғолохонадор қилиб сукмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бирдан попуги пасаниб, кўзларини катта-катта очди. Чол ҳийла қилаётганини у тушунган эди. Бессни таниганлар, албатта. Бесс бўлганлиги учунгина уни қишлоқча киритмаётгандарни равшан эди.

— Ҳа... ҳали менга шунаقا муомала қиляпсизларми? Бошингни оламан ҳаммангни! Қишлоқни ер билан яксон қиласан!..

У от устида қўлларини мушт қилиб, тишларини ғижирлатди, бошини орқага ташлаб, худди қоя остида хавф-хатарсиз баландликда сайр қилиб юрган буғуларга ғазаб-ла тикилганча пусиб ётган оч бўридай гужанак бўлиб олди.

— Қишлоқни яксон қиласан? — бақтрий қовоғини уйди.— Эҳтиёт бўл, болам, тағин ўз каллангни бирор олиб кетмасин.

У бошига калтак тушгандай буқчайиб қолди. Кўз олди қоронғилашди. У ҳанжарини суғурди-да, от жиловини кескин тортди. Тулпор типпа-тик турди. Ала-мига чидай олмаган Бесс сурбет бақтрийни тилкапора қилмоқчи бўлиб ҳанжарини селпиди. Аммо деворнинг баландлиги йигирма тирсак эди. Бесснинг қўли жиловни шунчалик қаттиқ тортдики, отнинг бўйни синиб кетишига сал қолди. Оғриқдан ўзини йўқотиб қўйиган от ақл бовар қилмас даражада осмонга сакради-да, оёқларини билтанглатиб ёнбошга афдарилиди. Девор устида қаттиқ кулги эштилди. Ўнлаб қораҷадан келган, узун соқолли одам панжара ортидан мўралар ва омадсиз сакровчини масхара қилиб кулади.

— Чўчқа тишлари билан ойнинг бир чеккасини узиб олмоқчи бўлиб сакраган экан, аммо тағин ўзининг ифлос кўлмагига қулаб тушибди,— қулиб қичқирди кекса бақтрий. Хўрланишдан ранги оқариб кетган Бесс отнинг бошига мушт туширди. Тулпор сапчиб турди-да, устидаги сувори билан қишлоқ дарвозаси ёнидан югуриб кетди. Бесснинг ҳамроҳлари ҳам отлари бошини ортга буриб, раҳнамолари изидан йўлга тушиши.

Спантамаъно истеҳком қилиб ўралган қишлоқлар дарвозаси олдида қанча кекирдак йиртиб бақирма-

сүн, Бессга бу кечә ҳам юмшоқ түшакда ётиб ҳордиқ чиқариш насиб қылмади.

— Ҳей, бақтрий құтыр әшаклар! Ҳей, олижаноб форс баҳодири Бесснинг тирноғига ҳам арзимайдиган чувалчанглар! Нега мунча ухлайсиз, зоти пастлар? Нима учун ўз ҳокимингиз истиқболига югуриб чиқмайсиз? Эңг сўнгги қўйингизни ҳам сўйиб беринг, овсарлар! Агар қолган бўлса мусаллас солинган қўзаларингизни олиб чиқинглар! Нораста қизларингизни сочидан бураб судраб келинглар.

Унинг очиқдан-очиқ, қасддан ёғдираётган оғир ҳақоратлари дәҳқонларнинг қаттиқ газабини келтирас, бақтрийларни Бессга қарши қайрар эди.

— Жин урсии Бессни!— дейишди бир қишлоқ аҳли.— Эрони йўқолсин ўз ватанига!

Ҳокум йірглаб юборишдан ўзини зўрға тутиб турарди.

— Қариндоши Дориёвуш орқасидан Бесс ҳам нариги дунёга равона бўлсин,— маслаҳат бериши бошқа бир қишлоқ аҳли.

— Биз бундай ҳукмдорларга тупурамиз,— эълон қилди учинчи қишлоқ аҳли,— биз бақтрийлармиз, Бақтрияни ўзимиз идора қила оламиз...

Тўртинчи қишлоқ аҳли эса ҳеч парса демади-ю, лекин унинг ўрнига келгиндиарни ўқ-ёй билан сийлаб, саккис даҳни ҳалок қилди.

Дәҳқонлар кулбасида ҳордиқ чиқариш учун қилинган шунча уринишлар бекор кетгандан кейин, қўшин кимнингдир каттакои боғига кириб қолди. Қишлоқ аҳлининг оғир ҳақоратлари учун қасос олиб форслар яшнаб турган ўнлаб ўрик, олхўри, гилосу олчаларни кесиб ташлашди ва тутатиб гулханга қалашди.

Спантамаъно гулхан олдида олачипор ёпинчиғини тўшаб ётар ва уч бўлак бўлган кўза ҳақидаги қўшиғини чўзиб хиргойи қиласарди. Бесс бошини қўлларига қўйиб, гулханнинг нариги томонида қимирламай ўтиради. У Спантамаънога нисбатан ичидагаттиқ ғазабланарди. Суғднинг ҳатти-ҳаракати билан бугун Бессга нисбатан шундай қабиҳ муносабатда бўлганлар орасида бевосита боғлиқлик кўришиб турар, агар Спантамаъно атрофида садоқатли қабиладошлари бўлмагандা, Аҳмоний сусткашлик қилмай Сиёвуш авлоди устига харажар билан ташлаңган бўларди. Унинг бутун Эрои давлати ҳукмдо-

ри бўлишига мана шу бола халақит берсин деб ўгай акаси Дориёвушни йўқ қилгаш эдими? Спантамаънонинг эса Бессга ҳалал беришга уринаётганини фақат кўзлари ожиз одамгина кўрмаслиги мумкин: Ў! Бессниңг қалби сезиб турибди, уни бу қадимий шоҳлар авлоди нобуд қиласди. Бу разил сүғдин йўқотиш учун дахларни йўлга солсамикан-а? Унда ажойиб иш бўларди-я! Лекин Қорақум дайдиларига ишониб бўлармиди? Ўзлари Бесс қўли остида-ю, бироқ Спантамаънонининг айтганини қилишади, чунки Спантамаъно уларга яқин, ўз одами, Бесс эса бегона, форс. Даҳлар форс истилочиларидан оз жабр-зулм тортганими?

Ўз ожизлигини ҳис қилиш Бессга алам қиласди. Қарама-қарши туйгулар ичини итдай таталётганда ҳам ўзини идора қила билиши керак, шунинг учун аламидан тош бўлиб жим ўтиради.

Бесс эрта тонгда Бақтраға чопар жўнатди ва бошқа жангчиларга йўлга тайёрланишини буюрди. Яхши ухламаганларидан юзлари кўпчиб оқарган, сочлари тўзиган, қўлларини ҳўл ўтин дуду қуруши босгаш, тун бўйи кийим-кечаклари намиқсан форс, сүғд ва даҳлар истар-истамас асбоб-анжомларини йигиштирар, отларга кигиз абзалларни ёпишар ва энди айилларини тортишар эди.

Қўрда пиширилган кўмма нон билан ионушта қилгандан кейин қўшин Бақтраға йўл олди. Отликлар шаҳарга яқинлашган сари йўл гавжум бўлиб бормоқда эди. Деҳқонлар бултурги йўнғичқани бое-бое қилиб эшакка ортиб боришарди. Буғдоили қоплар ортилган араваларниң улкан фидираклари гижираарди. Кўчманчиларнинг икки ўркачли туялари бир меъсрда одимлаб борарди.

Бессниңг қўшинига ҳеч ким эътибор бермасди. Уруш бошланганига кўп вақт бўлди. Фарбдан қайтган дастлабки кўнгиллilarни халқ қизиқсип қарши олган эди. Зич бўлиб аскарларни ўраб олишар. Искандар билан бўлган жанглар ҳақида узоқ суртиришар эди. Гап-сўз, тахмин ва фисқ-фасод кўп эди. Бироқ уруш чўзилиб кетди, қанча оғир бўлмасин, ҳамма унга кўникиб қолди. Яшаш керак эди, яшаш учун эса нон зарур, худо берганига қаноат қилгаш одамлар ҳаммасига кўникиб, одатдаги ишларига қайтдилар. Агар илгари Йесса остоналарида яралан-

ган аскар ортидан бир тұда анқов әртадан-кечгача әргашиб юрган бұлса, әнди биروف қайрилиб ҳам қарамас әди. Турли жангларда ярадор бүлгаплар сони соғлардан апча күпайиб кетгандан кейин ким ҳам қизиқиб қарапди.

Икки довон ошган Бесс кечга яқин Бақтра шаҳри этагига етиб келди. Дастраб чорси ёки қийшиқ күп бурчак қилиб ҳайдалған пайкалларнинг уватла-рида яккам-дуккам тутлар учраган бўлса, кеинин мөвазор боғлар бошланди. Энди йўлнинг икки четида дехқонларнинг атрофи пахса девор билан ўралған ҳовлилари учрарди. Ундан кейин жойлари торлик қилгани учун шаҳар ташқарисига кўчиб чиққан кўнчи, кулол ва темирчиларнинг уйлари кўзга ташланди. Ниҳоят Бесс эски Бақтранинг Farbий дарвозасига етиб келди. Шаҳар тепаликка жойлашган ва унинг атрофи хом фиштдан тиклашган баланд девор билан ўраб олинган әди. Дарвозанинг ўлг ва чап томоидан девор бўйлаб истеҳкомда туриб отишга мўлжалланган махсус шинаклар қаторлашиб кетган әди. Тўғри бурчакли минораларда қўриқчилар юрарди.

Бессни кутаётган әдилар. Қўшин тор кўчада кўринган заҳоти катта очилған дарвозадан унинг истиқболига кенг-мўл гулдор кийимли, бошларига йўл-йўл рўмол ўраги серсоқол отлиқлар тұдаси чиқиб келди. Ноғоралар гумбурлаб, улкаш карнайлар ҳўқиздай маъраб, сурнайлар эса майнин жаранглаб кетди. Спантамаъно лабларини тишлиб қолди. Бироқ ҳуэурхаловатдан Бесснинг чехраси ёришиб кетган әди. Унинг истиқболига чиққанлар қаторида битта ҳам бақтрий йўқ әди. Шаҳарда македонлардан шарққа қочган беш мингга яқин форс йигилган әди. Улар чопардан Бесс келаётганини эшитиб шодликдан териларига сиғмай, унинг истиқболига шошилган әдилар. Уларнинг кунлари тоhtiшув ва уриш-жашжал билан ўтар, ҳеч ким нима қилишини билмас, чунки раҳнамо йўқ әди. Мана, ниҳоят раҳнамо ўз оёги билан келди.

Қўшин тўхтади. Кутиб олувчилар орасидаги сочсоқоли оппоқ бир форс отдан тушди-да, Бесс томон қадам ташлади. Бессга уч қадам қолганда ўзини йўлга таппа ташлаб, лабларини тупроққа теккизди. Бесс бирдан ўзгарди. Қўзлари мағурр ялтираб кетди. Уяна Аҳмоний Бессга, Бақтрия ва Суғдиёна ҳокимига

айланди, энди ҳеч ким унинг кимлигини сұрамағетган зди.

Чол елкасидаги мусаллас солинган мешни олди, олтин қадағни қорамтирип суюқлик билан лиммо-лим түлдирди-да, чап құлини күксига құйғанча, үнг құли билан Бессга узатди. Бесс шамолларда қорайған лабларида жиддий табассум билан қадағни иккі құллаб қабул қилди-да, оғзига келтирди. У иштаға билан, аммо ошықмай, пордон мусалласдан лаззатланғанда, сиполик билан симирди. Қадағни бүшатиб, қолғап бир томчига бармоғи учини хұллаб манглайига қызил чизиқ тортди. Дағал форс жангчилари қаторида дүрилдоқ ҳарбий хитоблар янгради.

Соч-соқоли оппоқ эрони Бесснинг оти жиловидан ушлаб, етаклаб олди. Бесс узун бүйнепи әгиб, қор тепа сингари бүкчайын болди. Форслар ортга чекиниб, ўз ҳукмдорлари ва уннег эрони ҳамроҳларини Олдинга үтказиб юбориши, кейин яна бирлашиб, зичлашишди-да, найзаларини шақыр-шуқур қилиб, ҳоким ортидан шаҳарға йўл олиши.

Спантамаъно жойидан қимирламади. Суғд ва дахлар Сиёвуш авлоди ёнида қолишли. Бесс ўз сафдошини эсидан чиқарғандай туюлди. Аммо Спантамаъпо англағандай бу фақат шундай туюлган зди. Аслида Бесснинг бошқа ниятлари бор, ундан эҳтиёт бўлиш керак.

— Кўзага тегди ҳижрон, уч бўлак бўлди шу он,— деди Спантамаъно ва жангчиларга ўгирилди.— Кўрдингларми? Чакалакзорга ўт тушганда ҳайвонлар оловдан қочиб жон сақлайдилар, шунда оҳу бўри билан бирга қочади. Бири иккинчисига тегмайди. Аммо ёнғин ўчгандан кейин бўри оҳуга тиш қайрай бошлиди. Мени тушундингларми?

— Ҳа.

— Даҳлар, энди қайга борасизлар?

Даҳлар йўлдаёқ бир фикрга келишган зди. Ўз мулкидаки тунашга бошпана беришмаган Бесснинг қўлида хизмат қилиш даҳларга ҳеч бир яхшилик ваъда қилмас зди. Яхшиси Спантамаъно қўл остига ўтиш: ўз кўзлари билан кўрдиларки, ундан Бесс ҳам чўчииди. Шунинг учун даҳ оқсоқоллари иккиланмай жавоб беришди:

— Сен қайда бўлсанг, биз ҳам биргамиз, о Муқаддас Фикр!

Спантамаъно иоми «муқаддас фикр, маъно»ни

билдиради. Сиёвуш авлоди рози бўлгандаи бош ирғади ва дарвоза олдида қолган ориқ, рангпар форсга тикилиб қаради. У Дороннинг қатли устида бўлган эди. У бошини эгиб, қаергадир узоқ бўшлиқларга алам билан қараб туради.

— Датафарн! — чақири Спантамаъно. У ялт этиб қаради.— Сен нега бу ерда қолдинг?

— Қаерга ҳам борардим? — деди ғамгин жилмайиб.

— Бесснинг ённга...

Датафарн аста бош чайқади:

— Иўқ, Спантамаъно! Сен билан бўлишни истайман.

Спантамаъно форсга синовчан назар ташлади. Агар уни атайлаб Бесс юборган бўлса-чи? Иўғ-э, бўлиши мумкин эмас. Спантамаъно бу бечора Датафарнни бирипчи марта кўраётгани йўқ-ку. Лекин бари бир деди:

— Мен қўймасам-чи?

Датафарн дарров хафа бўлиб, умидсизлик билан:

— Унда, билмадим,— деди.

«Аҳмоқ,— деб ўзини сўкди Спантамаъно. Датафарнга раҳми келган эди.— Бусиз ҳам касалманд одам бўлса, сен яша унга озор берсанг».

— Бўйти,— бош силкиди Спантамаъно самимилик билан.— Хафа бўлма. Шунчакн айтгандим. Мен билан қолмоқчи бўлганингдан хурсандман.

Датафарнга жон кирди. Спантамаъно суғд ва даҳларга ўгирилди.

— Форслар чал томонга, саройга кетишди. Биз эса ўнг томонга, менинг дўстим Вахшунвартаникига боррамиз. Ҳамма розими?

— Ҳа.

Вахшунвартада қўргони Жанубий дарвоза томондаги бутун бир маҳаллани эгаллаган эди. Ҳом ғиштуйлар ва чўпкори хонадонлар орасини торгина иўлаклар боғлаб туради. Ҳовлилар орасинда ҳар жой, ҳар жойда серсоя ичкари-ташқарилик ҳовлилар, у ер-бу ерда ям-яшил тераклар бўй чўзган. Вахшунвартада саройи ўз қариндош-урӯвлари ва Бақтрияниң олий

марtabалық коҳинига қарашили құллар истиқомат қи-
ладиган күлбалараппинг япасқи томлари узра қоя син-
гари юксалиб турарди. Сарой рӯпарасида ўртаси ҳо-
вузли кенг майдон бор эди. Ҳовуз бўйида сершоҳ чи-
нор таналари қорайиб кўринарди. Вутун даҳа қалин
девор билан ўралган, саройнинг ҳар бурчагида хом
гиштдан тиклаинга тўртта миноранинг шинаклари
гёй пастга сергак боқиб турарди.

Вахшунварта — баланд бўйли, қорачадац келғаш,
кенг пешонали, этсиз жиддий юэли, сокин қоп-қора
кўзли, гўштдор бурун ва узун онпоқ соқолли қиши,
меҳмонларни сиполик ва очиқ чехра билан қаршӣ ол-
ди. Осоийшта ва равон ҳаракатлари, юмшоқ сўзи ва
шошилмай қадам қўйиши билан ўзининг руҳонийлар
табақасига мансублигини таъкидлаётгандай бўларди.
Ўз қадр-қимматини сақлаган ҳолда Спантамаъно
таъзим қилди ва шошилмай уни саройга бошлади:

Сарой хоналари гулга сероб ва баҳаво эди. Шифт-
лар нозик ганчкорлик нақшлари билан безалгани.
Баланд деворларнинг юқори қисмини нақш ликоб-
чалар, тизилишиб кетаётган какликлар, қондоқидан
қочаётган буғулар — санъаткорона ицилашган нақ-
қошлиқ суратлари безаб турар эди. Наққошлиқ сурат-
ларидан пастда зангори майдондаги ранг-баранг гул-
лар тўқимаси: ингичка оёқли чопқир отлярга минган
овчилар камон билан нозик тор эчкисини яралаган;
қимматбаҳо кийимли ўсиринлар қадаҳ кўтармоқда;
ўйнаётган тўда-тўда яланғоч раққосалар.

«Вахшунварта маросимларни бажо кўлтиради-
ган олов ибодатхонасида бирон жимжимадор хат
ёки суратни кўрмайсан,— ўйлади Спантамаъно,—
унинг уйида эса мана қанчаси чизиб ташлангац. Се-
пининг диндорлигига шуми, маккор?»

Спантамаънога гамхўрлик қилишини құлларга төп-
шириб, уй эгаси чиқиб кетди. Вахшунварта сүфд ва
дахларни ҳовлиларга, отларни эса отхоналарга жой-
лаштириб бўлгунча Сиёвуш авлоди совуқ сувда юви-
ниб олди. У ҳовли ичидаги тош ҳовузда узоқ чўмил-
ди, унча йирик бўлмаган; озғинроқ, аммо бронзадан
қўйилгандай келишгап вужуди йўл азоби ҳордифини
чиқармоқда эди.

Завқланиб кетган құллар тилларини такиллатиб,
суғдининг узуи соchlарини хушбўй мой билан ишқа-
лаб, кумуш тароқ билан тараб қўйдилар; қалин соchlарини
олтин рашига товланар, патила бўдиб елкасига

тушиб турарди. Номдор сүғд ўзи учун тайёрланган ажойиб бақтрий кийимларини рад қилиб, қулларни ҳайратта солиб, яна олачипор қоплон терисини кийиб олди. Мис күзгуга қараб, ингичка мүйловини түғрилади-да, атрофида тұдаланып турған қулларга қувноқ күз қисиб қўйди. Улар шодликдан чуурлаб қолишиди. Ҳеч ким уларга бундай дўстона муоала қилмаган эди.

Тетикланган, эпчил сүғд юмшоқ қизил гилам устидан илдам юриб, кумуш ва олтин идишлар қўйилган хонтахта ёнида уни кекса Вахшунварта кутаётган хонага кириб келди. Иссиқ буғдой нонни, катта товоқда тоғдай уйилиб турған ёғлиқ паловни, идишларда оғзини очиб турған, қовуриб юпқа-юпқа кесиб, устига қизил қалампир ва сиркали пиёз селиб оловда қиздирилган ёнғоқ қўшилган зогорабалиқ, лаққа ва чўртанибалиқларни кўрган Спантамаънонинг бурун катақлари яқин орада ўтлаб юргани оҳу ҳидини олган қоплон бурун парраги сингари титраб кетди.

Ўй эгаси баланд сепояга ўрнатилган бронза қурбонгоҳга яқинлашди, бир дона анерни кесди-да, мұқаддас оловга қонли шира томизди ва зўрға эшитиладиган овозда қисқароқ калима ўқий бошлади:

— О, Ҳаом, хонадоннинг яратгувчиси, қишлоқнинг пуштипаноҳи, шаҳарнинг, мамлакатнинг ҳукмдори! Бизга куч ва ғалаба ато қил, бизни ғазабкорлар ғазабидан сақла, зулмкорларни ақлидан жудо қил. Қимки шу уйда, шу қишлоқда, шу шаҳарда, шу мамлакатда бизга душманлик кўзи билан қараса, уни кучидан айиргину кўзини кўр қил. Оёқларидан мадор кетсин, қўлларидан қувват. Қимки бизнинг дилимизга рапжу алам солса, ер ва осмонн кўра олмасин...

Жимжит овқатланишарди. Спантамаъно ҳаммасидан оз-оздан татиб кўргач, ўзи севган овқатга.— ёғли қўй гўшти, ёввойи саримсоқ, қорамурч ва беҳи солиб пиширилган аччиқ ва қайноқ шўрвага ўтди. Вахшунварта локайдгина туршак чайнаб, бурчак томонга тикилиб ўтиради. Унинг ҳеч нерса егиси келмасди, лекин одоб юзасидан сүғдга қўшилиб тотиниб ўтиради. Уни нохуш фикрлар ўттарди.

— Қани гапир-чи,— деди коҳии овқатни еб бўлиб,

устидан қорамтири, нордон мусалласдан ичиб, құлтиғи остига болиши тортиб, ўнг томонга ёнбошлаганида.

— Менинг ҳикоям қисқа бўлади,— Сиёвуш авлоди кулиб қўйди.— Форсларниг купи битди!

— Сен бундан хурсандмисан?

— Хурсанд дейсанми?— сўради Спантамаъно.— Албатта-да! Ҳозир шундай эркин нафас оляпманки, ўзимнинг йигирма олти йиллик умримда ҳеч қачон бунчалик эркин нафас олмаган эдим. Эй, айтмоқчи, бугун мен роппа-роса йигирма олтига кирдим-ку! Бутунлай эсимдан чиқиби, минг лаънат... Хўп, майли, бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими нима? Спантамаъно энди бошқача ҳаёт кечиради!

У кўзларини қисди, бармогини қарсиллатди-да, кулиб юборди. Вахшунварта бу суғд яна пима дер экан деб кутарди.

— Менга қара, Вахшунварта,— давом этди Сиёвуш авлоди,— Спантамаъно ўзи ҳақида гапиришни хуш кўрмайди. Унинг одати шунаقا. Аммо бугун... ёки маст бўлдимми, бир қадаҳ мусаллас тилимни қичи-тиб қўйдими? Йўқ. Ҳодисалар — мана лабимдаги қулфни очиб юборган нарса. Қодомон мағлубиятидан хурсандмисан?— деб сўрадинг мендан. Ҳа, телбаларча хурсандман! Нима учун? Айтиб бераман, Вахшунварта. Гапимни эшит, отахон. Биласан-ку, ахир мен Сиёвуш урвоғи — подшолар зотиданман. Сиёвуш Зарафшон дарёси бўйидаги Биҳар¹ шаҳрида дағн этилган. Баҳорда, Наврӯз байрами куни Биҳар аҳолиси Сиёвуш дағн этилган тепаликка чиқишиб, тонг-саҳарда унинг қабри устида муқаддас хўрөзлардан сўйиншади. Сиёвуш Миҳрадан, буюк Қўёш худосидан вужудга келгап. Бизнинг авлодимиздан мидияликлар, форслар, бақтрийлар, суғдлар ва Хоразм халқлари сифинадиган Зардуст пайғамбар чиққан. Ҳа, мен улуғ зотларданман. Бобомнинг отаси Биҳар шаҳри ўртасидаги тепаликда — Сиёвуш дағн этилган тепаликда яшарди. Уша ерда, қалин деворли қўрғонда отамнинг отаси — бобом ҳам ёшини яшаган. Бутун Суғдиёнада Сиёвушлар авлодидан давлатлироқ ва ҳурматлироқ одам бўлганми? Аммо Қайхусров пайдо бўлдию...

Спантамаънонинг юзлари тундлашди. Вахшунвар-

¹ Биҳар — ҳозирги Бухоро.

та навқирон сүғднинг кўзларида порлаган ёвуз ўтии нўриб, орқага сурилди.

— Форс подшоси Қайхусров,— давом қилди Спантамаъно — катта бобомни енгид, кўп хўрлади. Дориёвуш бобомни Биҳардан қувғин қилди. Бизнинг авлодимиз шарққа, Панжакентга қочиб борди. Панжакентни эшитганмисап? У Мароканд ортидаги толалар ораснда, Зарафшон ёқасига жойлашган. Аммо у ерда ҳам, минг лаънат, близни тиц қўйишмади. Форслар бизнинг мазгилимизгача етиб боришида, қўлимизда нима қолган бўлса ҳаммасини тортиб олишди. Нима учун? Чунки бизнинг авлодимиз муқаддас авлод, Дориёвуш ўғли Кшайарша эса, ўени Испеноният Халоскори деб эълон қилган, номинг қаро бўлгур Кшайарша Шарқда. Аҳмонийлар уруғидан шарағлироқ уруг мавжуд бўлишини истамасди.

О, қисмат! Агар қачонлардир бутун Суғдиёна бойлиги бизнинг қўлимизда бўлган бўлса, форслар даврида улар чет эллик подшолар ўлжасига айланди. Суғдиёнани Эрон давлати тобесига айлантирдилар. Биласами, сүғдлар, хоразмийлар, парфияннлар ва харайва қабилалари билан бирга қанча солиқ тўлардилар? Ҳар йили уч юз олтни талантдан. Бу солиқлар дастидан Суғдиёнанинг ҳамма одамлари қатори Сиёвуш авлоди ҳам қашшоқлашиб кетди. Гапимга ишон, биз ҳар ўн қўйдан ярмини кимга берардик? Форсларга. Ҳар ўн қоп галладан ярмини кимга берардик? Форсларга. Ўн йигитдан ярмини кимга берардик? Форс қўшипларига. Улар эса ўз уйларидан узоқ, бегона юртларда, бирорларнинг ҳузур ҳаловати учун йўқ бўлиб кетарди. Ҳар ўн қизимиздан ярмини форсларга, уларнинг шалпашг қулоқ чоллари кўнгил очиши учун берардик, улар ҳеч қачон ўз уйларига қайтиб келишмас, бизнинг әркакларимиз эса уйланолмасдан, ер юзида ўзидан тирноқ қолдирмасдан ўлиб кетишарди. Бизнинг уруғимиз айниб кетди. Дунёда Сиёвуш авлодидан биргина одам қолди — бу мен, Спантамаъно, холос.

Ҳамма: Спантамаъно кофир, дарбадар, унииг учун муқаддас нарса йўқ, дейди. Ҳақиқатан ҳам шундай, мен буни инкор қилаётганим йўқ. Спантамаъно, подшо ва худога манзур бўлиш учун қандай ғам-кулфат тортмади, қандай мухтоҷликларга тоқат қилимади. Менинг кўз олдимда, ҳа, шундоқ мен лаънатининг кўз олдимда бўйсунмагани учун отамни ўл-

дирдилар. Мен, Сиёвуш авлоди, латта-пүттага ўрагиб, бўм-бўш кулбада муз қотардим-у, форс оқсоқолиарининг болалари башаиг кийимлари билан ғашимга тегарди. Мен бўри боласидай оч эдим, улар эса улар эрта шима билан тамадди қилишларини сираҳаслларига келтиришармиди?

Мен чиройли ва қувноқ бола эдим. Бой оқсоқоллар қизларини менга беришармиди? Гўй, уларни оғзидан она сути кетмаган, белбоғлари олтин билан, биздан тортиб отингани олтин билан дўппайган форс гўдакларига беришарди. Ўнгирма ёшимда мен чоллар каби доиншманд бўлинб қолган эдим, аммо бир тўда бефаҳм форс болалари, минг ўлиб-тирилганинг билан ҳеч парса чиқмайдиган эси паст, потавон одамлар, ўша эшаклар тўдаси менга паст назар билан қарашарди. Бўлмасамчи! Аҳир улар, гапларида ҳеч бир маъни бўлмаса ҳам, чиройли сўзлашгага уста эдилар, мен уларнинг ичи-ташидагини кўриб турардим-у, лекин хижолатдан ва камситишлардан иккى оғиз гап кўшрламасдим.

Менинг Суғдиёнада машхур одам бўлганимдан нима-фойда? Ўзимнинг улдабурролигим туфайлигица шундай улуғ мартабага етишдим. Ҳа, мен кўп парсанга эришдим, ҳоким Бессининг яқин кишисига айландим, унинг синглисига уйландим. Аммо Сиёвуш авлодига фақат шу керакмиди? Мен ўзим ўз юртимга ҳукмдор бўлишини истайман. Мен ўз далаларимда ўстирадиган талланинг попини егим келади. Мен ўз кўйларимнинг гўштини емоқни истайман!

— Суғдиёнага ўзим ҳоким бўлишини истайман, мине лаънат! Бу хайрли ишни аллақандай Бессга ишониб тошишрмайман. Бир умр ичимда форсларни ёмон кўриб, улар ҳукмроплигининг тугашини истаб юрдим. Аммо уларнинг таъзирини бериб қўйишга менинг кучим етмасди. Буни мен учун бошқа одам — гарб мамлакатлари ҳукмдори, улуғ инсон Искандар Зулкарнайи қилди. Форслар зулми тугади. Вахшунварта сен мендан, Дориёвуш маглубиятидан хурсандмисан, деб сўрадинг. Баҳтимдан ўкириб, деб ютсиз мени, таңтана қиласман!

Спантамаъно тен-текис тишларини ялтиратиб бақтрийга қараб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Сиёвуш авлодининг гапларидан ҳайратга келгац Вахшунварта руҳи тушиб жим ўтиради. Спантамаънонинг қорайган лабларида ғалати табассум жилваланаарди. Шунда

Вахшунварта, бу навқирон сүғд ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан тоймайди, деган қарорга келди.

— Мен... э-э-э... гапингни яхши тушундим,— деди ниқоят Вахшунварта.— Форс подшолигининг емирилиши кимни шод қилмайди? Мисрдан тортиб Суғдиёнага қадар минг-минглаб одамлар бел букиб ишларди. Үнлаб халқлар озодлик ҳақида ўйларди, уларнинг орзулари ушалди. Аммо...— Вахшунварта хўрсинди,— биз хўрозни қалхатга алмаштирамадикмикин-а?

— Нима дединг?— сўради Спантамаъно баҳтиёр жилмайиб.

— Искандарни айтаман. Юонлар гарбда жанг қилиб юрганда мен Зулқарнайн енгсин деб Охурамаздага ёлвордим. Юонлар Форсга ўт қўйғанларида тангри Михрага миннатдорлик ибодатини бажо келтирдим. Аммо... Дориёвуш ўлдирилган, форслар тарқалиб кетган бўлса ҳам, Искандар ҳамон шарққа қараб келяпти. У аллақачон Қабурада. Биттаси йўқ бўлди — бошқаси нимага керак? Балки бу ундан ҳам баттардир? Бу гапга нима дейсан: агар илгари ўнта қўйингдан ярмини форслар еган бўлса, энди юонлар ҳаммасини, устамасига ўзингни ҳам еса-чи? Буёни ўйламаганимдинг, а?

Спантамаъно юзидағи табассум сўнди. У кўзларини пастга олди-да, босиқ жавоб берди:

— Йўқ.

— Афсус. Мен Искандардан қўрқаман. У: «Бутун Осиёни форслардан озод қилиш учун шарққа боряпман», деб эълон қилган эди. Зулқарнайн аллақачон форсларни енгди. Энди нега бўёққа келаётир?

— Енгди-ю, лекин ҳаммасини эмас!— Жўшқин эътироҳ билдириди Спантамаъно.— Бесс эсингдан чиқдими? Искандар мана нима учун биз томон келмоқда. Форс қўшинининг қолган-қутганини қириб ташлайди-да, кейин қайтиб кетади. Бунинг нимаси қўрқинчли?

— Билмадим,— пўнғиллади Вахшунварта.— Эҳтимол шундайдир. Аммо мен... Зулқарнайнга ишонмайман. Ким билади, унинг калласида нима бор? Сен унинг кўнглидагини биласанми? Йўқ. Мен ҳам. Ўйлаб кўр, у биз учун ўз одамларини қурбон қилиб юрармиди? Йўқ, у сену мен учун ўз бошини ҳавфхатарга урмайди. Эшитишмча, Искандар кўп маккор. Охурамазда асрасин унинг қўлига қарашдан.

— Сен қўрқувдан эсапкираб қолибсан,— лабини

буриб жилмайди Спантамаъно.— Эслаб кўрчи: До-риёвуш Биринчи замонида форслар ҳам икки ёки уч марта юонлар устига бостириб боришди ва қулоқ эшишмаган қирғин солиши. Форсларининг кучи бор экан, юонлар тинч ухломайди. Эрта ҳам, индии ҳам, умуман абадий тинчлик ўрнатиш учун юонлар Аҳмонийлар шажарасини бугуноқ таг-томири билан қўпориб ташлашни истайдилар. Мана беш йилдирки Искандарнинг изма-из қувиб, тор-мор келтириб юргани уларнинг жанговар кучини энг сўнггисигача қириб ташлаш учун эмасми? Бўрилар тўдасини ҳали тиши циқмаган боласига қадар йўқотгунича чўпоннинг ўз отаридағи қўйлар учун қўнгли тинчимайди.

— Билмадим,— деди яна Вахшунварта ишонқп-рамай бош чайқаб.— Балки сан ҳақдирсан! Аммо мен барни бир Зулқарнайнга ишонмайман. Мен кўп ўйладим, ҳа, бир ой ўйладим. Қочишга... ҳали ваqt бор экан, Бақтриядан қочишга қарор қилдим.

— Қочишга?— Спантамаъно қошлирини керди.— Қаерга?

— Шимолга. Суғдиёпага. Навтака ҳокими Ороба менинг дўстим. У мени қабул қиласди.

— Бақтрия нима бўлади? Сени ўз отаси деб биладиган халқчи?

— Халқми?— Вахшунварта истеҳзоли кулди.— Ҳозир у Искандарни ўз отам деяпти. Ҳар бир чорраҳада Искандарни халоскор деб кўкка кўтариб мақтاشяпти. Ҳамма уни сабрсизлик билан кутялти, тезроқ кела қолса-ю, форсларни Бақтрадан ҳайдаб юборса деб. Халқ билан мени нима ишим бор? Қандай хоҳласа шундай йўл тутаверсин. Ҳақ бўлиб чиқса — яхши.— Йиғлишса — ўзига ёмон. Ҳозир менинг халқни ўйлашга вақтим йўқ. Мен юонлардан ўзимни ва қариндошларимни қутқаришим керак, қолгани билан ишим йўқ. Мен кетишга тайёрман. Уч кундан кейин йўлга чиқамиз. Агар истасанг, мен билан юр.

— Бесс-чи?

— Бессми? Тупур унга. Менга деса ўлиб кетсин.

— Агар у биз билан кетмоқчи бўлса-чи?

— Кетаверсин. Лекин мен уни боқмайман.

— Шундай де...— Спантамаъно тикилиб қолди. Бармоқлари билан хонтахта устидаги патнисни чилдирмадай чалиб, тишлири орасидан секин ҳуштак чала бошлади. Сўнгра кескин бош чайқаб, деди:

Яхши! Шимолга жұнаймиз, Қейін пима бұлади—
кудо холиқ.

Македон қүшинлари Парпансидан дөвонидан ўтиб, Бақтра йўлидаги Драпсак шаҳарчасини әгәллади. Аскарлар тоғ юришида жуда толиққанлари сабабли Александр уларга ҳордиқ бериш учун Драпсакда тұхтади. Бу ерда үнга ҳоким Бесс, машхур бақтрай Вахшунварта, суғд Спантамаево Бақтрапи ташлайды, шимолга, Окс¹ дарёси ортига жұнаб кетгаплари маълум бўлди.

Айғоқчилар хабарига қараганды Бессга қўшилишни истамаган икки минг кишилик форс ва мидияликлар бўлинмаси ўзлари қурашишга қарор қилиб Бақтрада қолган. Драпсакда дам олган македон Бақтрага тұсатдан ҳужум қилиб, қисқа муддатли қамалдан кейин уни босиб олди. Шаҳар аҳолиси форсларни шундай ёмон кўрардик, ҳужум пайтида уларни тутиб бера бошлидилар. Ҳалқ дарвозаларпи очиб, македонларни халоскорлардай кутнуб олди. Маҳаллий ҳаљқни яна ҳам кўпроқ мойил қилиш учун Александр аскарларига вақтиңча ҳеч кимни ранжитмасликка буйруқ берди.

Бақтра Александрға маъюс ва бўм-бўшдай кўринди. Форслар шаҳарни вайронага айлантирган әдилар. «Бутун Осиё тупроғида тартиб ўрнатганимдан кейин,— деди Искандар ўзича,— бу ерда яхши савдо-сотиқни йўлга қўйсам, шаҳар жонланиб кетади».

Бақтрада ҳордиқ чиқарип, озиқ-овқат ғамлаб олингач, Бессни тор-мор қилиш учун Суғдиёнага жўнаш аскарларга эълон қилиб қўйилған әди.

ОРОБА ҚИЗИ ЗАРО

Зевс тиллага айланди истагач Данаянинг,
Кириб мис саройига, нозик белин құфмоқни.
Бу ривоят ғергатар—мис девору кишилар
Хаммаси бўйин эгар олтиннинг эўр күчига.
Қайишни ечиб, қилар калитларни бефойда,
Данаядай қизларнинг эгар магрур қаддини.

¹ Окс — ҳозирги Амударё.

*Күмдаки түл күй бўлса унга ҳеч зарур эмас
Ишқ-муҳаббат таңгриси Киприданинг ёрдами.*

Силенциарий, «Ҳажвиёт»

Тармита¹ қаршиисида қочоқлар катта қайиқларда Оксдан сузуб ўтди.лар-да, македонларга қолдирмаслик учун уларни ёкиб юбордилар. Мароканддан унча узоқ бўлмаган Навтака² шаҳрига тоғлар ва саҳролар оша ўтадиган йўл шу ердан бошланарди.

Олдинда Спантамаъно бошлиқ сүғд ва дахлар борарди. Марокандлик, биҳарлик, навтакалик, панжакентлик ва Суғдиёнанинг бошқа ерларидан бўлган жангчилар қўшиқ бошлаб юборишли. Узоқ эллар, бегона ўлкалардаги кўп йиллик саргардонликлар туғади, сугдларнииг отлари қадрдан тупроққа қадам қўйган эди.

Бақтрийлар кайфияти эса бошқача эди. Коҳин Вахшунвартанинг кўп сонли қариндошлари тўдаси, қуролли хизматкорлар, аёллар ва болалар улар орасида ўзининг камдан-кам учрайдиган гўзаллиги билан ажralиб турадигап ўн тўрт ёшли қизи Раҳшона, шунингдек, Вахшунвартга билан бирга қочиб кетаётган Бақтриянинг бошқа коҳин ва оқсоқоллари, уларнииг оиласлари, ўзлари ташлаб кетаётган Бақтрияни қўмсашар ва келажак ҳақида ғамгин хаёл сурриб, ҳадиссираб олдицига қарашарди. У эса буларга бироп-бир яхшилик ваъда қилмасди.

Бу қайгули издиҳомининг охирида келаётган форслар эса ғамгин бақтрийлардан уч карра ғамгироқ, уларнииг ўйлбошчиси Бесс ҳаммадан ҳам қайғулироқ эди. У Вахшунвартга ва Спантамаънонин Навтакага қочишидан қайтаришга кўп уринди, лекин улар бунга қулоқ солишмади. Уларсиз эса Бесс Бақтрада қолишга журъят этолмади, бу Искандардан ҳам кўра кўпроқ маҳаллий халқ ғазабидан қўрққанидан эди. Мана ҳозир ўз лашкари бошида бораркан, унга шунча кулфатлар келтирган қисматга лаънатлар ўқирди. Бессининг дўстлари борган сари камайиб, душманлари эса кун сайил кўпайиб борар эди. Улар орасида энг хатарлиси Спантамаъно эди. Бақтрадан чиққандан кейин унда таниб бўлмас ўзгариш юз берди. Суғд

¹ Тармита — ҳозирги Термиз.

² Навтака — ҳозирги Шаҳрисабз.

ўзини аввалгидан бошқачароқ тутар, буши эса Бесснинг сеъмаслиги мумкин эмасди. Илгари Сиёвуш авлоди тиним билмай бақириб, учга бўлинган кўза ҳақидаги қўшиқни айтар, ҳар қадамда қаҳ-қаҳ уриб кулар, уни гап билан чақиб олиш учун ҳам сабаб топарди. Ҳозир у ўз одатига қарама-қарши ўлароқ на куйлар, на сухбатлашар эди. Бутун шу қунлар у безовта бўлиб хуштак чалар ва берилниб ўйларди. Нима ҳақида? Бунн ёруғ дунёдаги бирон киши билмасди. Номаъумлик эса Бессни ҳушёр қилар ва чўчиштарди.

— Кўрамиз.

— Ушанда маълум бўлади.

— Вақти келса билармиз.

Навтакага боргандан кейин нима қилишини сўраганларида Спантамаъно шундай жавоб қайтарарди. Спантамаъно билан бирга раигпар форс Датафарн ҳам Навтакага кетаётган эди. Бу фалати одам эди — ҳаммавақт қовоғи солиқ, ҳеч кимга савол ҳам бермас, жавоб ҳам қайтармас, ҳаммадан ўзининг одатдаги ғамгин табассуми билан қараб қўярди.

— Сен нега бундайсан? — сўради ундан Спантамаъно.

— Қандайман?

— Хўш... қуёш чарақлаб, қушлар парвоз этиб, калтакесаклар югуриб юрибди, ҳаммаси хурсанд, фақат сен ғамгинсан. Нима учун?

— Қуёшга нима? — маъюс жавоб берди Датафарн. — Қуёш чиқаверади, ботаверади, дунё эса... дунё эса ҳамиша бирдай разил ва жоҳиллигича қолаверади.

— Нима дединг? — ҳайрон бўлди Спантамаъно. — Дунё ҳамиша бирдай — разил ва жоҳил бўлиб қолаверади?

— Албатта! Наҳотки сўнгсиз ғам-ҳасрат, наҳот ер юзида тўкилаётган қон, зилзилалар, ўтнафас тоғларнинг отилиши, бўрон, дўл, сел, уруш, ёнғин, ўлат — буларнинг бариси дунёда ёмонлик ҳокимлигини кўрсатмаса?

— Ҳим... — Спантамаъно саросима билан Датафарнга қаради. — Мен бунақа нарсани ўйламаган эканман. Аммо... менимча сен ҳақ эмассан. Фақат ёмонлик ҳокимми дунёга? Адолат кучлари-чи? Сен

қандай зардустийсан, агар Охурамаздаин, яхшилик ва ёруғлик худосини ҳурмат қилмасаң?

— Яхшилик?— кинояли кулди Датафарн.— Э, одамлар! Сизлар сўзининг ташқи қобигини кўрасиз унинг ички мазмунига қарамайсиз. Яхшилик нима дегани? Холис яхшилик бўлмайди. Ҳаммаси уни ким амалга ошираётганига боғлиқ. Биласанми буни?

— Йўқ,— очиқ тан берди Спантамаъно.

— Хўп майли, агар йўлбарс ҳўқизга ҳужум қиласа, у нима қилган бўлади? Узига яхшилик қилгай бўлади, чунки у ҳўқизни емаса очидан ўлади. Тўғрими?

— Хўш.

— Агар ҳўқиз йўлбарснинг қорини ёриб ташласа, у ҳам яхшилик қилган бўлади, ўзи учун, албаттаса... Шундайми?

— Шундай..

— Демак, шунчаки яхшилик йўқ. Дунёдаги ҳамма нарсанинг илдиши— очлик. Ҳар бир тирик жон емоқ-ичмоги керак. У очликдан ўлмаслик учун бошқасини ейди. Ўз хатти-ҳаракатини оқлаш учун қурбонини ёмонлик намояндаси, ўзини эса яхшилик намояндаси деб эълон қилади. Яхшилик — бу замирига ёмонлик яширилган чиройли сўз, холос. Яшашнинг маъноси бир-бирини емоқдан иборат.

— Сен буни йўлбарслар билан ҳўқизлар ҳақида гапирдинг. Одамларда қандай?

— Одамларда ундан ҳам баттар... Рости, мен одамлар ҳақида гапирдим. Ҳайвон ҳеч бўлмаса одамлардай маҳмадоналик қилмайди. Ейди-қўяди. Одам эса ўзига ўхшаганларни ейиншдан олдин қашча дабдабали гапларни тўқиб чиқармайди? Узи ҳақида «яхшилик», «ҳақиқат», «адолат», «баҳт-саодат», қурбони ҳақида «диндан қайтган», «тинчликни бузувчи», «халқ баҳт-саодатининг душмани», бу гапларнинг ҳаммаси ўз қурбонини осонлик бллан ютиб юбориш учун тўқиб чиқарилган гаплар. Ўтмиш сабоқлариши эслаб кўр. Мисрликлар финансиликларнинг гўштини еди, мисрликларпинг гўштини эса ассурияликлар, ассурияликларнинг гўштини мидияликлар еди, мидияликларнинг гўштини эса форслар, энди юоннлар форсларнинг гўштини емоқда. Бесс Дориёвушни бир ямлаб ютди, сен эса Бесснинг жонини оласан. Шундай эмасми? Дехқон кўчманчини шилади, кўчманчи эса дехқонни... Бойлар камбагалларни эзади, камбагал-

лар эса бойларни ўлдиради. Эр хотипини қийшайды, хотин эса эрици жинни қилишгача боради. Бутун ийсөннүт ҳайвоний очкүзлик ҳирси билан яшайды. Ҳар ким ўзининг юксалиши учун бошқанинг ўзини қора қилишга иштилади. Шундай бўлган эди, ҳозир ҳам шундай, токи одамзод ақлдан озиб, ўзини-ўзи қурбон қилмагунча шундай бўлиб қолаверади. Мана нима учун мен одамлардан нафралланаман... Тушундингми?

— Ҳеч бало тушунмадим,— деди жаҳли чиққан Спантамаъно. У ҳақиқатан ҳам эронининг ноаинқ гапларин тушунмаган, лекин унда нимадир борлиги-ни ҳис қилган эди. Ёш сугднинг қалби ўзи билмаган ҳолда Датафарнинг дағал ва беҳаё дил изҳорига қаршилик кўрсатар эди.

«Ажойиб халқ бу эронилар,— ўйлади у ўқинч билан.— Бутун дунёга куч-қудрати, донишмандлиги, ҳунармандлиги билан машҳур бўлган эди, бугун эса уларни таниб бўлмайди. Мана сизни Аҳмонийлар қандай аҳволга солиб қўйди»,— фикран ўз суҳбатдошига мурожаат қилди.

— Тушундингми?— деди Датафарни совуққина.— Қандай тушунишинг мумкин, ҳали ҳаёт сенинг сузагон шохингни синдирамаган бўлса.

— Сеникини синдирганми?

— Бўлмаса-чи! Ун йил бурун ўзаро қирғинбаронларда мол-мулким, уйим, бутун қариндош-уругларимдан жудо бўлганимни биласанми ўзи? Чўл шамолидай ёлғиз ва қувғиндиман.

— Ҳа-а,— жонланди Спантамаъно,— ғамгинлигинг сабаби буёқда экан-да. Шундай экан, нега қасос олмайсан?

— Қасос...— Датафарни хўрсинди.— Биттасидан иккитасидан қасос оларман, лекин бари бир ёмонлик қандай бўлса, шундайлигича қолаверади.

— Охурамазда ҳақи, тупур сен ёмонликка! Қасос ол, бирдан ўзингни енгил сезасан.

— Енгил? Дунёнинг ўзини поқобил кўриб турганимдан кейин, майда-чуйдалардан енгил тортармидим?

— Менга қара, бундай яшаш мумкин эмас,— қизишиб кетди Спантамаъно.— Энди нима қилмоқчисан?

— Эндими?— лабини бурди форс.— Бирон бир каваккә кираман-да, жон бераман.

«Адо бўлган одам», ўйлади Спантамаъно ва қўл-

ларини кўтарди-да, бармоқларини букиб, кичик, аммо қаттиқ муштга айлантирди.

— Йўқ, мен упдай эмасман. Ёруғ дупёга келган ёканман, тирик одам нималар олишга ҳақли бўлса, мен ҳам дунёдан ҳаммасини оламан!

Датафарнинг ранги тўсатдан яна ҳам оқариб кетди, йўталди, оғзидан қон отилиб чиқди. Спантамаъно соғлом одам жирканиши билан ўзини орқага ташлади, аммо шу заҳотиёқ ҳижолат бўлиб, эронинг қўлтиғидан тутди ва хизматкорларни чақирди. Улар Датафарни эҳтиёт қилиб отдан туширдиларда, аравага ётқиздилар. Бир лаҳзалик ҳордиқдан сўнг, форс ўзига келгач, қўшин яна йўлга тушди.

— Сен форсларни ёқтирмайсан-ку,— шивирлади Датафарн,— нега менга ғамхўрлик қиласан?

— Мени еб ташламоқчи бўлган форсларни ёқтирмайман, холос,— ғамгин кулди Спантамаъно,— мен билан дўстликда яшамоқчи бўлганларини эса яхши кўраман.

Форснинг сўзлари сүфдинг идрокида сезиларли из қолдирмади, лекин шундай бўлса ҳам юрагига ғулгула солиб қўйди. Кўнглидаги нохуш сезидан қочиш учун у отини учирив кетди. Қўшин кетаётган йўл манзараси ўша-ўша бир-бирига қалашиб кетган қизғиши ва қора қоялар, бесамар тупроқли тоғ этаклари, серғайган шўра ва янтоқ билан қопланган пасттексисликлар — Спантамаъно Сурия чўлларида ҳам, Дажладан шарқда ҳам, форслар диёрида ҳам, Парфия тоғлари яқинида ҳам учратгани каби зерикали бир хил манзарадан иборат эди. Одамлар муздай сув билан тўла катта ҳовуз бўйида, чинор соясида дам олишга ташна эдилар. Шу сабабли уфқда яшил эгри-буғри чизиқ бўлиб Навтака боғлари кўринингдан қочоқлар хурсанд бўлиб, енгил нафас олдилар.

Навтака («Янги қишлоқ») вилояти унча катта бўлмаган, аммо далаларини қуёш жизғинак қилган мамлакатнинг гўзал бурчаги эди. Йўлнинг икки чеккасида қалин ва сершоҳ япроқ билан қопланган оқ теракларнинг кумуш таналари кўзга чалинарди. Ариқларда тоғдан келаётган лойқа сув чулдираб оқарди. Экинзорларда оқ кийимли кишилар ишлаб юрарди.

Навтаканинг ўзи каттакон тепалик устнга жойлашган эди. Чирий бошлаган ходалари чиқиб турган

салобатли пахса деворлар узра кептэр галалари учыб юрарди. Қуйида, дарвоза олдидағы майдонда бозор шовқин-суропи авжида эди.

Спантамаъно күп эшитгани Ороба ақли жойида одам бўлиб чиқди. Мөҳмоналар олдида узун бўйли, озғин ва ўрик танасидай қадди эгик, эчкисоқол, зарбоф кийимли киши пайдо бўлди. Агар бурнини бунча баланд кўтармаса, лабларини бунча такаббурлик билан бурмаса, энгагини бунча олдинга чиқармаса унинг озғин, буғдойранг юzlари ҳатто чиройли кўриниши ҳам мумкин эди. Ороба ўтакетган такаббур эди. У ўзини шундай тутардики, билмаган одам уни кичик бир вилоят ҳокими эмас, энг камида ёруғ дунёнинг ярмига ҳукмдор деб ўйлаши мумкин эди. У бутун кўриниши билан ўртacha амалдорга хос бўлмаган дабдабали улуғворликка интилар, фақат баъзан, чуқур жигарранг кўzlари олтин буюм ёки умуман бирон қимматбаҳо нарсага тушиб қолгудай бўлса, Оробанинг юzlари бир лаҳзада ўз улуғворлигини йўқотар ва унинг наслдан-наслга ўтиб келаётган қўргони дарвозаси олдидағи бозорда савдо қиладиган очкўз ва суллоҳ доғулиларнинг кўзидаи айёrona тус оларди.

Эндиликада Бесс илгаригидай қудратли ҳоким бўлмаса ҳам, бироқ у ҳамон Суғдиёнанинг биринчи одами ҳисобланарди. Шунинг учун Ороба икки букилиб таъзим қиларкан, энгашиб унинг этаги учини ўпди, аввалги вақт бўлганда Аҳмоний оёғига йиқилиб, ер ўпарди-я. Вахшунвартта ўзини аллаким қилиб кўрсатмаса ҳам, Оробадан бадавлатроқ ва машҳурроқ эди. Аммо шу фурсатда Ороба Вахшунвартага эмас, Вахшунвартта Оробага муҳтож эди. Шу туфайли навтакалик унга калондимоғлиқ билан бош ирғаб қўйди, холос. Спантамаънога кўзи тушганда юзида ажабланиш ифодаси пайдо бўлди. Сиёвуш зурриёти устидаги анча уринган мўйнасига жирканиб назар ташлади-да:

— С-сен ким б-бўласан?— деб қўполлик билан сўради.

У дудуқ эди. Бесс Спантамаънога зудлик билан қия боқди. Ороба унинг душманини камситганидан хурсанд ҳам бўлди, безовта ҳам: Сиёвуш авлоди хафа қилган одамни сира ҳам кечирмайди, бир куни зиёфат чоғида ҳатто Доронинг калласига қадаҳ отган эди. Кутилмаган жанжал сүғдлар орасида ихти-

лоф чиқарпши мумкин, Бесс эса уларга шу топда муҳтож эди. Аммо Спантамаъно ҳокимни ҳайрон қолдириб, парво қплмади.

— Мен Спантамаъно деган қашшоқ бир одамман,— ўзини паст олиб жавоб берди Оробага. Уцинг кўзларида учқун пайдо бўлдию сўнди. Бесс эса сичқон билан ўйнаётган мушукни эслади. Сиёвуш авлодининг номини эшитган Ороба бир лаҳза эсанкираб қолди. Ҳозир қўрқадиган ҳеч нарса йўқлигини тушуниб, вайсаб кетди.

— Мен-нинг чў-понлар-рим молини с-сенинг одамларинг т-тортиб о-оляптими, Муқаддас Ф-Фикр?

Панжакент ва Навтака — Спантамаъно билан Ороба мулклари бир-бири билан ёнма-ён эди. Улар орасини оч панжакентликлар жанубга босқин қилиб боргандা ошиб ўтиладиган тоғ ажратиб турарди.

— Ёилиб туради,— жавоб берди Спантамаъно вазмин.

Ороба нима дейишини билмай, бурилиб кетди.

Бақтрадан келган бўлинмаларнинг бошлиқлари шахсий соқчилари билан бирга шаҳар ичидаги ўрнашдилар. Қўшинлар девор ёнидаги бозордан жой олди. Шу билан Ороба ўз меҳмондўстлигини тугатди. Бақтрийлар ва форслар ўз емишларини ўзлари топишлари керак эди. Умуман Вахшунварта билан Бесс олиб келган беш минг кишилик қўшинни едириб-ичиришга энг сахий бойнинг ҳам нони етмас эди. Вахшунварта ва бақтриялик бошқа таниқли одамлар ҳеч нарсадан муҳтожлик кўрмас, чунки кўп дон-дун ғамлаб, кўп қорамол ҳайдаб келган эдилар. Спантамаънонинг аҳволи оғир эди. Унга тоғ ортига чолар юборишга тўғри келди. Бир неча кундан кейин Панжакеңдан уцинг одамлари каттагина ҳўқиз подасини ҳайдаб, қайтиб келишди. Ороба уларга шубҳа билан кўз олайтириб қаарди. Бу ялангоёқлар шунча молни қаердан олганини фақат Ахраман билмаса, бошқа бирор билиши қийин. Икки минг даҳ Спантамаънондан озиқ-овқат олди-ю, аммо форслар нон ва гўшт камчиллигидан азоб чекишаарди. Ғазабланган Бесс Сугдиёна шаҳарлари бўйлаб отлиқ аскарлар қиличи билан мустаҳкамланган дағ-дағали буйруқлар юборди. Тоғ ва саҳро йўллари бўйлаб чўзилган қўй отарлари, ёғ, дон, мусаллас, мева-чева ортилган карвонлар Навтака томон чўзилиб кела бошлади.

Суғдиёна шаҳарлари бўйлаб тарқалиб кетган форс

бұлинмачалари ҳам ҳамма томондан шу ёққа оқиб кела бошлаган эди. Бесс жаңгга ҳозирлик күрар ва кучларни бир ерга түплар эди. Тез орада тор воҳада бош бурадиган жой қолмади. Тежамкор Оробани бу анча ранжитди. У Бессдан нафратланиб қолган, худоларга нола қилиб, унинг бошига миң бир балолар ёғдиришларини сўрарди.

Панжакент шундай ёвуқ ва у Спантамаънони бағрига чорларди. Чопарлар хўжалик ишлари издан чиққани, ёш ҳокимнинг ўзи бориб ҳаммасини кўздан кечирмаса, зарур йўл-йўриқлар кўрсатмаса иш чатоқлиги ҳақида ҳар хил нохуш хабарлар келтиришарди. Аммо Спантамаънони Навтакани ташлаб кетмаётгани ҳаммани ҳайрон қолдирган эди.

— Нималарни кўрмадим ўша лаъпати Панжакентда? — деди Спантамаъно сўроқлаб келган кексаларга.— Нима учун дунёнинг ярмини кезиб, охирп ўша қашшоқ ва совуқ кавакда ўтиришим керак экан? Менсиз кунингиз ўтмайдими? Мияларинг борми? Уғилларингизнинг қўллари йўқми, Шош¹ йўлида бир бурда нонларини топиб ейишга қобил эмасми? Бахти қаро одам эканман! Нима учун мен ўз қорнини тўйгизолмайдиган панжакентликлар тўдаси билан овора бўлишим керак? Балки сизлар ҳали менинг қизимин ҳам очдан тириштириб қўйгандирсизлар?

— Йўғ-э, жаноб ноиб, меросхўринг гулдай очи-либ юрибди.

— Гулдай де! Балки йиртиқ латта-путтада юргандир?

— О, жаноб ноиб, Дориёвушнинг қизиям бундай кийинмаган бўлса керак.

— Дориёвушнинг қизи ҳам-а! Хурсандлик фақат кийим-кечакдами? Эҳтимол қўрда пиширилган от гўшти билан боқаётгандирсизлар?

— Худо асрасин, жаноб ноиб! Тустовуқ, каклик гўшти билан боқяпмиз фақат.

— Овқат, овқат! Ундан нима фойда, қизим бирор марта эркалашни кўрмаса?

— Вой, жаноб ноиб! Қизингни кафтда кўтариб юришибди. Спантамаънонинг қизини ким яхши кўрмайди?

— Майли, кўрамиз. Уни тезроқ олиб келииглар.

Спантамаънонинг аллақачон ўлиб кетган форс

¹ Шош йўли — ҳозирги Тошкентга борадиган йўл,

хотини, Бесснинг синглисидан бўлган қизи бор эди. Спантамаъно урушга кетганда қизчаси эндигина уч ёшга кирган эди. Унинг хотирасида кичкинагина, дўмбоққина, кулча юз ва шўх қизалоқ ўрнашиб қолган эди. Авваллари роса соғиниб юрди, бора-бора айрилиққа кўнигиб кетди — урушнинг нозик туйгулар билан иши йўқ. Аммо яна Панжакентга яқин жойга келгач, соғинч ҳисси кучайиб, уни толиқтира бошлиди. Қандай бўлиб қолган экан? Бўйи чўзилиб қолгандир. Уни эслармикаш?

Бир куни эрталаб уни ташқарига чақиришди. Серсоқол тоғлиқлар қуршаб олган арава ёнида саккиз ёшлардаги узун бўйли, хипчадан келган, ялтироқ қизил кўйлак ва кенг қизил чоловор кийган қизча турарди. «Бўйи ўсибди», — ўйлади Спантамаъно.

— Отана!

— Дада! — қизча қичқириб Спантамаънога ўзини отди. — Отажон!

У чўққайиб ўтирди ва қизини қучорига олди-да, юзини юзига босиб, қотиб қолди.

Улар шу ҳолда анча турдилар. Отанинг кўз ёшлари қизча кўз ёшлари билан қўшилиб кетди.

— Қани, Отана, сени яхшилаб бир кўрай-чи, — деди бўғиқ овоз билан Спантамаъно ва қизини бир оз ўзидан узоқлаштириди. Баъзи жойларини сепкил нуқталари безаган оппоқ, чиройли чеҳра, пича танқа бурун, лаблари қип-қизил, соchlари уникига ўхшайди — қоп-қора, лекин қатрондай ялтирамайди, балки тундай қора ва майнин; хотинининг соchlари шунаقا эди. Аммо кўзлари, оҳ бу кўзчалар! Зангори ранг — совуқ ранг деб қайси аҳмоқ айтган? Мана бу муғамбirona сузилган кўзларда, қуёш шуъласига тутилган ёқутдай зангори кўзларда қанча илиқлик мавж уриб турибди. Улар Спантамаънога шундай садоқат билан боқардики..

— Отангга лаънат сенинг, — хушфөъллик билан тўнғиллади ҳаяжонланган сүғд. — Маълум бўлдики, одамнинг қизи бўлгани ҳечам ёмон эмас экан.

У қизига меҳр билан ҳар хил нарсалар: маржон, исирға, билагузук, балдоқ, сочполук ва тиyllақошлар совға қилди. Қиз шодликдан ўзини қаерга қўйишини билмасдан сакрар, югурур, тоғлиқларнинг қувноқ қўшиқларини куйлар, бармоқларини қирсиллатиб ўйнап, юзларини тириштириб ҳамманинг ичагини узар ва отасига хирадик қилиб, жарангдор кулагидаш тўх-

тамас эди. Спантамаъно ҳеч нима демай, ҳайратдан ва маҳлий бўлганидан тилини таанглайига теккизисиб тақиллатар эди. Унинг шундай қизи бор-а! Қексалар тўғри гапирган экан: Отана соғлом, покиза ва тароватли кўринарди. Миннатдорлик юзасидан уларга биттадан янги тўн сотиб олиб берди.

Отана уч кун отасининг меҳмони бўлди: бу кунлар Сиёвушнинг бебош авлоди ҳаётидаги энг баҳтиёр кунлар бўлиб қолди. Тўртинчи куни қизи қанча йиғламасин, Спантамаъонинг юраги ҳам қанчалик ачишмасин, Отанани уйига жўнатишга қарор қилди.

— Нима учун мени ҳайдаб юборяпсан? — йиғларди у отасининг қўлида туриб.

— Сени ҳайдайтганим йўқ, қизим,— жавоб берди у бўғиқ овозда.— Тезроқ жўнаб кетишингни илтимос қиляпман. Сен кетишинг керак. Бу ерда ёмон одамлар кўп. Кўрдингми, уларнинг кўзлари қандай хунук? Сени еб қўйишади...— деди у Датафарнинг сўзларини эслаб.

— Нега ўзинг қоляпсан? Бирга кетамиз.

— Иложи йўқ, қизим. Ёмон одамлар сен отангни соғиниб, ўйлаб ўтирадиган Панжакентга бормаслиги учун мен ўйлларни қўриқлаб туришим керак. Мени эсингдан чиқариб юбормайсанми, Отана?

— Ҳеч қачон.

У панжакентлик кексалар ва Отанани шаҳардан анча олис жойгача кузатиб чиқди, сўзлай деса йиғлаб юборишдан қўрқиб йўлда узок-узоқ туриб қолди. Отанани қайта кўриш энди насиб қилмаслигини ҳали билмаса ҳам, келажак кулфатларини олдиндан ҳис қилиш уни қаттиқ эзарди. Кўп йиллардан кейин унинг қадрдан қизи македониялик подшо Салавтика хотин бўлишини у тасаввур ҳам қила олмасди.

У Навтакага отини етаклаб, пиёда қайтди. Шунингдек, отдан тушиб олган Варахран билан яна тўрт сүғд изма-из келишарди. Ҳайрон қоларли даражада ёрқин ва зангори осмонда, кунгурали қизғиши тоғ чўққилари узра оппоқ барра булутлар патила-патила бўлиб сузиб юради. Йўлнинг икки четида ҳали бош тортмаган бир текис кулранг-яшил буғдойпоялар чўзилиб кетганди. Сарғиш ердан кўтарилаётган қайноқ ҳовир тўлқинида кулранг-яшил тусли ялтироқ япроқлар титраб турган боғлардан хотин кишининг жарангдор кулгиси эшитилди. Қайсидир пахса девор ортида сигир маъради. Зира ва янги ёпилган нон ҳи-

ди анқиди. Ясси томлардан бирида қиз бола чилдир-ма чертарди. Чор атрофда тинчлик ҳукм сурар, Спантамаънонинг ҳам юрагига ҳаловат чўккан эди.

У Вараҳранга ўгирилди. Спантамаъно Гиркан мамлакатида топиб олганидан бери кандакор ўзгариб кетган — кучга кириб, қадди тикланиб, улгайиб қолган, камондан отишни яхши ўрганиб олган эди. У ўз ҳалоскоридан бир қадам ҳам нари кетмасди. Ҳеч қандай сўров-истовсиз, Вараҳран қандайдир ўз-ўзидан Сиёвуш авлодининг биринчи шахсий соқчисига айланаб қолган эди.

Вараҳран уйини қаттиқ соғинаётганини Спантамаъно кўриб турарди. Аммо ҳар сафар Спантамаъно шу хусусда шама қилганда кандакор хафа бўлар, қизарип-бўзарар ва «жаноб ноиб»ни ташлаб ҳеч қаерга бормаслигини қатъий билдирап эди. Мана ҳозир ҳам хўжасининг қизи билан хайрлашиб саҳнасидан хафа бўлган марокандлик қовоқ-тумшуғини осилтириб олди.

— Ўйингга боргинг келяптими? — самимий сўради Спантамаъно. — Истасанг бугуноқ жўна. Қовоқ-тумшуғингни осилтиришинг жонимга тегди.

Марокандлик тутақиб кетди ва хижолат бўлиб тўнфиллади:

— Жаноб ноиб нимага бир фақир-бечоранинг устидан кулади?

— Мен кулаётганим йўқ, тўнка. Сиқилаётганингни кўриб турибман. Ким қўлингни ушлаб турибди? Қариндош-уругларингга наҳотки ачинмасанг?

— Жаноб ноибни ўзлари-чи?

— Нима?

— Жаноб ноиб ўз қариндошларига ачипадими?

— Хўш?

— Қизингга ҳам ачинасанми?

— Эҳтимол.

— Нима учун жаноб ноиб уйига кетмайди?

— Навтакада менинг ишларим кўп.

— Демак, менинг ҳам бу ерда ишим кўп.

Вараҳран жаҳл билан қўл силтаб, жим бўлди. Кандакорнинг садоқати Спантамаънога таъсир қилди. Унинг елкасига қоқдида, самимийлик билан деди:

— Ҳа, майли. Шунчалик қолгинг келса, майли қолавер. Бошингни мунча эгма, ҳали Марокандингни ҳам бориб кўрамиз. Ахир бу Навтакада юз йил лақиллаб юрмасмиз. Тушундингми?

— Тушундим.

Яна Навтака. Яна Ороба ва форслар. Спантамаъно эртадан-кечгача қўргон деворида сандирақлаб юриб, ўзининг машҳур қўшиғини ҳуштакда чалиб ниманидир кутар, интизорлик билан кутарди.

Баъзан Датафарн ҳам деворга чиқарди.

— Мунча менга ёпишиб олмасанг? — ёлғондакам жаҳл қилди унга Спантамаъно.

Сиёвуш авлодининг нимаси уни бунчалик тортишини форснинг ўзи ҳам билмасди. Эҳтимол Датафарни билган одамлар орасида Спантамаъно бирдан-бир самимий ва дўстона муомала қиласидиган одам бўлгани учундир бошқалар, кўкрагига «шайтон уя қўйган» унинг, деб ўзларини олиб қочишиади. Эҳтимол, ҳаммасидан ҳам эронини Спантамаънонинг ҳушчақчақлиги, саркаш руҳи ўзига тортар, ёш сугд билан суҳбатлашаркан, Датафарн ўзи сезмагаш ҳолда унинг қувноқлигини юқтириб олар, Сиёвуш авлодининг енгиг бўлмас ҳаётий қудратини симириб, унинг ўз омадига бўлган оддий ишончига берилиб кетарди.

У нураб бораётган эски девор устида Датафарн билан суҳбатлаша туриб ёки ёлғиз ўзи сайр эта туриб, пастдаги ҳовлида тўдалашган форсларга ҳам, бошлиқнинг уйига ҳам қараб-қараб қўярди.

Бесс унинг ҳар бир қадамини кузатарди ва натижада ҳоким шу ҳолатга бориб етдики, кечалари тушларида қўрқиб қичқириб чиқадиган бўлиб қолди. Бир куни сабр косаси тўлиб кетди ва ўэига садоқатли иккни аскарни ёнига чақирди. Улар Сиёвуш авлоди осойншта ухлаб ётган хонага қоронғида қоплон каби писиб, кўзга ташланмай, ўғринча киришди. Эрталаб Бесс уларнинг каллаларини ўз эшиги остонасидан топди. У буларни кўмиб ташлаш ва ҳеч кимга оғиз очмасликни буюрди.

Бир куни Спантамаъно ўз одати бўйича миноранинг мезанасига кўндаланг миниб ўтирган эди, девордан ўтиладиган жойга, тўғри Спантамаъно ўтирган жойга қараб келаётган қизлар гуруҳи унинг диққатини тортди.

Улардан биттаси уч қадам олдинда келарди, Спантамаъно олисдан туриб ҳам унинг хушбичим ва чиройли экаплигини пайқади. Бошига чамбарак қилиб ўралган ялтироқ қора соchlари устида майда мунҷоқдан тикилган учли зангори қалпоқча бор эди.

Енглари кенг, елкаси торроқ товонигача тушадиган узун оқ шойи күйлаги бўртиб қолган кўкраги ва хипча белига ёпишиб турарди. Елкасига зарҳал жи-як тикилган ёқутранг товланувчи ёпинчоқ ташлаб олган эди. У ҳар қадам ташлагандা ипармон рангли баланд бошмоғида майда жавоҳир зарралари порлаб кетарди.

Суғд қизп яқин келганда Спантамаъно унинг юзларига назар солди. Назар солдию ҳайратга тушди. Зарра доғсиз, покиза юзлари офтобда бир текис куйганидан бронзадан ясалганга ўхшарди. Тор ва хушбичим пешонаси, қуюқ қийғос қошлари, қора ва шўх кўзлари, тўғри ва майнин тушган бурни, қалнироқ лабли кичик оғзи, юқори лаби устидаги нозик мўйлари, думалоқ энгаги, буғдойранг бўйни, кўтарилиб турган кўкраги, яшил камар боғланган хипча бели, тикка тушган тақими Спантамаънонинг жўшқин нигоҳини сеҳрлаб олди. Қиз ўн етти ёшларда эди. У маъбудалар сингари амировна одимлар, чиройли бoshини мағрур тугарди. Кенг чоловор ва нимча кийган чўрилар уни кузатиб боришарди. Орқароқда эса болта кўтарган ярим яланғоч ҳайбатли ҳарам оғаси борарди.

— О, маъбуда Анахита! — пиширлади Спантамаъно қуруқшаган лаблари билан. — Наҳотки шу чирик заминга осмондан ўзинг тушган бўлсанг?

Суғд қизи яқинлашганда йигит дилбар табассум қилдида, чаккасидаги қизил атиргулни олиб, қизни эсанкиратиб, унга ташлади.

— Ушла!

У ўзини йўқотиб, гулни илиб олди ва тўхтади.

— Мен сенга уйланмоқчиман, — деди Спантамаъно ёқимли жилмайиб. — Розимисан? Ҳа дёётганингий кўзларингдан кўряпман. Отанг ким? Ҳозироқ унинг олдига бораман.

Сўзлар оқими, тағин шунақа сўзларки, суғд қизини довдиратиб қўйди. Қўрқиб кетганидан нима қизларини билмай қолган қиз бир қадам орқага чекиди.

— Хўш, гапир-чи, отанг ким? — қатъий сўради Спантамаъно. — Агар ҳозироқ сенга уйланмасам, эртагача ўлиб қоламан. Э-э! Билдим, билдим отанг кимлигини! Ахир сен Оробанинг қизисан-ку, тўғрими?

У эпчиллик билан панжарадан сакраб тушди-да,

суғд қизини шиддат билан қучоқлаб, упинг хүшбүй лабларига ширали бўса қўндиридан ва қўрқувдан оқариб кетган чўрилардан бирининг думбасига шапати уриб, қотиб қолган ҳарам оғаси бурнини чимчилади-ю, пастга қараб чопиб кетди.

Бу пайтда Навтака ҳокими сопол жадвалларини уйиб ташлаб, ўз харажатларини ҳисоблаб ва Бессни орқаворотдан сўкар эди. Спантамаъно саройга бўрондай елиб кирди ва остонаяга келибоқ бақирди.

— Ороба! Маълум бўлдики, сенинг ажойиб қизинг бор экан. Нега шунча маҳалдан бери уни менга кўрсатмовдинг, кекса фирибгар!

Ҳоким кўзларини чақчайтириб ва қўлидаги жадвални тушириб юборди. У жаранглаб мис патнисга тушди-да, синиб кетди.

— С-сенга н-нима бўлди? — бидирлади у меровланиб.

— Менга нима бўлди? Наҳот кўрмаётган бўлсанг, қари тужа, менга нима бўлганини? Сенинг қизингга уйланмоқчиман. Бугуннинг ўзида. Ҳозирнинг ўзида.

— Жинни-пинни б-бўлдингми? — бақирди Ороба чийиллаб. Фазабдан юзлари кўкариб кетди.— Т-тилинг н-нима деб в-вайсаётганини қ-қулоғинг эшиятитми? У м-менинг қизимга уйланар эмиш... О, Охурамазда, м-мени бу одамдан ўзинг халос қил...

— Наҳотки мен қизингга арзимасам? — Спантамаъно қувноқлик билан Оробанинг елкасига қоқди. Ҳайратдан унинг баданлари титраб кетди.— Сенга ким керак яна? Бошқа Сиёвуш авлодини қаердан тонасан? А? Нега афtingни тириширасан, кекса эшшак? — қичқирди у ваҳима солиб — Тикан устига ўтириб қолдингми? Менинг тоқатимни тоқ қилма, бўлмаса шу аҳмоқ бошингга бир ураман, майдамайдада бўлиб сочилиб кетади. Қани, бўл, тезроқ розилик бер! тезроқ розилик бер! Сен билан Сиёвуш авлоди гаплашганда ўзингни камтарроқ тут.

Ороба бу кучли сиқувдан эс-ҳушини йўқотиб, ўзидан кетишига сал қолди.

— Сиёвуш авлодимишлар! — ғазаб билан қичқирди ва нафрлатланиб тупурди.— Гўнг авлоди, мана сен кимсан? Ўзи йиртиқ иштонда юради-ю, т-тағин б-бемаъни гап билан б-бошимни қотиради. Йўқол к-кўзимдан, б-бўлмаса таёқ билан калтаклашни б-буюраман.

— Жаҳлинг чиқмасин, отахон,— деди Спантамаъно самимий,— менинг иштоним билан ишинг бўлмасин. Йиртиқ иштонда юрибманми, демак, менга шуниси ёқади. Бу менинг шу қадар қашшоқлигимдан эмас. Янги иштон сотиб олишга пулим етиб ортади. Буқачадай пишқиришни бас қилиб, буёққа бир қара.

Спантамаъно қўйнидан учта йирик, оплоқ олмос чиқариб, гилам устига, Оробанинг олдига ташлади. Шу заҳотиёқ унинг димоғдорлигидан асар қолмади. У нимадир демоқчи эди, томоғига бир нарса тиқилгандай йуталди-ю, қимматбаҳо тошлардан кўзини узолмай қотиб қолди. Бундай олмослар бутун Суғдиёнада ҳеч кимда йўқ эди.

— Уларни қ-қаердан олдинг?— шивирлади Ороба.

— С-сенга бари бир э-эмасми?— унга тақлид қилиб масхаралади Сиёвуш авлоди.— Муҳими нима? Агар қизингни менга берсанг, улар сенга қолади. Бу тошлар саройингни ҳам, вилоятингни ҳам, ўзингни ҳам сотиб олишга етади. Хўш, розимисан?

— Ш-шошмай тур.— Ороба олмослардан бирини олди ва ўрта бармоғидаги олтин узукда нурланиб турган зангори-яшил тусли қиматбаҳо тош устидан юргизди. Узук кўзидағи тошда тирналган чизик қолди. Сўнгра Ороба қолган иккита олмосни ҳам синааб кўрди. Улар ҳам ўзининг ноёб тошидан устун чиқиб, узуги кўзида нозик чизиқлар қолдирди. Шундан кейин Навтака ҳокими тошларни териб олди-да, дераза ёнига югуриб бориб, қуёш рўпарасида тўхтади. Тошлар қизил ва камалак рангларида товланиб кетди. Олмослар энг сара олмос эди. Ороба сопол жадвалларни оёғи билан нарироқ суриб, шойи рўмолчани ёэди-да, олмосларни авайлаб унинг устига қўйди, гиламга кўкси билан ётди ва дам ўнг, дам чап кўзини қисиб, бошини чайқаб-чайқаб, қимматбаҳо тошларга ҳавас билан қарай бошлади.

— Менда мұнақаси жуда кўп,— истеҳзоли кулди Спантамаъно ва бир қисим йирик ва майда ёқутни гилам устига сочиб ташлади, ёниб турган кўмирдай шаффоф, қизил, ҳақиқ тусли уч хил рангда товланувчи дурлар, тундаги юлдузлар каби тўқ зангори марваридлар, заъфар, сарғиш-қизил ва сариқ лаъллар, олуча ранг, ложувард-яшил зумрадлар порлаб кетди.— Кўрдингми? Аммо, буларни сенга бермайман. Қизингга уйланганимдан кейин уни кийинтиришим, боқишим керак бўлади.

Ороба қимир этмасди. Унинг ҳолати Спантамаъпони чўчитиб юборди. Бунча бойликни кўрмаган чол ақлдан озиб қолмаса эди. Сиёвуш авлоди сочилиб ётган қимматбаҳо тошларни шошиб-пишиб териб, рўмолчасига солди. Ороба қўлинин ҳам қимирлатмади, аммо унинг кўзлари гойиб бўлаётган тошларга ҳасрат билан тикилиб турарди.

— Қани, қари ит!— деди Спантамаъно.— Қизингни беришга розимисан, йўқми? Агар сенга, бу олмослар ёқмаса, қайтиб оламан-у, ҳозироқ Панжакентга жўнаб кетаман. Уёқда оч-яланғоч юрган чўпонларни чорлайман-да, Навтака устига бостириб келиб, ифлос қўргонингни ер билан яксон қилиб ташлайман. Бари бир қизинг менга хотин бўлади. Гапимни эшитяпсами, қари тўнка?

— А?— ниҳоят Ороба ўзига келди.— Н-пима дединг?

— Розимисан деб сўраяпман?

— Н-нимага?

— Э, қовоқбуш!— Спантамаъно қўл силтади.— Мен сабрсизланиб инграянман-у, у бўлса ҳатто қулоқ солмаяпти! Менга қизингни берасанми ё йўқми?

— Ҳа, қизимними...— Ороба бутунлай ўзини қўлга олди.— Буни м-маслаҳатлашиб к-кўриш керак.

— Нима?! Яна қанақа маслаҳат? Мен ҳозироқ қизингни олмоқчиман!

— Маслаҳат қилиб к-кўриш керак,— қатъий такрорлади Ороба ва рўмолга ёпиши.

— Бошинг тўсин остида қолсин сени,— сўкинди Спантамаъно олмосин қўйиб юбормай.

— Буни маслаҳатлашиш к-керак,— Ороба қаттиқ турар ва қимматбаҳо тошларни ўзига тортарди.

— Оёғинг сингур, қари хасис,— тўпгиллади Спантамаъно яна рўмолчани ўзи томон тортиб.

— Буни маслаҳатлашиш к-керак!— деди Ороба иккинчи қўлинин ҳам ишга солиб.

— Кўзинг кўр бўлсин, қари чўчқа,— тўнғиллади Спантамаъно ва рўмолчани юлқиб олди.

— Буни масла... э-э-э... м-маслаҳатлашиш н-нимакерак?— Ороба патнисга жаранглаб тушгап олмосларни териб оларкан.— Мен р-розиман. Ким Сиёвуш авлодига ўз қ-қизини беришга рози бўлмайди?

— Йириқ иштонлар-чи?— эслатди Спантамаъпо айёrona кулиб.

— И-иштонни нима даҳли бор?— қимматбаҳо нар,

саларни қўйнига яшираркан, Оробанинг жаҳли чиқди.— Ииртиқ иштон қ-қайтанга яхшиям. Шш-шамол к-кириб туради, с-салқин, қулай.

Иккаласи қўл беришиб, роҳат қилиб кулишиди. Кечқурун, ҳеч ким кутмаганда, Ороба саройида тўй зиёфати қизиб кетди. Тўйдан кейин Оробанинг қизи Спантамаъононинг қайноқ қучогида тўлганарди. Тонгда йигит уйқуга кетди. Қиз унинг ёнида ётар ва пешинда умрида биринчи марта учратиб, кечқурун эса хотини бўлиб қолган одамига қойил бўлиб қаарди. У бегона эди, чунки қиз уни ҳали билмасди. У энди яқин киши, чунки қиз энди уники эди. Уни қарамақарши туйғулар толиқтиради. Гоҳ қизнинг ундан қочиб кетгиси келар, гоҳ кўксида бир ўт ёниб, қўллари ўз-ўзидан унинг юзларини силашга интиларди. Жўшқин эркалашлардан чарчаган, баҳтиёр, шу билан бирга баҳтсиз қиз мудрай бошлаган эди, бу ғалати одам тўсатдан уйгонди-да, деди:

— Менга қара, отилг нима? Кеча сўраш ҳам эсимга келмабди.

Оробанинг қизини Заро деб аташарди. У тонг каби гўзал, тун каби сирлн эди. Спантамаъонога суюб-эркаланиб, султоним деб тан олар, лекин қалбининг тувида никоҳнинг биринчи кечаси пайдо бўлган ҳар иккала ҳисни ҳам сақларди.

Сиёвуш авлоди тўғрисида қиз кўп эшитган ва уни ёрқин шуъла сочувчи мағур пахлавон деб тасаввур қилган эди. Аммо Спантамаъно бошқача одам бўлиб чиқди. Тўғри, у ҳамма қатори оддий одам эмас, ҳайрон қолдирадиган қилиқлари буни кўрсатиб турибди. Аммо тирик Сиёвуш авлоди Спантамаъононинг ўзини кўрмасдан бурун ўз тасаввурида яратган сиймога бутунлай мос келмасди. Хотини уни ҳали ҳам англай олмасди.

— Сени бундай деб ўйламаган эдим,— деди эрига Заро.

— Шундайми?— у кўзларини очди. Қўзлари ғамгин эди.— Мени бошида шоҳи бор деб ўйлабмиднинг?

У нима деб жавоб қайтаришин билмай, жимиб қолди. Ким билади, агар Спантамаъно ўзи жумбоқнинг учини топиб бермаганда хотинидаги икки хил туйғу нималарга олиб келишини ким билсин. У хотинининг бошини ўзига бурди-да, унинг қора кўзларининг туб-тубига тикилди.

— Мана бу ерингда ёмон фикрлар бор,— деди хо-

тини пешонасига құл теккизіб.— Яхши әмас. Мана булар сени мен билан келиштириб туради.

Сиёвуш авлөди хотини олдига бир ҳовуч жилодор тошни сочиб юборди-да, бир օғиз ҳам сүз айтмай, саройдан ғойиб бұлди. Заро ҳайратдан қотиб қолган әди.

Заро Спантамаънонинг бу қадар бадавлатлигини билмас әди. Уч кун илгари хасис ва ўз фойдасини биладиган отаси қизини Панжакентнинг қашшоқнамо ҳокимига беришга рози бұлғанидан ажабланган әди. Отасини, әхтимол Бесснинг Навтакада пайдо бўлиши билан боғлиқ бирор нарсани кўзда тутиб шу ишни қилгандир, деб ўйлаган әди. Спантамаъно ҳокимнинг дўсти ҳисобланарди.

У отасининг шошқалоқлик билан қилган ишидан норози әди. Умрининг охиригача бўм-бўш ва совуқ Панжакент қалъасида яшаш тўғрисидаги фикрининг ўзиёқ бутун вужудини музлатиб юборарди. Аммо отаси нима қилаётганини билганлиги кўриниб турибди. Қиз бойлик ҳамма нарсани ҳал қиласи деб ҳисобланадиган, кармони тўла одам иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббатга лойиқ деб қарападиган, пулсиз одам эса энг паст деб муомала қилинадиган муҳитда тарбия кўрган әди. Ақл бу ерда мутлақо ҳисобга ўтмасди. Тўғрироғи, фаровон ва тўқин-сочин яшаш даражасига етган одам ақлли деб қарапарди. Заро ҳам аямай олдига сочиб ташланган товланувчан совуқ тошлар баҳосини яхши биларди. Булар ўт ловиллаб турган иссиқ уй, шифтигача тўлдирилган омбор, қимматбаҳо кийим-кечак, уни Суғдиёнанинг энг машҳур аёли қилиб ҳамманинг ҳасадини қўзғайдиган омилларни ифода қилас әди.

Заронинг ҳамма шубҳа ва иккиланишлари тарқаб кетди. Ороба кириб келганда, у сочилиб ётган ёстиқлар устида ётганча, ҳаяжон билан ёқут, марварид ва дурларни битта-битта териб олмоқда әди. Отаси индамай чўкка тушди. Иккаласининг қўллари тош ўюми устида учрашди, кимнинг қўли қаттиқроқ титраётганини айтиш қийин әди.

— У қаерда?— тантанали сукутни бузиб хириллади Ороба. Қиз тезроқ жавоб берса қолмади, сўнгра энди уйқудан уйғонгандай, ҳали кўрган ажойиб тушининг парча-пурчалари бошини айлантираётгандай хира товуш билан деди:

— Ким?

ИСКАНДАРМИ ЁКИ БЕСС?

— Ҳал қилувчи фурсат яқин,— деди
Хариклия,— ҳозир ҳаётимизни Мойра
тарозуга қўйиб турибди.

Гелиод, «Ҳабаш аёл»

Спантамаъно боқибегам одамдай шошиямасдан, оҳиста одимлаб саройдан чиқди. У қўрғон девори устидаги айланиб, тоза ҳаводан нафас олмоқчи ва Зарю ёнига қайтмоқчи эди.

Аммо тўсатдан рўпарасида Вахшунварта пайдо бўлди. У нимадандир ташвишда эди. Спантамаъно гул-гул очилиб табассум қилди, гўё: «Мана, кўрдингми? Қилган ишим сенга хуш келмадими?»— деётгандай кўз қисиб қўйди. Вахшунварта хавотирланиб атрофга қараб олди-да, қуруққина деди:

— Кўнгилхушлик қилишни шундай пайтда бекор бошлидинг.

— Бир гап бўлдими?— мулойимлик билан сўради Спантамаъно. У ёмғирдан кейинги ниҳолдай яшнаб турарди.

— Сен Оробанинг қизи билан овора бўлиб ётганингда, дўстимиз Бесс ўзини шоҳ Артахшатра Тўртингчи деб эълон қилиб, бошига олтин тоҷ кийди,— деди қовоғини ўйиб бақтрий.

— А?— Спантамаъно кўкрагидан мушт егандай чайқалиб кетди ва зўрга ўзини тутиб қолди.— Нега шу ҷоққача айтмадинг, отахон?— деди лабларини қимтиб.

— Уч марта одам юбордим, лекин сен ҳеч кимни ёнингга йўлатмабсан.

Спантамаъно кўзларини юмди ва бир муддат шу ҳолда турди. Сўнгра хўрсиниб, энсиз кафти билан юзини силади ва Вахшунвартага ўйчан назар солди. Бақтрий бирлаҳзада ўз авзойи-руҳиясини ўзгартган бу ажойиб инсоннинг иродасига қойил қолди.

— Бўпти,— деди тишлари орасидан сүфд.— Пешонада борини кўрамиз.

У даҳшатга тушган бақтрийни қолдириб, ортига бурилди-да, ҳеч гап бўлмагандай оҳиста, шошиямасдан, сарой томон ўйл олди. «Бесснинг куни битди», ғудурлади Вахшунварта. Чол яна атрофга қараб ол-

ди-да, чаққонлик билан бурчак ортига ўтиб, ғойиб бўлди.

Сиёвуш аволи қўлларини орқага қилганча, шошилмай хотини ёнига келди. Уни кўриб, Заро тезлик билан оёқларини йигиб олди ва бошини эгиб, ибо билан жилмайди. Эри туҳфа қилгаш ақиқларнишг илиқ шуъласи унинг тимқора кўзларига ўтгандай, лабларида эса қирмизи лаъллар шуъласи жилва қилаётгандай эди. Спантамаъно энгашиб, унинг муаттар ҳид таратиб турган тимқора соchlарини силадида, очиқ эшикдан айвонга чиқиб кетди.

Айвондаги гиламга чўзилди ва мушти устига иккичи муштини қўйиб, иягини унга тираганча, чўзиб-чўзиб ҳуштак чала бошлади. Хотин учинг ортидан ҳайрон бўлиб қараб турарди. У нимадан норози? Қимматбаҳо совғалар ундан эрига нисбатан меҳри-боплик кўрсатиши талаб қиласади. Заро бир неча марта айвонга чиқиб, овқат емайсизми, деб сўради.

— Кейин,— деди қисқа қилиб.

Узича, уни силаб-сийпаб эркалаш керак, деган қарорга келди. Лекин узоқ иккиланиб турди, тортишчиқлик устун келмоқда эди. Ниҳоят тортишчиқлини енгиб, унинг ёнига чўккалади ва ўқувсизлик билан елкасидан қучди.

— Кейин,— деди эр хотинини беозоргина нари суриб. Келинчак хўрлиги келиб, йиғламоқдан баттар бўлиб чиқиб кетди. Спантамаъно кечгача айвонда шу аҳволда ҳуштак чалиб ётди, унинг нима ҳақида ўйлаганини ҳеч ким айтиб беролмас эди. Кеч кириб, қоронғи тушгач, Заро яна унинг ёнига келиб, журъатсизлик билан, ётмайсизми, деди.

— Кейин,— ғулдиради Спантамаъно,— яхшиси кучли мусалласдан олиб кел.

Кучли мусаллас ёки ёввойи наша уруғининг тутуни ғамга тўлган юракка осойишталик бағишлиар эмиш. Татиб кўрса қандай бўларкин?

Заро мусалласли кўзачани олиб келди ва ўзи қадаҳши тўлдирди. Спантамаъно бир қултум ичди-да, яна ҳуштак чала бошлади. Бу ҳуштак Заронинг жонига тегди. У елкасини қисди ва чиқиб кетди. Ҳа, Ороба қизи ўз эри кўнглини билолмаётган эди. Унда яна совуқ бегоналий туйғуси уйғонди.

Аммо у бу туйғуга эрк бермаслиги керак эди — қимматбаҳо қутичага яшириб қўйилган жавоҳирлар шуни талаб қиласади. Шу билан бирга, булардан

ташқари, Зарони қандайдир куч айвоңда ётган одам ёнига тортаётганди. Турли-туман фикрлар гирдобида толиқиб, ўрнига кириб ётди.

Суғд нима қиларини билмасди. У очликдан кўзи қонга тўлган сиртлонлардан қочиб, ўзи томон югуриб келаётган йиртқич йўлбарсга дуч келиб қолган одамга ўхшарди.

Форсларми ёки юнонларми? Спантамаъно унисини ҳам, бунисини ҳам истамасди. Унинг ўзи Суғдиёпа ҳукмдори бўлишга интиларди. Сиёвуш авлоди сифатида ўзига тегишли бўлган подшолик таҳтига эга бўлишни орзу қиларди. Ҳа, ўз мамлакатини ўзи бошқаришни истарди! Спантамаънодан икки қудратли кучдан бирини танлаб олишни тангриларининг ўзи хоҳлаган бўлса керак. О, иблис! Ишлар шу қадар чалкашиб кетдики, бу ҳолатда ҳатто кекса доғули, разолат, зулмат ва фаҳш тенгриси Ахраманинг ўзи ҳам ҳеч нарса қиломаса керак.

Бесс томонни олсинми? Бесс ўзини Шарқ ҳукмдори деб эълон қилди. Янги подшога Суғдиёпада таянч бўладиган ишончи одам зарур. У Спантамаънени шу мамлакатга ноиб қилиб тайинлайди. Яхши-а!. Аммо... унда Спантамаъно ўз мамлакатининг ярим ҳукмдори бўлиб қолади, у бўлса ўзини ўлканнинг якка ҳукмрони ўринида кўришни истайди! Бундан ташқари, бу жўжахўроз Артаҳшатра таҳтда узоқ турга олармикин? Дориёвушкин Искандарга бас келолмаган экан, Бесс сира ҳам унга бардош беради. Эртами, кечми унн ер юзидан супуриб ташлайдилар, у билан бирга Сиёвуш авлоди ҳам тутундай йўқ бўлиб кетади. Демак, Бессга қўшилишнинг фойдаси йўқ.

Шундай қилиб, форслар эмас, юнонлар, Искандар томонга ўтсинми? Ким билади унинг мақсадини? Форс қўшини қолдиқларини тор-мор қилиб, бутунлай ортига қайтиб кетмоқчими? Ёки юнон шоҳи ҳам Аҳмонийларга ўшаб Мароканд ва бошқа шаҳарларга ўз лашкарларини жойлаштирадими? Унда нима бўлади? Искандар, шубҳасиз, Суғдиёна ҳокими қилиб Спантамаънени тайинлайди. Спантамаъно яна ўз давлатининг ярим ҳукмрони бўлиб қолади.

Қалаванинг учи топилди. Ота-боболари мамлакатини ўзи хоҳлаган тарзда бошқаролмаслигини сениш туйғуси шуҳратпараст Суғдининг қонини қайна-

тиб юборди. Шунинг ўзиёқ унда форсларга ҳам, юонларга ҳам қарши чексиз нафрат қўзғатар эди.

Шундай қилиб, у тайнли бир қарорга келолмади. Унинг ўрида бошқа одам бўлганда ўз самарасиз хәёлларидан ғазабга келиб, шошқалоқлик билан ноjжўя қадам қўйган бўларди. Аммо Спантамаъно бе-хисоб майда камчилклари бўлишига қарамай, иш асосий масалага келганда ўзининг бронза ханжари каби шафқатсиз ва совуққон бўла олар эди. У ўзидағи сабрсизликни, ҳозироқ ҳаракат қилиш истагини, кўксидаги жўш ураётган туйгулар бўронини босиши чорасини беозор қўшиқдан топди:

*Кўзага тегди ҳижрон,
У уч бўлинди шу он.*

Спантамаъно кутишга қарор қилди. Пайти келиб, шароитнинг ўзи нима қилиш кераклигини кўрсатади. Уша пайт келганда Спантамаъонинг нимага қодирлигини ҳамма кўради. Суғд шу қарорга келди-да, мусалласини ичиб тугатди (ҳақиқатан ҳам қайғуни тарқатар экан, отангга лаънат!) ва бир кўришдаёқ чин дилдан севиб қолган гўзал хотини ёнига кириб ётди.

Бундай аламли фикрлар бу кечада Спантамаъони безовта қилиб қолгани йўқ. Воқеаларнинг ўзгаришини Вахшунвартага ҳам кутмоқда эди. У ҳам Спантамаъно сингари форсларни ҳам, юонларни ҳам хоҳламасди. Агар навқирон ва жўшқин суғд курушларга тайёрланиб, уларда фаол қатнашишни чамалаётган бўлса, кекса ва эҳтиёткор бақтрий ўзини, оила аъзоларини ва мол-мулкини форслардан ҳам, юонлардан ҳам эсон-омон сақлаб қолиш ҳақидагина бош қотирарди. Шарқ томонда, тоғ кўли яқинидаги Шоши-Миҳра қояси унинг эсига тушди. Вахшунвартага содиқ ҳокимлардан бири қоя тепасига мустаҳкам қўргон қурдирган эди. Вахшунвартага оила аъзоларни билан шунга бекиниб олиш ва шу ерда яхши кунларни кутиб ётишга қарор қилди.

Бессга келсак, тун бўйи ўзини қўярга жой тополмай, хона бўйлаб юриб чиқди. У аҳмоқ эмасди. Қўл остида қўшини бор. Аммо Искандарга қарши чиқиши журъати йўқ эди.

Ороба ҳам узоқ вақт ухломади. Навтака ҳоки-

мининг фикри соддалиги билан ажралиб турарди. Үким ғолиб чиқса, шунга қўшилишга тайёр эди.

Бир-бирига мутлақо ўҳшамаган тўрт киши, шулардан бирининг тақдирини бир ёқли қилиб, қолгандарини ҳараатга келтирган янги тонгни ана шундай кутиб олди.

Илгари бу икки бақтрийни Навтакада ҳеч ким кўрмаган эди. Аввалроқ бўлганида сўраб-суриштирмай қўймасдилар-а, лекин ҳозир шаҳарда Бақтриядан келган гўда-тўда бегона одамлар изғиб қолишганди, шу сабабдан шубҳали савдогарларга ҳеч ким эътибор бермади.

Улар индамай бозор кезиб юрар, ҳеч нарса ҳарид қилишга ҳам, сотишга ҳам интилмасди. Улардан бири баланд бўйли, озғин, бурни катта ва сочи ўсиқ, иккинчиси паст бўйли, кал ва семиз эди. Улар кимнидир излаётганга ўҳшар, ҳеч бир бақтриялик тушунмайдиган тилда ўзаро секин гаплашиб олишарди. Улар ҳамма нарсага назар солар, лекин ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасди.

Файритабии савдогарлар бозорни айланиб, емакхонага киришди-да, бу ердагиларнинг диққатини тортмаслик учун қоронфироқ бурчакка бориб ўтишиди. Ошхонада ҳам, ўн кишидан ортиқ одам тўпланган ҳар қандай жойда бўлганидай, ғовур-ғувур эди. Атроф қишлоқлардан келган дехқонлар, чакана савдогарлар ва ҳунармандлар ўз ишлари ҳақида сўзлашардилар.

— Ҳеч нарсага яқин йўлаб бўлмайди, ҳаммаси қиммат.

— Нимасини айтасиз. Мол кам, барини форслар тортиб олди.

— Улардан қачон қутулар эканмиз?

— Яқин қолди. Искандар келади. Ана шунда...

— Искандар келса яхши бўлади деб ўйлайсизми? Оқ ит, қора ит — бари бир ит.

— Форсларни ҳам, юоннларни ҳам кераги йўғ-а...

— Бу тўғрику-я, лекин бўлмаяпти-да...

— Балки бўлиб қолар?

Эшик олдида ўрта ёшлардаги сугд аскари ағрабий қулоқ солиб турган қишлоқларга Гавгамели жангига ҳақида ҳикоя қиласади.

— Демак, сизлар яхши жанг қилгансизлар? — де-

ди оэгин киши суҳбатга аралашиб, қўллари қоп-қоралигидан у темирчига ўхшарди.

— Бўлмаса-чи! — мағур жавоб қилди навкар.— Биз кўрсатиб қўйдик ярамас юнонларга.

— Шунинг учун улар Бақтрагача орқангиздан қувиб келган экан-да,— киноя қилди темирчи.

Навкар уятдан қизариб кетди.

— Эй, сен,— тўнғиллади газаб билан,— бу сенинг ақлиниг етадиган иш эмас.

— Албатта, ақлни етмайди,— рози бўлди уста.— Кочгинг келгандан кейин нега қочмаслик керак? Дунё кепг. Ерпилг чеккасигача қочиб кетавериш мумкин. Айтишларича, Искандар ҳадемай бу ерга етиб келади. Энди қайга йўл оласизлар, жасоратли жангчилар? Абадий қор босиб ётадиган шимолгами? Ёки жанубга, ҳинидлар томонгами?

Қишлоқликлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишиди. Навкар ўзини йўқотиб қўйди ва муштини қисди.

— Ҳеч қаерга кетмаймиз,— деди қовоғини уйиб.— Биз Эрондан кетдик, чунки форсларни ҳимоя қилишин истамадик. Бу ер эса ўз еримиз, агар юнонлар бизга қарши урушадиган бўлса, энди ўзимиз учун жанг қиласиз. Шуни билиб қўй. Спантамаъно буюрса бас.

— Сен Спантамаъно қўшиниданмисан?— деди темирчи ҳурмат сезилиб турган қизиқсиниш билан. Бу сўзлар айтилгандага бақтрянилик савдогарлар бир-бираiga қараб олди.

— Ҳа,— деди навкар.— Хўп, яхши қолинглар, мен қўрғонга боришим керак.

У ташқарига чиқди, иккι савдогар ҳам билдирилмай унинг орқасидан эргашди. Баланд бўйлиси сүғдга етиб олди ва қўлига туртди. Навкар ўгирилиб қаради.

— Биродар,— деди савдогар,— мен Спантамаъно-нинг дўстиман. Лекин бу ерда мени ҳеч ким танимайди. Шунинг учун қўрғонга киришим қийин. Мана шу хатни Спантамаъного элтиб беролмайсанми? Уни ўқиб, келганимин билади-ю, мени қабул қиласди. Елвораман, агар мен учун қиласанг, ўз йўлбошчинг Спантамаъно учун қил. Мен савдогарман. Но-дон одамлар савдогарни хасис дейдилар. Ундан эмаслигини сенга исбот қиласман.

Бақтрий навкарга олтин таңга узатди.

— Спантамаъношинг дўсти учун ҳамма ишга тайёман! — хитоб қилди хурсанд бўлган навкар танга ва энсиз халтачани қўйнига яшира туриб. — Агар жаноб ҳоким топиб кел деса, сени қайдан топаман?

— Ҳозир ўзинг чиқиб келган емакхонадан.

Навкар узоқлашгандан кейин бақтрийлар бирор иккинчисига юончалаб деди:

— Ё Спитамен рози бўлади...

— Еки бошимизни кесади, — қўшимча қилди ўртоғи.

Суғд омонатга хиёнат қилмай хатни Спантамаънога келтириб берди. У ажабланди ва «дўсти» ҳақида навкардан батафсил сўраб-сурштириди. Кейин унга жавоб бериб, халтачани очдида, папирус ўрамини ёзди. Мактуб форс тилида ёзилган эди. Унини дастлабки сўзлариёқ Спантамаънони ҳайратга солди.

«Искандар Зулқарнайн буюк Сиёвуш авлодига салом йўллайди, — ўқиди Спантамаъно ўз кўзларига ишонмай. — Шод бўл! Сенинг фазилатларинг ҳақида кўп эшитдим ва сени Суғдиёна баҳодир эрлари орасида энг олижаноби деб биламан. Шунинг учун ҳам муқаддас мамлакатингдаги бошқа аъёлларга эмас, сенга мурожаат этмоқдаман. Тангри Аммон ўғли сенга пима дейишини диққат билан эшит...»

Спантамаъно терлаган манглайнини кенг енги билан артди ва ўқишда давом этди:

«...Ўз халқиминг ғами мени оталар юртини тарқэтнб, Дориёвушга қарши уруш йўлларидан боришига мажбур қилди. Форсларнинг юонларга қанчалик зулм ўтказгандари, муқаддас ибодатхоналарни қандай ҳақоратлаганлари сенга маълум. Аҳмонийлар авлоди бор экан, дунё халқлари осойишта яшай олмайди. Худолар мендан бу лаънати авлодни қириб ташлаш ва ҳамма ерда шодлик ва фаровонлик бунёд этишини талаб қилмоқда. Шамол кулни учирив кетгандай, мен Эрон босқинчиларни супуриб ташладим ва кўплаб қабилаларни форслар зулмидан озод қилдим. Лекин ҳали душман бутунлай янчиб ташлангани йўқ. Қондошининг қотили шоиб Бесс ҳали тирик, Навтакада писиб ётибди...»

Сиёвуш авлоди бошини кўтариб, титроқ қўли билан

лан қадаҳни тўлдирди-да, уч ютум қилиб бўшатди ва яна хатга эгилди.

«...Бесснинг сенга таянишини билганимдан кейин бир ғамимга юз ғам қўшилди. Наҳот Бесс сенинг ҳам душманинг бўлмаса, ў, Сиёвуш авлоди? Наҳот Суғдиена тахтини ота-боболарингдан Аҳмонийлар тортиб олмаган бўлса? Нега сен бир кун келиб ўзингни чақадиган заҳарли илонни кўкрагингда иситиб кўтариб юрибсан? Наҳотки сен томонга лабларида биродарлик табассуми билан келаётган кишига қарши қонхўр Бесс томонда жангга киришни истасанг? Наҳотки иккаламиз ҳам ёмён кўрган разил одамнинг қонхўрлик ишини тўхтатиша менга ёрдам бермасанг? Менинг жангчиларим беҳудуд юришларда толиқди. Агар разил Бесс орқамда қилич ўқталиб, хавф солиб турмаганда, аллақачон ўз ватанинга қайтиб кетган бўлардим. Юрагимда суғдларга қарши нафрат ҳам, бошимда ёмон фикр ҳам йўқ. Бессни жазолайману ортимга қайтиб кетаман, зотан мени қадрдон уйим чорламоқда. Кейин Суғдиёна сенини бўлиб қолади. Шу гапларимни ўйлаб кўр, биродарим Спантамаъно...».

Суғднинг қўлидан хат тушиб, ўзи тахта бўлиб қолди. Сўнгра сапчиб ўрнидан турди-ю, ташқарига ютурди. Лекин остонага етганда ҳушига келди, ўзини босиб, журъатсиз қадам қўйиб орқага қайти. Искандарнинг сўзларида ҳийла йўқмикан? Йўқ, наҳот танги Аммон ўғли ўз лафзини ёлғон билан булғаса? Нега бундай қилмас экан? Атрофинингдаги ҳамма нарса ёлғон билан қоришиб кетмаганин ахир?

Спантамаъно янглиш қадам қўймаслик учун Да-тафарн, Ороба, Вахшунварта ва кекса бақтрий каби эҳтиёткор, таникли суғд Хориенни чақиртирди. Искандарнинг мактуби уларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, ўйлашга мажбур қилди. Ҳаммасини бир нарса безовта қилар эди: Зулқарнайнинг хатидаги гаплар ростми? Балки у форслар, суғдлар, бақтрийларнинг бирлашган кучларини бўлиб юбориб, кейин битта-битта қириб ташлаш режасини тузгандир.

— Бир қарорга келиш қийин,— пўнғиллади Вахшунварта,— нима қилишни билмайман.

— Мен ҳам,— унга қўшилди Хориен.

— Лекин бари бир бир тўхтамга келиш керак,— хитоб қилди Ороба.— Гап шундай экан, наҳот биз аҳмоқ бўлиб кучсизлар томонга ўтсак. Жин урсни ўша Бессни! Ороба форслар замонида ҳам ёмон яшагани йўқ. Ўйлайманки, юонолар давридаям ёмош бўлмас. Бессни тутиб беринглар — иш тамом, вассалом.

— Ороба ҳақ,— секингина деди Датафарн.— Бесснинг қўл-оёғини боғланглару Искандарга топширинглар. Битта ит камаяди, вассалом.

Спантамаъно бирдан Датафарнга ўгирилиб, ҳайратли назар ташлади.

«Ҳа, оғайни,— кулимсиради ичидা,— тилинг ўткир кўринади. Биз ҳали сен билан ёруғ дунёда тил топишамиз, кўриб турибман».

— Хўш, шундай қилиб, Хориен, Вахшунвартा, қандай маслаҳат берасизлар?— жаҳл билан сўради Сиёвуш авлоди.

— Ўзинг ҳал қил,— такрорлади Хориен.

— Тулкилар,— ўзини тутолмади Панжакент ҳокими.— Ўзим ҳал қиласман, лекин иш ўнгидан келмаса, мени тошбўрон қиласизлар. Шундай эмасми?

Улар индашмади. Шу пайт қаср дарвозаси томондан шовқин-сурон эшитилди. «Спантамаъно! Спантамаъно!» қичқирарди оломон. Кўрқиб кетган хос соқчилик пайдо бўлди. Улардан бирининг хабар беришича, калтак ва болта билан қуролланган минг ёки икки минг шаҳарлик дарвоза соқчилари қаршилигини ёриб ўтиб, қасрга кирибди. Улар Спантамаънони кўришни исташаётган эмиш.

— Нима учун?— сўради Панжакент ҳокими.

— Билмадим.

— Спантамаъно! Спантамаъно!— гувилларди оломон.

Улар чақирган киши эпчиллик билан ўрнидан турди-да, тез-тез юриб айвонга чиқди. Ранги оқарган, дарғазаб, ҳамма нарсага тайёр эди у.

У пайдо бўлиши билан оломон бир зумда жимиб қолди. Фақат қора, малла ва оқ сочли бошлар тўдаси узра бир-бирига урилиб, жаранглаган калтак, найза ва болталар чайқалиб турарди.

— Мана мен,— жарангдор овсизда қичқирди Спантамаъно.— Менда нима гапларинг бор?

- Форслардан ҳимоя қил! — яна чувиллади оломон.
- Бир гап бўлдими?
- Тинчлик беришмаяпти!
- Бизни талашяпти!
- Аёлларимизни ўғирлашяпти!
- Болаларимизни олиб кетишяпти!
- Молларимизни тортиб олишяпти!
- Нима учун менга мурожаат қиляпсизлар? — жаҳл билан деди Сиёвуш авлоди. — Сизларнинг ўз ҳокимларингиз бор, — Спантамаъно ёнида пайдо бўлган Оробани бармоқ нуқиб кўрсатди, — сизларни таловчилардан мана бу ҳимоя қилсин. Ўзимнинг ишларим камми, яна бу ерда сизлар билан овора бўйами?
- Унинг сўзлари бу одамларни хижолатга солди, хафа қилди шекилли. Оломон ичра нохуш шовқин тарапди. Жундор кўкраги очиқ, офтобда қорайиб кубиб кетган чол олдинга чиқди.
- Иўқ, Спантамаъно! — деди у баланд овозда. — Фақат сен бизни форслардан ҳимоя қила оласан.
- Нега мен? Аҳмоқ каллангга бу гап қайдан келди сен қари тўнканинг?
- Спантамаънонинг бу қаттиқ гапи навтакаликни сира хижолатга солмади. У навқирон лашкарбошининг кўзларига бемалол тикилиб турарди.
- Бизни ҳимоя қилиш бурчинг, Спантамаъно, — деди чол қатъият билан.
- Бурчим? — Чолнинг сурбетлиги Спантамаънонинг ғазабини қўзгатиб юборди. — Даънати, панжакентлик эмассанки, мен сен учун жонимни жабборга топширсам. Менга ўз панжакентликларим (уларни ҳам ер ютсин) тинчлик бермайди-ю, бу ерда сиз ҳам борми?
- Ҳа, сен мажбурсан, — деди чол қатъий. — Бизларни Бессдан халос эт, деб илтижо қилаётганимиз йўқ, сендан талаб қиляпмиз!
- Талаб қиляпсиз? — Спантамаъно хохолаб кулиб юборди. — Хўш, Ороба, кунинг битибди. Кўриб турибманки, бутун ҳалқинг ақлдан озибди. Айтинглар-чи, яхшилар, нима учун ўз ҳокимингизга айтмай, ҳимоя эт деб мендан талаб қиляпсизлар?
- Чунки сен Сиёвуш авлодидансан! — разаб билан қичқирди чол. — Чунки сен қадимий Суғдиёна подшолари уруғидансан. Чунки ота-боболарингни ме-

нинг ота-боболарим бοқиб келган! Чунки томирингдаги ҳар қатра қонингда бизнинг аждодларимиз ўстирган анорлар шарбати бор! Чунки халқ битта сенга ишонади! Сен ўзингни панжакентлик дедингми? Иўқ! Сен панжакентлик ҳам, навтакалик ҳам эмассан — сен сугдсан! Биз сенинг олдингда қанча бурчли бўлсақ, сен ҳам бизнинг олдимиизда шундай бурчлисан! Сенинг ўз ишинг бўлиши мумкин эмас, бизнинг ишимиш бор. Гапимни тушундингми!

Спантамаъно лабидаги табассум сўнди. Навтакаликниң гапидан ҳайратга тушиб, олдинроқ юрди-да, шамолда қорайган юзларга диққат билан назар солди. Шу ҷоққача у фақат ўзини ўйлаган, бу одамлар ҳақида мутлақо ўйлаб кўрмаган эди. Илоҳий Сиёвуш авлодидан бўлғанлигиги шараф деб биларди, лекин бу унга қандайдир мажбурият ҳам юклар экан.

— Спантамаъно гапингишни эшитади,— қичқирди у титроқ овоз билан,— гапиринг!

Сочлари оқарган навтакалик киши бир жувоннинг қўлидан тутиб, Спантамаъно пойига олиб келди, бошидаги дағал ёпинчиқни олиб, таъзим қилди-да, орқага чекинди.

Спантамаънонинг дастлаб кўзи тушган нарса аёл кўксидаги икки қопли жароҳат бўлди. Спантамаънонинг кўзлари на тўэриб кетган қора соchlарни, на катта-катта шаҳло кўзларни, на гўзал, аммо ҳоргип юзларни, на нозик қўллардаги кўкарган жойларни, на қорни ва тақимидағи тилинган-қорайган калтак изларини кўрар, кўз олдида фақат икки бўлак қилиб кесилган анор палласи каби юмалоқ қип-қизил жароҳатгина турарди.

— Бу ўғлим Баронинг хотини,— дея чол хўнграб юборди.— Тўрт кун бурун сувга чиқди-ю, қайтиб келмади. Уни форслар тутиб олганини қўшним кўрибди. Баро бориб Бесснинг оёқларини ўпди. Бесс бўлса Барога: «Бунча қизганчиқ бўлма. Сен бу хотин билан уч йил кўнгил очгансан, менинг аскарларим уч кун майшат қила қолсин», деб жавоб берибди. Бугун эрталаб келиннинг ўзи уйга кирнб келди. Улар эрмак учун бунинг кўкрагини кесибдилар. Йиғланг, одамлар! Ҳосилдорлик маъбудаси Анахита номуси хўрланди. Ҳаёт булоги қуриди. Энди замин муқаддас она сути билан сугорилмайди. Қурғоқчилик, ўлат ва қашшоқлик бошланади.

Чол калима келтириб тиз чўқди. Унга эргашиб юзлаб одамлар калима келтирганча, тиз чўқдилар, чунки форслар аёл сийнасини кесиш билан унинг маъбуда Анахита қиёфасида бутун тирик мавжудотга ҳаёт берувчи оналик ибтиносини ҳақорат қилган эдилар.

Спантамаънонинг боши айланиб кетди. Беихтиёр ҳўлда оломонга қараб иккита сўз айтди, бу икки сўз тоғда даҳшатли қор кўчкисига сабаб бўлувчи икки тош каби ғазабланиб турган одамлар тўдасини бирдан ўз жойидан қўзғатди.

— Форсларни ург!

Чўққайиб, девор олдида тинчгина ўтирган дахлар тўдаси бирдан ўрнидан турди: юзлаб бронза қиличлар ғазаб билан ярқираб кетди. Бутун Навтака қўлга қурол олган эди: Спантамаъно дахлари ва шахарликлар айрим-айрим ҳолда Бесснинг кўп сонли қўшинига бас келолмас эди. Лекин бирлашиб катта кучга айланган эдилар. Эрониларни қўргон ичida ҳам, бозор майдонида ҳам, кўчама-кўча қувиб бориб ҳам, ҳовлиларда ҳам ўлдиришарди. Улар аввал жонжаҳд билан ўзларини ҳимоя қилишга уриндилар. Лекин қон тўкишга ташна суғд тўдаларига бас келишга қўзлари етмагач, Навтакадан қочиб, бир бўлинма ортидан бошқаси Марокандда мустаҳкамлашиш учун тоғ довони сари чўзилиб кета бошлади.

Қўзғолон бошланганда Бесс дам олаётган эди. Уни хос соқчиларнинг дод-войи уйғотиб юборди. Ношиб деразадан қаради-ю, дарҳол тушунди. У саройнинг ички йўлаклари орқали Хориен томон югуриб кетди.

— Мени ҳимоя қил, Хориен!— ўймакор эшикни оёқлари билан уриб қичқираарди. Лекин Хориен жавоб бермас, ноибни излаб юрган суғдларнинг овозлари борган сари яқинлашарди.

Бесс элчиллик билан бурчакдан ўтиб, бир зумда Оробанинг ётоғига етди. Унинг юраги жанговар ноғора каби гурсиллаб урар, боши ғувиллар, нима бўлаётганини тушунмас эди. Форснинг ақлига бир фикр — ўлим ҳақидаги фикр қаттиқ ўрнашиб олган эди. Ўзининг куни битганини ҳис қилас, шу билан бирга бунга ишонмас, ўзининг ўлишига ишонгиси келмасди. Томдан ташлаб юборилган мушук жон-жаҳди билан ҳавога ёпишгандай у ҳам ҳаётга ёпишар эди.

— Ороба, мени қутқар!— қулфланган панжара олдида бўкира бошлади. Лекин Навтака ҳокими бир-

ров күринди-ю, бидирлай кетди: «Илоҳо гумдон бўл! Сени қутқариб ўтираманми? Қанча қўй-эчкиларимни единг, тўймас, мечкай!» У шу заҳотиёқ яна ғойиб бўлди. Шарқ устидан ҳукмронлиги шунча қисқа бўлган омадсиз Артахшатра Тўртинчи бошқа томонга қараб югуриб кетди ва Вахшунвартга қароргоҳига бостириб кирди. Бақтрий ўз хос соқчилари билан чорпояда ўтирас эди.

— Қадрдоним!— Бесс унинг оёқларига йиқилиди.— Мени яшир! Лаънати Спантамаъно бошимга етади. Нега шу пайтгача унга шафқат қилиб келдим? О, шундай бўлишини билганимда! Заҳарли илон, сотқин, ўз ҳукмдорига қўйл кўтарди-я! Нега биз уни олдинроқ билмадик! Охурамазда, мени ўзинг қўлла! Мени яшир, Вахшунварт! Наҳот Бессга раҳминг келмаса?

— Раҳмим келмайди,— бўғиқ оҳангда деди руҳоний.— Сен жазога лойиқсан. Спантамаъони сотқин деб айблама. Бунга ўзинг гуноҳкор эмасмисан? Икки юз йил илгари, Аҳмонийлар келмасдан буруп Суғдиёна халқи қандай содда, ростгўй, қандай самимий эди. Уларни бузиб, ёлгончилик, фисқ-фасод, макр заҳари билан заҳарлаган сиз ўзингиз эмасми? Сен Спантамаъони заҳарли илон деб айтдингми? Бу ҳинарни Спантамаъно сизлардан, фирибгар ва қонҳур Аҳмонийлардан ўрганмадими? уни ўзингиз кўкрагингизда асрагансиз, у энди ўзингизнинг заҳрингиз сингиб кетган ўткир тишлигини баданингизга санчиб турганда йиглашдан бошқа чорангиз ийқ.

— Сен ҳам унинг томонидамисан?— Бесс ўрнидан туриб, Вахшунвартага ташланди, лекин хос соқчилар уни тепиб юборишиди. Залга Спантамаъно бостириб кирди. Орқасида йигитлари қисилишиб турарди.

— Мана, у қаерда экан!— Сиёвуш авлодининг овози жаранглаб кетди.— Ушланглар уни!

Бесс бурилиб, белидаги ханжарни олди-да, суғдга томон ҳўқиқиздай ташланди. Бир уришда Спантамаъони чилпарчин қилиб ташлайдиганга ўхшарди. Аммо эпчил суғд қоплондай енгиллик билан ўзини четга олди ва эгилиб рақиби қўлидаги пичоқни узун ханжари билан уриб туширди. Жангчилар ноибининг қўлларини қайриб, судраб кетдилар.

Кечқурун Спантамаъно ҳузурига баланд бўйли, навқирон навтакалик йигит кириб келди. Унинг бор-

йўқ кийими титилиб кетган тери чолвордан иборат эди. Тўзғиган соchlари ғамгин кўзларига тушиб турарди. Эндиғина сабза ура бошлаган мўйлабларида тер зарралари ялтиради. Қалин лаблари қаттиқ қисилган, серпай, бақувват қўлларини орқасига қилиб турарди.

— Менинг отим Баро,— ғамгин ғулдиради у. Бу форслар хўрлаган ҳалиги жувоннинг эри эди.

— Гапиравер, жигарим,— деди Спантамаъпо меҳрибонлик билан.

— Дунёда ҳамма нарсадан кўнглим совиб кетди,— алам билан деди Баро.— Хотинимни севаман. Лекин унинг ҳаром вужудини кўрганимда, у гуноҳкор бўлмаса ҳам, пичоқ тиқиб олгим келади. Навтакадан бош олиб кетсан яхши бўларди. Мейни хизматингга ол. Бессдан мен учун қасос олдинг. Шу кундан бошлаб сен тирик бўлсанг тирикман, сен ўлсанг бирга ўламан.

— Хизматга оламан, Баро!

Клитарх сўзи:

«Биз Бақтрадан чиқиб, Оксга етдик. Бу дарё катта ва чуқур, кенглиги икки миңг қадамга яқин, оқими жуда тез. Кўпприк қуриш учун яқин орада ўрмон йўқ, шунинг учун терилардан катта-катта қоплар тикиб, уларни сомон ва қуруқ ток павдалари билан тўлдиришга тўғри келди. Қопларни ўнтадан қилиб боғлаб, устига қамиш тўшадик ва шу соллар билан одамлар, отлар ва юкларни Окснинг нариги қирғоғига олиб ўтдик. Кечув беш кун давом этди. Шундай қилиб, суғд заминига қадам қўйдик».

— Ҳа, Александр! Фарнух билан Дракил олий мукофотга лойиқ одамлар. Улар бақтрий савдогарлар кийимида Навтакага бориб, мактубингни Спантамаъного топширганлар. У форсларни тириқтириб, Бесснинг қўл-оёғини боғлаган.

— Спитамен менга ишонибдими? Мен уни ақллироқ бўлса керак деб ўйлагандим. Қейин нима бўлибди?

— Спитамен Фарнух билан Дракилга, бораверинглар, Бессни ўз қўлим билан топшираман, дебди. Учрашув тайин қилинган қишлоққа борсак, у ерда йўқ экан. У Бессни қишлоқ аҳлига, қараబ туришлар,

деб топширибди-да, ўз бўлмаси билан ғойиб бўлибди.

— Ғойиб бўлибди? Қаерга кетиши мумкин?

— Қишлоқликларнинг айтишига кўра, Спитамен сени Марокандда кутиб оларкан.

— Аҳа! Демак, у ўз одатлари бўйича тантана билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Яхши, майли, сүғдлар бизни форслар зулмидан озод қилган халоскорлар сифатида улуғлайверсин. Агар кейин бирор ҳодиса юз берса, ким ўз халоскорига нисбатан бир оғиз бир нарса дея оларкан? Шундай эмасми, Птолемайос?

— Шундай.

— Бесс қани?

— Йўлакда кутиб турибди.

— Ў! Олиб кир буёққа. А-ҳа! Шунақа экансан-да.

Бу ўша Доронн ўлдирган Бессми? Подшога қўл кўтаришга қандай журъат этдинг? Подшони фақат менга ўхшаган шоҳлар шоҳи суд қилиши ва жазолаши мумкинлигини биласанми? Сен жуда катта жиноят қилдинг, бунинг жазосини тортасан. Олиб кетинглар буни, яхшилаб қўриқлансан. Птолемайос! Саховатли Дракиљи гетайраларга таъминот бошлиги қилиб тайинла. Фердикка! Қарнайчиларни чақир. Йўлга чиқамиз. Бизни Мароканд кутмоқда.

ИҚКИНЧИ КИТОБ

ДАҲШАТ ВОДИЙСИ

ИҚКИ БОШЛИ ҚУШЛАР ШАҲРИ

*Мен, Оҳурамаэда, яратган
одам ва қорамолга бой ик-
кинчи фаровонлик масқини
Сүғдиёнадир.*

«Зенд-Овесто»

Спантамаъно эҳтиёткор Вахшунвартани унатишга ҳар қанча уринмасин, у Марокандга бирга боришини истамади. Сиёвуш авлодига муваффақиятлар тилаб, у билан илиқ хайр-хўшлашгач, шарққа, Шаши Михра қоясига жўнаб кетди. Бақтрийларнинг бир қисми Спантамаъно билан қолиши истагини билдириди. Вахшунвартта бунга қаршилик кўрсатмади.

Авжи ёз. Тун бўйи Зухад юлдузи чарақлаб туради. Қуёш чиққандан уч соат ўтар-ўтмас ҳаво кишини лоҳас этадиган даражада қизиб кетарди. Шунинг учун Спантамаъно тонг-саҳарда Навтакадан чиқди, тог ёнбагирлари қизиб кетмасдан довонга етиб олмоқчи эди.

Зарони олтин суви югуртирилган, усти ёпиқ, юпқа шойи парда тутилган аравага жойлаштириди. Аравага кучли ва хушқад отлар қўшилган эди. Улар орқасидан эса беҳисоб чўрилар тўдаси ва хўмрайган ҳарам оғалари эргашиб бораарди. Чилдирма бир маромда бака-бумлар, сурнайлар қувноқ нола қилар, яллачи қизлар эса жаранглатиб қўшиқ айтарди. Отлар чилдирманинг бир маромдаги садосига мослаб одимлаб бораарди. Раҳнамолари рафиқаси ёнидан от чоптириб ўтаётган жангчилар жарангдор овоз билан қичқириб, уни олқишилардилар.

Заро болалигидан иззат-эҳтиром кўрсатишларига кўникиб кетган, Спантамаъно пайдо бўлмасдан илгари унинг учун ота елкасидан туриб парвоз қилган юксакликларидан кўра баландроқ юксаклик йўқ эди. Дабдаба, зеб-зийнат, анвойи неъматларнинг хушбўй

ҳидиу саси муаттар қилган бугунги порлоқ, жарангдор ҳаёти олдида ўтган кунлар жилоси нурсизланиб, ранги ўчиб, эриб, тутундай тарқалиб кетди. У Сүрдиёнанинг энг муътабар аёлига айланди! Шу шундан бошлаб Заро учун оламда Спантамаънодан яхшироқ ва яқинроқ одам йўқ эди.

Заронинг туйғулари тоғдан оқиб келаётган илиқ, жўшқин ва шиддатли сувни эслатса, Оробанинг ҳаяжонлари кенг ва чуқур дарёнинг водий бўйлаб сокин ва мағур оқишига ўхшарди. У Спантамаъно Сүрдиённа ҳокими бўлишига ўзини ишонтирас ва фикран яхшилик таигриси Охурамаздинг Оробага йўллаган хайру саховати учун мадҳу санолар айтар эди.

Анча мушкулликлар билан довон ошилгач, Сиёвуш авлоди Заро, Ороба ва бутун қўшинларини Марокандга жўнатиб юборди-да, Баро, Варахран ва ўттизга яқин шахсий соқчиларни олиб ўнгга, юонон шаҳарчаси томон бурилди. Бу шаҳарчада Ксеркс замонидаёқ Сүрдиёнага кўчиб келган беш минг милетлик юонон истиқомат қиласарди.

Шаҳарча тоғ ёнбағридаги камсув дарёчанинг икки соҳилига жойлашган бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган эди.

Кунгурали мис дубулга кийиб, қўлида мис совут тутган, аммо тор сүфд иштони ва тери пояфзал кийган элладалик аскарлар Спантамаънодан унинг кимлиги, қаердан ва нима учун келганлигини сүфдchalab синчковлик билан сўраб-сурishiшишди.

— Қандай аҳмоқчилик?— деди зардаси қайнаб Спантамаъно.— Кўр бўлдингми, Лисимах, нима бало! Мени танимадингми?

Хар томондан хитоблар янгради:

— Ў, Спитамен!
— Тирикмисан?
— Қаердан келяпсан?
— Кечир, жаноб ҳоким, танимай қолибмиз. Паллантда ишинг борми?

— Ҳа,— деди Сиёвуш авлоди.— Қалай у, соғса ломат, хотиржам юрибдими?

— Албатта! Унга нима бўларди!

Спантамаъно илгари бу ерга кўп келар эди. уни юононлар яхши билишарди, шу сабабли дўстона дар воза очиб, меҳмонни ичкари киритишиди.

Шаҳарча гўёки олис Элладанинг кичик бир бурчагига ўхшарди. Бу ерда акрополис — тепалик устида

савлат тўкиб турган қўрғонча — Афина ибодатхопаси, ихчамгина театр, кираверишда Аполлон ҳайкалчаси ўрнатилган мактаб, бозор ва устахоналар растаси, ҳовуз, сув ўтказгич қувурлар ва қабристон бор эди. Аммо, шу билан бирга, бу ушоқ «Эллада» ўзини ўраб турган мұхит билан қўшилиб кетганди. Янги мамлакатда ўтган юз эллик ҳиёнида элладаликлар кўпгина ўзига хос хусусиятларни йўқотган эдилар. Улар пахса деворли уйлари томини қамиш билан ёпайдиган, узун лозим киядиган ва гўштни осиёчасига сихда пишириб истеъмол қиласидиган бўлиб қолган эдилар. Тилларига эса кўпгина маҳаллий сўзлар қўшилди ва томошахона саҳнасига кўпинча сүфд сурнайи янграйдиган бўлди.

— Спитаменга салом! — тинимсиз хитоб қиласиди юононлар.

— Салом, салом,— самимий жавоб қиласиди Спантамаъно.— Паллант уйидами?

— Уйида.

— Ким у Баланд? — сўради Баро.

— Баланд? — хушчақча қулди Спантамаъно. Юононча «Паллант» сўзи суғдча «Баланд» сўзига оҳангдош эди.— Ҳа, у бу номга муносиб одам. Бўйи мендан паст бўлса ҳам, ақли баланд. Паллант — бу ерлик юононларнинг етакчи донишманди, менинг эса дўстим.

Паллант Мароканд бозоридан сотиб олган, сак қабиласидан бўлган қул Спантамаънони тапиб осма темир панжарани юқори кўтариб, меҳмонларни ҳовлига киритди. Қирқ ёшлардаги ақлли, оқ юзли, калта қилиб олган патила сочли жиккак одам — Паллант уйдан югуриб чиқди ва Спантамаънони маҳкам қўчоқлаб олди да, унинг ҳамроҳларига қулиб бош иргади. Вараҳранга кўзи тушиб, ҳам ҳайрат, ҳам қувопчи билан сўради:

— Сен ҳам шу ердамисан, Вараҳран? Форслар ҳайдаб олиб кетган эди-ку сени.

— Мени Спантамаъно қутқариб қолди,— деди кандакор Вараҳран отаснинг дўстини учратганидан хурсанд бўлиб: урушдан илгари Паллант уларнинг Мароканд бозоридаги устахонасида кириб турарди.

— Қелишимни кутмаган бўлсанг керак? — Спантамаъно дўстона қоқди юононнинг кифтига.— Мени урушда йўқ бўлиб кетди девдингми?

— Спитамен йўқ бўлиб кетармиди? — деди ишонч

билаи Паллант.— Ишонган эдим қайтиб келишингга, яңгилишмабман. Аммо жуда ўзгариб кетибсан, дүс-тим! Нима дардигүй бор?

— Ҳозир айтиб бераман. Шунинг учун келдим. Лекин аввал бизга муздай чалоинингдан бер. Ташна-лиқдан ўрай деянимиз.

Пишлоқ еб, қатиқ ичнлгандан кейин иккаласи сершох олма остига ўтириди.

— Қулоганинг яхши очиб, овга қулоқсолган бўри-дай гапимни эшишт, Паллант,— деди Спантамаъно маъюс. У дўнг пепонаснин ҳорғинлик билаи артди ва хўрсииниб қўйди.— Сени кўрганимдан, сен билан дўстлашганимдан бери, Паллант, мана ўн йил ҳам ўтиб кетибди. Шу ўн йил ичида сенга ва бу шаҳарда яшовчи юртдошлиарингта таъна қиласидиган бирон ҳодиса юз бергани йўқ. Қонунларнинг жуда ҳаққоний. Хатти-ҳаракатларингизни мақтаса арзийди. Сиз жуда меҳнатсевар, ишнинг кўзини биладиган ва оқил ҳалқ-сиз. Худолар сизларни чуқур билимлар билац тақ-дирлагаллар.

Мен сугдлар орасида, одамлар айтгаидай, шу ерда ўсгани энг «ғўр», қатъиятли сугдман, мен учун ўзимизнинг ҳамма сугдча нарса қадрли. Аммо мен нодон ва жоҳил эмасман, бошқа ҳалқларда мавжуд бўлган ҳамма яхши нарсаларни тан оламан, қабул ҳам қиласман. Агар кўчмашчи массагетлар камонини сугдлардаи кўра яхши отса, мен: «Улар биздан яхши отади», деб очиқ айтаман. Агар хоразмийлар қўшиғи бизни-кидан чиройли бўлса, мен: «Уларнинг қўшиғи бизни-кидан гўзал», деб мағрур айтаман. Ҳар бир сугд, агар елкасида бош ўрнига қовоқ кўтариб юрмаган бўлса, гапимга қўшилади, чунки мен таъкидлаётган нарса ҳақиқатнинг ўзи-да. Фақат аҳмоқлар, ўз бурнидан нарни кўра олмайдиган арзимас тўнкаларгини мис пичоқни темир пичоқдаш, мустаҳкам, пахса ўйни тош уйдан маҳкамроқ деб таъкидлаши мумкин.

Мен тўғридан-тўғри айтаманки, сиз, юонлар ҳу-нар ва билимда биздан устунсан. Бизнинг кулолла-римиз, темирчиларимиз, тоштарошларимиз, қуролсоз-ларимиз, заргарларимиз, сарой деворларига безак бе-рувчи нақошларимиз ва санам тайёрловчиларимиз сизнинг кулолларингиз ва темирчиларигиздан, қу-рувчи ва кандакорларингиздан кўп нарса ўрганди-лар. Ҳозир сугдлар тайёрлаётган идиш-товоқлар, қи-

лич ва тангалар ёмоңлашибди эмас, аксинча, яхшиланди.

Эҳтимол сизлар ҳам биздан нималардир ўрганиб олгансиzlар. Масалан, отга чаққон миниш, отда юриш учун қулай кийим-кечак кийиш, ўқ-ёйдан аниқ отиш, ариқ қазиши ва далаларни дарёдан сугориш, яра-чақани тез даволаш, заҳарлн ўсимликларни ажратиб олиш ва ҳатто кучли мусаллас ичишни биздан ўргандинглар, бироқ ҳозир гап бунда эмас. Гап шудаки, мен, сүғд Спантамаъно, сизларнинг халқингизни севиб қолдим. Сен сўзлаб берган кўзи ожиз баҳшининг гаройиб достонларини севиб қолдим. Унинг оти Умар эди шекилли?

— Ҳомер,— тўғрилади дўстининг сўзини эътибор билан тинглаб ўтирган Паллант.

— Ҳа, Умар,— тақрорлади Спантамаъно хижолат чекмай.— Гарчи таълимотларини яхши тушунмасамда, донишмандларингиз Шуҳрат билан Афлотунни ҳам севиб қолдим.

— Сокрот билан Платон,— яна унинг сўзини тўғрилади юонон.

— Хафа бўлма, менинг тилимга шуниси қулай. Сиз қўлингизда узум бошларини қўтариб ашула айтиб, рақсга тушадиган, «театр» деган майдонда худолар ва одамлар ҳаётидан олинган воқеаларни ифода қиласдиган байрамларингизни ҳам яхши кўриб қолдим. Буларнинг ҳаммаси жуда яхши. Вақти келиб бизнинг ҳам ўз Умарларимиз, ўз Шуҳратларимиз, театрларимиз, билим ва маҳоратда сизнинг усталарингиздан қолишимайдиган усталаримиз ҳам бўлади. Гапимии эшитяисанми, Паллант?

— Ҳа, Спитамен.

— Шундай қилиб, мен сизларнинг халқингизни севган эдим, аммо бир кун келиб юонлар сүғдларнинг душмани бўлиб чиқади деб ўйламаган эдим. Бироқ...— Спантамаъно оғир хўрсинди,— бироқ шундай пайт келди, қадрдоним Паллант. Искандар Зулқарнайн Вахшдан кечиб ўтди (сизлар у дарёни Окс дейсизлар) ва Марокандга қараб ҳаракат қилмоқда. Яқин орада бу ерга етиб келади. Юонлар, айгоқчилар хабарига қараганда, қирқ минга яқин, улар бошдан-оёқ қалин, ўқ ўтмас бронзага ўралиб олишган. Бизда эса, ҳатто чарм совут ҳам оз. Юонлар узун найза ва темир қиличлар билан қуролланган, сугдлар эса мис ханжарлар билан... Юонлар жанговар саф-

лаиш санъатини эгаллагаш бўлса, биз тартибсиз тўда бўлиб жанг қиласиз. Устуслик улар томонда. Агар уруш бошланса...

— Йўқ, Спитамен! — ҳаяжонга келган Паллант иргиб ўрнидан турди ва сүғдин қучди. — Уруш бошланмайди. Александр форсларни бутуслай тору мор қилди. Аммо улар, ўзинг биласанки, бундан ҳам қаттиқроқ жазога муносиб эдилар. Александр аллақандай маҳаллий. Аҳмонийлар авлодидан эмас. Билишимча уни Платоннинг шогирди Аристотель тарбия қилган. Филипп ўғли халқларни форслар зулмидан халос қилиш ва ҳамма ерда тинчлик ҳамда фароғат ўринатиш учун дунёга келган. Унинг иқтидори шунда. Ер юзинга уни худоларнинг ўзи юборгани. Сен унинг ҳақида ёмон хаёлда эканлигингдан афсус чекаман. Ҳали Марокандга форслар кўп. Александр уларни қириб битиргач, ватанига қайтиб кетади. Шундай дошишманд ва буюк иккى халқ — сиз ва бизнинг халқларимиз қадроплашиб, Эллада ва Суғдиёна икки дўст мамлакатга айланса, бу иттифоқ сизларга ҳам, юононларга ҳам фойдали бўлади. Уёққа ҳам, буёққа ҳам яхши нарсалар ортилган карвонлар қатнайверади. Юононлар сизларни кўп нарсага ўргатади, сизлардан ҳам кўп нарса ўрганади. Ажойиб замонлар келмоқда, Спитамен, ажойиб замонлар! Мен бу янгиликлардан болалардай қувонаман, азизим Спитамен, сенинг ҳам мендай шодланишингни истайман, чунки бутун Суғдиёнада менинг сендан бошқа дўстим йўқ.

У Спантамаъонинг қўлндан тутди-да, чиройли бишни мағрур кўтариб, сүғднинг зангори кўзларига узоқ тикилниб турди. Бу кулиб, чақнаб турган нигоҳдан Спантамаъонинг юзлари ёришиб кетди. Икки қоши орасидаги қайсар тугун ёзилиб, текисланди. Қескин ажралиб турган лабларидаги совуқ истеҳзо гойиб бўлди. Спантамаъно самимий ва навозиш билан жилмайди. У яна хўрсинди, лекин бу хўрсиниша тошқин дарёдаги оғир кечувдан отарини эсон-омон ўтказиб олган чўпоннинг спигил хўрсиниши сингари эди.

— Сен ҳеч қачон мени алдамагансан, Паллант, — деди Спантамаъно майнлик билан. — Сен нима деган бўлсанг, ҳаммаси амалга ошяпти. Шунинг учун ҳам мен ҳозир ҳам сенга ишонаман. Сен руҳимни кўтардинг, энди мен нима қилиш кераклигини биламан. Хайр, мен Марокандга шошилишим зарур. Биз яна

дийдор күришамиз. Бизнинг янги учрашувимиз эҳти-
мол бугунгидан бошқача бўлар, эҳтимол,— Палант-
нинг қулогига энгашди Спантамаъно,— мен яқин ора-
да Сугдиёна подшоен бўларман.

У ўрнидан турниб, дарвоза сари йўл олганида, ҳов-
лидан чопиқиллаб ўтган ўн беш ёшлардаги оқ кўйлақ-
ли юони қизча унинг йўлига чиқди. Ўҳ, қандай қора
ширин экан! Териси қуюқ бронза тусли, сочлари ёғ-
суртилгандай ялтироқ, қошлари қуюқ, пайваста, бур-
ни, каттароқ, лекин бежирим, лаблари қирмизи, хип-
чабел, низолдаккина қизча — эй Охурамазда, ёдига
сөл, Спантамаъно бу қизни қаерда учратган эди?

— Шод бўл, Спантамаъно!— хитоб қилди қизча
уялинқираб.

— Шодман, жонгинам. Аммо... бу ким?— сўради
Сиёвуш авлоди кузатишга шайланган Паллантдан.

— Тапимадингми?— Паллант кулиб юборди.—
Эгина-ку, менинг сингилчам.

— Эгина?— қўзларини катта очди Спантамаъно.—
Катта қиз бўлиб кетибди-ку.

— Вақт ўтяни, дўстим.

— Ҳа-а.— Эгинага эркаловчи табассум қилди
Суғд.— Қандай катта бўлиб кетибсан. Хўш, куёвинг
борми? Тўй яқинми?

— Қиз дувва қизариб, юзини қўллари билан яшири-
ганича қочиб кетди.

— Сени доим эслаб юрарди,— деди Паллант.—
Ҳўп, майли. Дарвозагача қузатиб қўяман! Ёки тунаб
қоласанми? Қанча йил қўришмадик ахир.

— Бошқа вақт, Паллант, бошқа вақт. Шошиб ту-
рибман. Яна қўришармиз.

Мароканд Суғдиёнанинг қадимиий пойтахти бўл-
ган. Уни афсонавий Сиёвушининг отаси Кайковус под-
шо қурдирган дейишади.

Спантамаъно даврида эса бу шаҳар қачон вужуд-
га келган ва нима учун Мароканд деб номланганли-
гини ҳеч ким аниқ айтиб беролмас эди. Баъзилар бу
ном чегарадаги шаҳар маъносини билдирувчи «мар-
раканд» сўзидан олинган деб таъкидлашарди. Эҳти-
мол бир вақтлар шу жойдан икки ҳокимлик ўртаси-
даги чегара ўтгандир. Баъзилар эса уни «Семурғ
канд»— Икки Бошли Қушлар шаҳри деб атамоқ ке-
раклигини, чунки Семурғ шарқ ривоятларида муқад-

дас қүш ҳисобланишини исботлашга уринишарди. Кимнинг ҳақлиги номаълум, аммо бу помларнинг ҳаммаси Марокандга муносиб келарди, у ҳозир ҳам дарё водийси билан тог тўққилари чегарасида туарар, ширин-шакар мевалари билан машҳур эди, икки бошли қушлар сурати эса саройлар ва ибодатхоналарни безаб туарди.

Суғдлар ривоятида Семурғ устига миниб қўёшга парвоз қилган одам ҳақида ҳикоя қилинади. Агар шунақа қүш ҳозир ҳам мавжуд бўлса (илгари бу қүш мавжуд бўлганилигига суғдлар шубҳа қилишмайди), агар ўз устига македонлар подшоси Искандарни миндириб парвоз қилса, у осмондан туриб энли ҳандақлар ва оралиги бир хилдаги шинаклар ўйнлган қалин девор билан қуршалган, тўрт бурчидаги тўртта баҳайбат чорси минараси юқоридан настга қараб кенгайиб тушган каттакон тўрт бурчак майдонни кўрган бўларди.

Тагин тўғри бурчакнииг ҳар иккала узун томонидаги ўн тўрттадаш кичик, қисқа томонидаги ўшацайдай саккизта минорага ҳам кўзи тушган бўларди. У бу шаҳарга бөш сукниш унча осон эмаслигига ҳам амин бўларди: ғарб томондаги, қисқа девор ўртасига қурилган асосий дарвоза олдида ичма-ич хоналар ва айланма йўллари кўп кенгбар ишшоотлар қорайиб туарди. Агар душман ташқи дарвозани бузиб, дарвоза олди қурилмаларнинг тор йўлкаларнига кириб олса ҳам, улар ичкарига қараган шинаклардан ва айланга пистирмалардан туриб отилган ўқ бўронида қолиб кетарди.

Агарда Искандар яша парпроққа кўз ташласа шаҳарнинг учдан икки қисми эгаллаган, аҳолининг уй-жойлари жойлашган, сой каби кенг, сармат қиличидай тўғри бош кўча икки теппа-тепп чорси бўлакка бўлиб ўтган ва кўндалангига майдоңда кўчаю тор кўчалар билан кесилган улкан майдонни кўрган бўларди.

Сўнгра Искандар шаҳарнинг қолган қисми учга бўлинганини: ўнг томонда бозор майдони, ўргада олов ибодатхонаси ва унга туташган қасрлар ҳамда чап томонда, шимоли-шарқ бурчагида юксалиб турган ақл бовар қилмас даражада баҳайбат уч минорали сарой жойлашганини ўзи учун қайд қилиб қўйган бўларди.

У ҳовлилардаги яшил боғларни, кўча ва бозор майдонида юрган одамларни, миноралар атрофида

айланиб учаётгап кептарларни, ибодатхона устида буралиб чиқаётган тутун ва Марокандни ташкил этган уч бурчак, тўрт бурчак ва гумбазсимон қутиларнинг ёрқин кўринишига юмшоқлик баҳш этувчи шаҳар устидаги фира-шира зангори пардан ҳам кўриши мумкин эди.

Аммо, семурғ мавжуд бўлмаганилиги туфайли Искандар ўзининг машҳур «буқабош» оти Букефалда шаҳар дарвозаси олдида ҳозир бўлди.

Баландлиги қирқ тирсак келадиган деворлари ҳар бири сандиқдай яхлит бўлаклардан қурилган, деб кўнглидан ўтказди у, бундай шаҳарни куч билан эгаллаш жуда оғир бўларди. Аммо Мароканд дарвозаларини ўзи очди, шунинг учун қамал қилиш зарурати қолмади. Суғд чопарлари хабар бергандай, шаҳар ичидаги форслар аҳолини мудофаа жангига даъват этганлар, аммо уларнинг ниятлари, македонларни камон бўрони билан қарши олиш ниятлари амалга ошмади, марокандликлар Искандарга қурол кўташини истамадилар. Шундан кейин ғазабланган форслар халқни талаш ва калтаклашга тушиб кетдилар. Шаҳар оқсоқоллари безовта ногора ура бошлидилар. Уларнинг хавотирли чорлашини эшитган атроф дехларининг — қалья-кўргонларнинг коҳин ва савдогарлар, ҳунарманд ва деҳқонлари ёрдамга келишди. Навтакада бўлгани сингари бу ерда ҳам форсларни қутурган итлардай қира бошлидилар, форслар эса дастлаб уларнинг ҳужуминиң қайтаришига уриниб кўрдилар, кейин қўлга илингап нарсани олиб, Шарқий Дарвоза орқали Панжакент томонга қоча бошлидилар.

Золимлардан халос бўлган Мароканд ҳабиб меҳмонларни кутиб олишга тайёргарлик кўради. Таиштанили воқеа муносабати билан энг яхши кийим-кечакларини кийиб олган одамлар гуруҳи шаҳар деворидан ташқарига — Биҳар йўлига чиқишиди. Эркак, аёл ва болалар ширин-шакар мевалар, иссиқ бугдой нон ва гул билан тўла саватларни бошлидига қўйиб олишган эди. Ўз ватанида арпа нонга кўнишиб кетган юонлар тандирда қип-қизил қилиб пиширилган буғдой нонларни бажонидил олишар, шу заҳотиёқ от устида турғанча еб битиришар эди. Мис карнайлар қудратли мода алқор сингари ўқиришарди. Ноғора, чилдирмалар қулоқни қоматга келтириб гумбурлар ва таракларди. Македон, юон, пэон ва агриянлар

бошидан гуллар сочишарди. Гоҳ-гоҳ «Искандар!» деган дўстона садолар осмонни тўлдиради.

Искандар соқчилар тўдаси ва аркони давлатлар қуршовида, ўзининг беҳисоб қўшинлари олдида борар, суғдларнинг самимий хитобларига ёқимли табассум билан жавоб берарди.

Шоҳ бахтининг тўла бўлиши учун шу чоқ Спантамаъно ҳаяжондан кўэллари ёшлиланган, итоаткорона ти: чўккан, ўзини ва халқини Зулқарнайн қўлига индамай эмас, буюк миннатдорчиллик туйғулари билан топширадиган Спантамаъногина камлик қилмоқда эди. Искандарнинг ўзи ўйлаб чиқарган, бўлаётган воқеаларга маҳлиё бўлиб, ўзи сезмаган ҳолда жиддий тус бергаётган «Суғдиёнанинг таслим бўлиши» комедиясининг муваффақиятли чиқиши учун сўнгги саҳна етишмай турарди.

Мана, кутилган бу фурсат ҳам келди. Искандар шаҳарга яқинлашганда дарвозадан суғд аъёнлари гуруҳи чиқиб кела бошлади. Ҳамма жой-жойида тўхтади. Мароканд қаршисидаги минг-минглаб одамлар билан тўлиб кетган майдонга оғир сукунат чўқди.

Иккала томон соқчилари ҳам йўл бўшатди. Искандар билан Спантамаъно юзма-юз келди. Македоппинг совуқ ва такаббур нигоҳи сүфднинг зийрак, самимий, зукко нигоҳи билан тўқнашди. Иккаласи ҳам ажойиб отларга миниб олишган эди. Иккаласи ҳам дабдабали кийимлари билан ғурурланиб турган аъёнлардан фарқли ўлароқ, оддий, дағал ва эскирган кийимда, бу эса гўё иккала халқ йўлбошчисининг беғаразлигини таъкидлаб тургандай эди. Тўғри, агар Искандар устидаги йиртиқ жун ёпинчиқ, йўғон қайиш ва ундаги хира мис тўқаю нақшлар яхши билмаган ёки бутунлай танимаган одамларга унинг даҳшатли кучи ва аскарий ҳақиқатгўйлигидан дарак берса, Спантамаъно устидаги қоплон териси унинг чексиз моҳирлиги ва айёргини кўрсатиб турарди.

У ҳам, бу ҳам жойидан қимиirlамади. У ҳам, бу ҳам биринчи бўлиб саломлашишни истамаётганга ўшарди. Улар от устида индамай ўтиришар, Искандар Спантамаънога баджаҳллик билан амиrona тикилар, Спантамаъно эса Искандарга бамайлихотир, лекин бир оз масхараомуз қараб турарди. Сукунат тоқат қилиб бўлмас даражада чўзила бошлади. Атрофда тургапларнинг юзларидаги табассум сўнди. Майдон узра хавф-хатар ўзининг кўз илғамас қанотларини

ёзди. Буни ҳаммадаң бурун Искандар ҳис қилди. У лабини тишләди ва мазмундор қилиб күз қисди. Спантамаъно сермазмуи нигоҳ билан жавоб қайтарди. «Птолемайос ўшанда янгишган экан,— ўйлади Филипп ўғли,— Спитаменни Диогенга ўхшаб кетади деб ишонтирган эди. Аммо униси қадаҳсиз ҳам куни ўтишига амни бўлгач, уни уриб синдириган бўлса, буниси ҳаммадаң олдин менинг бошимин пачақлайди». Улар кўз қарашлари билан иккаласига маълум бўлган қандайдир муҳим нарсани келишиб олди-да, македон ва суғд баравар жилмайиб, бир-бирига таъзим бажо келтирди. Минг-минг одам кўксидан отилиб чиққан енгил хўрсаниш чўзиқ шодлик ҳайқириғига айланиб кетди. Оломон тантана қиласади.

Бир лаҳзадан кейин Искандар ва Спантамаъно ўзларининг поёб отларида ёнма-ёни боришар, унинг ҳам, бунинг ҳам оти — ҳатто ярим қадам олдинга йўртиб кетмас эди.

Дракил: О, Гермес! Тўлқинлар чайқатгап кемадаги деңгизчидай чайқалиб кетяман. Кўп ичмаган эдим шекилли. Бу сугларининг мусалласи жудаям ўткир экан. Исмардаги мусалласдай зўр экан. Хўш, дўстим Лаэрт, зиёфат сенга маъқул бўлдими?

Лаэрт: Вакх номи билан қасамёд қиламанки, бунақа зиёфатни мен умримда кўрмаган эдим. Бечора Лаэрт олатдаги зиёфатларда ҳам жуда кам қатнашган, бу ерда эса... Қандай ажойиб сарой! Рости ни айтсан, бу суглар мен ўйлагандай маданиятсиз эмас экан. Айниқса деворларидаги оқ гапчкори безаклар, эшиклардаги ўймакор нақшларни айтмайсанми! Дераза чамбара гулчинлари-чи! Сеҳрининг ўзи! Раингдор гиламлар-чи? Дијрабо! Олтии, кумуш идишлар билан гулдошлар-чи! Ақл бовар қилмайди! Кўзни қамаштирадиган кийим-кечаклар-чи? Сеҳрининг ўзи! Хотин-қизлар-чи? Фаришталар, малаклар, ҳурлар! Таңга билан қасамёд қиламанки, менинг мусалласдан эмас, ўша ерда кўрган нарсалардан бошим айланаб кетяпти.

Дракил: Менга раҳмат де! Сени саройга мен олиб кирдим, у ерга ҳамма гетайралар ҳам қўйила-вермайди. Ҳиқ! Бу ёввойи Спитамен қанақа одам экан ўзи?

Лаэрт: У қоплон терисидан кийим кийиб юрса

ҳам унчалик ёввойи одамга ўхшамайди. Спитамен ўзини яхши тутади. Қарашлари зийрак.

Дракил. Ҳм!. Шуниси, ўзини яхши тутиши ёмонда. Ундан кўра тўпорироқ боққани яхши эди. Мен зоти муқаддас Александрниг ишончли кишиси бўлганим сингари, ҳиқ, сен, Лаэрт, меннинг ишончли одамимсан, шуннинг учун хиёнат қилмайсан деб очиқ айтавераман: бу сугд жуда маккор, ўҳ, қандай маккор! Албатта у — мен, ҳиқ, Дракил бўлолмайди, лекин сенга ростини айтамин, Лаэрт, Спитамендан яхшилик кутма. Александр бу сүфдии Оробага ўхшаган қандайдир битта аҳмоқ деб ўйлаган эди. Эътибор бердингми унга? Аммо бу ёқимтойини лақиллатиб бўнсан. Шундай эмасми, Лаэрт, ҳиқ, лақиллатиб бўлмайди.

Лаэрт: Жуда шундай, Дракил, лақиллатиб бўлмайди.

Дракил: Аммо Александр ёнида мендай доғули бор экан, подшо ҳеч нарсадан қўрқмаса бўлади. Шундай эмасми, дўстим Лаэрт, а?

Лаэрт: Жуда тўғри, Дракил. Сен ёнида бўлғач, у ҳеч нарсадан қўрқмаса бўлади.

Дракил: Шундай, шундай. Ўҳ! Дарахтга урилиб пешонам гурра бўлди-ку! Қаёққа қарайпсан, абллаҳ! Кўзинг борми ўзи, қаёққа кетаётганимизни кўрмаявсанми? Ўз валинеъматинигни нимага қўлтиқлаб олмайсан, ифлос! Қўлларинг акашак бўлиб қолганими? Балки Дракил сенга яхшилик қилган гуноҳкор эканлигини уштагандирсан-а, муттаҳам? Дарров эсинигни жойинга келтириб қўяман, бетамиз, ифлос! Аҳ-ҳа, ақлииг кирдимин, фирибгар! Ниҳоят менга қўлинигни бериш кераклигини тушундинг-а, дайди! Махкамроқ ушла, қозининг қармоғи! Шундай ушла. Ана шундай, бадбаҳт ўгри, ялтироқ бошим билан қасамёд қиласман, шундай ушла! Мен ўйлаганчалик ўлкасиз эмас экансан. Сен жуда ақлли йигит экансан. Кел, битта ўлиб қўяй. Менинг чодирим қаерда қолди?

Лаэрт: Тўғри ўша ерга боряпмиз.

Дракил: Барака топ. Ҳиқ! Айтчи, Лаэрт, бу устомон Спитамениниг хотини сенга ёқдими?

Лаэрт: Жуда ёқди.

Дракил: Менга ҳам. Александрга ҳам ёқиб қолди. Биласанми, шоҳимиз унга нима деди? Мен Шарқда бундай гўзал хотинни кўрмаганиман, деди. Бу гапдан аёл шундай яшинаб кетдики... ҳукмдоримиз хотини

тинбозда, ҳиқ, мени худо асрасин. Шу жоҳилларнинг хотин-қизлариниям, мусиқасиниям яхши кўради. Шуни сездингми?

Лаэрт: Ҳа, сездим. Заро гўзал. Аммо Дарейоснинг хотини ундан гўзалроқ.

Дракил: Дарейоснинг хотини гўзалроқ? Ҳе ёлғончи! Ваҳимачи! Ҳе кана! Сен хотин-қизларнинг фарқига борармидинг, каламуш! Мен шу Заро учун мол-мулкимни ярмини берган бўлардим. Сен-чи, Лэрт, берармидинг?

Лаэрт: Берардим, Дракил.

Дракил: Аҳмоқ экансан, ошна! Сен тутуруқсиз, беҳаё, исрофгардан бошқа одам эмассан. Ярим мулкини беришга арийдиган нарсами хотинлар? Сендан бирор сўраганда дарҳол жавоб бер!

Лаэрт: Йўқ, Дракил, арзимайди улар.

Дракил: Шундай, шундай. Олтинни ёҳтиёт қил. Олтининг бўлса хотин топилади. Ҳиқ! Қани ахир чодирим? Мени қаерга олиб боряпсан, қароқчи? Сен мени ўлдириб, ҳамма нарсамни олмоқчимисан, босқинчи? Ҳой, гетайралар!

Лаэрт: Аллақачон чодирингдамиз, азиз Дракил, сен ўз тўшагингда ётибсан.

Дракил: Шундайми? Нега аввалроқ айтмадинг, аҳмоқ! Тезроқ тувак келтири. Тува-а-ак!..

Ҳа, Спантамаъно тангри Аммон ўғли ўйлаганчалик бефаросат бўлиб чиқмади. Ҳаммасидан ҳам Искандарни сүфднинг кўзлари ҳайратга соларди. Уларда на қўрқув, на қулларча итоаткорлик бор эди. Уларда хатар яширинган эди. Спантамаъонинг қараши македонликка уни, Искандарни ейишни қаеридан бошласам экан деб шайланиб, юмшоқ жойини синчиклаб кузатаётган йиртқични эслатарди. Филипп ўғли ўзига форслардан озод қилувчи халоскор деб қараётганинни тушунди. Искандар битта ножӯя қадам қўйса, шу заҳоти Спантамаъно юзидаги табассум қаҳр билан алмашинади. Македонияликлар бошига гул ўрнига тошлар ёнилади.

Безовта фикрлар Искандарга тиичлик бермасди. Тунларни ўйин-кулги билан ўтказиб, мусалласли қадаҳларни бўшатаркан, подшо тишимсиз кузатар ва қулоқ соларди. У ўйлар ва хулоса чиқаради.

Бир куни эрталаб навбатдаги зиёфатдан кейин

Искандар аъёнларини ёнига чақирди. Уйқусирагап маслаҳатчилар бирин-кетин ҳозир бўлиб, янги одат бўйича истар-истамас таъзим қилиб, подшо олдидা тиз чўкишар, бутун турқи тароватлари билан норизо эканликларини изҳор қилиб девор ёнига ўтиришарди. «Бемаъни каллангга яна қандай гап келди?»— деб турарди кўзлари дарғазаб. Сариқ соч Клит, Искандар билан бир онани эмишган иниси таҳқиромуз эҳтиромла эгилиб таъзим қиласкан, подшо елкасидан осилиб турган йўл-йўл маҳаллий халқ чакмонига айёrona назар ташлаб, заҳарханда қилди:

— Сени олдинига танимай қолибман. Ўрнингга аллақандай бир осиёлик тепамизга чиқиб олибдими деб ўйлабман.

Ҳозир бўлғанларнинг лабларидан қувноқ табасум югуриб ўтди. Филипп ўғли бурнидан яхши бир чертки еди. Искандар қизариб кетди ва қошлиарини керди. Аммо Граникдаги жангда хушрўй, навқирон Клит уни ўлимдан қутқариб қолгани учун подшо тишлари орасидан сизиб деди:

— Валақлама!

Бирпас жим туриб, фикрларини тўплади-да, маслаҳатчиларга мурожаат қилди:

— Жангчилар яхши тўйдирнлганими?

Подшо маслаҳатчилари ҳайрон бўлиб бир-бирига қараб олишди. Ҳукмдорнинг саволн мутлақо ноўрин эди, македон қўшинларининг асосий кучлари оғир до-вон ошишдан кейин кечагина Марокандга кириб кела бошлаган эди, ҳозир ҳамма уйқуда. Саволига жавоб олмаган Искандар деразага тикилганча, совуқнина деди:

— Овқат бермаган бўлсанглар, уйғотинг ва қоринларини тўйгазинг. Уч соатдан кейин йўлга чиқамиз.

Ҳамма данг қотиб қолди. Искандар қаерга отланганини сўрашга ҳеч ким журъят этолмади. Ниҳоят Клит жасорат кўрсатди.

— Қаерга?

— Киресхатага¹,— қисқагина жавоб берди шоҳ. Унинг жавоби ғазаб бўронини қўзгатиб юборди. Қўрқувни унугтиб, шовқин кўтаришди ва оёқлари билан тепина бошлашди; Киресхата шаҳри, ривоятларга кўра, Кайковус асос солган бу шаҳар қайдадир узоқ-

¹ Киресхата — ҳозирги Ленинобод.

узоқларда, Яксарт дарёси яқинида эди. Тог ва саҳролар оша қилинадиган янги юриш ҳеч кимни мафтуи эга олмас эди.

— Нега?— хитоб қилди Клит шовқин-сурон тингач.— Бу қилинингда мен ҳеч бир маъно кўрмаяпман.

— Ҳозир кўрасаи,— тўғииллади шоҳ янада совуқ оҳангда.— Қулоқ солларинг, ҳей! Фақат бефаросат тентакларгини Суғдиёнада Олимп тогидаги худолар сингари абадий даврони суринг ётамиз деб ўйлаши мумкин. Биз сугд доиҳоналарига тегмас эканмиз, бизга ҳеч ким даҳл қилмайди. Аммо сиз ва сизнинг каллакесарларингизга емоқ, ичмоқ, кийим-кечак зарур, уйга ҳам бир нима олиб бориш керак. Шунинг учун, Бақтрадан олиб келган нарсаларимиз тамом бўлгач, махаллий ҳалқ мол-мулкига мурожаат қилишга мажбур бўламиз. Тўғриси ҳам биз бу ерга шунинг учун келганимиз. Македон ёки юнон пичогидан ақалли битта суғд хўрози ўлган заҳоти уруш бошлиниади. Ақли жойида одам суғдлар — бу форслар эмаслигини, улар қўйдай ювошгина жунини олдириб ўтираслигини яхши тушуниади.

Агар жанг бошлипаса уларниң Яксарт ортида яшайдиган скиф дўстлари ёрдамга етиб қелади. Эшитмаганимисиз скифларнинг кимлигини? Уларни суғд томонига ўтиказмаслик учун биз Киресхатайни эгаллашимиз керак. Тушуниарлими? Бу бир. Агар уруш бошлипаса сугдларга қурол керак бўлади. Темир эса уларда кам. Билишимча уни фақат бир жойда, Яксарт дарёсидан нарида, Киресхата рўпарасидан қазиб олиниади. Тушуниарлими? Биз шу конин ё босиб олишимиз, ёки унга суғдлар борадиган йўлни кесиб қўйишимиз керак. Аммо энг муҳими — биз марказий савдо йўлларини эгаллаб оламиз; бутун дунёнинг савдо йўллари шу ерда, Суғдиёнада бирлашади. Мана нима учун сизларни пайсалга солмасдан, сугдлар ниятимизни пайқаб қолмасдан бурун Киресхатага жўнааб кетишга чақирияпман. Кимки эътиroz билдиromoқчи бўлса, фикрини айтсан.

Искандар яна деразага қараб олди. Маслаҳатчилар ҳайрон бўлиб сукут сақларди. Шоҳ ҳамиша уч оғиз гап билан уларниң калтафаҳмлигини исбот қила оларди. Бу мутлақо уларнинг иззат-нафсини таҳқирламас эди.

— Бу лаънати Киресхатага қадар боришимиз

шунчалик зарурми?— қатъиятсизлик билан гап бошлиди пэои Аминта.— Бегона мамлакатларда шунча юрганимиз кифоя қылмасмиш? Уйга қайтиш муддати келмадимикан? Менинг бўлинмамдаги аскарлар ортиқ жаигга киришни истамаяни.

Жангларда пэои енгил пиёдаси ҳаммадан кўпроқ қийинчиликка дучор бўларди. Шунинг учун уларининг толиқиб қолгани ҳайрон қылмасди. Искандар газабдан бўзариб кетди, аммо ўзини қўлга олди. Ҳозирча, яхши замонлар келгунича македон урф-одатларига ҳурмат кўрсатиши керак эди. Шунга кўра гетайралар подшо билан тенг ҳисобланарди.

— Бўлинманг аскарлари ўзи ўйлаган ишни эмас, Аминта,— деди ҳукмдор ўзини босиб,— мен истаган ишни бажаради.

Дилни эзадиган сукунат чўкиди. Ҳамма ўзини таҳ-қирланган, оғир ҳақоратланган ҳис қиласди. Аммо подшога эътироҳ билдиришга ҳеч кимда журъат етишмас эди. Бирдан манман Клит ўриндан ирғиб турди.

— Нима учун?— қўл силтаб тапира кетди.— Нима учун биз сен истаган ишни қилишимиз керак, нима учун аксинча ёмас? Ахир биз кўнчиликмиз, сен эса битта. Агар сен ёввойилар кийимиши кийиб олиб, ўзингли оснёликлар ҳукмдори деб кеккайиб кетгани бўлсанг, биз македонлигимизча қолганимиз. Сен томонга ўтган форслар сингари рўпараигда тиз чўкиб, эмаклаб юриш аллақачон македонларнинг жонига тесиб кетди. Қиресхатага боргинг қеляптими? Бир ўзинг боравер! Биз уйга жўнаймиз!

— Уйга!— такрорлади Қайнос.

— Уйга!— такрорлади Аминта.

— Уйга!-- чугурлашди ҳаммалари.

Гетайралар қурол-аслаҳаларини жараиглатар, ча-лак ва ҳуштак чалишар, қийқиришар эди. «Уйга!» деган ҳайқириқ дераза оша ҳовлига тараалди. Ҳайрон ҳолган суғдлар юнонларнинг нега бунича қичқириб қолгаилиги сабабини билмоқчи бўлиб бош қотиришарди.

Искандарнинг кўз олли қоронгилашди. Маслаҳатчиларининг сурбетларча хатти-ҳаракати натижасида тугилган бехос газаб зўридан подшо кўр бўлиб қолгандай эди. «Подию сафдошлари»нинг юзлари унинг олдида хира оқ дөглар каби эриб борарди. Искандар титроқ қўллари билан пайпаслаб найзани ушлади,

дастасини жон-жаҳди билан чангллаганича ўрнидан турди.

— Уйга кетгинг келиб қолдими, Клит?— деди у тишларини ғижирлатиб.— Үндай бўлса — жўна!

Бир зумга унинг кўзлари ёришди. Клит ўзини четга олишга улгурмади, зарб билан санчилган найза орқасидан тешиб чиқди. Маслаҳатчилар ибодатхона токчаларига ўрнатилган ҳайкаллардай қотиб олишди.

— Ҳаммасини ҳайданг!— қичқирди шоҳ соқчиларга, кўк кўзлари чақнаб.— Қўшинларни оёққа турғазинг! Қимки бўйинсунмаса турган ерида ўлдиринг! Тезроқ қимирланг!

Фердикка ва бошқа хос соқчилар махайраларини қинларидан суғуриб, лашкарбошилар устнга ташландилар. Кенг хона бирпасда бўшади. Искандарнинг ёнида мудом жилмайиб турадиган Птолемайос Лагина қолди.

— Буюр, буни олиб чиқиб, ахлатхонага ташлаб юборишин,— Клит жасадига ишора қилди Искандар.— Спитаменга айт: биз Қиресхатага бориб, у ерда ўрнашиб олган форсларни қириб ташлаймиз. Хабардор қилиб қўй: мен Марокаидда бир бўлинма...э-э... ярадор, касал аскарларни қолдираман. Яна айтгинки, Искандардай улуғ одам аллақандай Кайковус етган жойларга етмасдан уйга қайтиб кетолмайди. Равшанми?

— Ҳа, Искандар.

— Менинг йўл анжомларимни олиб бер!

Аммо шу пайт Фердикка унга мурожаат қилиб қолди:

— Сени бир юонон кўрмоқчи.

— Қаердан экан!

— Милетлик. Кайхусров даврида бу ерга кўчиб келганлардан.

— Ҳа•а!— деди Филипп ўгли хунук оҳангда чўзиб.— Бу ерга чақир уни.

Ярим юонча кийинган узун бўйли, олижаноб қиёс фадаги оқ соқол эллин кириб келди.

— О, улуг подшо!— У сүфдchasiga эгилиб таъзим қилди.— Шод бўл. Сени қандай қувонч билан кутганимизни изҳор эта олармиканман? Бизнинг қабила дошларимиз жаҳон ҳукмдоридан юонон нон ва сувидан тотишини илтижо қиласидар.

- Нон ва сув дейсанми? Айт-чи: сиз кўчирма қилинган карииларданмисиз?
- Ҳа, шоҳ.
- Гавгамелидаги жангда менга қарши курашганимидинглар?
- Ўз ихтиёrimiz билан эмас, шоҳ.
- Ўз ихтиёringiz билан эмас? Яхши. Мен ион ва тузингдан totib келаман. Шахрингиз узоқми?
- Узоқ эмас, шоҳ,— гўлдиради чол. Искандарнинг дағал сўзлари унга ёмон таъсир қилган эди.
- Биз у ерга кириб ўтамиш.
- Бениҳоя миннатдорман, шавкатли шоҳ!

Эй Мароканд, ушалаётган орзуладар шаҳри! Эй сиз, қоронги саройларда бегам мудраётган оқсоқоллар! Эй, қурум босгап ибодатхонада, сўнмас олов тепасида дуо ўқиётган коҳинлар. Сиз ҳам, шаҳар девори устида аста одимлаб, қора осмондаги юлдузларни сабаб юрган соқчилар! Сиз ҳам тунги сукунатда олтин ва олмосларни саралайтган савдогарлар! Сиз ҳам, кундузги меҳнатдан кейин ҳордиқ чиқараётган ҳунармандлар! Эй, Мароканд!

Сен уйқу оғушидасан, уйларингнинг ясси томлари узра юксалган баланд минорада менинг ярим кечгача бедор юрганимдан бехабарсан. Мен, Сиёвуш авлоди, Спантамаъно, сенга фикран айтаман: агар менинг қалбимда куйлаётган қувончнинг ярми сеида яшаётган одамлар қалбиға ўтса, сен ҳозиргидаи сукунатга чўммаган бўлардинг, Мароканд! Минглаб машъаллар қасрларинг деворларини ёритган, чорраҳаларда қувноқ гулханлар ловуллаб ёнган ва гўзал қизлар майдонларингда рақсга тушган бўларди.

Сугдиёнада Спантамаънодан баҳтлироқ одам борми? О, Мароканд, рўёбга чиқаётган орзуладар шаҳри! Болалик кунларимдан бери чидаганим хўрланишлар тугайдиган кун келди. Үсмирлигимни заҳарлаган паст назар билан қаравшлар, аччиқ қочиримлар, ғашингни келтирадиган имо-ишоралар ва тўғридан-тўғри ҳақсраллар энди ҳеч қачон такрорланмайди. Семурғ сингари сенинг қадимий минораларинг узра қанот қоқиб юрибман, эй Икки Бошли Қушлар шаҳри! Сиёвуш авлоди қуриб кетмади, унинг уруғи янги шуҳрат учун униб чиқди. Эй зулумот қаърида овораи жаҳон бўлиб юрган аждодлар! Аламзада юзларингизни бир лаҳза

Қувонч табассуми ёритсии — бугун авлодингиз Спантамаъно номи ҳамма тириклар тилида янграйди.

Бугун Сүгдиёнада Спантамаънодан бахтлироқ одам борми? Мана мен сербар дераза ёпида ўтирибман, Сүгдиёнанинг энг олди гўзали, Сиёвуш авлодинга муносиб маъбуда менинг тиззамга бошини қўйди. Мен унинг ҳаяжонли нафасини эшитяпман. У менинг қўлларимдан бўсалар олмоқда. Яхшилик тангриси Охурамазда шурафшон нигоҳини бизда тўхтатди, зангори туман юмшоқ йўргаги билан бизни ўраб олмоқда ва гўёки булатлар устида, чирик ердан баланд-баландларда парвоз қилиб юргандай хаёлдамиз. Зарафшон қирғоғидан эсаётган ёқимли сабо очиқ елка-ларимизни силаб ўтмоқда. Ва биз нафасимизни ютиб, бутун тирик мавжудотни яратган Анахита овозига қулоқ солмоқдамиз.

Сүгдиёнада ким Спантамаънодан кўра бахтлироқ! Шоҳлар шоҳи, тангри Аммон ўғли Искандар Зулқарнайнинг ўзи мепи севимли ишисини қучган оғадай қучиб турибди. Мен ундан кўпдан-кўп совгалар олдим. Мен у билан бир қадаҳдан май ичдим. Олижаноб Искандарнинг номи минг-минг йиллар барқарор бўлсии. О, доиншманд Паллант, сендан миннатдорман, чунки сен шубҳаларимни тарқатиб юбординг. Ҳа, Искандар даврида Сүгдиёна эркин нафас олди, ҳалоскорни шарафлаб, Мароканд тантана қилмоқда. О Мароканд, ушалаётган орзулар шаҳри! О Мароканд...

Сукупатни кимнингдир аччиқ фарёди тилка-пора қилди.

— Спантаме-е-ен!

Спантамаъно титраб кетди. Заро чўчиб бошини кўтарди. Пастда ўнлаб итлар даҳшат билан ҳура бошлиди. Саройга кираверишда кимнидир сўйил билан уришди шекилли, у яна алам билан фарёд чекди:

— Спантаме-е-ен!

Спантамаъно хотинини ўзидан узоқлаштириди ва иргиб ўрнидан турди. Бу даҳшатли фарёддан унинг томиридаги қони музлаб кетгандай бўлди.

— Баро!— чақирди у бўғилгудай бўлиб. Шу заҳотиёқ қўшни хонадан паҳлавон йигит кириб келди. Унинг забардаст қўлида шам милтиради.— Машъалларни олинглар... билинглар-чи, ким у!..

Шу пайт яна чинқириқ — ваҳимали чинқириқ эши-тилди, кимпингдир тилини сугириб олишаёттандай, терисини шишлишаёттандай эди.

— Спнта-ме-е...

Кўркувдан бақа бўлиб қолган Спантамаъно билан Заро бир-бирининг лицикага суқилганча дераза олдида турарди. Хос соқчилар тўдаси пастда шовқин соларди. Машъаллар шуъласи безовта юзларни ёритарди. Дарвоза гижирлаб очилди. Бошқа хос соқчилардан олдинда Баро билан Вараҳран қандайдир одамни қўлтиқлаганча кўтариб келишарди. Улар орқасидан юзига парда тутган қиз эргашиб келарди. Жангчилар дарвозани ёпиб, ҳовлига ўтишиди ва муюлиш бурчида кўздан ғойиб бўлишди. Бир неча дақиқадан кейин юқорига чинқиладиган тош зиналарда хос соқчилар одим шарпаси эшитилиб, яқинлаша бошлади. Баро билан Вараҳран қонга белангага кишини хонага олиб киришди. Унинг боши, кифти, қўли ва ҳатто оёқларида қон доғлари қорайиб турарди.

— Ерга ётқизинглар,— буюрди Спантамаъно.— Машъалларни яқинроқ келтиринглар! Ўнгариб қўйинглар!

Баро бу бахти қарони ўнгариб қўйди-ю, ҳайратдан ўзини орқага ташлаб, қичқириб юборди.

— Баланд!

Ҳа, бу Паллант эди. Аммо бу Спантамаъно яқиндагина кўриб келган Паллантга сира ҳам ўхшачас эди. Унинг донишмандона пешонасими янги қопли жароҳат кесиб ўтганди. Бурнининг учи ва лабларида қотиб қолган қон доғлари...

— Оғзига мусаллас қўйинг,— деди Спантамаъно.

Кучли мусалласдан бир қултумгина ютингач, Паллант ўзига келиб, хира кўзларнин очди-да, ҳўнграб йиглай бошлади.

Улар ҳаммани қириб ташлашди!— деди у титроқ қўллари билан ўзини артар экан.— Кексаларни ҳам. Аёлларни ҳам. Болаларни ҳам. Ҳаммани! Факат Эгина иккимиз тасодифан омон қолдик. О Адрастя, муқаррарлик маъбудаси!..

— Ким ўлдирди?— Спантамаъно дўстининг кифтларига ёпишди.— Кимни ўлдирди?

— Александр шаҳримизни вайрон қилди.

— Нима?!— Спантамаъно чайқалиб Паллантдан узоқлашди. Суғд бир нима демоқчи бўлар, лекин то-

моғига нимадир тиқилиб қолғандай эди. У фақат хос соқчиларига күз югуртириб чиқди.

— Тұғрими шу?— Вараҳран Эгинаға ўғирилди. У бурчакда ғарифона бош әгіб турарди. Устидаги ҳўл ва кир ёпинчиғи кулранг тупроққа беланган.

— Ҳа,— алам билан пичирлади юонон қиз.

— Үнга яна мусаллас беринг!— хириллади Слан-тамаъно бир оз ўзига келгач.

Бир қадаҳ мусаллас Паллантга қувват берди. У ўзини босиб олди ва оғир-оғир хўрсиниб, инграб гап-га тушиб кетди.

— Спитамен, илгари сенга ўз ўтмишимиз тўғри-сіда гапириб бермаган эди. Уялган эдим. Мен эллин-ларнинг бранхид руҳонийлар уруғиданман. Менинг аждодларим бу ерлардан узоқда, Эгей денгизи бўйи-даги Милет шаҳрида истиқомат қилишарди. Эрон шоҳи Кайхусров оёғи Милетга етмагунча бранхидлар ғам нималигини билишмаган. Худоларнинг соғ ол-тиндан қуйилган улкан-улкан ҳайкаллари форслар қўлига тушмасин деб бранхидлар уларни тупроққа қўминшган. Кайхусров шаҳарни эгаллагач, коҳинлар-ни тутиб олгаи ва ҳайкаллар кўмилган жойни билиш учун уларни калтаклаб сўроқ қилган. Бир неча кун уларни қийнаб азоблаган. Ниҳоят қийноқларга бар-дош беролмаган бир чол сирни очиб қўйган. Олтин-дан ясалган худолар форслар қўлига ўтган. Шундан кейин элладаликлар бизни ёмон кўриб қолишган ва ҳар бир браҳидни сотқин ҳамда худофуруш деб эълон қилишган эди. Қасосдан қўрқсан бранхидлар Шарққа, Суғдиёнага кетишган эди. Ўлар билан бир-га Элладанинг Карий қабиласи ҳунармандларидан бир қисми ҳам бу ерга кўчиб келган эди.

Ўшандан бери орадан юз эллик йил ўтди, қачон-лардир бўлиб ўтган воқеани қарийб ҳамма бранхид-лар унутиб юборган эди. Бугун гетайралар бўлинма-си бошида Александр келаётгани ҳақидаги ҳабар ети-ши билан шаҳарчамизда шодланмаган бирорта ҳам одам қолмади.

Биз байрамдагидай энг яхши кийимларимизни кийиб, ясаниб олган эдик. (Паллант ўз устидаги қимматбаҳо, аммо тилка-пора қилинган кийимини кўрсатди). Биз македонлар истиқболига асал ва ша-роб тўла идишлар кўтариб чиққан эдик. Мева-чева, сабзавот ва узум солинган саватларнинг оғирлиги-дан эшакларнинг бели синай дерди. Лабларда қувонч

табассумларын жильтырды. Саховат қалблари ланг очиқ эди. Успиринлар Аполлоний шарафлаб мадхиялар күйлашарди. Сен, Спитамен, беш йил бергена юртларда саргардон бўлиб юрдинг, шу беш йил мобайнида ватан фироқида қанча ўртандинг. Биз эса ватапимизни юз эллик йил кўрганимиз. Александрин кўрганимизда юзларимиздаги ажинларни текислаб юбориш учун бизни ватапимизнинг ўзи излаб келгандай туолган эди.

Паллант яна хўнграб юборди.

— Маълум бўлдикн, улар аждодларимиздан бири қилган жиноятни унудишишмаган экан. Улар ҳаммапи қириб ташлашди! Ағдарилгани-гўптарилгани кўзалардан тўкилган мусаллас билан кексалар қопи қўшилиб кетди. Болаларнинг бошлари тўкилган анонлар қатори думалай кетди. Македон отларининг туёқлари узум бошлари билан хотин-қизларимиз қўлларини босиб, янчди... Мен жонсиз жасадлар орасидан судралиб чиқиб, Эгинани ертўладаи тоғдим ва жар, сойлардан эмаклаб Марокандга етиб келдик. Менга айт-чи, Спитамен,— юнон сүфдга қараб қаддими кўтарди, унинг кўзлари ҳамдардлик тиласади, — бир кишининг жинояти учун бутун уруғни, уларнинг узоқ авлодларини қириб ташлаш ваҳшийлик эмасми? Буюк Афлотуннинг шогирди Арастудан тарбия кўрган одам ана шундай иш қилди...

Паллант ҳасрат билан қўлларини ёзганча жим бўлиб қолди. Спантамаъно узоқ сукут қилди. Ҳа, Искандар мугамбирлик қилиб ўзини кўрсатгандай яхши одам эмас экан. Аҳмоқ! Унинг мақтовларидан шундай шишиб ақлингни йўқотиб қўйдингки, хавф-хатарни мутлақо унудинг! Тўғри, сени ҳақ йўлдан шу Паллант тойдириди. Лекин бу бечоранинг мутлақо гуноҳи йўқ. Чунки ўзи Искандарга ишонарди, мана, ўзи ана шу ишончнинг жазосини тортиди. Искандарнинг Марокандга келганига бир ой бўлмасданоқ, мана, аллақачон қон ҳам тўкила бошлади.

«Аммо... — Спантамаъно зўр бериб чаккасини қашиди, — аммо сүфд қопи тўкилаётгани йўқ. Бранхидларни жазолаш юнонларнинг ўз иши. Спантамаъно ўзгаларнинг ишига аралашгани яхшими? Ҳеч бир алоқаси бўлмаган жойда бирорларнинг ишига аралашиб Сиёвуш авлодига муносаб ишми? Ахир Искандар бирорта ҳам сүфдга қўл теккизгани йўқ-ку».

Хос соқчилардан бирининг кириб келиши унинг хәёлларини бўлиб қўйди. Жангчи деди:

— Мен уйга борган эдим. Отам сарой хизматчиси. Отамининг айтишича, кеча юон бошлиқлари ўртасида тортишув чиқибди, Зулқарнайи ўзининг бир кўк-рак эмишган укасини ўлдирибди.

Хос соқчи келтирган янгилик ҳаммага Паллантинг ҳикоясидаи ҳам қаттиқ таъсир қилди. Сугдлар қадим-қадим замонлардан бери она сутини муқаддас ҳисоблашарди. Бир кўкракдан сут эмганларни умр бўйи узилмас қардошлиқ иплари boglab турарди.

— Сен, юонлар бизни форслардан озод қилади, деган эдинг,— мурожаат қилди йўлбошчига Баро,— аммо уларнинг эрони каллакесарлардан нима фарқи бор?

Бу сўзлар Спантамаъонинг иккиланинларига чек қўйди. У бир қарорга келди.

— Варажран!

Мисгар ўз бошлиғи ортидан бошқа хонага әргашиб чиқди. У ҳатто Марокандда ҳам Спантамаъони ташлаб кетишни истамади. Кекса Фрад кўргани келган ўглини бозордаги торгина устахонада қолишга қанчалик уришмасин, Варажран кўнмади.

— Беш юз аскар олгин-да, Искандар ортидан етиб бор. Сизларни унга ёрдамга юборганимни айтасан. Бегона подшошинг ҳар бир қадамига кўз-қулоқ бўл, чонар юбориб тур. Хавф тугилгундай бўлса — орқага қайт. Гушудишгми?

— Ҳа.

— Ҳозироқ йўлга чиқ!

Варажран шошилини чиқиб кетди. Заро билан Эгия уйининг хотишлар бўлимига ўтишди. Ҳолдан тойган Паллант уйқуга кетди. Аммо Спантамаъио узоқ вақт кўз юмолмади. Паллант келмасдан бурун бошида айланган ҳаяжонли фикрлар учун энди хижжат бўлмоқда эди. «Бутун Сугдиёнада Спантамаъисдан бахтироқ одам борми?» Эҳ сен, эшшак! Спантамаъидан бахтсизроқ одам борми? — деганинг яхшироқ эди! Воқеалар ривожи қаер ва нимага қаратилган? Бу ишларнинг боши ердаю оёғи осмонда бўлиб кетмасмикан?

— Спантамаъио! — эшитди сугд қайтиб кирган Заронинг ташвишли шивирлашини.— Нима қилмоқчисан?

— Нимани сўрайapsan? — деди у майингина.

- Нега Варахраини у ёққа юбординг?
- Қаерга?
- Искандар қўшинлари ортидан.
- Қерак, маъбудам.
- Утинаман сендан, жоним, юпонга қарши ёмонликини ўйлама. Агар Зулқарнайн билиб қолса...
- Ҳаммаси яхши бўлади, ҳилолим, ҳаммаси яхши бўлади. Менин құч-у, ҳеч нарсанинг ташвишини қилма.

«КИРЕСХАТА! КИРЕСХАТА!..»

Улар шу куни кечга яқин ҳалиблар диеёрига етиб келишиди. Бу халқ ҳеч қачон ер ҳайдаш учун ҳайвонларни қўшга қўшимайди, ширин-шакар мева, сабзавот етиши турмайди.

Аполлоний-Родосий, «Аргонаўтика»

Искандар қўшинлари Мароканддан чиқиб, Зарадашон водийси бўйлаб шарққа йўл олди ва чекинаётган форслар талаб, аброр қилган Панжакентдан ўтиб, истеҳком қишлоқ Заҳматга етиб келишди.

Бу ерда йўл ҳар томонга бўлиниб кетарди. Зарадашоннинг юқори оқимиидаги тогли ўлкаларга олиб борадиган сўқмоқ тўғрига қараб кетарди. Бақтриялик Вахшунварта ўша ёқда қаердадир ўриашиб олганди. Иккинчи сўқмоқ дарё ва унинг ортида юксалиб турган тогни кесиб ўтиб, жанубда, Окс томонда гойиб бўларди. Учинчиси эса шимоли-шарқ томонга, машҳур Киресхата томонга борарди. Искандар аңа шу йўлга тушиб олди.

- Киресхата! — куйларди гетайралар.
- Киресхата! — ғижирларди қилич осиб юриладиган қайишлар.
- Киресхата! — чирсилларди гулханда ёнаётган наъматак шохлари.
- Киресхата! — дерди қияликлардан тушаётуб бир-бирига урилаётган шагал тошлар.
- Киресхата! — бўғиқ тарсилларди саратон иссиғидан ёрилаётган қақроқ ерлар.

Македонлар ер юзининг одогига қурилган деб эшитган шаҳарга тезроқ етиб боришга шошилардилар. Шунда Искандар чор-ночор орқага қайтишга

мажбур бўлади. Уйга! — бу сўзни ўн минглаб кишилар қисқа қўним пайтларида, уйғонаётib ёки уйқуга кетаётib ичларида тақрорлардилар. Аммо Клит тақдирига дучор бўлмаслик учун ҳеч ким уни овоз чиқариб тилга олмасди.

Искандар ҳам сукут сақларди. У лашкарбоши ва қўшинларнинг янги ғалаёнидан чўчиб, пинҳон режаларини ошкор қилмасди. Ҳозирда ҳар қандай ғалаён тузатиб бўлмас фалокат билан таҳдид соларди.

Искандар босиб олган мамлакат нафасни ичга ютиб, дам сақларди. Суғдлар янги ҳукмдорни диққат билан кузатишар, ножёя босилган ҳар бир қадам, таваккал қилинган ҳар бир ҳаракат умумий қўзғолон, исенга сабаб бўлиши мумкин эди. Подшо аскарларига ўзларини сипо тутиш, маҳаллий аҳолини ранжитмаслик тўғрисида буйруқ берди. Ӯғирлик олдини олиш учун у Мароканддаёқ савдогарлардан ҳамма керакли нарсаларни сотиб олишни буюрган эди. Ноң ва гўшт етарли эди. Аммо ем масаласида янгилишибди. Йўлда ўтлоқлар кам бўлиб чиқди. Гамланган арпа ўшинчи кундаёқ адо бўлди — оғир тоф йўллари ҳайвонларни ҳолдан тойдирар, аскарлар отларига одатдагидан икки баравар кўп ем беришга мажбур эдилар.

Бирор жойга қўниб, нафас ростлаш, сафларни бўлакларга бўлиб, отлиқларни кичик-кичик тоғ ўтлоқларига тарқатиб юбориш мумкин эди. Аммо Искандар шошиларди. Бундан ташқари, тўсатдан ҳужум қилинб қолишиса, дараларга тарқалиб кетган қўшинларни тезлик билан бир жойга тўплаб бўлмасди. Толликлардан арпа сотиб олишга қарор қилинди. Искандар Дракилни чақиртириди. Марафонлик энди озиқовқат ва ем-хашак билан таъминловчи бўлиб олган эди. Шоҳ Дракилга бир ҳамён олтин берди:

— Қишлоқларга одам юбор. Ҳақини тўғри тўлаб, зудлик билан қайтишни буюр.

Дракил ҳамённи кўргандаёқ томографига тиқилган тупугини ютиб юборди-да, тангаларни қўйнига солиб, ҳаммаси жойида бўлади, деб ҳукмдорни ишонтирганча шошилиб жўнаб кетди. Лекин Дракил карвонга боришдан олдин ўз чодирига биқиниб олиб, дирҳамларни қайта санаб чиқди.

— Шунча олтин ёввойиларга тегадими,— фўлдиди ради савдогар ва тангаларнинг ярмини ўз тўрвасига ағдарди.— Шунисиям бўлади. Бу ёввойилар ким-

сан — Искандарниг әлчилари билан савдолашиб ўтирумас, ахир.

У хурсанд ҳолда карвои ёнига келди-да, чўтири Лаэрт билан суҳбатлашгач, қолган олтишни унга топшириди.

— Ёввойиларга ҳақипи тўғри тўла, кейин, бошинг бориб оёгинг келсин,— деб буйруқ берди дўстига.

«Жаҳаннам ютсин сени,— ўйлади чўтири Лаэрт.— Шунча пулни ёввойиларга бериб қўяр эканманми? Шунисига ҳам шукур қилишсин. Еки биз найза ўйнатишга қодир эмасмизи?»

Бўлинма тоққа кетганча йўқ бўлиб кетди. Македонлар кечгача ўртоқларини кута-кута тоқатлари-тоқ бўлди. Бироқ тун чўкиши билан тоғларда беҳисоб гулханлар ловиллай кетди. Македонларга миғлаб ўтли кўзлар даҳшат солиб тикилиб турганга ўхшарди. Гоҳ-гоҳ манзилгоҳга қулоқни қоматга келтирадиган чинқириқ ва ногоралариниң брезовта гумбурланган садолари етиб келарди.

Фалокат юз берганга ўхшайди. Искандар душманни андармон қилиш учун сафланишга буйруқ берди. Эрталаб қўшинлар ҳар лаҳзада ҳужумга дуч келишни кутиб аста-секин йўлга тушди. Қоялар чўққисида тоғлиқлар ўралашниб юришарди. Илгор бўлинмада бораётган Феаген Парпансида довонидан ошганларини эслади. Бу ерда ҳам яхшилик чиқмаса керак. Мугамбир ва эҳтиёткор водий аҳолисидан фарқли ўла-роқ тоғликлар дарҳол қуролга ёпишадилар.

Водий торайиб қолди. Йўл энсиз дарага кириб борарди. Подшо тўхташга буйруқ берди. Олдинга айгоқчи жўнатилгап эди. Аммо жангчилар юз қадам юришга ҳам улгурмай туриб даҳшатли чинқириқ овозини эшилдилар. Юнон кийими кийган бир кимса қияликтан думалаб келарди. Айгоқчилар юнонни ўрнидан турғазишиди ва Искандар олдига судраб келишиди. Бу беотиялик Лаэрт эди.

— Сенга нима бўлди?— сўради шоҳ. Лаэрт шунчалик ҳарсиллаб нафас олардики, жавоб беришга ҳам мадори етмади. Унинг устидан совуқ сув қўйдилар. Аста-секин нафасини ростлади ва биринчи қишлоқдаёқ уларни тутиб олиб, калтаклай бошлаганларини айтиб берди. Ким қочишга улгурган бўлса эрталаб уларни ҳам тутиб олишибди. Бўлинма бошлиғи Лаэртнинг бир ўзи тирик қолибди.

— Ёлғон гапирмаяпсанми, ярамас?— дағдаға би-

лан сўради Искандар. Тоғлиқлар бирон бир сабабсиз юнонларга ҳужум қилишига унинг ишонгиси келмадетган эди. Ҳа, айтгандай... тағин ким билсин уларни? Парпансидадагилар довоңда тош юмалатишган эдик, ахир.— Эҳтимол бирор ножӯя иш ёки гап билан ёввойиларни раңжитгандирсизлар?

— Адолат маъбудаси Фемида кўриб турибди, ким ҳақ, ким ноҳақ!— деди юнон кўзларини лўқ қилиб.

Искандар упга яқинлашди-да, кўксидаги титилиб кетган кийим қолдигини юлиб олди ва тасмасида осилиб турган силлиқ чарм тўрвага кўзин тушди. Лазарт оғиз очмади. Искандар тўрвани ечиб олди, ичидаги таңгаларни ерга тўкиб, битта-битта санааб чиқди ва Дракиилга юзланди.

— Қолган ярми, албатта, сенда бўлса керак?

Марафонлик ғамгинлик билан қўлларини ёйди ва индамай тиз чўкди.

— Сизлар мақсадимни чиппакка чиқардингиз, насташ үғрилар, ҳозир адабингизни бериб қўямаи,— ғазаб билан деди подшо.— Ечинларинг!

Искандар яқиндан бўён форс подшолари одатини қилиб қизил дараҳтдан йўйилган йўғон таёқни ўзи билан олиб юради. У ёнбош томондан келиб, бир-бирларига қийиб қўйилган тўртта ёёқ остига қулочкашлаб таёқ билан ура бошлиди. Дракиил ва Лазарт чўчқа болалари каби чинқиришарди. Искандар боллаб ўн калтак туширгач, гетайраларни чақирди-да, гуноҳкорларни аравага элтиб ташлашини буюрди. Уларнинг гуноҳи шундай катта эдикни, гуноҳларни нималигини англашга ақли қосирларни ожизлик қиласди. Подшо эса узил-кесил ҳукмни қулайроқ фурсаг келгунга қадар кечиктиришга қарор қилди. Ҳозир тоғлиқлар тақдирини ҳал қилиш керак эди.

— Битта эллининг ҳаёти,— деди Искандар гетайраларга,— мингта ёввойининг ҳаётидан қимматроқ. Бутун Сугдиёна шунни билиб қўйсин.

Подшо олтита камоичи, палахмончи бўлинмаларга илон изи сўқмоқлардан юқорига, қоя чўққиларига кўтарилиш, тоғлиқлар ортига айланиб ўтиш ва иккитомондан ҳужум қилиб, уларни дарага сурисиб тушишга буйруқ берди.

Режаси амалга ошди. Қамон ўқи ва қўргошин зўлдирдан мингга яқин тоғлиқ ҳалок бўлди, қолгандлари қочиб кетди. Осиёликларнинг бир қисми ҳалос бўлиш учун арқонларга осилиб дарага тушар, бу ерда эса

зарби зўр македон бўлинимасининг эгри махайрала-
рига дуч келарди.

Аммо тоглиқлар билан жанг шу билан тугамади.
Македонлар энди текис майдонга чиқишга улгура-
ултурмас ён томондаги юмалоқ тепа ортидан жанг-
вар болталар билан қуроллашган отлиқлар булатдай
ёпирилиб келди. Бу шундай кутнлмаганда рўй бер-
дики, гетайралар ўзларига келгунча тоглиқлар улар-
ниң олдинги сафларини япчиб ташладилар. Қандай-
дир жасур йигит, тишларини ғижирлатганча тўгри
Искандар ёнига ёриб кирди-да, унинг боши узра ой-
болтасини ўйнатди. Искандар бақириб юборди ва
қалқон билан ўзини тўсди. Тоглиқ шундай зарб билан
урган эдик, ойболта олтин қопламали қалқони
парчалаб, бронза совутни ҳам кесиб ўтиб ташри
Аммон ўғлиниң чап елкасини қаттиқ яралади.

Шу лаҳзада Птолемайос Лаг баҳодир оснёликка
пайза саиди; Фердикка эса ёнбошига ағдарилаётган
ҳукмдорни ушлаб қолди.

— Биттаси ҳам қолмасин...— шивирлади Искандар
дезарргал лаблари билан.— Биттаси ҳам қолма-
син...

Фердикка ҳушдан кетган подшони кичик хос соқ-
чилар қўлига берди ва карпайчиларга ишора қилди.
Ўзини ўнглаган гетайралар текис майдон бўйлаб
ёйилиб, душман отлиқларини ўраб олди. Беш йилдан
бери шундай ҳолларда нима юз берган бўлса, бу гал
ҳам шу бўлди: ингичка пайзалар, калта сопли ойбол-
та ва ўқ-ёй билан қуроллашган тоглиқлар гетайраларини
узун ва бақувват унобидош дараҳтидан ясал-
ган пайзаларига бардош бера олмадилар.

Қочиб қутулишининг иложи йўқ эди, шунинг учун
улар бронза ханжарлари билан имкони борича, токи
битталари ҳам қолмай ваҳшийлашиб кетган отлар
түғи остига қулаб битмагуиларича жанг қилдилар.
Македонлар улар жасади тепасида тўпланишди ва
галаба нишонаси сифатида узун пайзаларни учини қо-
вуштиришиди.

Шу маҳалда гонлитлар, қиличбозлар, камончилар
ва палахмончилар ниёда тоглиқлар ўришиб олган
тепаликка ҳужум қилмоқда эди. Уларниң бир қисми
қиличдан ўтказилганди. Бошқалари ўзларини қоядан
ташлаб, ўткир тошларда мажақланиб кетди. Жангда
қатнашган ўттиз минг тоглиқдан саккиз мингга яқин
одам тирик қолган эди.

— Яхши,— деди ўзига келган Искандар Фердикка унга шуларни хабар қилганда.— Аммо биз жангсиз иш битиролмаганимиз яхши бўлмади. Иигирма икки минг ёввойининг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар Марокандга етиб боради ва суғдлар орасида норози-ЛИК туғдиради.

— Лекин биз бугун тор-мор келтирган ёввойилар суғд эмас,— эътиroz билдириди Фердикка,— улар ўзларини «узрушоп», мамлакатларини бўлса Узрушона деб аташар экан.

— Бари бир уларнинг тили ҳам, қони ҳам суғдлар билан бир. Ҳозироқ Марокандга, Гефестион ёнига одам юбор. Ҳамма нарсага тайёр бўлиб турсин. Бирор гап бўлса қатъий ҳаракат қилсин. «Халоскорлик» ўйини Дракилнинг шарофати билан бой берилди, жаҳаннам ютсин уни. Спитаменга эса бирор ишончли баҳона топиш керак. Ҳа! Сиёвуш авлоди бизга қўшиб юборган одамни буёққа чақириб кел-чи.

Фердикка Вараҳрани эргаштириб келди. Марокандлик подшо олдидা тиз чўқди ва Искандарнинг боғлаб қўйилган елкасига қараб, нола билан дуо ўқиди.

— Ҳа, кутилмаган воқеа бўлди,— хўрсинди Искандар,— афтидан, Киресхатага ўринашиб олган форслар узрушонларни менинг қўшинимга ҳужум қилишга кўндирибди. Бундан нима чиққанини ўзинг кўрдинг. Спитаменга чопар юбориб, ҳукмдорингга айтгин, у безовта бўлмасин. Мен унинг ва ўзимнинг душманларимни жазоладим, бундан кейин ҳам жазосини беравераман. Агар Спитамен буёққа мингта отлиқ юборса ва тоғларга тарқалиб кетган галаёнчиларнинг қолган-қутганини тинчитиб қўйса яхши бўларди. Гапимни тушундингми?

— Ҳа, жаноб. Сен буюрганча қиласман,— жавоб берди Вараҳран соддадиллик билан.

Узрушонлар нима учун македонларга ҳужум қилганини суғд ўзидан ёмон билмаслигига Искандар шубҳа қиласди. Шунингдек, у Спантамаъно олдига бундан бир соат бурун чопар жўнаб кетганини ҳам каромат қила олмасди.

Қлитарх сўзи:

«Узрушонлар билан бўлган жангдан кейин Александр қўшинлари улуф Яксарт дарёси бўйига чиқди.

Айтишларича, у шимоли-шарқдаги самовий тоғлардан бошланади, бепоён чүл-саҳроларни кесиб ўтиб, уч ирмоққа бўлинади ва массагетлар ўлкаси-даги Оксиана¹ кўлига қўйилади. Биз Яксарт дарёсига қирғоқларини қоялар қисиб турган жойдан чиқдик, бу ер тор ва ўтиш учун қулай². Ихчам водий Фаргона мамлакатига ўтиш йўлини ҳосил қилгани. Бу ихчам тоғ йўлида, айниқса тонготар пайтида фарб томонда ястаниб ётгай саҳрдан кучли шамол эсади.

Яксартнинг жанубий қирғогида узрушонлар яшайди. Улар тогдаги қабиладошлари билан бўлган воқеаларни билгаилари учун бизни душманлик билан қарши олишди. Яхши сўзлар ҳам, дўқ-пўписалар ҳам шаҳар дарвозаларини очишга уларни мажбур қила олмади. Александр ҳарбий қўргонларни ҳужум билан олишга бўйруқ берди. Биринчи бўлиб Газономли шаҳар атрофида хандақлар қазилди, кўтармалар қурилди, шундан кейин манжанақ, полибол ва онагрлар ишга солинди. Аҳолини зўлдир ва ёй ўки билан уйларига қочишга мажбур қилган македонлар шаҳар деворига чиқиб олишди ва қўргонга киришди. Газодан кичикроқ бўлган тўрт шаҳарни девор минараларига нарвон қўйиб, ўқчилар ва қамал қилиш ускуналари ҳаракатини уйгунлашириш натижасида икки кундаёқ эгалланди.

Қолган иккита энг катта шаҳарин — Мамакен билан Киресхатани кўп қурбонлар бериш эвазнга эгаланди. Маҳаллий аҳоли қаттиқ қаршилик кўрсатди. Мамакен аҳолиси жуда ҳам жасур. Улар бутун уругаймоги билан қўргонга кириб олгани, бошқа уругдан ҳеч кимни у ерга киритмайди. Уларнинг қўргон-қалъаси девори ҳаддан ташқари қалин, ўртасида молхоналари бор. Мамакенлар девор орқасида ўзларининг тор гумбазсимон уйларида овқат пишириб, еб-ичишиди ва ухлашади. Мустаҳкам қўргонга кириш учун девор остидан лахм қазишга тўғри келди.

Биз Киресхата ёнида ҳам кўп азият чекишига мажбур бўлдик. Биз кутгандек бу ерда форслар йўқ экан. Улар аллақачон шарққа қочиб кетган экан.

Шаҳарни маҳаллий аҳоли мудофаа қиласиди. Жоҳиллар македонлар ҳужумини шундай жасорат билан қайтаришардики, бу ҳатто Александрни ҳам ҳайрон

¹ Оксиана кўли — Орол денгизи.

² Ҳозирги Бекобод атрофида.

қолдирди. Қамал жуда ҳам чўзилиб кетгани сабабли, подшо ўзининг оғир ярадорлигига қарамай, гонлит бўлинмаси бошида турив девор остидан оқова сув ўтадиган, ҳозир қуриб ётган ўзан орқали шаҳарга кирди. Киресхата мағлуб бўлди.

Шундай қилиб, тангри Аммон ўғли дарё бўйидаги етти шаҳарни бўйсундириб, улар аҳолисини қул қилиб олди».

Киресхата! Киресхата!.. У македонлар умидини чиппакка чиқарди. Бу ер дунёниг чеккасига ўхшамайди. У аллақаерларда, узоқ-узоқларда бўлса керак. Унга етиб бориш учун яна беш йил, эҳтимол ўн йил керак бўлар. Жангчилар иолишига ўтдилар. Наҳот Искандар бу ерда ҳам тўхтамаса, наҳот қўшин-ләрини Яксартдан нарига, осиёликлар мамлакатининг яна ҳам ичкарисига бошлаб борса?

Айниқса пэон ва агрианлар манзилгоҳида норозилик кучли эди. Фракийлар мудом ўз қўрқасликлари билан ажralиб туришар, лекин Искандар қўл остида истар-истамас жанг қилишарди. Чунки македон подшоси уларнинг мамлакатини куч билан босиб олган ва уларни мажбур қилиб шарққа ҳайдаган эди.

Сугдиёна бозорларида маҳаллий халқ билан сурдча, ўзаро эса фракийча гаплашадиган қарин кўчмачилар учраб қоларди. Улар ўзларини «дахлар» ва «буюк гетлар» деб аташарди. Ҳайрон бўлган фракийликлар боболарнинг Болқонга шарқ саҳроларидан кўчиб келган киммерийлар ҳақидаги ҳикояларини эслашарди. Ғарбдаги даҳ ва гетлар ҳақида хотирлашарди. Осиёлик «дахлар» ва «буюк гетлар» гарчи европалик фракийларга мутлақо ўхшамасалар ҳам уларнинг томиррида қариндошлиқ қони оқаётганига амин бўлишарди. Айниқса маҳаллий халқ йўлбоғчиси Спитаменининг ташки кўриниши қуйиб қўйгандай фракияликнинг худди ўзи эди. Пэон ва агрианлар наздида ўзларнинг яқин қариндошларига қўл кўтарётгандай туюларди.

Искандар ҳаммасини кўрар, эшитар ва билиб турар эди. Нотиқ Демосфен сингари ақлли, жўшқин ва гўзал сўз билан одамларни руҳлантириш керак. Аммо подшонинг жароҳати шундай оғриб, азоб берардики, у қанчалик ҳаракат қилмасин, юрагидан бирорта ҳам илиқ сўзни сиқиб чиқара олмасди. Тангри

Аммон ўғли бутун вужуди билан газабланаётганини аниқ күрсатиб, бу билан атрофдагиларни ҳам ғазаб-лаптириб Яксарт соҳилида дайдиб юради.

Бу орада, Шарқда айтгаплариңдай, ишнинг оёғи осмондан келмоқда эди. Бир куни яқиндагина Искандар ўтиб келган тоғдан икки ёллаима юон аскари ҳовлиқиб келиб қолди. Улар нохуш хабар келтиринишга эди. Гетайралар тоғ оралигида додини бериб, тор-мор келтирганига қарамай, узрушонлар яна қўлга қурол олганлар ва Мароканд билан Киресхата орасидаги қишлоқ, шаҳарларда тартиб сақлаш учун подшо қолдирган юон бўлинималариши қириб ташлаганлар. Жаңуб, Сугднёна йўли кесиб қўйилган эди.

Ёллаима аскарлар қароргоҳга кунботар пайтда етиб келишган эди. Тунда, соқчиликда турганлардан ташқари бутун қўшии ухлаб ётганда эса ташгри Аммон ўғли забт этган етти шаҳарга галаёнчилар ҳужум қилди. Ичкаридаги маҳаллий аҳоли ёрдами билан уйқудаги македонларни калтаклай бошлидилар. Узрушонларни қувиб юбориши, лекин шундан бери бирор кечада осойишта ўтгани йўқ. Тоглиқлар гоҳ тепаликларда тўпланишар ва Искандар қўшинларини камондан ўққа тутишар, гоҳ ўчаётган гулханлар томон бекиниб келишар ва мудраётгап пиёдаларни сўйиб кетишар, гоҳ айгоқчи ва чопарларни тутиб олишар эди.

Яксартнинг ўиг томонида, Ғазо ва Киресхата рӯ-парасида кигиз қалпоқли отлиқ одамлар тўплана бошлиди.

— Булар ҳам узрушонларми? — сўради Искандар чақириб келингап уч маҳаллий кишидан.

— Йўқ, — жавоб қилди бири, — булар сак-тигра-хаудлар.

— Яксартлар, — қўшимча қилди иккинчиси.

— Сартлар, — деди учинчиси.

— Демак, у ерда уч хил ҳалқ яшайди.

— Битта. Лекин ҳар хил ном билан аталади. Ҳам масига уларнинг қалпоқлари сабаб. «Тиграхуд» дегани «учқир қалпоқ» дегани. «Яксарт» — «бир калладор» дегани, «сарт» дегани эса «Қалладор» бўлади.

— Улар қайси тилда гаплашади?

— Бизпинг тилимизда...

— Бир сўз билан айтганда, скифлар, — кинояли жилмайди Искандар. — Нимага тўпланялти улар?

Чоллар сукут сақларди. Шимолга, Шошга йўл кесиб қўйилган эди.

Уч кундан кейин Газо шиддатли ҳужумга дучор бўлди, аммо бутунлай бошқа томондан, ғарбда ястаниб ётган саҳро томондан...

Номаълум отлиқлар келиб шаҳар ташқарисида ивирсиб юрган бир неча жангчини ўлдириб, македонларнинг тўрт юз отини ҳайдаб кетди. Уларнинг изи жазирама, сувсиз саҳрога қараб кетган эди, улар орқасидап юборилган гетайралар ортга қайтишга мажбур бўлди.

— Булар қайси қабиладан? — сўради Искандар маҳаллий кексалардан.

- Тиай-тара-дайра саклари, — деди бир чол.
- Аласаклар, — деди иккинчиси.
- Дарё одамлари, — деди учинчиси.
- Улар қайси тилда сўзлашади?
- Бизнинг тилимизда.
- Қисқаси, скифлар.

Искандар яна истеҳзоли қулди. Ғарб йўли ҳам кесилган эди. Бу ҳол гўё подшони хурсанд қилаётганига ўхшарди.

Кейинги кун яна шарқдан осиёликлар ёпирилиб келди. Улар шовқин-сурон билан Қиресхатани қуршаб олдилар ва қўға билан ёпилган томларга ёниб турган камон ўқи ёғдира бошладилар. Ёнгин кўтарилиди. Отлиқлар ҳўқиз подасини ҳайдаб қумлик па ботқоқликка кириб фойиб бўлдилар.

— Бугун қандай қабила келган эди? — яна чолларга мурожаат қилди Искандар, бодом гули тикилган тўрт бурчакли қора дўппини кўрсатиб.

- Фарғона! — жавоб берди чоллар бир овозда.
- Қайси тилда гаплашади?
- Бизнинг тилимизда.
- Скифлар, — Искандар бошини сарак-сарак қилди. Шарқ томонга ҳам йўл берк эди. — Қанчаки скиф бўлса, ҳаммаси менга қарши бош кўтараётгана ўшайди. Уларни кимdir гижгижляяпти. Бу биродарим Спитамен эмасмикин?

Искандар янгишмаган эди. Эрталаб Марокандан чопар етиб келди. У кийим-кечаги йиртилиб кетган, калтакланиб, қора қонига ботирилган эди.

— Фалокат, Искандар, — чопар подшо чодирига югуриб кирди, ҳаяжони зўридан тиз чўкишни ҳам

унутган эди.— Спантамаъно қўзголон кўтариб, Маро-
кандни қамал қилди. Бутун Суғдиёна қўзғалди.

Спантамаънонинг қўзголон кўтаргани ҳақидаги
хабар македон подшоси юрагини қоплаб олган гуур
қобигини тешиб ўтди. Бекорчилик кунларида йиғи-
либ қолган куч ташқарига отилиб чиқди. Ранги оқар-
ган, аммо чаққон, ҳамма ишга тайёр Искандар тепа-
ликка, қўшинлари ҳузурига чиқиб келди, сўнгги му-
ҳим суҳбат учун тўпланингларини ҳамма тушуниб
туради. Бугун ўн минглаб одамларнинг тақдирни ҳал
қилиниши керак эди. Ҳар ким ўз ичиди: «Етар! Уйга
қайтамиш! Қани бу жоҳил бизни юриши давом этти-
ришга мажбур қилиб кўрсингчи...» деб таъкидларди.
Жангчилар шикоат билан бир-бирига жўр бўлиб
қичқиришар, ҳеч кимдан қўрқмасликларини, ўзлари
ўзларини ҳимоя қилишга қодир эканликларини намо-
йиш қилиб наизаларини қалқонларига тўқиллатиб
уришар эди.

— Тинчланнинг!— бақирди Фердинка.— Александра-
га қулоқ солинглар!

Шовқин-сурон тинди; жимжитликни фақат дарё-
нинг бир оҳангдаги шовуллаши билан кўкатларни қу-
риб қовжираб қолган ўтлоқда ўтлаб юрган тушов-
ланган отларининг лишқиришигина бузиб туради.

— Биродарлар!— деди Искандар баланд ва меҳ-
рибон овоз билан. Жангчилар ҳайрат билан бир-бири-
ларига қарашибди. Подшо қўндан бери уларни «биро-
дарлар» деб атамаган эди.— Юракни ўртаётган ҳам-
ма гапни очиқ айтиши вақти келди. Шундай эмасми?

У майин, осойишта, салмоқ билан сўзларди. Унинг
очиқ гапириши (жангчилар устамонлик билан гапни
айлантиринин кутгани эдилар) ва дилкаш овози
(улар дўй-нўписа кутгандилар) шу ерда ҳозир бўл-
ганинг ҳангуга манг қилиб қўйди. Бир лаҳза бурун
қаҳр газаб ва ваҳший туйгулар билан турган одам-
лар энди маҳлиё бўлганича оғизларини очиб қолиш-
гани эди.

— Биз озмунча йўлни бирга босиб ўтмадик, оз-
мунча қулфат чекмадик,— давом этди подшо,— ҳар
биримизнинг бошимизга тушган мashaққат бизни бир
умрга қадрдон қилиб қўйди. Шунинг учун ҳар ким
кўнглида бор гапни бу ерда очиқ айтишга ҳаққи бор.
Адолат маъбудаси Дика номи билан қасамёд қила-
манки, қалбимнинг тўрпда ҳеч нарсанни яшириб қол-
майман. Шунингдек, биродарлар, шу тепалик устида

сизнинг ҳам тўшига-тўғри, вижданан ва қўрқмай гапи-
ришингизни сўрайман. Македонлар, эллиилар ва фра-
кияниклар, ҳақиқатни айтишга ваъда берасизларми?

— Ҳа,— қичқиришди жангчилар бирга.

— Яхши. Бўлмаса эшитнинглар. Кўпчилик маке-
доилар, эллиилар ва фракияниклар подшони ёмои кў-
радилар. Шундай эмасми? Шундай. Нима учун? Қа-
ин, жазоланишдан қўрқмай, ҳаммашинг кўзи олдинда
истаган одам бу ерга чиқиб, саволимга жавоб бер-
сип-чи? Қасам соқчиси Фемида номи билан қасамёд
қиласманки, менинг иродам билан у одамининг боши-
даги бирор тола сочига ҳам зарар етмайди.

Ҳеч ким қўмирламади. Искандар гапин дўқ-пўти-
садан бошлаганды эди, одамининг ғашини келтирган
бўларди. Ғазаб эса қўрқоқни ҳам ботир қилиб юбо-
ради. Шунинг учун улар нима қилишини билмасди-
лар. Яқиндагина мардлик билан наизаларни қалқон-
ларга урган қўллар ҳаяжондан шундай бўшашиб
қолган эдики, наизаларни зўрға тутиб турарди.

Аммо шу пайт туртиниб-суриниб тепаликка па-
лахмончи чиқиб келди. Тепаликдаш нарироқда арти-
ниб турган Дракил дарҳол Феагенни таниди.

— Ҳа, Александр биз сени ёқтиромаймиз!— қаттиқ
гапирди марафонлик. Палахмончининг сўзи македон-
лар ва бошқа қабила жангчиларини бирдан ақлини
жойига келтирди. Эсанкираш уларни шу ондаёқ тарк
этди. Нима учун кенгашга келганлари одамларининг
эсига тушди.— Нима учун?— давом этди сўзида Фе-
аген.— Мана, оталар юртини тарк этганимизга беш
йил бўлибди. Мана, беш йилдирки, кекса оналари-
мизни кўрганимиз йўқ. Мана, беш йилдирки, Дионис
шарафига бўладиган қишики байрамларда янграйди-
ган қувноқ қўшиқларни эшитганимиз йўқ. Мана, беш
йилдирки, осиёликлар мамлакатига бошланган лаъ-
нати юриш ҳамон чўзилиб келяпти. Сен уруш боши-
ланмасдан олдин: «Қилган жиноятлари учун форс-
лардан узил-кесил қасос олиш бизнинг бурчнимиз!»
деган эдинг. Шундайми? Аммо, қасос олиб бўлдик-
ку! Биз ўз ишимизни қилиб бўлдик. Душман ени-
либ, тумтарақай бўлиб кетди. Яна нима керак сенга?
Бизни қаёққа олиб бормоқчисан? Шунча юриш қил-
ганимиз етмайдими? Уйга қайтиш пайти келмадими?

— Уйга қайтамиз!!!— бир овоздан чуғурлашдй ўн
минглаб одам. Бу овоз дарё шовқинини босиб кетди,
тоғ ёнбағридан буталарда мудраётган қушларни ҳа-

волатди ва қоялар орқасида бекиниб турган узрушонлар қулоғини динг қилди.

— Уйгами? — кинояли жилмайди Искандар. — Одам ўз ватанини эсдан чиқармагани яхши. Аммо... Мана, уйларингизга жуда кетгиларинг келяпти. Нима учун? Уйларингда нима кутяпти? Наҳот сизни ёруғлик кўрмай ўсган ўша қора кулбаларингиз чорлаётган бўлса? Наҳотки эртадаш-кечгача бир парча ерингизда терлаб-пишгингиз келса? Еки қурум босган устахонангизда димиқишини истайсизми? Еки ўлибтирилиб қилинган меҳнат эвазига ярим оч ҳолда яшашними? Унумли ери, серсув чашмалари бўлмаган, одамларига нонгина эмас, ҳатто шу офтоб остида макон ҳам етмайдиган гариб ўлка — бечора Эллада сизни нима билан кутиб олади?

Нима учун бўёғини ўйлаб кўрмайсиз? Эслаб кўриинг-чи: кўпларингиз ватанингизда ҳатто арпа нонга тўйғанмидингиз? Мен сизларни шарққа бошлаб келганимдан бери эса мудом бугдой нон емоқдасиз. Эслаб кўринг-чи: сиз ҳозир интизор бўлаётгани ўз ватанингизда тузланган балиқдан бошқа бирор нарса кўрганмисиз? Бу ерда эса гўшт, ширин-шакар мева, ажойиб-фаройиб сабзавотларни тановул қилмоқдасиз. Эслаб кўринг-чи: сиз шунчалик кетгингиз келаётган ўша Элладада эгнингиз бўз кўйлакдан бошқа нарсага ёлчиганми? Ҳозир эса ҳар қайсингизнинг устанингизда майнин тўқнлган матодан ажойиб кийимлар. Ватанингизда юрганингизда сестерций ва оболчақаларингиз кўпими? Ҳозир эса ҳар бирингизнинг тўрваннингизда озми-кўпми олтин жиринглаб турибди. Буларнинг ҳаммасини берган ким? Александр, Филипп ўгли?

Энг аввало мен гариб кулбангизининг тўрт деворидаш бошқа ҳеч нарсани кўрмаган кўзингизга бутун дунёни очдим. Мен тоглари, водийлари, балнққа бой дарёлари, унумдор далалари, гуллаб турган bogлари, сершовқин шаҳарлари, бепоён ўтлоқлари ва сон-саноқсиз мол-ҳоллари билан, бутун мавжуд хазина давнилари билан дунёни сизнинг оёгингиз остига ташладим! Олинг! Ҳукмронлик қилинг! Маъқул келган жойларга шаҳарлар қуринг! Уйлар барпо қилинг! Дўкон ва устахоналар очнинг! Қуллар сотиб олиб, деҳқончилик қилинг. Гўзал осиёлник қизларга уйланнинг ёки бўлмаса ўз хотишларингизни чақириб олинг. Ким ман қиласи? Ким халақит беради? Сизларни бу

ерга шунинг учун олиб келмадимми? Ўзимни шунча хавф-хатарга урганим сиз учун эмасми? Сизнинг хотиржамлигингиз учун эмасми елкамининг мажақлангани?

Наҳотки Осиё ёлғиз менга керак бўлса? У сизларга даркор! Мен сизга бутун Шарқин ҳадя қилдим. Аммо миннатдор бўлиб, ҳамду сано айтиш ўрнига, мендан норози бўлмоқдасиз. Сиз ҳали кўзи очилмаган кучук болаларига ўхшайсиз. Тумшуғини сутга қанча нуқисанг, улар шунча қайсарлик билан оёгии тираб олади. Ёки гапим шотўғими? Нотўғри бўлса, айтинг!

Подшонинг кўзлари чақнар эди. Шу пайтда ўзининг сўзларига ўзи ҳам ишонмоқда эди. Унинг овози шу қадар ишонтириш қудрати билан жаранглардики, бундан хижолатда қолган минглаб кишиларнинг боши айланниб кетганди. Уларга бу сўзларни Искандар тили билап Адолатнинг ўзи сўзлаётгандай туюлмоқда эди.

Ёлғиз Феагенгина Филипп ўғли оғзидан чиққан сўзларнинг шиддатли оқнамига қарши тура олди.

— Агар Шарқда қолиш сенга шунчалик ёқса,— деди у қатъият билан,— майли, қолавер. Биз уйга қайтишини истаймиз.

— Уйга қайтамиз!— яна илиб кетди жангчилар. Феагеннинг гапи подшо сўзлагапда гангиб қолган бошқаларни ҳушёр тортириди.

— Уйгами?— қайта сўради тангри Аммон ўғли. Унинг лабларини ёвуз кулги қийшайтириб юборди.— Маъқул. Мен этагигиздан тутиб турганим йўқ. Кетаверинг! Кетаверинг, агар кета олсангиз!— Кулганча қўлинини ёйиб, атрофии кўрсатди у.— Лекин, болаларим, бир арзимас нарсани унубиб қўйибсиз. Қўшин бутун дунёдан ажralиб қолган, шимол томондан, дарё ортида чўгир қалпоқли скифлар жангга тўпланмоқда. Шарқ томонда сизни гулдор дўппили скифлар кўзлари тўрт бўлнб кутмоқда. Фарбий саҳролардан сизга қулоқчинли скифлар хавф солади. Жануб тоғлиқлари ҳамма сўқмоқларда девор бўлиб турибди. Сплитамен исен кўтарди, Бақтра қўлдан кетди. Агар менга ишонмасангиз, чопарнинг сўзини эшитинг. Сизлар ҳамма интиладиган, аммо қайтиб кетиш камдан-кам насиб қиласиган бегона мамлакатда ёлғиз қолдингиз. Сиз катта хумга тушиб кетган сичқонга ўх-

шайсиз. Атрофингизда юз минглаб ёввойилар. Қани, қутулиб кетинг-чи!

Искандар тошга ўтириб, орқа ўгириб олди. Унинг орқасида шундай сукунат чўқдики, гўё у танҳо қолгандай эди. Ун минглаб кишидан садо чиқмасди. Фақат қотиб қолган юзлар, лаблар ва қошлар орасидаги тугуналргина уларнинг ички туғёнини ифода этарди.

Бобилдан то Понт Эвксинийгача бўлган гаройиб юришни ўзининг машхур «Анабасис» деган китобида баён қилган Ксенофонт йўлбошчилигидаги ўн минг юоннинг чекинни кўпларнинг эсига тушди. Ўшанда лашкар Эрон подшоси Ардашер аъёнлари томонидан ўлдирилган бошлиқларидан маҳрум бўлса ҳам, эсанкираб қолмай, янги раҳнамолар сайлаган ва жонажон ерларига эсон-омон етиб олган эди. Аммо Қиресхата билан Эллада орасидаги йўл Бобил билан Понт орасидаги масофага қараганда беш марта ортиқ. Бундан ташқари бу йўлда уларни биргина номининг ўзи энг ботир одамни ҳам чўчитадиган скифлар пойлаб турибди.

Фикраи уларнинг кўз олдида Осиёнинг бепоён жазира маҳаллари ястаниб, ҳайбатли баланд тоғлари қад кўтарди, ёнгин тутунлари буруқсий бошлади. Пистирмалар. Ҳамалар. Бронза камон ўқларининг қаҳрли визиллаши. Ханжарларнинг совуқ ярқирави. Бошлардан қурилган миноралар. Қисқаси, македон ва юонларни бегона ўлкада кутаётган қисмат тасаввури шундай жонланиб кўришдики, бу даҳшат уларнинг лабларини занжирбанд қилиб қўйди. Эҳ, Қиресхата!.. Қиресхата!..

Феаген ҳаммадан илгари ўзини ўнглаб олди ва тутилиб-тутилиб қичқириди:

— Сен... сен гуноҳкорсан!..

— Гуноҳим нима?— сўради Искандар палахмончига совуқ назар ташлаб.

«Ҳали ҳам тирикмисан, муттаҳам?— разаб билан ўйлади подшо.— Ҳозирча қасам ичин бергаи сўзим бошингни сақлаб қолди. Аммо энди сени эсимдан чиқармайман!».

— Сен бизни қопқонга туширднинг!— хитоб қилди марафонлик.

— Шундайми?— бўкирди Искандар.— Мен гуноҳкорманми? Аммо узрушонларни талаб, қўшишга қарши уларнинг газабини қўзғаган наҳот мен бўлсам?

Наҳот гулханлар ёнида мудроқ босиб, ёввойилар күнглига келганини қилишларига қўйиб берган мен бўлсам? Наҳотки бошлиқлар буйругини эшитганде афтини буриштирадиган мен бўлсам? Наҳотки манзилгоҳ бўйлаб дайдиб юрган мен бўлсам? Кўшини пароқанда бўлмоқда. Сизлар ўз айбларнинг билан ёввойиларга ўлжа бўлдинглар. Ҳар бир осиёлик сизнинг устингиздан куляпти. Александр сизни жаҳангамдан тортиб олиши мумкин эди, аммо сиз ярамаслар итоат қилмай қўйдиглар? Сизларча мен энди ёмон бўлиб қолдимми? Майли, шундай бўла қолсин! Эшитинглар: мен ўзимни Спитамен ихтиёрига тошираман, агар ундан нул билан кутулишнинг иложи бўлса амаллаб уйга етиб оларман. Сизлар-чи... агар ўзларинг ўйлагандай доно бўлсанглар, кўнгилларинг-га келганини қилинглар. Хайр!

Искандар шартта шохли дубулғаси, сипарини туширди-да, тез-тез юриб тепаликдан туша бошлади. Птолемайос Лаг ва Фердикка бошлигидаги энг садоқатли хос соқчилар одамлар орасидан унга йўл очиб борарди. Жангчиларининг кўзи очилди. Искандар уларни ташлаб кетяптими? Ўлар бирдан ҳамма раижи аламларини унудишиди. Искандар уларни ташлаб кетмоқда! Жангчилар унга раижиб уйни ташлаб кетаётган отасига жавдираб тикилаётган бевош болалардай тикилишарди. Искандар уларни ташлаб кетмоқда! Оёқлари остидаги жароҳати аллақачон битган, подшо қаҳрига учраб қўйдаги бери ўзларини қайга қўйишни билмай санқиб юрган Дракил билан Лаэрт кўз уриштириб олишиди, бир-бирларини яхши тушунишиди-ю, кул сингари ўзларини подшо оёғи остига ташлашиди.

— Александрга шон-шарафлар бўлсин!!!— македонлар шиддат билан қычқиришиди. Икки ўртоқларининг хатти-ҳаракати одамларини довдирашдан халос этилига туртки бўлди ва уларнинг фикр-ўйларини янги ўзанга буриб юборди. Искандар қўлини кўтарди ва тўхтади. Унинг қўл ҳаракати ҳамма оғизларга бирдан муҳр босгандай бўлди.

— Мендан ишма истайисизлар?

— Александрга шон-шарафлар!

— Менинг қолишимни истайисизларми?

— Александрга шон-шарафлар!— шовқин соларди оломон. Искандар орқага бурилди ва шошилмай төпалик чўққисига чиқа бошлади. Кўшинлар яна жим

бўлишди, гўё ҳамманинг тили таңглайига ёпишиб қолгандай эди.

Искандар шошилмай дубулгасини ечди, жағларип шундай қисдики, чиройли лаблари қийшайиб, худди тузалган жароҳат ўрнига ўхшаб қотиб қолди. У ўткир нигоҳ билан соқоли ўсиб кетган жангчиларниң қалин сафларига — соддадил, айёрликпен билмайдиган, узуқ-юлуқ лаҳзалар билангиша яшайдиган, бирор фикрни охиригача ўйлай олмайдиган, бирор қийин ишни тажрибали раҳнамосиз сўнгига етқазолмайдиган кекса гўдаклар тўдасига синчиклаб қараб чиқди. Ҳукмдорнинг совуқ назари қаерга тушса, хижолат бўлган кўзлар ерга қарап, бошлари қуий эгилар эди. Жангчилар саф кетидан сафи билан бўйни хам қилишар, дубулгалардаги пахмоқ жун, султоний ва от думидан қилинган укпарлар қуий эгилиб, худди шамолда ҳиллираган ям-яшил саҳро майсаларидаи чайқалар эди.

— Демак, сизлар менинг қолишимни илтимос қил-япсизлар? — подшонинг овози темир жарангни эслатди. — Майли, мен сизларни афв этаман. Аммо менинг ҳукмимни сўzsиз бажаришга ўлим маъбудаси Кера номи билан қасамёд қилиб, ваъда беринглар!

— Қасамёд қиласми! — бўғиқ жавоб беришди жангчилар, бу даҳшатли қасам билан улар ўзларини ташри Аммон ўғли тайёрлаган жабру жафоларга гирифтор қилгай эдилар. Одамлар қалбида қуюқлашиб қолган зулматни тарқатиш ниятида Искандар газабини шафқатга айлантирди ва оғзи қулогига етиб жилмайди. Бу жилмайиш шуъласи булатлар ортидан кўринган қуёш нуридай шамол ва жазира маисида дагаллашиб кетган ўн минглаб юзларни ёритиб юборди.

— Боплаб қўлга туширди бу ҳайвонларни, — пи-чиrlади Птолемайос Лаг иршайиб турган Фердикка-га. Фердикка хўмрайиб қаради ва пўнгиллади.

— Яххиси, йўлбарс панижасидан боплаб қутулиб чиқди, де.

Искандар бу пайтда аллақачон буйруқлар бермоқда эди:

— Бу ерлик ёввойнлардан биз учун энг хавфлиси сүғдлар бўлгани сабабни олдин Спитамепга ҳужум қиласми. Ликиялик Фаринуҳ сүгд тилини яхши билади. У шу бугуноқ Койисос, Карен ва Кратер бўлинмаларини Марокандга бошлаб боради. Аммо у илгари-

ги тоғ йўли билан эмас, гарбий чўлни ёқалаб бориб, Илон ўти¹ дарвозасини эгаллайди ва Политимет² во-дийсига Спитамен кутмаган томондан кириб боради. Бу билан Фарнуҳ вақтдан ютади, узрушонларга чап беради, дарё бўйи скифлари кўзидан пана бўлади ва Спитамен устига тўсатдап бостириб боради. Йўлга туш, Фарнуҳ!

Кутилмаганда мартабаси ошиб кетган, жанг жадал ишларида ҳеч нарса билмайдиган очиқ кўнгил ликиялик эътироz билдиримоқчи эди, лекин Филипп ўғли шундай кўзининг пахтаси чиқиб қарадики, янги лашкарбоши кийикдай чаққонлик билан тепаликдан жўнаб қолди.

— Энди,— давом этди Искандар,— ғарб ва шарқ скифларидан ўзинизни бехавотир қилишимиз керак. Узрушонларнинг биз эгаллаб олган шаҳари мудофаага яхши мосланмаган. Уларнинг ичидаги маҳаллий халқ курагимиздан пичоқ уришга қулай пайтни кутиб турибди. Шунинг учун Ғазо билан Қиресхата ўртаснга мустаҳкам қальба-шаҳар қуришимиз лозим. Биз кўпчиликмиз, шунинг учун йигирма кунда бемалол қура оламиз. Ундан кейин Яксартдан ўтиб, дарёнинг нариги томоннда тўплланган ёввойиларни тумтарақай қилиб юборамиз. Шундай қилиб, скифларнинг Марокандга борадиган йўлини кесиб қўямиз, ана унда маҳаллий ёввойилар Спитамен қўшинига ёрдам бера олмайди. Тушунарлимис? Қани, бўлмаса ишга! Ер ковланг! Лой қилинг! Үрмон кесинг! Яшил қамишларни ўринг. Бир соатга ҳам ишни сусайтиргманг!

У ўнг қўли, соғ қўли билан бошланглар деган маънода амирона ишора қилди.

— Менинг номим — ўткир найза учида,— жангчилар манзилгоҳлари томон тарқалишар экан, шоир Архилохнинг тантанали қўшигини аҳиллик билан кийлашарди.— Унда бордир Иスマр муссалласи ҳам. Уни нўш этган чофим қўлимда бўлар найзам...

Македонларни тоғдан қузатиб турган узрушон ва скифларни ҳайратга солиб, қизрин кенгашдан кейин

¹ Илон ўти — Жилон ўти дараси ёки Темур дарвозаси.

² Политимет — Зарафшоннинг юончча номи,

Үн етти кун ўтгач, худди құдратли сеңгар иродаси билан пайдо бўлгандаи, дарё соҳнида Александрия Эсхата — баланд девору энли хандақ билан қуршалған, миноралари, уйлари, кўчалари, майдонлари, ибодатхоналари бор шаҳар бунёдга келди. Үн саккизинчи куни македонлар сол қуришга тушиб кетиши. Иигирманчи куни эрталаб жанг бошланди.

Дастлаб фракияликлар ва сак-тиграхаудлар дарё оша бир-бирларига камонлардан булутдай ўқ ёғдириши, лекин на у, на бу томонга айтарли зарар етмади. Шундан кейин юонлар қирғоққа узоққа отадиган қуролларни ўрнатишиди. Исқандарнинг ишораси билан манжанақлар, онагралардан узунлиги уч тирсакли юзлаб найзалар, оғирлиги уч қадоқ кела-диган қўроғшин зўлдирлар отилди. Зўлдирлар олти юз қадам узоқликка бориб тушар, дуч келган нарса-ни янчид-пачақлаб ташлар, уч тирсак келадиган най-залар эса ярим стадий наридаги мис қалқонни ҳам тешиб ўтиши мумкин эди. Сак-тиграхауд бўликлари пароканда бўлиб кетди.

Подшо бу қуроллардан отишни тўхтатмай, юон отлиқ аскарлари билан тўрт ила македон гетайрала-рини солга миндири ва карнайлар садоси остида Яксартнинг ўнг қирғогига сузиб ўтди. Палахмончи ва камончилар дам берилган мешларда сузишиди. Даргалар эшқаклари ва енгил пиёдаларнинг тўлқин-лар аро шалоплаётган кўлларидан сон-саноқсиз сув томчилари ярқираб сочилар эди. Отлар безовта пиш-қиради. Соллар ғижирлаб бир-бирига урилар эди. Гирдобга тушиб қолган ўқчилар бақирав, уларнинг юракни ўртаб юборадиган фарёдлари дарёдан узоқ-узоқларга ҳам эшитиларди. Дарё сол ва одамлардан қорайиб, Саламин ороли ёнидаги кўрфазга — афина-лик Фемистокл Эрон шоҳи Кайхусорвонинг жанговар кемасини чўқтириб юборган кўрфазга ўхшаб қолди.

Илгор бўлинма қирғоққа чиқди-ю, найзаларини олға чўзиб, скифлар устига отилди. Аммо сак-тигра-хаудлар душманни қуршаб олиб, уларни уч бурчак бронза камон ўқлари билан кўмиб ташладилар.

«Шунда Александр енгил пиёдага ёрдам учун отлиқ аскарларни юборди,— деб ёзди кечқурун Кли-тарх.— Скифлар бизни кўздан қочирмай узоқлашиди-лар. Улар томонидан бирон-бир шумлик бўлишини кутган подшо илгор бўлинмаларга отлиқ ўқчилар ва гетайраларнинг учта кичик фалағасини қўшиб ку-

чайтириди. Аммо қамонлардан отишдаи тұхтамасдан от устида қаққонлик билан ҳаракат қылған скифлар македонлар ҳужумини қайтардилар. Шунинг учун осиёликлар устига оғир отлықлар билан Александринг ўзи бостириб борди. Скифлар бу ҳужумга бардош беролмай, минглаб жонсиз жасад ва юз әлликта асир қолдириб қочиб кетдилар.»

Солномачи македонлар берган қурбонлар ҳақида сукут қиласы, аслида эса улар ҳам катта зарар күрган әдилар. Сактиграфахаудларнинг ўқи сира бекор кетмасди. Қамон ўқи қалин бронза совутни тешолмагани сабабли улар босиб келаётганларнинг құзы ёки бўйниши нишонга олардилар. Эпчил чавандозларни қувиб етиш, қилич ва найза санчиш жуда қийин, тиғиз саф бўлниб бостириб келаётган македон отлиқлари оядида скифлар бир зумда майдон бўйлаб сочилиб кетар ва душманга ён томондан зарба беришга ҳаракат қиласиди. Искандар икки қанотни ҳимоя қилиб турған енгил пиёда ёрдами билангина сак-тиграфахаудларни улоқтириб ташлади.

Ёввойиларнинг қаттиқ қаршилигидан ғазабланған Искандар энг сўнгги одамигача қнриб ташлаш учун уларни таъқиб қилишга тушиб кетди. Таъқиб қилишга берилиб кетган македонлар Яксартдан қанчалик узоқлашиб кетганларни сезмай қолдилар. Уларпинг ўнг томонида иссиқдан қовжираган тоғ этаги юксала бошларди. Олдинда ва чап томонда сувсиз тепаликлардан иборат саҳро чўзилиб кетганди. Осиёликлар изи шимоли-шарқ томонга, гира-ширада қорайиб турған тоғ чўққинсига қараб кетган әди. Кеч кирди. Иссиқ ва ташналиктан ҳориган македонлар тұхтадилар. Суви қуриб қолған сой бўйида тунашга қарор қилинди. Яна гиперетлик — озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўлинмаси бошлиғи вазифасига тайинланған Дракил илон изи ўзандан суви илиқ ва ифлос бўлса ҳам катта бир кўлмак топди. Яқин-орада тузукроқ сув топилмагани учун шу сувни чангтупроққа беланган хитонлари этагидан сузиб ичдилар. Эрталаб ҳаммалари, ҳатто Искандар ҳам қоринларини чанглалаб, тишларини рижирлатиб қолдилар.

Македонлар чекннаётган скифларга иккинчи куни ҳам ета олмадилар. Сак-тиграфахаудларнинг елдирим бўликлари офтобда қовжираган явшану янтоқ билан қопланған қўнғир тепаликларда лип-лип кўзга чалишади.

ниб қолар, олдига ўтиб, ўз тұдасидан узоқлашиб кетған душманларни қириб ташлар ва сап-сариқ чалғ булатлари орасида гойиб бўлардилар. Яна кеч кирди. Ноchor ахволда қолган таъқибчилар ерга қатор-қатор бўлиб чўзилиб қолгаи, азоб чекаётган одамларнинг полалари чиябўрнлар фарёднга жўр бўлаётган эди.

Искандар узоқ вақт ухлай олмади. Унга безовталийк азоб берарди. Сак-тиграхаудларнинг бу қадар тез чекиниши ҳеч бир яхшиликдан дарак бермасди. Геродотининг ҳикоя қилишича, скифларга алданган Эрон шоҳи Кайхусров то ўзи пистирмага тушмагунча уларни саҳрова таъқиб қилиб юрган, Кайхусровнинг бошини кесганлар. Бошқа бир форс, Доро Гуштасб ҳам қайсарлик билан скифлар ортидан қувиб юрган, сўнгра Қора денгиз бўйи чўлларидан зўр-базўр қутублиб чиқкан.

Искандар Геллеспонтдан то Қиресхатагача бўлган йўлини босиб ўтди, лекин бирор марта орқага қайтмади. Аммо бу ердан, Яксарт ортидан сирлли мамлакат — тушуниб бўлмайдиган одамлар мамлакати бошланади. Уларнинг ҳалоллиги, оққўнгиллиги ва меҳмондўстлиги ҳақида ҳамма эшитган. Уларнинг шафқатсизлиги ва маккорлигпни ҳам ҳамма билади. Скифлар дўстларни яхши кутиб оладилар, душманнинг эса шафқатсизлик билан таъзирини берадилар. Агар ўшангача бирор марта мағлубиятга учрамаган Кайхусров уларнинг қўлида ҳалок бўлган бўлса, ниша учун у, Александр галабага ишонади? Бу фикр Қиресхатага келмасдан бурун подшога қўнгилли туяулган бўларди, аммо ҳозир уни чўчтиб юборди.

Таигри Аммон ўгли бир қарорга келди: қайтиш керак. Уят бўлмайдими? Нима бўлса бўлсин. Бу ҳалок бўлгандан кўра яхшироқ-ку. Кимки кўчма маънода бошини йўқотса, тўғри маънода ҳам уни йўқотиши мумкин. Жароҳат, касаллик ва сувининг ёмонлигини баҳона қиласиз... Жангчилар қайсарлик қилиб ўтирмас, шундоқ ҳам ҳаммаси орқага қайтишга ҳозир нозир. Қайтиш керак.

Искандар оғир хўрсииди ва Птолемайос Лагни чақирди.

МАРОҚАНД ДЕВОРИ ӘНИДА

Мароканд яқинида, Политимет қиргогида македонлар тұрт тарафдан қисиб құйылған ва шу дарёдаги кишик оролға қочган әділар. Бу ерда скифлар ва Спитамен чавандозлари уларни ўраб олиб, камон үқлари билан биттама-битта терғанлар; фақат озгина қысмани құлға тушириб, буларни ҳам қириб ташлаганлар. Аристобул ҳикоя қилишича, құшыннинг күп қисми пистирмада яксон қилингач, чунки скифлар ўрмонга бекиниб олғап ва жаңғ пайтида у ердан чиқиб македонларга ұжым қилғанлар...

Ариан, «Александрияның өзілары»

«Хозироқ Гефестионга чопар жұнат, ҳаракат қилаверсін»,— деб буюрди Искандар хос соқчиси Фердиккага тоғларда йигирма икки минг уәрушонни қириб ташлагач.

Чопар подшонинг буйругини Марокандга эсономон етказди.

— Маъқул,— деди Гефестион ҳозиржавоблик билан,— ҳаракат қилиш бўлса ҳаракат қилиш-да.

У шаҳар дарвозаларидаги қоровулларни уч баравар кўпайтирди-да, Ороба билан бирга бозор оқсоқоли ёнига йўл олди.

— Форслар даврида яхши яшаганмидинг?— сўради қориндор оқсоқолдан Гефестион.

— Вой!— қичқирди савдогар.— Емон кун кўрапдик. Жуда ёмон!

— Энди яхшими?

— Ҳозир яхши. Жуда яхши.

— Қандай миннатдорлик билдиридинг ўз халоскорларингга?

— Вой!— гап нимадалигини оқсоқол дарҳол фаҳмлади.— Бозордаги ҳамма нарса сизники, жаноб,— хитоб қилди у ялтоқлик билан бош эгиб. Ичида эса қўшиб қўйди: «Ўзим омон қолсам бўлгани».

— Гап бундай,— деди Гефестион қатъий,— ҳамма нарсани — гапимни эшитяпсанми?— бугун бозорга келган ҳамма нарсани Искандарга совға қилишинг керак. Бўлмаса сени, худо кўрсатмасин, Зулқарнайи

шаҳар дарвозасига осиладиган, яхшиликни билмайдиган эшак экан, деб ўйлаши мумкин. Мени тушундингми?

— Вой! — Оқсоқол қўрқувдан оқариб кетди. — Ҳаммасини тушундим, жаноб, барини тушундим.

«Энди нима бўлади?» — деб ўйлади у.

— Агар! — ёндош қурилган бинонинг пастак эшигини қия очиб қичқирди. — Агар!

Қоронғи, тор ҳужрадан озгин, юзлари заъфарон, кўзлари қизарган одам чиқиб келди. Оқсоқол унинг қулогига эгилиб Гефестионга қараб-қараб, нима ҳақдадир узоқ пицирлади, шуниси борки, у македонга ўгирилганда додгулининг семиз башараси табассумга гарқ бўлиб кетарди.

— Ҳой Мароканд аҳли! — ярим соатдан кейин Агар тепаликда туриб жар соларди, — ҳой Мароканд аҳли! Шодланинг! Подшо Искандар Зулқарнайн,номи абадул абад барқарор бўлсин, ҳамма нарсаларингизни сотиб олади.

Жимжитлик — ҳамма ҳайрои. Шундан кейин оломон орасидан Вараҳраннинг кандакор отаси Фрада олдинга чиқди.

— Қандай — ҳамма нарсаними? Яхшироқ тушунтири!

— Ҳамма нарсали: идиш-товоқ, газмол, кийим-кечак, қўй-қўзи, дон-дун, ёф — қисқаси, сизлар от-уловда ёки елкада бозорга олиб келган ҳамма нарсани...

Яна жимлик — одамлар нима дейишга дарҳол сўз топа олмадилар. Бунақа муомалани Марокандда ҳали ҳеч ким эшитмаган эди. Сўнгра яна Фрада тилга кирди:

— Искандар булар эвазига шима беради?

Агар қўйнидан сопол парчасипи чиқарди ва боши узра баланд кўтариб деди:

— Эй аҳли Мароканд, ҳар бирнигиз мана бунақанги Искандар номи бўзилган сопол пилакчани оласиз. Уни йўқотманглар! Подшо, унинг номи шарафларга тўлсин, Киресхата сафаридан қайтиб келгач, шу сополли кўрсатгай ҳар бир кишига қанча лозим бўлса, шунча олтин ёки кумуш танга беради.

Тангалар дейдими? Қачои беради? Искандар Киресхатада қайтиб келганда! Агар у уч йилдан кейин қайтиб келса-чи? Еки бутунлай қайтиб келмаса-чи? Одамлар галласини — идиш-тавоққа, қўй-эчкини — дәхқончилик қуролига, қуритилган мевасини кийим-

кечакка алмаштириш учунгина, эҳтиёт қилиб қўйгаға озгина молидан бир қисмини, ичи ачишиб бўлса ҳамки, хўжалик учун яна ҳам муҳимроқ нарсани харид қилиш учунгина бозорга олиб чиқади. Бу ерда бўлса ҳеч нимага ярамайдиган аллақандай сопол парчасини таклиф қилишмоқда... Бозор.govur-ғувур бўлиб кетди.

— Наҳотки уялмасанглар!— ҳайрон бўлиб қиҷқирди Агар.— Бессдан сизларни ким озод қилди? Искандар. Мен сизларнинг ўрнингизда бўлсан ҳамма нарсамни текнинг берган бўлардим. Сизлар бўлса арзимаган кўзаю хурмаларингиз устида титраб-қақшаб ўтирибсизлар. Эҳ, одамлар-а!

Агар бош чайқади ва тупурди.

— Нарсаларингизни шу ерда қолдиринглар. Эшак ва от-уловларни ҳам. Битта-биттадан ибодат майдонига чиқинглар. Қани, тез-тез! Одамлар шошиб қолди. Агар устларига ташлансалару форсларга ўхшаб талай бошласалар ўзларини ҳимоя қилишга уринган бўлардилар. Аммо бу ерда... ахир улардан сотиб олишяпти. Бир деҳқон буғдой солнигган қопига кўз ташлади-да, ишонқирамай дарвоза томон йўл олди. Бу ерда уни бозор оқсоқоли тўхтатди.

— Отинг нима?

— Хорванта.

— Қаердансан?

— Чоргард қишлоғидан.

— Нима олиб келувдинг?

— Бир қоп буғдой.

— Ёзib қўй котиб...

Котиб бронза пидишидаги сиёҳга қамиш қаламни ботириб олдида, ошланган бузоқ териси парчасига бир неча сўз ёзди (ёки ёзган қилиб кўрсатди).

Оқсоқол Хорванта қўлига сопол парчасини тутқизди.

— Қаранглар, кимдан нима харид қилинганини ёзib қўйишаяпти,— дерди кимдир енгил тортиб.— Демак, ростдан ҳам молимизга ҳақ тўлашар экан-да?

— Ўтавер,— бош ирғади оқсоқол Хорвантага.

Хорванта ибодатхона майдонига чиқиши биланоқ македонлар унинг бошига уриб ҳушидан кетказдилар ва қўлларини орқасига қайириб боғлаб, бир чеккага судраб кетдилар. Фалла-фалла-ю, аммо қул бари бир фойдалироқ мол.

Хорвантадан кейин бошқалар ҳам бирин-сирин

дарвоза томон кела бошлади. Ҳаммасини битта-биттадан ўтказишарди. Ибодатхона майдонида уларни македонлар тутиб олишаверди. Эркаклар, хотнилар, болалар.

Олтмиш киши дарвоздадан ўтиб бўлганда қизиқ-синиб бозор билан Ўт қасри ўртасидаги деворга чи-қиб олган бир бола ибодатхона олдида рўй берёт-ган ҳодисани кўриб қолди. У қўлинни чайқаб, дод солди. Фрада шитоб билан зинадан унинг ёнига кўтарилиди.

— Е худо!— қичқирди ҳайратга тушган канда-кор.— Мана улар нимани мўлжаллаган экан! Эй, ха-лоийқ! Юнонлар бизни алдабди! Ибодатхона томонга ўтган ҳар бир кишини тутиб оляпти улар!

Бир зумга бозор жимиб қолди ва бирдан тоғдаги баҳор селидай шовқин-сурон, қий-чув кўтарилиди. Хунарманд ва деҳқонлардан иборат оломон дарвозада турган соқчиларни босиб-янчиб, ибодатхона майдонига ёриб ўтди. Ибодатхона бўйлаб, девор ёнида калтакланиб, қўли орқасига бояланган олтмиш киши тўда бўлиб олганди. Македонлар тисарилиб, найза ўқалиб туришарди.

— Ҳа, шоголлар! Бизни қул қилиб сотмоқчими-санлар? Ур уларни!

Бир лаҳзада бозор жанг майдонига айланди-қолди: гарчи сугдларнинг қуроли бўлмаса ҳам жон-жаҳд билан курашардилар, ҳамма нарса: кўзалар, омочлар, таёқ ва арава шотилари ишга тушиб кетган эди.

Гефестион исён кўтарган сурдларга қарши оғир қуролли пиёдалар бўлинмасини ташлади. Ҳалқ қисқа, аммо шиддатли қаршиликдан кейин узун найзалилар ҳужумига бардош беролмай тарқалиб кетди. Ҳовлиларга, шаҳар атрофидаги далалар ва бояларга кириб яширишишди. Кўплари ҳалок бўлди. Кўплари асири олинди.

— Шундай қилиб, улар дарё бўйидаги еттита шаҳарни босиб олибдилар-ла,— Спантамаъно қандай қилиб ўзининг етти бармоғини буқканини сезмай қолди. Унинг ишоҳи букилмай қолган уч бармоғига тушди. У тезлик билан учала бармоғини ҳам буқди ва муштини муштига урди.— Аввал Қлит, кейин бранхидлар билан узрушонлар... Ундан кейин Марокандо-

да қирғин... Тушунарлы! Ишга киришиш керак, сүгдлар. Баро, Алингарни қақыр.

Вараҳрандан яшириң мактуб билан Марокандга қайтиб келгап навтакалик бор кучи билан пастга югурди ва қийшиқ бурун, узун соқол, қовоғи солиқ коқын Алингарни әргаштириб келди. Алингар зардыштийларнинг муқаддас китоби «Овссто»ни ёд олган, фақат сүгд тилидагина эмас, балки кўп Шарқ тилларида ҳам яхши ёза оладиган донишманд сифатида машҳур эди.

Сиёвуш авлоди кўзлари билан ниманидир излади-да, тополмагач, жаҳли чиқди.

- Қаерда анави лаънати идиш?
- Қанақа идиш? — сўради Баро.
- Кумуш идиш. Мусаллас солинадиган.

Кундан-кун у ўзининг мусалласга берилётганини ҳис қилмоқда эди. Ҳали ҳеч қаҷон Спантамаънода руҳий диққатлик бунчалик кучаймаган эди: диққат-пазликни эса нима биландир тарқатиш керак. Спантамаъно бир куни, Навтакадалик вақтида, Искандар билан бўлиш керакми, Бесс билан деган масалани ҳал қилиши лозим бўлган пайтда бир марта ичиб кўрди-ю, кейин ўзини тўхтатолмади ва беихтиёр ҳолда кайф берадиган ичкиликка ишқивоз бўлиб қолди.

Баро йўлбошчига норози бўлиб қараб олди-да, кумуш идишни олиб келди. Спантамаъно лиммо-лим қадаҳни сипқорди ва енгил тортгандай хўрсиниб қўйди.

- Қетдик, Алингар.

Иккаласи бурчакдаги хонага кириб, ичидан бер-китиб олди ва у ерга Бародан ташқари ҳеч кимни киритмади. Навтакалик нон, гўшт, мусаллас олиб келиб турди, ўймакор эшикка яқинлашган Зарони майнлик билан орқага қайтарди. Унинг бу иши аёлни хафа қилди. Спантамаъно жуда муҳим иш билан бандми? Аммо буни ўз оғзи билан айтиши мумкин эди-ку! Уларнинг муҳаббатидан кўра муҳимроқ иш борми? Заро эрининг ниятини билиш мақсадида хонадан секин эшитилаётгап овозларга безовта бўлиб қулоқ соларди. Спантамаъно кўпроқ гапиради. Коҳин кўпичча жим ўтирап эди. Баро баъзи-баъзида бирон-бири жангчини юқорига қақириб кетарди. У эса раҳнамоси ёнидан чиққан заҳоти ниманидир қўйнига яширади-да, ҳовлига югуриб чиқиб, отга миниб қайгадир ғойиб бўларди.

Беш кундан кейин Спантамаъно хилватгоҳдан чиқди ва Заро қаршисида пайдо бўлди. У озиб кетган, аммо қўзлари чараклаб турарди. Қулгиси жуда хушчақчақ, қўллари эса тоғлиқ раққоснинг қўлидай чаққон ҳаракат қиласарди.

Эрининг оёқ товушини эшитган Заро хафагарчилигини унудди. Уни қанчалик соғинганини эндигина англади. Агар у ҳижрон аламида қийналган қиёфада кўринса Заро ҳам унинг истиқболига учган бўларди! Аммо унинг қувноқ табассуми... Демак, ёр ҳажрида ўртамабди-да? Заро ерга қаради ва тескари ўгирилиб олди.

— Хафа бўлма!— ёйма-ён ўтирди йигит ва уни ўзига тортди.— Ўзим ҳам билмайман нима бўлганини. Ишга берилиб кетибман.

Шундайми?! У ҳатто ўзини айбор деб билмайди ҳамми? Уни қучгиси келаётганига қарамай, ўзини четга тортди. Эрга текканининг дастлабки кунларни даёқ шунаقا қарама-қарши туйғуни ҳис қила бошлиган эди. Хотин қалбида қайси бири ғолиб чиқиши Спантамаънога bogлиқ эди. У буни фаҳмлади ва бўсага хасислик қилмади.

— Ранжима, юлдузим,— шивирлади унинг қулоғига.— Қулинг ҳеч уят иш қилгани йўқ.

— Нима қилдинг?

— Қаттиқ ўйладим, мактублар ёздим.

— Қанақа?— Қуруққина сўради у аста-секин таслим бўлиб.

— Турли оқсоқолларга... Тез орада мен... тез орада сен билан биз... улуғ ишлар қиламиш!

— Нималарни хаёл қилдинг?— қўрқиб хитоб қилди у.

— Буюк ишларга бел боғладим! Омадим келишига аминман! Эҳ! Сен билмайсан, Заро, кайфиятим жуда яхши...— қувончи ичига сифмай қаҳ-қаҳ уриб кулди ва хотини манглайидан ўпид, ўрнидан сапчиб турди.

— Сен шу ерда қол, мен тезда қайтаман...

У шунчалик тез ғойиб бўлдикки, Заро унинг этаги учини тутиб қолншга ҳам улгурмади. Хотин қизариб кетди ва эри орқасидан узатилган қўлларини туширди. Заронинг юзлари гўзаллигини йўқотиб, ғазабли тус олди.

Спантамаъно Ороба саройи зинасидан учиб чиқди. Оёқлари шу қадар тез ҳаракат қиласарди, гўё у

оёрига эллинлар маъбути Хермесинг қанотли шии пагипи кийиб олганга ўхшарди. Сиёвуш авлодининг овози жарчи қичқириғидай қасрнинг ҳамма хонала-рида жаранглаб эшитилмоқда эди.

— Қайдасан, Ороба?

— Буёқда! — жавоб берди Ороба айвондан. — Келдингми н-ниҳоят. Қаерларда ю-юрибсан? Э-ҳа! Бир н-нимадан хурсапд кўринасан чоги? Хўш, гапиравер.

Оқсоқол жўжа атрофида парвона бўлаётган курк товуқдай куёви атрофида гиргиттон бўла бошлади. Бўлмаса-чи! Ҳар кимга ҳам ноибга қайноталик на-сив қиласвермайди.

— Мусалласдан қуй! — Спантамаъно олачипор қалпоғини ёнига отиб юборди да, гиламга ёнбошла-ди. — Ич ва шод бўл, Ороба, давринг келди!

— Искандар а-жойиб с-совғалар юборибдими? — дудуқланаб сўради навтакалик қадаҳларга мусаллас қуяркан.

— Совғалар? — Спантамаъно қаддини кўгариб, қайнотасига ҳайрат билан тикилиб қолди. Унинг ву-жудини жўшқин хурсандчилик тўлқини қамраб ол-ди. — Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! Ҳали ҳеч гапдан хабаринг йўқми? Тўғри, мен сенга ҳеч нарса деганим йўқ. Энди сирни очсан бўлади. Мен исён кўтаряпман.

— А?.. — Ороба қўлидаги қадаҳни тушириб юбор-ди. — Қанақа исён?

— Искандарга қарши!

— Нима? — Навтакалик гўё бирдан моховии кўриб қолгандай, Спантамаънодан ўзини четга олди. — Н-нима деяпсан?

— Ҳа, исён! — давом этди гапида Спантамаъно Оробанинг ҳолатига эътпбор бермай. — Ҳозир энг қу-лай пайт. Узрушона тоғлиқлари юонларнинг Маро-кандга қайтадиган йўлини кесиб қўйган. Мен тиай-тара-дайра, тиграхауд сакларига ва Фаргона ҳалқига чопарлар жўнатганман. Улар Искандар атрофиини ўраб олишади ва бу ерга Хориен, Вахшунварта ва бошқа оқсоқолларнинг қўшинлари етиб келишга ул-гурмагунча уни сиртмоқдан чиқарип юборишмайди. Шунида биз Искандарга ҳамма томондан ҳужум қи-ламиз. Шу билан унинг куни битади.

— А-ақлингдан... о-озмадингми? — пўнгиллади Ороба, Спантамаъно қайнотасининг юзидағи меҳри-бон табассумдан из ҳам қолмаганини кўрди.

— Сенга нима бўлди? — сўради у ҳайрон бўлиб.

— Бу ишнинг м-менга ёқмаяпти,— қуруққина жа-
воб берди навтакалик.

— Нима учун?

— Чунки, қ-қўлингдан ҳеч н-нарса келмайди! Ис-
кандар ҳаммағизни д-дайди и-итларга ўхшатиб
д-додингизни бериб, тумтарақай қ-қиласди.

— Ўзингни эсинг жойида эмасга ўхшайди!— жақ-
ли чиқди Спантамаъонинг.— Бутун Суғдиёна бош
кўтариб чиқса, массагетлар келиб қўшилса, ким биз-
ни тумтарақай қилиб юбора олади? Тушунсанг-чи,
Искандар тузоқда! Агар ҳаммамиз бирдан ёпирилиб
борсак у тамом бўлди деявер!

— Билмайман, қ-қайси бирингиз т-тамом бўлар-
кансиш,— деди Ороба.— Мен сени ақллироқ д-деб
ў-ўйлагай эдим. Нега ўзингни й-йўлбарс чангалига
т-ташлайпсан? Искандар с-сени С-суғдиёна ҳокими
қилиб қ-қўйди. С-сенга яна н-нима керак?

— Ўҳ-ҳў! Булбулигўё бўлиб кетдинг-ку,— Спантамаъно қошини чимирди.— Билиб қўй: Сиёвуш ав-
лодининг қонуний ҳақи бўлган Суғдиёпа ҳукмдорли-
гини бегона подшо қўлидан олиш мен учун шарман-
далик. Тушунарлимис? Спантамаъно янги хўжайинни
бўйнига миндириш учун Бессдан халос бўлган эмас.

— Телба! Шу иш қ-қўлингдан к-келишига ишон-
чинг к-комилми?

— Нима учун комил бўлмасин? Қаерда айтилган:
«Суғдиёна абадий босқинчи подшолар томонидан
бошқарилиш учун яратилган», деб. Худолар уни бош-
қа бирор мамлакат қилиб эмас, фақат Суғдиёна қи-
либ яратган экан, демак, қуёш остида ўз ўрнига эга
бўлишга ҳаққи бор.

— Буларнинг бари бекорчи гап,— деди навтакалик
ғазабланниб.— Менга деса Суғдиёна тепасида тоғ-
лиқ бир кўзли девлар турмайдими, фақат улар ме-
нинг ҳ-ҳаётимга щ-шафқат қилса-ю, мол-мулкимни
ярмини ў-ўзимда қ-қолдирса бас.

Спантамаъно унинг юракдан айтилган гапларидан
ҳайратга тушиб, анча вақт сукут сақлади. Ниҳоят бў-
гиқ овоз билан деди:

— Қанақа одамлигингни эпди билдим. Ўз паст-
кашилигинг билан форслар марҳаматига сазовор бўл-
гандай, юноплар мурувватига ҳам мусассар бўламан
деб хомтама бўлма. Искандарнинг Узрушонада қан-
дай жиноятлар қилганини эшитдингми?

— Эшитдим. Ўзидан кўрсии, ваҳшийлар. Худо ёқ-

қан гулханга тупуришмасин эди. Хотиринг жам бўлсин, меш янгишмайман.

У Спантамаъпога қарамай сўзларди. Бетийиқ кўзлари атрофда олма-кесак-терарди. Оробанинг хасислик ва гуноҳлардан озиб-тўзиб кетган юзлари Сисвуш авлодининг кўзига шу қадар жирканч кўриниб кетдики, оёғи билан тепиб юборишдан ўзини зўрга тутиб қолди. Энг даҳшатлиси: Ороба шунчалик жоҳил ва нодон эдикни, ўзининг ҳақлигига сўзсиз ишонар, ёнида ўтирган одамни эса эшаквачча ва ўтакетган аҳмоқ деб ўйларди. Бу фикрдан Оробани Охурамазданинг ўзи ҳам қайтара олмасди.

— Ҳеч, сен ҳеч қаҷон янгишмайсан! — Спантамаъно овози ғазаб билан отилиб чиқди. — Илгари сен ўзингни форсларга сотган эдинг. Энди юоннларга сотмоққа тайёрсан. Шундай экан, яхшиси менга сотил, ўз қондош суғдингга!

У Оробанинг олдига бир қисим қимматбаҳо тош ташлади. Ороба дарҳол ўзига келди. Бир лаҳза бурун қўрқув яширинган қўнғир кўзлари қувонч билан порлаб кетди. Аммо бу кўпга бормади. Ороба оғир руҳий қийноқ билан, ич-ичидан ўтрапиб, олдидаги жавоҳнларни сурисиб қўйди ва зўрга деди:

— Керак эмас... Ҳеч нарсанг керак эмас. Агар сенга қўшилсан, мени Искандарнинг ғазабидан бу тошлар қутқариб қолади деб ўйлайсанми?..

— Демак, мепга ёрдам бермайсан! — қичқирди Спантамаъно. — Менга, қизингни эрига-я?

— Нима исенчиларга ёрдам берайми? — қўл силтади Ороба. — Бечора Заро! Агар шу фитначи бошингда нима гаплар борлигини билганимда сенга қизимни берармидим? Мен унга, уйга қайт, деб айтаман. Йўқол кўзимдан. Мен бунақа хавфли одам билан алоқа қилишни истамайман.

— Қетаман, — Спантамаъно ўрнидан турди ва Оробани ўтирган жойидаёқ бўғиб ўлдирмаслик учун қўлларини орқасига қилиб олди. — Сен ҳам билиб қўй, мен учун бунақа жирканч одамга куёв бўлишдан кўра оғирроқ иснод йўқ. Бир нарса менга далда беради: Суғдиёнанинг ҳамма оқсоқоллари ҳам сендей ифлос, разил эмас. Эсингда бўлсан: Спантамаъно юоннларни қириб ташлагач, бу сұхбатни ёдингга тушириб қўяди. Ҳозир ҳам кекирдагингни ғажиб қўярдим-у, лекин ортиқча шовқин-суронга тоқатим йўқ.

Ороба эсанкираб қолди. Эх, у Сиёвуш авлодига жуда қўпол муомала қилиб қўйди-да! Агар Спантамаъно ростдан ҳам Искандарни енгса-чи! Унда... Навтакалик қўрқиб кетди. Унинг юзларида табассум пайдо бўлди, аммо Спантамаъно шиддат билан бурилди-да, жўпаб кетди.

«Аҳмоқ!— ўзини лаънатларди Ороба.— Ким сени тилингдан тортувди? Кўйинини пуч ёнғоқقا тўлдириб юборганингда олам гулистон эди. Эх-ҳе! Хўп, бўлар иш бўлди,— тинчлантириди ўзини-ўзи.— Энди... ўзими ни энди қандай тутишим керак? Агар бу дайди Искандарни енгса, бир кунмас-бир кун томогимдан олади...»

Энг разил одам — дунёдаги ҳамма нарсадан ўзини яхши кўрадиган одамдир. Мулойим табассумига ишониш керак эмас — муғамбирилик қилаётгани бу. У ўз моҳияти билан разил, шунинг учун ҳам хавфли. Бунақа одамлар очиқ зарба бермайди. Улар одамга пин-ҳона заҳар соладилар, ҳақиқий заҳар билан бўлмаса ҳам, ифво заҳари билан... заҳарлайдилар.

«Агар енгса... Жуда соз! Шундай қилайликки, қадрли Спантамаъно, сен Искандарни енга олмагин».

Спантамаъно арвоҳдай оқарниб қайтиб келди. За-ро уни кўриб бошини мағрур кўтарди. Аммо Сиёвуш авлоди хотинига қайрилиб ҳам қарамай, айвонга ўтиб кетди. Аёл ҳайрон бўлди — эри келиб, ялиниб-ёлвориб уни эркалатишини кутган эди. Агар шундай қилса хотин уни совуққина ўзидан итармоқчи, худо билсин, эри қандай жонига текканини кўрсатмоқчи ва бу билан кўнглини ёзмоқчи эди.

Аммо Спантамаъно уни эсидан чиқариб юборганга ўхшайди, бу қилигидан хотинининг кўзларига ўш келди. Эрининг дилини оғритиш учун Заро чўрини чақирди ва кетгиси келмаса ҳам Оробаникига жўнаб кетди. У эшитиб, орқамдан югурсин деб ўймакор эшик тавақасини қарсиллатиб ёпди. Бироқ Спантамаъно кар ва кўр бўлиб қолгандай эди.

— У дайдиникига қайтиб борма,— деди дарғазаб отаси,— у сени адойи тамом қиласди. Олмосларини олсину кўзимга кўринмасин.

— Худо олсин унш!— хитоб қиласди Заро аччиқ йиглаб.

Иккаласи фирибгар Спантамаънони узоқ ва ҳам-

жиҳат бўлиб қаргашди, яхшиямки «фирибгар» пинг ўзи эшитмади, Сиёвуш авлодидан бутунлай халос бўлишга қатъий қарор қилиб, уйқуга ётишди.

Спантамаъно аламидан қарийб ярим кўза мусаллаени ичди. Яна кўза ҳақндаги қўшиқ эсига тушди. Лъяннати Ороба! Суғдиёнанинг энг йирик ҳукмдорларидан бирининг қўшини жуда қўл келарди. Вахшунварта билан Хориен ёрдам беради, албатта, аммо Ороба одамларисиз қўшши тўлмаган ўқондай гап. Эҳ! Вахшунварта билан Хориен етиб келсин, ким аҳмоқлигини Оробага кўрсатади!

— Вахшунвартадан чопар келди! — хабар берди Вараҳран. Қандакор кечаки Сиресхатадап қайтиб келган, энди Спантамаънодан нари жилмас эди.

— Тезроқ чорла! — Спантамаъно очилиб кетди. Нихоят! О, Вахшунварта, дўстим! У Спантамаънони кулфатда ташлаб кетармиди?

— Вахшунварта ҳадиянгни қабул қилмади, — деди улоқда чарчаган отдай ҳорғин, қовоғи солиқ чопар икки дона олмосни Спантамаънога узатар экан. — У сенга ёрдам беришдан бош тортди. «Спантамаънинг эси йўқ, — деди Вахшунварта. — Худонинг бандасидан қайси бири Искандарни енга олади? Хўжайинингга борнб айт: менга ўхшаб тоглар орасига яширнуб олсин, худо ёққан гулханга қараб тупурмасин».

«Ороба шундай деган эди, — эслади Спантамаъно. У шунчалик ҳаяжонга тушдики, овоз чиқариб ярим оғиз ҳам гапира олмади. — Э, худо! Ўқонимдан яна битта ўқ тушиб кетди. Энди ҳамма умид Хориендан».

— Хориендан чопар келди! — хабар қилди Вараҳран. Унга белангтан тегирмончидай йўл чангига ботган чопар қўйнидан икки дона марварид чиқарди.

— Хориен ёрдам беришдан бош тортди. У, мени кечир, сени аҳмоқ деди ва яна айтдики, тоққа яшириниб олсин, худонинг қўли билан ёқилган гулханга тупурмасин деди.

«Ороба ҳам шундай деган эди», — ўйлади Спантамаъно ва ўтирганларни ҳайратга солиб хохолаб кулди.

- Обгардан чопар келди!
- Наҳшобдан чопар келди!
- Ёркатдан чопар келди!
- Маймурғдан чопар келди!
- Биҳардан чопар келди!

Ҳамма рустаклардан -- Сүғдиёнанинг йирик мав-
зеларидан толиққаң чопарлар келар, ҳаммасининг
жавоби бир хилда эди -- саастарлар, ихшидлар, пат-
лар, афшинлар, хваблар ва бузургонлар деб баланд-
парвоз ном билан атаган кўчманчи жамоаларнинг оқ-
соқоллари македонларга қарши курашишдан бош
тортган эдилар. Уларнинг ҳаммаси Спантамаъни
«аҳмоқона фикридан» қайтишга ундашар ва худо-
нинг хоҳиши билан ёнган гулханни эслатишарди.

Сўнгги чопар келтирган хабарни ҳам эшигач, ит-
лар дара тошларига қисиб борган бўрндай ув тортиб
йиғлаб юборди. Унинг юзи хитой гилидан ясалган
чиннидай оқарив кетди. Жанговар болтасини қўлга,
олдп-да, ўнг ва чапга селпиганча хоналар бўйлаб
югурга бошлади. У нақшинкор эшиклар ва қизил да-
рактдан ясалган хонтахталарни чопиб, майдалаб таш-
лади. У бронза қурбонгоҳларини бузар, лойдаш ясал-
ган ҳайкалларни майдалар, қимматбаҳо чинни кўза-
ларни чил-чил қиласади. Юракни ўртаб юборувчи ўки-
рикдан бурчак-бурчакда нафасини ичга ютиб турган
қулларнинг кўzlари пақ косасидан ўйиаб чиқиб кет-
гудек эди. Сарой ичини алғов-далгов қилиб Спантамаъно
айвонга югуриб чиқди ва оқсоқоллар рад қил-
ган қимматбаҳо тошларни кўриб қолди. Сиёвуш ав-
лоди уларни ҳовузга тепиб юборди, болтани ҳам сув-
га отди-да, наматга ўзини ташлаб, аёлларга ўхшаб
хўнгиллаб йиғлай бошлади.

У узоқ йиғлаб ётди, сўнгра ухлаб қолди. Ярим ке-
чада совуқдан уйгониб кетди ва бир кўзача мусал-
ласни симириб юборди; гўё қўрқувдан сукутга чўм-
ган сарой хоналари бўйлаб гамгин овоз янгради:

— О-о-о! Кўзани ўртар ҳижрон... така-тум, тум-
так! Уч бўлак бўлди шу он... така-тум, тум-так!

У торайхон буталари орасига йиқилиб, хуррак
тортишга тушмагушича шундай қўшиқ айтиб, гуллар-
ни босиб-янчиб ҳовуз бўйида тентирайверди. Баро
уни ёш боладай кўтариб олди, айвонга олиб келиб
ётқизди ва иссиқ кўрпа билан ўраб қўйди. Вараҳран
Барони ҳовуз бўйига чақирди ва улар тоигга қадар
нима ҳақдадир пинчирлашишди. Эрталаб Вараҳран
ечинди, ҳовузга шўнгиди-да (хайрият, сув тиник
эди), унинг тубидан жавоҳирларни топиб чиқди.

Спантамаъно карахт бўлиб уйгонди ва дарҳол қў-
зага қўл чўзди. Аммо Баро юмшоқлик билан унинг
қўлинин қўзадан узоқлаштириди.

— Сенга нима, аҳмоқ? — қаҳр билан дүқ урди унга Сиёвуш авлоди.

— Ычиш керак эмас, жаноб,— меҳрибонлик билан гапга күндиримоқчи бўлди Баро.

— Керак эмас,— тақрорлади Вараҳран.

— Эсингиз жойидами? Бўлмаса нима «керак», бахтсиз тўнкалар? Бечора Спантамаънони ҳамма ташлаб кетди. Ҳатто хотиним ҳам қочиб кетди. Бутун Суғдиёнада ёппа-ёлғиз қолдим. Мен ичишдан бошқа яна нима қилишим керак?

— Ичиш керак эмас, уриш керак,— лўнда қилиб деди Вараҳран.

— Қимни?

— Искандарни.

— Ў! Қандай ботирсан-а! Қандай қилиб уриш керак? Бузургонлар мендан юз ўйирдилар. Биз даҳлар, панжакентликлар ва Навтакада Вахшунвартадан ажралиб қолган бақтрийлар билан бирга бор-йўғи мингтамиз. Бошқалар тарқалиб кетган. Юнонлар эса эллик минг киши. Бунинг устига Ороба ҳам уларга қўшилади. Улар бизни тумтарақай қилиб юборишади.

— Тумтарақай қилолмайди,— ётиroz билдириди Вараҳран.

— Нима учун?

— Чунки биз сен ўйлаганча оз эмасмиз.

— Демак, мен ҳисоблашни унтиб юборибманда,— заҳарханда кулди Спантамаъно,— айт-чи, до-нишманд, биз қанчамиз?

— Беш юз минг,— жиддий жавоб берди Вараҳран.

— Нима? Ҳа-ҳа-ҳа! Беш юз мингта нима? Маро-канд томларида юрган қарғаларми? Ёки Зарапшондаги бақаларми? Ё бўлмаса телпагингдаги бургала-ларми?

— Йўқ. Беш юз минг ҳунарманд ва деҳқон, қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи беш юз минг суғд.— Вараҳран ўрнидан турди.— Тўхтаб тур! Мен ҳозир...

Бир лаҳзадан кейин у соқоллари оппоқ икки чолни эргаштириб келди. Спантамаъно уларни таниди: бири — озгин, ҳаракатчан уста Фрада — Вараҳраннинг отаси, иккинчиси — бўйдор ва бақувват деҳқон Ману — Баронинг отаси, Навтакада Спантамаъно ёнига келиб, уларни Бесснинг одамларидан ҳимоя қилишни сўраган одам эдii. Қекса, минг қилса ҳам кекса, бойми, камбагалми, бари бир ҳурмат қилиш керак эди. Спантамаъно инқиллаб кўтарилди ва қў-

лини юраги устига қўйди. Фрада билан Ману мағрур таъзим қилиб, гиламга ўтиришди. Вараҳран отасига бош иргади:

— Гапириб беринг!

— Узоқ гапириб ўтирадиган ҳеч гап йўқ! — хитоб қилиди Фрада жаҳл билан.— Бу юоннлар қанақа қалоскор бўлди? Айтчи, жаноб ҳоким? Бизни сўнгги бор-будимиздан халос қилмоқдалар...

— Сен бузургонларга хат ёзиш билан банд бўлган пайтда, Марокандда қолган юоннлар сардори Гефестион ҳалқин талагани мавзеларга аскар жўнатди,— тушунтириди Вараҳран Сиёвуш авлодига.

— Шундайми?— ҳайрон бўлиб сўради Спантамаъно.

— Ҳа! — алам билан такрорлади Фрада.— Йўл бўйларида посбонлик жорнӣ қилдилар, йўловчиларнинг молларини тортиб олишмоқда. «Бож,— дейишиди,— бож!». Шундай деб хохолаб кулишади ер ютгурлар. Дарёдан сузиб ўтсанг, кема ҳақини бер. Кўпrikдан ўтсанг, ҳақини тўла. Бозорга кирадиган бўлсанг, ҳақини чўз. Бир нарса сотиб олсанг, бозор ҳақи тўла. Сотадиган бўлсанг, чўнтағингни кавла. Уйжойингни, даромадингни хатга олишса, ўндан бирини топшир. Яна ҳар бир кишидан жон ҳақи талаб қилишади, шу қадар усталик ва айёрлик билан талаш мумкинлиги сира хаёлимга келмаган эди.

— Мана,— Ману қўйнидан сопол парчасини чиқарди.— Омборни тозалаб кетишиди, бир дона дон тонолмайсан, эвазига мана шу сополни қолдиришди. Устига бир нима ёзишиди... Нималигини қайдан биламан? Нимага керак менга бу сопол. Еб бўлмаса. Юоннларнинг тангаси шунақа бўлса керак деб ўйладим, бозорда кўрсатсан ҳеч ким олмайди, ҳамма кулади. Эҳ, арвоҳ, Айшмага ем бўлгур.

У жаҳл билан сопол парчасини ҳовузга отди.

— Халқ безовта, жаноб ҳоким,— деди Вараҳран қатъият билан.— У ўзи учун курашишга тайёр! Аммо унга йўлбошчи керак. Даъват этсанг, эртагаёқ ҳузуришга минглаб мард одамлар келади.

— Таёқ билан қуролланган жасур одамлар! — деди Спантамаъно масхараомуз.— Уша жасур одамлар юоннларнинг узун найзаларини кўрган заҳоти жуфтакларини ростлаб қолишар.

— Оддий одамлар ҳақида ёмон ўйга борма,— қовоқ солиб деди Баро.— Оддий одамлар бузургонлар.

дан кам әмас, балки түзукроқдир. Бу гаплардан рап-жима, аммо... ҳали ўзинг күрасан — бузургонлар се-ни сотишиди, халқ эса хиёнат қилмайди.

— Халқ! — хитоб қилди Спантамаъно жазаваси тутиб.— У бизга қулоқ солади дейсанми? Ҳунарманд-лар табақа оқсоқолига бўйсунади, дехқонлар жамоа бузургонларига, бузургонлар бўлса...

— Бузургонлар! — жаҳлн чиқди Баронинг.— Бугун бузургон бўлса-ю, агар халқ продасига қарши борса, эртаға ҳеч ким бўлмай қолади. Улар хос аскарлари билан горларга бекиниб ётаверсин, уларсиз ҳам иши-миз битади.

— Агар ҳамманинг қўлинда таёқ әмас, қилич ва қалқон бўлишини истасанг, олмосларингни ўнгга ҳам, сўлга ҳам сочаверма; яхшиси, саклардан бронза со-тиб ол, ҳунармандлар қанча қилич керак бўлса, шун-ча ясад беради.

Варахран ҳовуздан олиб чиққан тошларни Спантамаънога узатди.

— Ҳм... — Спантамаъно кандакор ва дехқонга ҳайрон бўлиб қаради.— Сизлар мен ўйлаганчалик нодоп әмас экансизлар. Сизлар бу ишимиздан бир ни-ма чиқади деб ўйлайсизларми?

— Албатта чиқади! — хитоб қилди Варахран.

— Чиққанда қандоқ! — қўшиб қўйди Баро.

Спантамаъно ўрнидан сапчиб турди. Сен ҳеч ким-га керагим йўқ деб ўйлаганимдинг? Мана кўрдингки, керак экансан! Сен ўзингга ўзинг ёлғизман деб уқ-тирганимдинг? Мана кўрдингки, бошингга оғир кун тушганда ёнингда сени ташлаб кетмайдиган минглаб одамлар бор экан. Гўё суғд йигитнинг кўз олдини тўс-ган парда кўтарилигандай бўлди. У таянч излаган, аммо уни тополмаган эди, мана у, таянч! Мана, бир қўл силкиши билан тоғларни суриб, ағдариб, янчиб ташлайдиган куч!

— Хўш, нимага қараб ўтирибсизлар? — бақирди Спантамаъно.— Ҳокиму бузургонларни арвоҳ урсини! Халқни оёққа тургазнинглар!

Халқ оёққа турди ҳам. Минглаб кентлар Спантамаъно чақириғи билан ҳаракатга келди. Илон Дар-возадан Биҳаргача ва Биҳардан Нажшобгача гўё бир-бири билан хабарлашаётгандай, бутун Суғдёнга бўй-лаб ногоралар безовта ва зарб билан янграиди. Жа-

моя кенгашларида уруг оқсоқоллари билан оддий халқ ўртасида қизғинн тортишувлар бўлиб ўтарди. Бузургонларнинг дўйқ-пўпнисаларига қарамай, халқ ҳар эллик оиладан бир йигитни қуроллантирава Спантамаъно учуп қўй-эчки, фалла билан мой ажратиб беришарди. Сугдиёна йўллари бўйлаб тўда-тўда бўлиб биҳарлик ва наҳшобликлар, панжакентлик ва маймурғликлар келишарди. Баронинг отаси Ману Навтакадап юз дехқонни эргаштириб келди. У ўз одамларнини Вараҳранинг отаси Фрада ясад берган низзалар билап қуроллантириб, панжакентликлар бўлинмасига келиб қўшилди. Хилма-хил оломон Мароқанд атрофини ўраб олди ва юнонлар мустаҳкамлашиб олган уч минорали саройни қамал қилишга киришиди.

Спантамаънонинг на манжанақ, на замбараги бор эди. Сүгдлар ва даҳлар қийшиқ деворлардан пичоқ-қа таяниб, учига илмоқ боғланган арқонларга осилиб, минораларга шалоқ нарвоинларни қўйиб юқорига чиқишаар ва душман зарбасидан пастга қулардилар. Спантамаъно бронза келтириш учун сакларга одам жўнатган эди. Аммо улар қачон келишади? Жангчилар камон ўқлари учига ўткир суюклар боғлаб отишарди. Бундай ўқлар мис қалқонли македонларга, уларнинг қўлларидаги арзимас тилинган-шилингани жойларни ҳисобга олмаганда, зарар етказа олмасди. Бунинг устига ҳамма сүғд қилич билан муомала қилишини билавермас эди. Дехқонлар қуролга эмас, омочга суюги йўқ эди, уларни ҳарбий табақадан чиққан одамлар сингари уруш қоидаларига ўргатишмас эди. Аммо таёқ ишлатишга келганда улар билан ҳеч ким тенглашолмасди, агар бирор юнон гафлат босиб қўлларига тушиб қолса борми, на дубулгаси, на қалқони қутқара оларди, арпани туйгандай туйиб ташлашарди уни.

Македонлар бу ерда унча кўп эмасди, улар қайсарлик билан ҳамма томондан босиб келаётган сүгдлар ҳужумини қайтара олмасди. Уч минорадан бири маҳаллий халқ қўлига ўтди. Шунда македонлар қамалда қолганлар қиласидан ишга киришдилар: Ороба саройи ёнидан ўтиб, қамал қилувчиларга ёнбодан ҳужум қилишди. Узун низзаларнинг ўткир тифи билан қалқонсиз одамларин энчиллик билан санчиб, ўзлари зарар кўрмай, ўттизга яқин кишини ўлдириб, саройга қайтиб келишди. Агар Ороба македонлар

йўлини тўғсанда, уларнинг ҳоли хароб бўларди. Бироқ у бундай қилмади. Унинг тиш-тироғигача қуролланган минглаб одамлари девор устида туриб, бу қирғинни бемалол томоша қиласади.

Қамалнинг тўртинчи куни чўпонлар Спантамаъноға Илон дарвоза томонидан юононлар Марокандга қараб келаётгани ҳақида хабар қилишди. Демак, улар қамални ёриб чиқишибди. Спантамаъно газаб билан сўқинди. У жасур, аммо ёмон қуролланган, ҳарбий ишга ўргатилмаган сүфлар узун найзалар зарбасига бардош беролмаслигини биларди. Македонлар билан очиқ майдонда жанг қилиш керак эмас, скифасига пистирмалар ёрдами билан курашиш лозим. Спантамаъно қўшиниларига Зарафшоннинг ўнг қирғоғига чекиниш учун буйруқ берди.

— Лъяннати Ороба! — пўнгиллади Спантамаъно дарёга от солиб. — Қуёнюрак Хориен! Вахшунвартачи? Ўзини авлиё ҳисобласасда, у ҳам қўрқоқ, сотқин. Бу авлиёлардан ҳеч қачон ёруғлик чиқмаган, жаҳаннамга кетгурлар! Савлат тўкиб юришади, қорин солишади, қарашлари мағрур, сўзлари чиройли, ичлари эса... ичларига аблаҳ ўрнашиб олган. Эҳ, кошки ўша олижаноб башарангизни таёқ билан шудгорлаб ташласам!

— Мен Спантамаъно қўйга ўхшаган ҳафтафаҳм деб бекорга айтмаган эдим, — деди Ороба чекинаётгани сүфларни кўриб. — Искандарнинг қораси кўриниши билан бу жулдуровоқилар тўдаси думи остига мой суртилган эшакдай қочиб қолишдн.

Заро лабини тишлиди ва жим тураверди.

Марокандга Искандар эмас, Фарнуҳ кириб келди, подшо эса Яксартдан нарида тиграхауд саклари орқасидан қувиб юрган эди. Фарнуҳ бўлинмаси Киресхатага жанговар юриш бошлаш олдидан Марокандда қолдириб кетилган Гефестион бўлинмаси билан қўшилди ва Спантамаънони таъқиб қилишга тушди. У юзлаб пиёда сүфларни тутиб олишга муваффақ бўлди. Қолганлар эса Зарафшон бўйига ёйилиб кетган қалин чакалакзорга кириб яширинишига улгурди.

Ўтиб бўлмас буталар билан қопланган жазирама водий. Айиқнинг биқинидаги қалин жун сингари тип-па-тик ва эгри-буғри ёввойи буталар, гадир-будир, йўғон тераклар, узун илдизлари шағал ва майда тошлар орасига чўзилиб кетган юлғунлар, баҳайбат шум.

толлар, қайрағоч ва мажнунтоллар, жиіда, итбурун, олволи, қарағай, рұвак, ёввойи олча, дўлана, наъматақ, тут сингари пасту баланд, турли-туман дарахтлар аралаш-қурагаш бўлиб, ўрашиб-чирмашиб кетгап эдикки, бу тўқайзордан ҳатто йўлбарс ҳам ўта ол-мас эди.

Қилт этган шамол йўқ. Ҳамма нарса ҳаракатсиз қотиб қолгандай. Тўқайзор ҳатто яланғоч одамни ҳам қуюқ, ҳўл ва қиздирувчи ҳавоси билан босиб, нафасини қайтариб, терлатиб юборадиган каттакон ҳамомга ўхшайди.

Спантамаъно ўйноқи тулпорида тўқайзордан ўтиб бораракан, Барога масхараомуз деди:

— Мард йигитлар жуфтакни ростлаб қолншдими? Сен бўлсанг: «Юнонлардан ном-нишон ҳам қолдирмаймиз», деб мақтандан эдинг.

— Қурол бер!— деди бўғилиб Баро.— Урушишни ўргат бизга!

— Қурол,— тақрорлади Спантамаъно ва хаёл сурриб орқага қаради. Буталар чайқалиб, тўлганиб, қисирларди. Озиб кетган минглаб сүғдлар ўжарлик билан йўлбошли ортидан йўл очиб келмоқда. Ўзларини яхши тутмоқда бу жулдуровқилар!

Атрофдаги оддий ва очиқ кўнгил одамлар руҳининг тетикилиги Сиёвуш авлодини ҳаяжонга солди, юрагига умид бахш этди. Юнонлардан қочялмизми? Қочсак нима бўпти! Вақтн келиб улар биздан қочади.

— Эҳ форслар!— деди Спантамаъно, унинг овозида яхшилик аломати кўринмасди.— Агар сизлар бўлмаганингизда... мамлакат ўзини ҳимоя қилолмайдигап шу аҳволга тушиб қолармиди?

Спантамаъно лашкари аста-секин шимолга қараб бораради. Фаршуҳ қўшини ҳам имиллаб унинг изидан келарди. Ёввойилар чекинмоқда, қувиб етамиз ва ер билан яксон қиласмиз — ўйларди ликиялик. Қўшиннинг ҳамма жангчилари ҳам шуни ўйлаб бораради. Бостириб келаётган «скифлар»дан кўра чекинаётганларидан кўпроқ кўрқиши кераклиги ҳеч кимнинг эсига келмасди. Үтмиш сабоқлари унутилганди. Унуштиш одати эса ҳеч қачон яхшиликка олиб келган эмас.

Сүғдлар тоққа етгапда юқоридан учли намат қалпоқ кийган отлиқлар бўлинмаси улар томон тушиб кела бошлади. Бўйдор, паҳмоқ тулпорлар. Баланд бўйли, сочи ўсиқ одамлар. Уларни икки киши бош-

лаб келарди: бири новча, қотмадаи келгап, күзлари бургут күзларидай ўткир, оппоқ соқолли, бу — йўл-бошчи. Иккиси: семиз, хира күзлари қизаргап, юзлари шишинқираган, наша чекканидан ранги саргай-ган жангчи эса униш ўғли.

Ҳа, булар массагетлар, жазирама Қизилқум фарзандлари. Олти юз кўчманчин ва беш ярим минг сўгд бир-бирларини қувноқ хитоблар айтиб қутлашарди. Чол отидан тушди ва Спантамаъони қучди.

— Менинг отим Раҳмир,— деди массагет.— Бу менинг ўғлим Дейока. Мактубингни олдик. Бронза олиб келяпмиз.— У белида осилиб турган тўрвага қўлини тиқиб, иккита жавоҳир чиқарди.— Ма, қайтиб ол. Бусиз ҳам ёрдам берамиш. Тошлар учун эмас, қардошлик учун. Суғдлар билан массагетларининг қони бир. Форсларга қарши бирга курашган эдик, македонларга қарши ҳам бирга курашамиш.

Спантамаъонинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Сен, яхшилик тангриси Охурамазда юборган ёргулук фариштаси Сурушсан!

У яна чолни қулоқларкан, Раҳмир ўғли Дейока-нинг Варахран қўйнига тушаётган ёқутни қандай ҳирсли нигоҳла кузатиб қолганини пайқамади.

Массагетларда камон ўқи кўп. Ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетгани туфайли македонлар ҳарбий аслажаларини очиб қўйишган. Тогдан эсиб турган шабада тегсин учун баданларини очиб қўйишган. Қуёш нури учун ҳам. Массагет камон ўқлари учун ҳам. Массагетлар ўқи эса зое кетмайди.

Кўчманчилар келиб қўшилгач, Спантамаъно отини орқага бурди ва тўқайзорда дайдиб юрган македонларни ўраб олди. Қиргинбарон бошланди. Тўқай бўйлаб бепарво тарқалиб кетган кўп македонлар шу ерда ўлим топди. Фарнуҳ қўрқиб кетди. У бўлинмаларни кенг майдонга олиб чиқди, тўрт бурчак қилиб сафга тизди-да, Марокандга чекина бошлади.

Тогдан Политиметгача бўлган йўл жуда машақ-қатли. Кундузи жангчиларни беаёв Осиё қуёши ҳолдан тойдирарди. Тунда ботқоқлардан булутдай ёпирлидиган чивин чақиб чиқарди. Аммо-лекин ҳар бири Фарнуҳ жангчиларининг ўнтасига арзийдиган эпчил кўчманчиларнинг бронза ўқлари ундан баттароқ чақарди.

Фарнуҳ тўхтовсиз Политиметгача, ёки суғдлар Намиқми ёхуд Зарафшонми деб атайдиган дарёгача

қочиб борди ва фақат дарёдан ўтиб олгандан кейин-гина очиқ майдонда тұхтади. Фарнұх нима қилишга ҳайрон. Ү ҳарбий киши әмас, бу ерда эса жаңг олиб бориш санъатига моҳир одам керак. Ликиялик ёнига Койнос, Кратер, Карап ва бошқаларни чақириб, деди:

— Иш чатоқ. Еввойилар бостириб келишапты, менинг эса жаңг соҳасида ҳеч нарсаға ақым етмайди. Менин озод қилинглар. Янги лашкарбоши сайланглар, у пимани маъқул күрса шунни қылсии.

Ха, македоплар аниқ күриб турибдиларки, бечора ликиялик уруш соҳасида ҳеч нарса билмайди. Искандар, уни шундай катта бўлинмага лашкарбошиликка тайинлаб хато қилгаи. Аммо... агар Койнос, Кратер ва Карап бошқа лашкарбоши сайласалар бу билан Искандарни янгилишган деб ҳисоблаган бўладилар. Тангри Аммон ўғли эса камчилигини эслатганларни ёмон кўради. Бу орада Фарнұх билан македонлар ўртасида тортишув бошланиб кетди.

Иссиқдан толиқсан жангчилар тилларини итдай осилтириб чодир атрофида ўтиришар, лашкарбошлиар жаңжалига қулоқ солишарди. Баҳс Карапнинг — семиз ва оғиркарвон одамнинг жонига тегди. Дим чодирда нафаси қайтиб кетганидан таниқари чиқди. Бу ер ҳам ичкаридан қолишимасди. Қуёш чидаб бўлмас даражада қиздирмоқда. Карап соясига бекиниб жон сақлаш учун, яқин орада бутазор йўқмикан, дегандай атрофга алаинглади. Аммо чор-атроф тап-тақир, фақат офтобда қовжираб қолгаи гиёҳларнинг нозик пояларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бироқ дарёнинг нариги томонида баланд девордай ўрмон ва тол, тераклар остида қорайиб, ҳавасни келтириб турган салқинлик.

— Лаънати! — тўнғиллади Карап.— Қани энди у томонга ўтиб бўлса...

Шу пайт дарё шохобчасининг ўнг қирғогида пасг бўйли юнон пайдо бўлади, Кратернинг енгил отлиқларидан бўлса керак.

— Эй, сизлар,— қипқиради юнон тоғсимон мис қалиногини силкитиб,— нимага у ерда ётибсизлар? Бу ёққа келинглар. Бизнинг тўдамиз шу ерда. Ҳаммага жой етади.

У ионийлар лаъжасида гапиряпти, демак, ҳақиқатан ҳам афиналикларнинг бир қисми кирган Кратер бўлинмасида бўлиши керак. Юнон қўлларини сувга

чайди, юзларини ювди, эринчоқлик билан қирғоқ бўй-лаб ивирсиб юрди ва бутазорга кириб ғойиб бўлди. Сўнгра яна пайдо бўлди ва шовуллаб турган терак соясига ўтириб олди. Унинг роҳати олдида ким тоқат қилиб тура оларди. Қаран ўз бўлинмасига буюрди:

— Отларга мининг! Менинг ортимдан нариги қирғоққа.

Жангчиларга ёлворини ҳожати йўқ эди шу толпда. Ҳамма бир лаҳзада сакраб отига минди ва Қаранга эргашди. Бўлинма Политиметни кенг, шовқин солиб оқадиган еридан кечиб ўтди ва тўқайзорга тарқалиб кетди. Буни кўрган пиёдалар ҳаяжонга тушдилар. Жазирاما цу қадар ҳолдан тойдирганидан хавф-хатарни ҳам унудишиди. Бўлинма ортидан бўлинма сувдан кечиб ўтарди. Одамлар шохлари тарвақайлаб кетган дараҳтлар соясига шошилар ва намерга ҳорғин чўзилишар эди. Парокандалик. Ҳеч қандай тартиб йўқ.

— Иланг қани?— сўради Қаран ҳамон қирғоқда ўтирган юнондан.

— Анави қайрагоч остида,— деди юнон тўқайзор ичкарисидаги баҳайбат дараҳтни кўрсатиб.— Тутунни кўряпсанми? Агар истасанг, юр, борамиз. Биз бир кўзи тутиб олдик. Уни гулханда пиширяпмиз.

— Ў-ў!— Қаран қорни очганини энди ҳис қилди.— Яхши. Борамиз. Эй, Левкон, Перисад, орқамдан юринглар!

Қаран хос соқчилар ҳамроҳлигига тўқайзор ичкарисига йўл олди.

— Ким сизларнинг...— гап бошлади Қаран, лекин уларнинг иласи бошлиғи кимлигини сўрашга улгурмади. Бута орқасидан бошига калтак тушди. Қаран воҳ деганча бошини чангллади-ю, нам ерга қулади. Унинг устига ўқ еган Левкон йиқилди.

— Бу сизларга бранхидлар учун!— қичқирди кичкина юнон. Перисад унга узун найзасини санчди. Лаҳза ўтмаёқ унинг ўзига ҳам ханжар санчишди.

— Спитамен,— деб шивирлади кичкина юнон унинг устига эгилган сүфдга.— Улар дўстинг Палланти ни ўлдиришди...

Шундай дея Паллант юраги енгил тортиб жон берди. У қасос олган эди. Суғд, массагет ва даҳлар дарё кечиб ўтган македонлар устига ташланишди. Тўрт томондан ҳужум қилинди! Қўрқинчли манзара! Қонли ур калтак-сур калтак қилувчи одамлар тўда-

си. Ноғоралар жаранги. Үқ-әйлар. Ханжарлар жа-ранг-журунги. Зарба тушган қалқонларнинг тарақ-лашни ёрилган садоси. Гурсиллаб тушган оғир таёқ-лар. Яна үқ-әйлар. Үқ-әйлар. Қонга тўлган кўзлар. Фижирлаган тишлар. Даҳшатга тушганлар чинқири-ги. Массагетларнинг тантанавор қичқириқлари.

Фарнуҳнинг икки минг саккиз юз отлиқ ва пиёда-ларидан қирқта отлигу уч юз пиёда омон қолди. Ран-гиди қои қолмаган македонлар галаси бир амаллаб Марокандга етиб келди ва қалъа деворлари панасиға бекиниб олди.

Гефестион дарвозани ёпган заҳоти таъқиб қилиув-чилар болталари билан жаранглатиб ура бошлади-лар. Кўпчилик сүфдлар бошини македонларнинг кун-гурадор дубулгалари безаб турарди. Баъзиларининг қўлида душмандан олинган узун найзалар. Бошқа-ларда темир қиличлар. Айримлари ўлдирилган юнон-лардан ечиб олинган совутларни кийиб олишган эди. Кимга қилич ёки найза етмаган бўлса, у ҳеч бўлма-ганда қалқонга эга бўлганди. Сиёвуш авлоди Маро-кандин иккинчи марта қамал қилишга киришиди.

Эрталаб Спантамаъно чодирлараро санғиб юрган Датафарни учратди.

Форс гоҳ-гоҳ тўхтаб қолар, гапларга қулоқ солар, бош чайқар, оғзини очиб, ўйчанлик билан мўйлови-ни силар ва манзилгоҳни айланишида давом этарди.

— Нима гап, донишманд?— деди кулимсираб Спантамаъно.— Ҳалиям одам зотидан нафрат қилиш билан кўнгил ёзиб юрибсанми?

— Мен ноҳақманими?— деди Датафарн, аммо унинг овозида на бирнинчи марта баҳслашганларидаги зарда, на қатъий ишонч бор эди.

— Нимада сен ҳақсан?— деди жаҳл билан сүғд.

— Ҳамма нарса замирида ёвузлик ётади деган масалада. Мен каромат қўлганимдай сен Бессни йўл-дан олиб ташладинг. Энди Искандарни йўқотмоқчисан. Нима учун? Жавоби оддий: у сени еб қўймаслиги учун сен уни емоқчисан. Сен Искандарни йўқотиш ҳисобига хотиржамликка эришмоқчисан. Шундай эмасми?

Спантамаъононинг жаҳли чиқди. Бу чалажон одам, у, Сиёвуш авлоди бутун ҳаётининг мазмуни деб ўйла-ган курашни йиртқич ҳайвонларнинг бир бирини ға-жишига ўхшатиб турса...

— Донишманд!— Спантамаъно кўзлари чақнаб

кетди.— Ўтган сафар йўлбарс ва буқалар тўгрисида гапирган эдинг. Агар одам сенинг фикрингдан келиб чиқиб ҳаракат қиласиган бўлса, ё ўзини сўйиб ташлаши, ё итоат билан йўлбарс олдига бўйин эгиб бориши ва: «Оч қолдингми, бечора? Мени еб қўя қол»... демоги керак. Йўқ, донишманд! Ҳамонки дунёда икки хил ҳақиқат: йўлбарс ҳақиқати ва буқа ҳақиқати мавжуд экан, мен иккинчисини қабул қиласман. Менинг яшагни келади. У мени еб юбормаслиги учун мен унинг қорнини ёриб ташлайман. Бирорта ҳам йўлбарс қолмасин. Буқалар ўтлоқларда bemalol ўтлаб юрсин. Мана мен учун олий ҳақиқат. Эсингда тут: ҳақиқат менинг томонимда.

Суғд кескин бурилди ва нари кетди. Датафарн уни астойдил меҳр билан кузатиб қолди.

Фарнуҳнинг мағлубияти ҳақидаги ҳабар бир лаҳзада бутун шаҳарга ёйилди ва Ороба саройига ҳам ёриб кирди. Чол қўрқувдан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди.

Ўҳ! Шундай бўлишини наҳот билмагай бўлса? Сиёвуш авлоди юлонлардан голиб чиқади деб ким ҳам ўйладби? Наҳотки ҳаммаси тугаган бўлса?

Ўзини Спантамаънодан қутқариши керак. Қандай қилиб? Ороба эрталабга қадар ухлай олмади. Тонг отгач энг садоқатли одамларини ёнига чақирди ва уларни Искандар ҳузурига жўнатди.

Бири коҳин, бири чўпон, бири майдагар кинимини кийиб олган Ороба вакиллари гадой тоимас сўқмоқлар орқали Шарққа, Киресхатага қараб шошилиб йўлга чиқди.

Шундан кейин Ороба Мароканд бозорида сангиб юрадиган дайдиларни ўзи ҳузурига тўплади. Турли сабаблар билан ўз жамоаларидан ажralиб кетган оч-ялангоч одамлар доим бозорда ивиришиб юришар, беларвороқ сотувчиларни кузатишар, кўзларини шамғалат қилиб бирон нимани уриб кетишарди. Ороба ўттиз чоғли қовоғи солиқ гадо ва киссанур билан узоқ суҳбатлашди. Нима ҳақида гап борганини ҳатто Заро ҳам билмасди. Кечга яқин қорни тўйгаи, демоги чоғ дайдилар кумуш тангаларни жаранглатиб саройдан чиқдилар ва қўзғолончилар тўдасига аралашиб кетдилар. Улар гулханлар ёнига бориб ўтиришар ва эҳтиёт бўлиб баҳсларга қўшилишар эди. Кўкракларига уришар, қасам ичишарди. Йиглашар-

ди. Олазарак бўлиб аланглашарди... ва шивир-шивир қилишарди.

Бу Ороба ўйлаб қилган ишнинг бир томони, сирли томони эди. У бошқа томонининг ҳам чорасини кўрди. Аммо Искандар келиб улгурмасдан, Охурамзда асрасин, Спантамаъно Оробани бошидан жудо қилса-я? Вақтдан ютиш керак. Чол гўё ўзининг иожўя хатти-ҳаракатларидан пушаймон бўлиб, «азиз куёв»ига уч юз бош қўй совға қилди. Аммо Спантамаъно уларни олмай, қайтариб юборди. Ороба бе-зовталаниб, Заро ёнига келди.

Спантамаъно хотинини жонидан ортиқ севишини у яхши биларди. Шунингдек, қизи бу бебош одамни қаттиқ севишини ҳам биларди. Жанжаллашиб қолганларида кейин уч кун ўтмаёқ хотини Спантамаънодан хафалигини унуганди. Сиёвуш авлоди шу топда унга ҳали ҳам биринчи марта учрашган кундаги-дек чиройли, чаққон ва хушчақчақ бўлиб кўринмоқда эди. Хотин унинг қайноқ-қайноқ эркалашларини эслар, эри билан ўтказган тунларини қайта-қайта ҳаёлида жонлантирас ва аламидан озиб-тўзиб борарди.

Спантамаъно Марокандсан чиқиб кетаётганда хотин унинг қўшини орқасидан эргашишга оз қолгаиди. У македонларни шундай муваффақият билан тор-мор келтириб, яна шаҳар деворлари ёнида пайдо бўлганида, азиз ёстиқдошини шу қадар кўргиси келдики, ҳатто ҳўнграб йиглаб юборди. Агар отасидан қўрқмаганида ғурурини оёқ ости қилиб бўлса ҳам Заро эрининг олдига бош эгиб борган бўларди. Мана, отасининг ўзи унинг рўпарасида пайдо бўлди, кўзларидаги ифодадан отаси нима демоқчилигини қиз дарҳол фаҳмлади.

— Хўш, аҳволинг қалай?— сўради отаси бир дамлик иккиланишдан кейин.

— Тоқатим қолмади,— деди Заро кўкрагига муштаси билан уриб.— Манави ерим ўртаниб кетяпти.

— Согиндингми?— деди зўрга Ороба қуруқшаган лаблари билап. Заро терс ўгирилди ва юзини рўмоли билан бекитиб олди.

— Ҳа.

— Нимаям дердим,— ғўлдиради чол тиржайиб.— Хотин кишишининг эрини ташлаб кетиши яхши эмас. Сени ушлаб турганим йўқ, қайтиб боравер.

Заро чўрилар ва хос соқчилар қўршовида Спан-

тамаъно чодирига кириб келганда у гиламда ёнбошлаганча, севимли құшиғини ҳуштакда чалиб ётган эди.

Жувон ўзини қандай күтнб олишларини билмай, чодир остонасида тұхтаб қолди ва итоаткор күзларини эрига тикди. Спантамаъно шошилмай қаддини тиклади, икки-уч дақыла күзларига ишонмай қимирламай ўтиреди. Бу Заро-ку! У қоплондай сапчыб турди, тезлик билан хотини ёнига келиб тұхтади ва эши-тилар-әшитилмас пичирлади:

— Заро...

Спантамаънонинг кўксидаги қувонч тантанаси тўл-қинланиб — тўлқин ҳам гапми! — бўрон, тўфон, йўқ-йўқ, қуюн бўлиб қайнамоқда эди. У кўнглида кўпир-риб-тошаётган чексиз қувончини қандай ифода қилишини билмасди.

— Заро,— деб қичқирди Спантамаъно ва ўзини унудиб, сүғдча вазмину оҳиста ўйинга эмас, чаққон ва қувноқ хоразмликларнинг тезкору жўшқин рақсига тушиб кетди.

Спантамаъно ҳузурига Барони чақирди ва деди:

— Фалла тугаб қоляпти. Навтакага бориб, Оробанинг омборларини титкилаб кўр, бирор нарса бордир.

— Навтакага? — Баро ўзини орқага ташлади. Оғзи катта очилди. Қўллари дармонсизланиб, пастга тушди.— Нима учун Навтакага?

Спантамаънонинг бўйруғи бу алп қомат одамни хурсанд қилдими ёки ранжитдими — билиб бўлмасди. Эҳтимол Баро хотини билан рўй берган воқеадан кейин қадрдан жамоасига кўришишни истамаётгайдир.

— Нима учун Навтакага дейсанми? Бўлмаса қарега? У ерда сени танишади. Халқ ёрдам беради. Иложи бўлса янги бўлинма туз. Қорамол, эчки, қўй, қўлингга нима тушса олиб келавер. Беш кундан кейин сени шу ерда кутаман. Йўзга чиқ.

— Бўпти,— Баро ўриндан туриб, чодирдан чиқди.

Бир кундан кейин ўттиз отлиқ билан Навтакага этиб келди ва одатда оппоқ соқолли жамоа оқсоқоллари тўпланаадиган олес ибодатхонасига қараб йўл олди. Ўнинг келини юртдинларини бунча хурсанд қилади деб ўйламаган эди. Болалар шаҳар агрорекордларини бўйлаб югуриб, Баро келтани ҳажила ҳам-

мага хабар берншди. Халқ ҳар ёндан чопиб кела бошлади. Чол ва камширлар Барони ҳурмат билан қучишар, жамоадошлар бир-бирлари билан қондош-қариндош эдилар, шу сабабли Барони бири ўз ўғли, бири невараси, бири жияни, бири акаси ёки тогаси ҳисобларди.

— Бизнишг Баромиз! — дейишарди аёл ва өркалар.

— Қаранглар, қандай азамат бўлиб кетипти!

— Ҳозир у катта одам бўлиб кетган!

— Бўлмаса-чи! Спантамаънонинг дўсти-я.

— Лекин у мағрурланиб кетмабди, бизни унугиб юбормабди. Қараңг, худди илгаригидай хушмуомала.

Баро хиёлгаша жилмаярди. Нима бўлганда ҳам ўз кишиларинг орасида юриш яхши-да. Ибодатхона ҳовлисида меҳмонларга аталган қўйлар пишгунча Баро оқсоқолларни бостиргана чорлади-да, нима мақсадда келганлигини айтиб берди. Орага жимлик чўкди. Сўнгра оқсоқоллардан биридан садо чиқди:

— Ўзимизгаям қийин бўляпти. Фалла йўқ, хумлар бўм-бўш. Аммо... Спантамаънога кўмак беришимиз керак. Бошингни ҳам қилма, Баро, излаб кўрайлик, оз бўлса ҳам топиб берармиз. Тўғри гапирдимми, биродарлар?

— Ороба омборидаги фаллани тозалаб олиш кепрак?

— Ўзимиз ҳам йигамиз, чарвими, қўйруқ Ծими, пишлоқми, кимда нима бўлса.

— Тўғри! Янги ҳосил ўримига оз қолди, у-бу қилиб етамримиз.

— Ташвишланма, Баро, қуруқ қўл билан қайтмайсан!

— Яхши,— бош иргади Баро.

Зиёфатдан кейин Баро ёнига уч жангчини олиб хотини Мандананинг ота-онасиникига йўл олди. Форслар кўкрагини мурдор қилган хотининикига. Баро келганлиги ҳақидаги хабар ғариб кулбага ҳам етган эди. Мандана бўсағада турарди. Бир оғиз ган йўқ. Фақат шаҳло кўзлар алам билан Барога тикилган.

У отдан тушди. Жангчилар ўтиб кетишли. Улар Баронинг бошига тушган кулфатдан хабардор эди. Бу икки баҳтсиз одамга қараш уларга оғир эди. Мандана эрининг дикқат билан қараб турган нигоҳи остида ғужанак бўлиб қолган эди. У кечиримни қан-

дай қабул қиласа, ўлимни ҳам шундай кутишга тайёр эди.

Баро олға қадам ташлади. Ү оғир құлини оҳиста Майдана бошига қўйди ва уқувсизлик билан ушинг қора, майин сочларини силади.

УЗУН НАЙЗАДОРЛАР БОСҚИНИ

«Мана дүнә четидан сон-саноқсиз жонлар оёқла туриб, шимол мамлакати халқи келмоқда. Құлда камон өз наиза, Қаҳри қаттиқ үнинг, шафқат қылмайды! Үнинг обози деңгиздай ғүвиллайды, сенга қарши жаңг қилиш учун бир кишидай бўлиб сафланган, Сион қизи!. Да-лагага чиқма, нёлда юрма, чунки ҳамма ерда душман қиличи өз даҳшат...»

Иеремия, VI, 22—25

Қарийб бутун шаҳар қамал қилувчилар қўлига утди. Аммо қаср уларнинг барча ҳаракатларига қарамай мустаҳкам турарди. Тўғри, бу уичалик қўрқинчли эмас, Искандар ёрдамидан маҳрум бўлган македонлар эртами-кечми бари бир таслим бўлишила-ри мумкин эди. Қанчалик галати туолмасин, Спантамаъони чўчитадиган хавф... ўз қўшинлари томонидан туғилмоқда эди.

Спантамаъно бир куни тунда қўшинидан хабар олиб саройига қайтиб келди-да, хос соқчиларига эшикларга эҳтиёт бўлишини тошириб, хотинлар бўлимига — Заронинг ёнига йўл олди.

Ой тўлишган кечади. Жануб томонда, Илонюлдуз туркумida Миррих чарақларди. Катта, юм-юма-лоқ ва кўзни қамаштирадиган даражада шурга тўлдаган ой шундоққина дераза тепасида осилиб турганга ўхшарди. Унинг бегубор ва тиниқ шуъласинда ҳовлидаги тошлилар ялтиради, уй саҳни ва девордаги ёриқлар кундузгидай аниқ кўзга ташланиб турарди. Бурчак ва шифтлардаги аниқ тасвиrlаingan ҳандасавий тўрт бурчак, тўғри бурчак ва ясси ёйсимиш чизиқлар бирикмасини ҳосил қиласа эди. Бундай ёруғда ҳатто мураккаб оромий ёзувининг синиқ ҳарфларини ўқиса бўларди.

Енбошдаги узун айвондан ўтиб бораркан, у очиқ дераза олдида турғаш хинча аёл гавдасипи күриб қолди.

— Ким бу? — жиддий сұради Спантамаъно. Еңгиз, калта қилиб тикилған, белбоғли юпонча күйлак-ка тикилиб қарапкан, ҳайрон бўлиб сұради: — Сен-мисан, Эгина?

— Мен... — Қиз унга узоқ тикилди ва яна ёғоч ра-воқли очиқ деразага ўгирилди.

Спантамаъно Палланти эслади ва Эгинага раҳ-ми келиб, ичи ачишиб кетди.

— Аканга қайғурлапсанми? — деди у меҳрибонлик билан. Эгина титраб-қақшаб хўрсииди, аста-секин ва алам билан бош чайқади, бирдан бошини кўтариб, Спантамаънога шундай тикилдики, бундан унинг оғзи қақраб кетгандай бўлди.

— Бу ерда нима қилиб турибсан? — Спантамаъно оҳиста Эгинанинг елкасидан тутди ва унинг сесканиб тушганини аниқ ҳис қилди. — Кимни кутяпсан?

Қиз унга талишиди, аммо шу заҳоти ўзини қўлга олиб жим бўлиб қолди. Спантамаънонинг миясини ҳайрат ва хаёл шуъласи ёритиб юборди. Аммо у қизга бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган заҳоти Эгина кўча томонда аллақацайдай сояни кўриб жон-жаҳди билан қичқириб юборди ва яшии тезлигига бурилди-ю, Спантамаъно бўйнига осилиб олди. Унинг орқасида ингичка ва узун қамиш пояси совуқ ялтираб кетди. Қамиш ноянинг думи титраб турарди. Панжара орқасида, кўчапшиг нариғи бетида камон ушлаган қаандайдир одам қочишга тушди ва тор кўчада кўздан ғойиб бўлди.

— Баро! — қичқириди Спантамаъно. — Баро!..

Бир лаҳзада хос соқчилар тўдаси атрофии ўраб олди. Улар яқин атрофдаги ҳамма кўча ва тор кўчаларни алгов-далгов қилишиди, аммо қотил гойиб бўлгани эди. Спантамаъно Эгинани гиламга авайлаб ёт-қизди. Коҳин Алишгар ёй ўқини оҳиста суғуриб олди ва қонни тўхтатмоқчи бўлди, аммо бу фойда бермади.

— Унутма... сугд, мен сени севардим, — деди Эгина. У Спантамаънонинг қўлинин ўпди ва жон берди.

— Аттган! — Спантамаъно ёй ўқини майдада-майдада қилиб ташлади ва донг қотиб қолди.

«Унутма... сугд, мен сени севардим»... Қиз уни севар-кан! Бу ўқ унга мўлжалланган эди, қизга тегди, чунки қиз уни севган, шунинг учун ҳали эркак эркалаши ни-

малигини күрмагац, навқирон вужуди билан уни тұс-ди. Қизнинг күнгил қўйганини нега олдинроқ сезмади? Спантамаъно саройига кўчиб келгандан бери бир соат ҳам ярадор акасидан нари кетмади, фақат Паллантнинг ғами билан бандга ўхшарди. Баъзи-баъзида Спантамаъно ўзидага қизнинг сеҳрли, оташ нигоҳини сезиб қоларди. Ростини айтганда, Спантамаъно бу сирлн нигоҳнинг маъно ва аҳамиятини ўйладигац ҳолатда эмасди. Унга бир нарса таъсир қиласарди — қиз Спантамаънога қанчалик меҳр билан қараса, гўзал ва мағур Зарога нима учундир шунчалик нафрат билан қаради.

Паллант ҳалок бўлгандан кейин — Фарнуҳ аскарларини қўлга туширган пиистирма ҳақидаги ҳийлани у ўйлаб чиқарган эди — Эгина қайгадир йўқолган эди. Балки чўрилар орасига бекиниб, қийналиб, азоб чекиб Спантамаъно ҳақида ўйлагандир, лаънати худбин эса ҳеч нарсага эътибор бермаган. Эгинанинг ҳалокати ва ўлим олди сўзлари Спантамаънони ҳаяжонга согланган эди. О, ҳаёт! Нимасан ўзинг? Сен кимсан, инсон? Муҳаббат-чи, нима у? Мана, дунёда юрибсан, ёнингда кимдир юрибди, сенинг у билан мутлақо ишишг йўқ — эътибор бермайсан, балки худди шу одам сенга керакдир, умр бўйи шу одамни иzlаб юргандирсан...

-- Кўриб турибман, шу юони қиз учун қаттиқ ғам чекаётганингни,— газабини сочди унга Заро, хизматкорлар Эгина жасадини олиб кетгач.

У хотининг совуқ назар ташлади ва ғазаб билан кескин жавоб берди.

— Мен... одамга ачинаман. Тушунасанми?

Шу кундан бошлаб шаҳарда кўйгилсиз ҳодисалар юз бера бошлади. Биҳар, Ёркат ва Маймурғдан келгани, тўрт минг камон ҳисобланган бўлнималар кутилмагандага қамални тўхтатиб, Спантамаънодан ижозат ҳам олмасдан Мароканди ташлаб кетди. Йўлдан қайтариш учун улар ортидан борган Еаро, Варахран ва қоҳни Алингарни чавақлаб ташланиларига оз қолди. Шундай қилиб, учта энг йирик бўслимма аскарлари ўз кентларига тарқалиб кетди.

Хафа бўяған Спантамаъно биҳарлик, ёркатлик ва маймурғлик одамларнинг қўшинидан ажратиб кетиш сабабини ўйлаб бем қоткирб юрганинг даҳлариниг кўпичлани ҳам қамал қилинин тўхтатиб, ишқор атрофидаги аҳолини талон-ијроқ қилинига тушниб кетди.

Наҳшобликлар бекор туришарди. Ҳунармандлар Ва-рахранинг отаси Фрадага бўйсунмай қўйишида ва Раҳмир массагетлари келтирган броизадан қурол-яроғ ясашдан бош тортишди. Обгарликлар шаҳар атрофида тўда-тўда бўлиб шовқин солиб юришар, ҳеч кимни писанд қилмай қўйишган эди. Бақтрияликлар йўлга ҳозирланмоқда эди. Қўчаларда шовқин-сурон шунчалик авжига чиққан, гўё эртага қиёмат-қойим бўлиши кутилаётганга ўхшарди. Қўшин кўз ўнгидаги пароканда бўлаётган эди. Фақатгина панжакентликлар, Ману бошлиқ юз киши, Раҳмир массагетлари ис-теҳкомни ўққа тутишда давом этарди.

— Билингларчи, қайси иблис бу одамларнинг бо-шини айлантирибди,— буюрди Спантамаъно хос соқ-чиларига.

Баро, Вараҳран ва Алингар ҳаяжонга тушган ва эртадан-кечгача баҳслашаётган жангчиларни узоқ вақт оралаб юриб, нохуш хабар келтиришди. Қўшинларни қаҳр-ғазаб, итоатсиэлик ва жанжал маъбудаси Айшма бузмоқда. Кимдир бўҳтон ва иғвони ишга солган. Фисқ-фасодчи, хунасан даргоҳ ялмоғиз кам-пирлар, қовоқбosh, ҳасис, ҳасадгўй ва сотқин савдо-гарвачалар, бойўғлидай бахтсиэлик келтириб сай-ровчи бутпарастлар, ўзлари учунгина яшовчи, ўзга-лар учун бирорта ҳам яхши иш қилмаган жирканч одамлар тўдаси мана қандай пайтда ўзининг мараз босиб, сасиб кетган ифлос уясидан судралиб чиқди. Спантамаъно кўзларида порлаган шуъла уларга тинчлик бермас, ҳаддан ташқари дарғазаб қиласади, у кун сари яшнаб, очилиб борар, уларнинг нақадар арзимас, ақли паст ва маънавий ожизлигини ёритиб, бўрттириб кўрсатиб тургандай бўлаверарди. Ниҳоят уларга қандай пайтда адватларини намоён қи-лиш имкони туғилди, ўз разилликларини Зардуштий динининг жарангдор оятлари билан ниқоблаб қўёш сиймо Сиёвуш авлодини бадном қилиш, маънан за-ҳарлаш учун на вақтлари, на кучларини аяшди. Ҳатто Спантамаъно ёмонлик қилмаган, ҳеч қачон ёмонлик қилиши мумкин бўлмаган кишилар ҳам лойқа иғво ариғига ўз ифлос сувларини ҳузурланиб тўкишар, чунки худо бу одамларга қараганда Спантамаъ-нога кўпроқ берган эди. Ҳатто нуроний чоллар — турмуш тажрибаси ақлини пишифтган кексалар ҳам аҳмоқлик қилаётган ёлғончилардан ғазаб билан юз ўгириш ўрнига жирканч тиржайишдан ўзларипи тия

олмасдилар. Ҳирииг-ҳириинг кулиш мумкин бўлганда нега ҳиринглашмас экан? Айшманнинг қудрати шунака ўзи.

— Кимдир сен ҳақинингда хунук миш-мишлар тарқатмоқда,— деди Вараҳран ғамгин.

— Хунук гаплар?— ҳайрон бўлди Спантамаъно.— Хўш, нималар дейишяпти?

— Ҳар хил гаплар...— кандакор кўзини олиб қочди.— Айтишга тил бормайди.

— Очиқ айтавер!

— Сен қабиҳ одам эмишсан, Бессни юоннларга бизни форслардан ҳалос қилиш учун өмас, унинг бойликларини эгаллаб олиш учун тутиб берисан. Айтишяптики, шунинг учун сенда қимматли тошлар шунча кўп эмиш.

— Шундайми?

— Айтишяптики, сен жинни эмишсан, хотинингни соchlарини юлиб олган эмишсан, шунинг учун сени ташлаб кетган эмиш.

— Шундайми?

— Эртадан-кечгача наша чекиб, Охурамаздан сўkkанинг-сўккан эмиш. Айтишяптики, сен Аҳраманга сотилгани эмишсан, шунинг учун қора дев болалири, ҳалол зардуштийларнинг душмани бўлган массагетлар сенга ёрдам бераётган эмиш.

— Шундайми?

— Сен ўтакетган бузуқ эмишсан, ишонтириб айтишяптики, Марокандда эри уйида йўқ пайтда сен тегмаган бирорта ҳам аёл қолмаган эмиш.

— Шундайми?

— Айтишяптики, сен болаларни ёмон кўрар эмишсан, кўзингга кўрининг заҳоти уларни ўлдирап эмишсан. Яна айтишяптики, ўз отангни ҳам, онангни ҳам, биринчи хотинингни ҳам ўзинг ўлдирган эмишсан. Тағин айтишяптики, сен ҳеч қандай Сиёвшу авлоди эмасмишсан, сен одам зотидан эмас, бир кўзли тоғ девидан бунёд бўлганмишсан, шунинг учун сен Сугдиёна подшоси бўлишга лойиқ эмасмийсан, акс ҳолда бу ер сенинг ифлос қардошларинг яшайдиган жойга айланниб қолармиш.

— Шундайми?

— Аммо энг даҳшатлиси шундаки,— деди Баро,— сени ҳалқ бахти-саодати учун эмас, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб исён кўтарди деб таъкидлашяпти. Агар

тахтга уни ўтқизсак, бизнинг бор-будимизни форслардан багттар шилиб олади, дейншяпти:

— Шундайми?

Спантамаъно тўғрисида илгари ҳам бўлмағур гапсўзлар юрарди. У бемаъни миш-мишларга кўнишиб кетган, кўп ҳам парво қилавермас эди. Баъзан эса Сиёвуш авлодининг ажойиб-гаройиб ишлари ҳақида гаплар уни ҳатто хурсайд қиласади. Аммо бундай қабиҳ бўғтонни ҳали ҳеч қачон эшитмаган эди.

Бессининг хазипасими? Спантамаъно македонлар қамал қилган Тир шаҳри кўчаларидан бирида қимматли тошлар солинган халтани тасодифан топиб олган эди. Уни бирон финикиялик бой тушириб қолдирган бўлса керак. Бутун шаҳар ловиллаб ёнар, девор ва миноралар қулаб тушар, уйларнинг томлари босиб қолар, туну кун тепадан юнон палахмону сопқонларн ўқ ёғдирар, агар бу дўзах талатўпи ичидан кимдир ўз хазинасини йўқотган бўлса, буннинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ.

Заронинг соchlарини юлиб олибдими? У ой туғса ҳам, кун туғса ҳам Зарога демасмиди, ахир? Бўлиши мумкин эмас! Наша чекадими? Ҳеч қачон, у туғилгандан бери ҳеч қачон чилимни оғзинга олган эмас! Узгаларнинг хотинига кўз олайтирадими? Э, худо! Ундай қиласман деса қиз камми? Болаларни ёмон кўрарканми? Эҳ, қизн Отана билсайди! Отасини ўлдирибдими? Уни форслар ўлдирган-ку! Опаси-чи? Спантамаъно уни кафтида кўтариб юрарди. Биринчи хотиними? У шамоллашдан ўлган. Бир кўэли тоғ девига келганди эса, бу аҳмоқона валдирашдан бошқа парса эмас.

— Одамлар ишонишяптими? -- пицирлади у.

— Бирор ишонади, бирор ишонмайди.

— Сизлар-чи... ишопасизларми?

Вараҳран бош эгиб, ўйланиб қолди. Баро қовоғини ўйнаб, ўзини зўрлаб бўлса ҳам қатъий деди:

— Отанг, биринчи хотининг, болалар, чекишинг ва бошқа гапларнинг бари ёлғон. Биз сени биламиз-ку. Аммо... сен ийма учун исён кўтардинг? Бизнинг қўлимиз билан тахтни эгаллашга интилаётганинг, тахтга ўтиргандан кейин бизни хўрламоқчи бўлганинг тўгрими?

— Кимни?

— Мени, Вараҳрани. Халқни.

— Сен билан Вараҳран — халқми?

-- Бўлмаса-чи? Биз — халқмиз. Минглаб Варахран ва минглаб Баролар. Тўғрисини гапир, Спантамаъно, биз билан сенинг тақдиримиз ҳал бўладиган кун келди. Агар халққа қарши ёмон ниятда иш бошлаган бўлсанг, халқ сени ташлаб кетади.

Спантамаъно ҳайрон бўлиб Бароға қаради. Но-дон эмас экан бу содда навтакалик. Унинг ҳар бир ҳаракатидан Спантамаънода бўлмаган бир қудрат ёрилиб турарди. Агар шу топда уни ҳисбга олмоқчи бўлсалар, Сиёвуш авлодининг ҳатто пичоғини суғиришга ҳам кучи етмас эди.

«Халқ...» Спантамаъно илгари бу сўз устида ўйлаб кўрмаган эди. Коҳинлар бор эди. Жангчилар, савдогарлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чўпонлар бор эди. У ҳаммасига бефарқ қаради, чунки ўз ташвиши бошидан ошиб ётарди.

Аммо сүғд ҳаёт сўқмоғидан ичкарилаб боргани сари бої-бот минглаб турли-туман одамларга дуч келмоқда. У бундай учрашувларни истамасди. Халқнинг ўзи уни топиб оларди. Бузургонлар Сиёвуш авлодидан юз ўғирганда, халқ уни ўз йўлбошчиси қилди. Ҳозир ҳам унинг омади ўзини халқ деган мағрур ном билан атовчи ҷарчаган ва кийим-кечаги бир ҳолатдаги одамларга боғлиқ. Халқ уни тезоб тўлқинлар устидаги омонат қайиқдай елкасида кўтариб бормоқда, агар шу асов тўлқинлар устидан қуласа борми, сувга тушган тошдай чўқади-кетади. У бугун шунга амин бўлди. Халқ Спантамаънодан юз ўғирган заҳоти Сиёвуш авлоди арзимас нарсага айланади-қолади.

Спантамаъно муштини зўр бериб пешонасига ишиқади. Бошида фикрлар чувалди, гардан сирқиради — ахир Сиёвушнинг ёш авлодига бунақа мураккаб нарсалар ҳақида бош қотиришга тўғри келмаган эдиди. У халқдан ажралиб қолса куни битишини қалби билан эмас, ақли билан тушуниб турарди. Спантамаъно одатда оғир дамларда бўлганндай бир қадаҳ мусалласни симириб юборди, бу одати ҳақиқатда унинг ахлоқсизлик майлига айланиш хавфинп тутғдириши мумкинга ўхшарди. Аммо иғвогар бу ҳақда гап тарқатмади, унугтан ёки хабари бўлмаган, иғвоиниг ўзига хос хусусиятини шундан ҳам кўрса бўлади.

— Нима десам экан? — чуқур ва оғир хўрсинди Спантамаъно. — Тўғрисини айтаман: уёқда, Навтакада Бессга қарши курашганимда, мен халқ ҳақида ўйлаган эмасман. Спантамаъно подшо бўлишини истар-

ди. Сизлар Бессни юоннларга тутиб беришга мени мажбур қилғанларингдан кейин, ҳа, Баро сенинг отанг шундай қилишга мени мажбур қилған эди — мен сизларни яқинроқдан күрдим. Сизларга юрагимда ҳурмат пайдо бўлди... Аммо у пайтда мен подшо бўлгандан кейин сизлар билан қандай муносабатда бўлишим устида бош қотирганим йўқ эди. Мен Сугдиёнани душмандан озод қилиш орзусида эдим. Шундан бошқа нарса хаёлимда йўқ эди. Нима десам экан?— Спантамаъно яна хўрсинди. Мен ҳокимман. Ўз табақамдан ажралишим жуда оғир. Ўз насл-насабимни севаман. Аммо Сугдиёнани — сизнинг ва менинг оталаримиз ватанини, бир тилда сўзлашадиган, бир хил қўшиқларни куйлайдиган ва бир хил кийим киядиган одамлар ватанини упдан ҳам кўпроқ севаман. Шунинг учуп... (Спантамаъно ўйга толди, узоқ жим қолди, сўнгра иккиланишни енгиб, бир қарорга келди.) Шунинг учун мен ким Сугдиёнани озод қилиш учун курашаётган бўлса, шулар тарафидаман. Ҳоким ва бузургонлар бизнинг ишимизга хиёнат қилдилар. (Сиёвуш авлодининг овози дадиллашди.) Улар менинг душманимга айландилар. Сизлар менга ёрдам беряпсизлар. (Спантамаъно чеҳраси ёришди.) Сизлар менинг қардошим бўлиб қолдинглар. Халқиз бир қадам ҳам юролмаслигимни кўриб турибман. Менинг ноним — сизнинг нонингиз. Менинг сувим — сизники. Маъбуда Анахита номи билан қасамёд қиласманки (Спантамаъно ўринидап турди ва сопол сапамни тантанали равишда боши узра кўтарди), ҳеч қачон халқ ишига хиёнат қилмайман!

У ўнг қўли сингин шимарди, ханжарини сувурдида, у билан билагини тилди. Варахран тантана билан тутган қадаҳга қирмизи қон томчилари томди. Сўнгра Варахран билан Баро ҳам билакларини тилди. Спантамаъно дуо ўқиб, қадаҳни мусаллас билан тўлдирди. Ўчатасан павзатмажабат уни ичди. Сўнгра тутунгани ака-указлар қучоқлагандилар ва саройдан Халқ томони чиқандар.

Спантамаъно номи тукумчали поктанди.

Аммо сокт ғтии эди. Оғобга ўз инини қитроғди. Олларини гоми русла тарзданб кетди. Спантамаъно шар оғирсанли чонар жўнатди. Аммо эй инсан! Мен кимсансан! — оғирса кесинча устидарга сима, и. Йеримнор қўйинчалири Кирсанхстандан ташкиб, шартнишиг ўзигига келасанни таштум бўлади.

Спантамаъно отлиқ ва пиёдалар юзбошилари кенгашини чақирди. Гал узоқ чўзилмади. Мароканд остонасида Искандар билан жанг қилиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Майдонда македонлар оз сонли ва яхши қуролланмаган сугдларни янчиб ташлайди. Қенгашиб Намиқ дарёси ортига чекинишга ва ўтиб бўлмас тўқайзорда душманга пистирма қўйишга қарор қилди. Бўлинмалар ўрнашган жойларидан олиниб, шаҳардан тезлик билан дарё ортига жўнай бошлидилар.

— Оробанинг олдига кириб, хайрлашиб чиқамиз,— деди Спантамаъно биродари Варахранга,— ирвони шу тарқатган, мен кесиб ташлашдан аввал унинг разил тилини бир кўрмоқчиман.

Улар массагетлар тўдаси билан Ороба саройига бостириб кирдилар. Аммо ифлос чол қасосдан қўрқиб эрта тонгдаёқ қочиб кетган эди. Массагетлар қўрқиб кетган хизматкорларни тарқатиб юбориб, сотқиннинг маконига ўт қўйдилар. Кун жуда иссиқ эди, деворнинг қуруқ ёғоч қисми ловиллаб ёна бошлиди.

Спантамаъно хотини ёнига борди ва аччиқ киноя билан деди:

— Марокандда қолсангмикин? Қийин бўлади. Бу нафис кийимларинг бутазорда тез тўзиб кетади. Хўп, деявер!

У, шубҳасиз, Заро билан ажралишни истамас эди. Аммо унга бўлган муҳаббатини Заро разил одамининг қизи бўлганлиги ҳақидаги ўй заҳарларди. Ким билсин, зимдан заرار етказиш учун уни исенчилар қароргоҳига балки отаси юборгандир? Спантамаъно ўзиннинг ноҳақлигини ҳис қиласди. Аммо ҳақорат қилинган иззатталаб одам кимдан шубҳа қилмайди?

Заро отасиннинг қилмишларидан бехабар, шу сабабли эрининг ҳолатини англай олмасди. Нима учун унга қолишни таклиф қиляпти? Нима учун унинг кўзларидаги меҳр тез-тез қаҳрга айланиб туради? Наҳот Спантамаъно ўз Заросидан совиган бўлса? Хотин нима қиласини билмай йиғлаб юборди.

Бу Спантамаънога таъсир қилди, шошилиб уни багрига олди ва ўпа бошлиди, сўнгра авайлаб отига миндирди — чунки тўқайзордан арава юра олмасди. Кун ботишга яқин панжакентликлар, дахлар ва Рахмир массагетлари қуршовида келаётган Спантамаъно ва унинг хотини Зарабашондан кечиб ўтиб, чакалакзорга кириб олишди.

Оробадан Фарнүх төр-мор қилингандык ҳақидағи хабарни олган Искандар қаттық газабға келди.

У Искандария-Эсхатада йирик бир бўлинма қолдириб, гетайраларнинг ярмини, қалқондорларнинг ҳаммасини, балакр, агриан, икки қанот енгил ўқчиларини ўзи билан бирга олиб, уч кунда бир минг беш юз стадий йўл босиб, тўрттинчи кунн тонготарда қўрқувдан даҳшатга тушган Мароканд девори остига етиб келди.

Подшо пойтахтда узоқ турмади. Қочишга улгурмаган шаҳар аҳолисини қатл қилиб, бечора Фарнүхи қаттық жазолади ва баҳти кулган Оробага мөҳрибончлик кўрсатгач, тангри Аммон ўғли Спантамаъно изига тушди.

Узун Найдадорлар македон қўшинининг энг яхши қисмини сүғдлар қириб ташлаган жойга етиб келдилар. Искандар ҳалок бўлғандарни наридан-бери кўмидирди ва фикру зикрини Спантамаъно қўшинини тошиш, ўраб олиш ва йўқ қилишга қаратди.

Сүғд ва массагетлар тўқайзорнинг инсон қадами етмайдиган жойнга ўрнашиб олган, уларга етиб олиш мушкил эди. Агар бирор етиб борса ҳам, ўша қалин тўқайлар ичида қолиб кетарди. Узун Найдадорлар ҳамма ерда пистирмага дуч келарди.

Искандар Политимет бўйлаб зир югурад, ўз почорлиги уни ақлдан оздираётган эди. Отлиқ гетайралар ва пиёда камончилар фаланглари бу ерда иш берга олмасди. Енгил пиёдаларга ҳам бошини буришнинг иложи йўқ. Сүғдлар дарёнинг у томонида экан, уларга зарар етказиб бўлмайди. Олов иш бериши мумкин, олов!

Тангри Аммон ўғли енгил пинёданинг тўрт бўлинмасига ўсиқ ўтлар орасидан кўзга кўрнімай айланниб ўтиб, тўқайзорга шарқ ва шимол томондан ўт қўйиши буюорди. Чакалакзор гуриллаб ёна бошлиди. Шу пайт тоғдан шамол әсиб қолди ва кенг кўлам бўйлаб баҳайбат гулхан кўтарилди.

Куруқ майсалар гуриллаб ёнарди. Қамишлар чирсилларди. Нозик мажнунтолларнинг шохлари алантада чирсиллаб синарди. Теракларнинг ширадор барглари буралиб-буралиб куярди. Олтинсимон-қизғиши раңгли думи узун тустовуқлар буталар остидан гала-гала бўлиб югуриб чиқар ва қанотларини қарсиллашиб, қўёш нурида сарғайиб товланаётган қуюқ тутун орасида гойиб бўларди. Йиртқичлар сўқмоғида даҳ-

шатга тушган чиябўрилар югуриб ўтарди. Хушбичим оҳулар ёнғиндан салмоқли қадам ташлаб қочмоқда, дарё ирмоқлари соҳилига йўл-йўл йўлбарс ва ола-чипор қоплонлар ўқирганча югуриб чиқарди. Ёввойи тұнғизлар тұдаси туёғи ва қозиқ тиши билан дуч келгап ҳамма нарсани бузиб-янчиб ўтарди. Қўп ўтмай дарё бўйи ҳайбатли олов кўлига айланди ва тутуп орқасида қуёш кўринмай қолди.

Спантамаъно қаерда ахир? Нима учун у ловиллаб ёнаётган тўқайзордан македонлар истиқболига чиқмайди? Наҳотки Искандардан шунчалик қўрқиб, ёниб кетишини афзал кўрса? Йўқ, исенкорлар қиргокда кўрина бошлади. Аччиқ тутундан нафаслари қайтган эди. Қийимлари ёнмоқда. Қурумдан юзлари қорайган. Улар газабдан бақириб-чақиришарди. Қўллари ханжар дастасида эди.

Зарба! Кечув жойини қўриқлаб турган енгил писдалар бўлинмаси йўқ қилинди. Зарба! Қалқондорлар бўлинмаси эзиб-янчилди ва тўзғитиб юборилди. Зарба! Гоплитлар эс-ҳушини йўқотиб қўйган одамлар ҳужумига бардош беролмай қочмоқда... Тезроқ шимолигарб томонга! Яна тўқайзорга кетиш керак. Яна дарёни кечиб ўтилади. Ўнг қирғоқ бўйлаб то Қизилқумгача. У ёги чўл, чўлда эса халос бўлиш мумкин.

Сиёвуш авлоди бу жангда икки минг аскарини йўқотди, улар орасида энг содиқ сафдошлари Вараҳран ва Баронинг оталари Фрада билан Ману ҳам бор эди. Спантамаъно панжакентлик юз жантчига Зарони топшириди ва уларни олға жўнатди, ўзи эса Узун Найзадорлар ҳамласини тўхтатмоқ учун массагетлар билан орқада қолди. Отасининг ўлими туфайли чуқур қайғуга чўмган Вараҳран ҳунармандларни бошлаб Спантамаъононинг ўнг томонида, замгин Баро эса деҳқонларни бошлаб чап томонида бораарди.

Душманнинг енгил отлиқлар бўлинмаси чекинаётган исенкорларга янги кечув жойида етиб олди. Спантамаъно пиистирма қўйди. Македонлар таваккал қилиб боришдан чўчиди ва Искандар билан гетайраларни кутиб тўхтади. Улар бир жойда тўхтаб турганда Вараҳран билан Баро Намиқдан кечиб ўтди, Спантамаъно билан Раҳмир эса билинтирмай македонларни ўраб олди ва аскарларнинг ярмини қириб ташлади. Қолганлари дуч келган томонга қараб қочди. Душманнинг ўзи билан ўзи овора бўлиб қолга-

нидан фойдаланган Спантамаъно тезлик билан ши-
моли-ғарбга қараб йўлга тушди.

Қисқа тўқнашувдан хабардор бўлган Искандар гетайраларни бирпас дам олдирди ва сўнгра бор кучи билан Спантамаъно изидан қувди. У Спантамаъони Қизилқум чегарасида қувиб етди ва ҳамма томондан йўлини тўсиб олди.

— Биродарлар, Искандар йўлни тўсиб қўйдн,— деди Спантамаъно сүфлар, дахлар, бақтрийлар ва массагетларга,— ҳаётингиз қўлингиздаги қиличин-гизда. Жанг қиласиз, пешонада борини кўрамиз!

Жанг бошланиб кетди. Спантамаъно олисдан македоннинг бурама қўй шохи қадалган дубулғасини кўрди.

— Салом, Искандар!— шижаот билан қичқирди сүфд камон ипини торта туриб.— Бу сенга мендан совға!

Искандар қичқириб юборди. Бронза учли ўқ македоннинг ўнг қўлининг елкадан пастроига теккан эди. Птолемайос Лаг тезлик билан ўқни суғуриб олди ва ярасини боғламоқчи бўлган эди, бироқ ғазабланиб кетган тангри Аммон ўғли учига жун шокила боғланган узун найзани қаттиқ қисганча Спантамаъно устига от қўйди. Худди шу пайт Баро унга қараб оғир ойболтасини селпиди. Фердикка қалқонини тутиб зарбани четга буриб юборди... Ойболта қийша-йиб бориб Искандарнинг дубулғасига тегди ва ўнг шохини учириб юборди. Искандарнинг шокилали пайзаси эса Спантамаъно ўрнига массагет Раҳмирга санчилди.

Раҳмир ҳалок бўлди. Яна уч минг сүғд қурбон берилди. Даҳлар, бақтрийлар ва массагетлардан ҳам кўн одам ўлди. Спантамаъно тўрт юз массагет, ўттиз чоғли даҳ ва бақтрийларни бошилаб қамалини ёриб чиқди ва чўлла кўздан гойиб бўлди. Якка қўрғон ортида жангда қатнашмаган паникентликлар билан бирлашиди ва йўлини давом эттириди.

Спантамаъно йигитлари душманни ҷалгиши учун кўчманчилар сўймоқларида от чонтириб узоқ кезиб юрди ва фаяғ кечкурун норийдан узоқдаги чўпса ку-дуқлари олган тухланди. Отлердан тушилди. Ва-рамран битти Баро Заррини лейлаб отдан туширишиди. Ў бир кадам кўйи-жиграб юборди. Ўнда кузаниб борағинларини саҳа-жат қўллари суйб козматанди, шу заҳоти йиқиниб туварди. Ўзи анигигида

от чоптириб юриш юмшоқ гилам устида роҳатланишга қўникиб кетган аёлни толиқтириб қўйган эди.

Массагетлар отларини сугориб бўлгунча панжакентликлар Спантамаънога чодир тиккішди. Гулханлар ловиллади. Қудуқ атрофини маизилгоҳ қилиб олган чўпонлардан харид килинган қўйларининг гўшти гулханларда жизиллай бошлади.

Спантамаъно ишдамай Зарога тикиларди. Эгнидаги кийиммининг дабдаласи чиқибди. Юзлари чангдан қорайиб кетибди. Оғриқдан оппоқ, бир текис тишларини қисганча зўрға хуржун олдига етиб келди-ю, ундан кумуш ойнани олиб, ўзига қаради ва «вой-бўй» деб юборди...

Вараҳран қуруқ қумга тўшалган намат устига бронза идишда куйиб чала пишган гўшт келтириб қўйди. Заро бир бурда гўшт олдиди, оғзига келтирди, лекин жирканиш очликдан устунлик қилди. Хотин қўлидаги гўштни тушириб юбориб, кигизга ўзини ташлади ва йиғлаб юборди.

— Марокандда қол, деган эдим сенга,— рамгин пицирлади Спантамаъно, хотинининг қалин, аммо чанг босган соchlарини силар экан.

— Кетайлик!— хитоб қилди Заро Спантамаънонинг бўйнидан қучоқлаб.

— Қаерга?

— Марокандга. Мени бу ерда ваҳм босяпти. Массагетларникида бизга нима бор, ўйлаб кўр! Қум. Гулхан тутуни. Қўпол одамлар. Кетайлик! Ўз ихтиёрииг билан Искандарга таслим бўлсанг, у сенга қеч нарса қилмайди...

— Эҳ!— хўрсиниб қўйди Спантамаъно.— Нега бу нақасан? Яххиси дамингни ол. Эрталаб яна йўлга чиқамиз.

Заро ўрнида Эгина бўлганда, қўзёши қилмаган ва уйга қайтамиз, демаган бўларди, деб қўнглидан ўтказди у.

Саҳро. Мавҳумот олами бошланадиган чегарапи босиб ўтишга Искандарининг юраги дов бермади.

Саҳро узоқ-узоқларга чўзилиб кетган. Самарасиз бепоён кенгликлар ичкарисида Искандарни нима кутмоқда? Тоқат қилиб бўлмас даражадаги жазира, қум бўронлари, алдамчи рўёлар. Шамол эсиб, жазирама қовжиратиб, қумтепалар узра ахмоқона сочиб ташлаган бута шохлари. Үрмалаган заҳарли илонлар —

кўлвор илон ва унинг беўхшов, аммо хавфли синглиси ўқилон, узуп, аммо маккор кўзойнакли илон ва заҳарли илонлар ичидаги даҳшатлиси кичкина, кўз илғамас симилонларниң ўткир тишлари. Эгри-бугри, палид маҳлукларниң йиринг ранглиси — чаёнларниң нишлари, бундан ҳам жирканчроқ паҳмоқ оёқли қорақуртлар ва номи кетган ганглар. Бу палид жонзотлардан дуч келганини таёқ билан бир уриб ўлдириш мумкин. Бу жонзотлардан дуч келгани бир чақишида одамни ўлдириши ҳам мумкин. Саҳро Искандарга таҳдидли тикиларди, шунда тангри Аммон ўғли отили орқага бурди.

Подшо Суғдиёна билан Қизилқум саҳросини ажратиб турувчи тоғ чизмасиниг давоми бўлган теналиклардан бирининг чўққисида тўхтади. Рўпарада бошқа тоглар қорайиб турибди, атрофда чапдан ўнг томонга кетгаш Политимет водийси ястаниб ётибди. У аллақаерда узоқ-узоқлардан, шарқ томондаги яқин бориб бўлмас чўққилардан бошланиб, Биҳардан нарида қайлардадир йўқолиб кетади. Суғдиёна. Олтин Дарё водийси. Тўйпа-тўғри олинган сойлар қўёшда ярқирайди. Яхлит-яхлит боғлар кўзга ташланади. Тептекис майдонлар ястаниб ётибди. Узоқлардан кентярнинг миноралари кўришиб турибди.

Тангри Аммон ўғли шу кичкиша мамлакатга ҳайрон бўлиб назар солади. У дунёning ярмини босиб олди, аммо ҳеч қаерда суғдлар сингари бўйсунмас қабила билан тўқнашмаган эди. Буюк шаҳарларниң деворлари қулади. Қудратли давлатлар пойдевори яксон бўлди. Миллиоплаб одамларниң ҳукмдорлари тангри Аммон ўғли олдида бош эгдилар. Аммо бозинги бурнш қийин бўлган шу торгина водийда яшовчи оч-ялонғоч осиёликлар тўдаси... шу ҷоққача бирор марта маглубият нималигини билмаган машҳур саркардага қаршилик кўрсатмоқда ва кучли зарбалар бермоқда.

Булар қанақа одам? Нима ҳақида ўйлашади? Нималарни билишади? Уларниң мақсади нима? Уларниң юраклари пимадан ясалгани экан?

Бир вақтлар Арасту ёш подшога деган эди: «Жоҳил ҳалқлар ва қуллар бир-бирига ўхшаш тушунча, улар учун қул бўлиш ҳам фойдали, ҳам адолатлидир». Искандар ҳар бир осиёлик қиёфасида қулни кўрарди. У бир парсани — қулниң яхши ишлашини хоҳларди.

Шундай замонлар келдики, у қул ҳисоблаб юрган одамлар подшо қаршисида бор бўйлари билан намоён бўлдилар. Улар ҳайиқмай унинг кўзига тик қарамоқдалар. Тангри Аммон ўғли эса улар кўзидағи ифодани тушунмай ҳайрон. Эҳромлар ўлкасидағи Сфинклар унга шундай қараган эди.

Халқнинг сирли нигоҳи Искандарни ҳайратга солди. Илгари ҳам унга қўрқув туйғусини ҳис қилишга тўғри келган эди. Уз давлати тақдиридан қўрқарди. Уз жангчилари тақдири учун хавотирланарди. Уз режаларининг тақдиридан қўрқарди. Аммо умрида биринчи марта оддий одам сифатида қўрқмоқда эди!

Искандар титраб кетди. У давлатни унуди. Дунёга ҳукмронлик қилишни эсдан чиқариб юборди. Энди унинг қулоқларида Қабуралик коҳиннинг қўшиғи жарангламай қўйди. Тангри ғойиб бўлди, ғарип одам — ҳамма қатори битта боши, икки оёғи ва икки қўли бор, худди томоғига осиёликлар пичоғи қадалгандай титраб-қақшаб турган оддий одам қолди. Зарафшон водийси — Даҳшат Водийсига айланди. Искандар юрагига таҳлика тушди. Энди у ҳеч қачон ўзи ҳозир тушиб кетгани илоҳий юксакликка парвоз қила олмаслигини англади. Ўзгалар учун тангри Аммон ўғли бўлиб қолаверади. Аммо шу кундан бошлаб умрининг сўнгги кунига қадар ўзи учун Пелладан чиққан оддий македониялик бўлиб қолади.

Искандар вужудига буюклик учқунини янгитдан алангалишишга беҳуда тиришар эди. У қайта ёпмайдиган бўлиб сўнганди, халқа қарши қаҳр-ғазаб қамраб олди вужудини. Шундай экан, Олтии Дарё водииси осиёликларининг ўzlари учун ҳам Даҳшат Водийси бўлиб қолсан.

— О, ўлим маъбудаси Кера! — хириллаб қўллари ни олдинга чўзди македон.— Мен бу ўлкани ўлимга гирифтор қиласман.

Узу Найзадорлар бўлинмаси тўё уч ирмоқ бўлиб Зарафшон водийсига қўйилди.

— Вайрон қилинг!

— Ўт кўйинг!

— Зўрланг!

— Ўлдиринг!

Искандаринг бубрутин шундай. Муни Найзадорлар қишлоқларга ҳамма қизнишали, қамал кураларини ўрнатишади ва иортчочин мушаклар, уч тирсан кетадиган темир ўқлар, кўргонини зўядир ва камон ўғла-

ри ёмғирдай ёғилиб, девор устидаги соқчи ва ҳимоячиларни супуриб ташлайди. Сүнгра манжанақ билан дарвозани бузиб шаҳарга ёриб киришади ва енг шимариб дуч келган одамни — оппоқ соқолли чолми, мункиллаб, тўкилай деб қолган кампирми, иккиқат аёлми, хушбичим йигитми, яшнаб турган қизми, норасида гўдакми — сўйиб ташлайверишиади.

Узун Найзадорлар аҳолини қириб бўлгач, молхоналарни очиб, туя, от, эшак, сигир, эчки ва қўйларни ташқарига ҳайдаб чиқишади. Шундан кейин уйларни тинтиб, кийим-бош, пойабзал, идиш-товоқларпи олиб, гиламларни судраб чиқишади, гуруч, бугдой, арпа, тарик, мусаллас ва ёғ солинган катта-ката хумларни ташибдилар. Буларнинг ҳаммасини шуерда тортиб олинган моллар устига ортадилар. Ҳаммаёни шип-шийдам қилган Узун Найзадорлар қишлоққа ҳар тарафдан ўт қўйиб, навбатдаги деҳга йўл оладилар.

Ортда буралиб-буралиб тутун кўтарилади, аммо ҳеч ким унга қайрилиб қарамайди. Узун Найзадорлар йўл-йўлакай экинзорларни поймол қиласидилар, боғларни кесиб ташлайдилар, тўfonларни бузадилар, тошқин сув апҳор қирғоқларини емириб, майдонларни босиб кетади.

- Вайрон қилинг!
- Ут қўйинг!
- Зўрланг!
- Ўлдиринг!

Македонлар вайрон қилмоқда, ўт қўймоқда, зўрламоқда, ўлдиromoқда. Суғдиёна Мароканддан то Биҳаргача ўтда ёнаётир, қотиб қолган қондан Узун Найзадорларнинг қўллари қорайган. Уларнинг юзларига ёнгинлар тутуни сингиб кетган. Қон ҳидидан уларининг кўнгли айнийди, тун бўйи даҳшатли тушлар азоблайди, аммо улар бари бир ўлдираверади, ўлдираверади, чунки Искандар шундай буйруқ берган.

- Вайрон қилинг!
- Ут қўйинг!
- Зўрланг!
- Ўлдиринг!

— Йўқ!— қичқиради Феаген ва найзасини синдириб ташлайди.— Мен қассоб эмасман, жангчиман,— дейди марафонлик ўз бошлиги Кратерга,— бегуноҳ болаларни ўлдириш жангчининг иши эмас.

— Үз калланға ачишмайсанми? — ҳайрон бўлади Кратер.

— Истаганингизни қилинг! — жавоб беради Феаген.— Аммо мен Искандар учун ортиқ урушишни хоҳламайман!

Бўлди, Феаген тамом. У Пирей билан Афинна кўчаларида ион излаб, дайдиб юрган ўша совуқ кунни хотирлади. Ўша куни у Эригийнинг ёлланма бўлинимаснга келиб қўшилган эди. Қанча замонлар илгари бўлган эди-я бу воҳеа! Ўша лаънати куни унинг ўлиб кетгани яхши эди. Шунча йил бегона мамлакатларда саргардон бўлиб юрмаган бўларди. Етар! У касал. Уни қон заҳарлади. Кундан-кун юрагида ғазаб тўпланиб борарди. Шафқатсиз ғазаб. Мана, ниҳоят у қирғогидан ошиб кетди. Жазодан қўрқадиганлар тоқат қилаверсин. Феаген қўрқиш туйғусини йўқотди. Ўзига ёмон. Майли, нима бўлса бўлар! Етар шунча қилгани. Афсуски, Ирина билан ўғли Мариладни ҳеч қачон кўра олмайди. Аммо энди бирор нарса тўгрисида пушаймон қилиш вақти ўтди...

Уни тутиб олиб, подшо олдига судраб кетишиди Э-ҳа, бу ашави Гавгамели жангига олдидаш подшо ҳақида бемаъни фикр билдирган абллаҳ эмасми? Ҳа, бу ўша Киресхата остонасидағи кенгашда Искандарнинг тинкасии қуритган ярамас-ку. Мана, қандай вақтда сени жазолаш пайти келди! Эй, Певкест! Певкест пайдо бўлади, кекирдаги кесилган Феаген тупроққа йиқилади. Феаген деган марафонлик одам ўз ҳаёт йўлини шундай тугатди.

Биҳар ҳам қулади. Узун Найзадорлар борган сари олға — Политимет жазирама қўмлар орасида қуриб қоладиган жойгача ҳаракат қилишаверди.

Суғдиёна ортда қолди. Бир юз йигирма минг ўлдирилган сугд орқада қолди. Олтин Дарё водийсини энди ким таний олади? У баҳор фаслидагидай ямъяшил, ёз шайтидагидай зангори, куз чоғидагидай олтиин ранг, қишиш вақтидагидай оппоқ эмас, то уфққа етгунча у тундай қоп-қора. Ер қалин гилам сингари кул билан қопланган. У ер-бу ерда қирқиб ташлашган дарахт ташлари сўлпайиб турибди. Фақатгина дарё ва унинг ирмоқлари ўрмалаётган илондай танга тўлқинларини хира ялтиратиб текислик бўйлаб оқиб турибди.

Ҳеч ерда на одам ва на қуш кўринади. Бу — сроости маъбути — Аид даргоҳи. Даҳшат Водийси.

УЧИНЧИ КИТОБ ҚОПЛОН ОВДА ҚИЗИЛҚУМДА

Массагетларнинг бир қисми төгларда, бошқа бир қисми текисликда жашади, учинчи қисми дарә ҳосил қилган ботқоқликда, түртнинчи қисми шу ботқоқликлардаги оролларда ҳаёт кечиради, дейдилар. Улар фақат қүёйни тангри деб тан оладилар ва от сўйлиб қурбонлик қиласидилар.

Страбон: XI, I, 6—7

Клитарх сўзи:

«Бўронлар ҳокими Арктур юлдузи чарақлаб чиқадиган ой келганилиги ва кузининг совуқ кунлари бошланганилиги учун тангри Аммон ўғли Александр қишини жанубда ўтказишга қарор қиласди. У Марокандда Певколай қўл остида ҳаммаси бўлиб уч минг пиёда аскар қолдириб, Бақтрага йўл олди, қўзғолончилар тақдирга тан берган, исёнчи Спитаменнинг эса изи ўчган, шунинг учун подшо янги ғалаёнлар бўлишидан хавотир қиласди.

Бақтрада бизни қувончли хабар кутмоқда эди: Эллададан Неарх йўлбошлигидан ёлланган юношлардан иборат катта қўшин ёрдамга етиб келган эди. Бу Қиресхата юришида толиқкан жангчилар руҳини мустаҳкамлади.

Жасоратли Александрнинг порлоқ ғалабалари узоқ-узоқдаги ҳокимларнинг юракларини унга мояйил қиласди. Понт Эвксиния денгизининг нариги томонида яшовчи скифларнинг вакиллари қимматбаҳо совғалар келтириди ва тангри Аммон ўғлига ҳарбий ёрдам иттифоқи ҳамда гўзал маликанинг қўлини таклиф қиласди. Бақтрага Хоразм ҳукмдори Фаразман ҳам ташриф буюрди. У билан бирга бир ярим минг отлиқ ҳам келган эди. Фаразман, унинг мамлакати суворий аёллар ва колхийлар мамлакати билан чегарадошлиги ҳақида сўзлади ва агар Александр улар

билин жанг қилмоқчи бўлса, озиқ-овқат ҳамда йўл кўрсатувчилар билан ёрдамлашишга ваъда берди. Жаҳон ҳукмдори скиф ва хоразмликларни катта совғалар билан сийлади ва Ҳиндистон юришидан кейин уларнинг тақлифини қабул қиласагини билдири.

Кўп ўтмай Бақтрада атоқли оқсоқоллар кенгаши бўлди. Доро Қодомоннинг ўлими учун қариндоши Бесс ўлим жазосига ҳукм қилинди. Унинг бурни, қулоқларининг учи кесиб ташланди, кейин бошини олиб, танасини қиймалашди. Шу кенгашда Александр маҳаллий вилоятларни идора қилиш учун янги ҳукмдорлар тайинлади. Уларга ҳам форс ҳоқимларига берилгандай ҳуқуқ берилди, лекин танга зарб қилиш ва ёлланма қўшин сақлаш ман этилди.

Бизга шунчалик қимматга тушган беқиёс Суғдиё нага Ороба ҳоқим бўлди...».

Кўчманчилар баҳтига қарши бу йил қиши жуда эрта тушди. Зулмат ўлкаси томондан туну кун шамол эсар, унинг кескин шиддатида кўз илгамас муз кенгликларининг ачиқ нафаси сезилиб турарди. Сўнгра шунчалик кўп қор ёғдики, ҳатто қари массагетлар ҳам бундай қорни кўрмаган эди.

Кўчманчи массагетнинг тўқ ва фаровонлиги ҳайвонлари билан боғлиқ. Мол-ҳоллар қишин-ёзин яйловдаги ўт билан боқилади. Қишида отлар қор тепаларни сидириб, сийраклашиб қолган ўтлар устини очади — уларнинг озуқаси шугина холос. Улар ортидан туялар, қорамоллар, қўй-эчклилар ўтади. Бу ҳол баҳоргача, қор эриб, қуёш ҳароратидан уйғонган тупроқ усти лола ва ширалти майса ёпинчиғи билан қоплангунча давом этади.

Аммо бу қотиб қолган қор қатламини, шу йил қишида саҳро кийиб олган бу жараангдор муз қалқончи ҳатто отлар туёғи ҳам теша олмади.

Илгари қиши совуқ келгандага кўчманчилар жанубга, Окс ортига, Мурғоб томонга, ҳатто қор ёрмайдиган Гиркан тарафларга кўниб кетишарди. Аммо ҳозир жануб йўли кесиб тўйнаган. Гиркан дентизидан тортиб Бақтра га Ким китаганин бўлати ҳаммадарларни юонилар босиб олди. Ҳамма сўнгуниларни уларнинг сокчилари ишчандай ҳоринтийди. Ишчарнига учта кўчманчи уруғ Олдериканни ўзига таъсида урнишиб кўрди, бироқ уларни ишчандай тўхумларни

Мол-ҳоллари тортиб олинди, одамларини эса қулликка сотиб юбориши. Шундан кейин ҳеч ким олис күчувларга журъат қилолмади. Мабодо айланма йўллар билан Мурғобга етиб борган тақдирларида ҳам уларни у ерда нима кутаётиби? Македонлар. Ҳа, ҳамма ерда македонлар. Очлик. Туялар ўркачи кичрайиб борарди. Отлар бронзадай қаттиқ, яланғоч саксовул шохларини гажишар, ўз тезакларини чайнашар, бир-бирларининг думларини узиб олишар эди. Сигирлар ўларди. Қўй-эчклилар музламоқда эди. Одамлар уларнинг гўштини ейишар, қанча мол баҳоргача сақланиб қолиши ҳақида алам билан ўйлашарди.

Озиб, ранги заъфарон бўлиб, соқол-мўйлови ўсиб кетган Спантамаъно чордана қуриб, пахмоқ пўстинига ўраниб чодирдағи гулхан ёнида ўтирас, кўриниши ҳозиргина зиндандан озод қилингандан одамга ўхшар эди.

Гоҳ ловиллаб тепага ўрлаётган, гоҳ ҳар ён тўлғанаётган аланга суғдга Зарафшён ёқасидаги тўқайзорда бўлган ёнғинни эслатади, ўшанда Спантамаъно буталар орасида ҳалок бўлишига сал қолган эди.

Унинг кўз ўнгидаги яна бир ўзи кўрмаган, аммо такрор-такрор эшитган ёнғин — Олтин Дарё водийсиги Даҳшат Водийсига айлантирган ёнғин жонланарди.

Нима учун у ўшанда Дейока бўлинмаси сртидан эргашди? У Суғдиёнада бўлгандаги эди, Искандар бу қадар бебошлиқ қилмасди. Шуниси ҳам борки, Спантамаъно юздан ортиқ панжакентлик, бақтрий ва дахлар билан ўн минглаб аскари бўлган юонларга қарши нима қила оларди? Бекорга қирилиб кетарди, холос. Бир марта Искандардан қочиб қутулди. Аммо иккинчи марта ҳам қутулиб қолармикн? Искандар қўшинининг ярми қирилиб кетса ҳамки нотиш Сиёвуш авлодидан қутулишга ҳаракат қиласи Демак, Дейока билан бекиниб Спантамаъно яхши қилибди.

Яхши қилибди? Суғдиёна нима бўлади? Суғдиёнасиз у, Спантамаъно ким? Массагетлар орасида, Мароканддан узоқда бехавотир яшаяпти, аммо мақсади, шунча йиллар жон куйдириб интилган мақсади узоқларда қолди-ку.

Фикрлар турли рангда товланивчи тутун сингари Спантамаъно миясидачувалашарди. Бундан унинг кўз олди хиралашиб, боши оғирлашиб кетарди, ни-

мадир кечаш күпдүз ичида, юраги олдида бетиним ина қыларди. Сабр қосаси түлиб кетган Спантамаъно бир неча марта Дейокани чақириб, юриш бошлаш учун одам бер, леб талаб қилди. Аммо массагет ҳар сафар қисқа ва лўнда қилиб «Қиши...» деб жавоб берарди. Ростдан ҳам, қишида бош кўтаришдан нима фойда? Спантамаънога мусаллас ичиш ёки шашқол ўйнаш билан күпларни қисқартиришга тўгри келарди. Баҳор! Эҳ, лаънаги қачон келасан?..

Эшик пардаси кенг очилди. Чодирга этни жуңжиктирадиган шамол ёпирилиб кирди. Шуъла телбалалиб чайқалди, йирик-йирик учқунлар тўдаси юқори ўрлади. Дейока кириб келди. У эшик пардасини яхшилаб бекитди да, Спантамаънога бош иргади. Гулхан ёнига чўқкалаб, совуқдаш қизариб кетган қўлларни оловга тутди. Намат қалинганинг туширилган қулоқлари энгаги остидан боғланган эди. Нўистини ёқаси кўтарилиган. Мўйловидаги қиров эримоқда эди.

— Ишлар қандай?— Дейока Сиёвуш авлодига хушюмадкорона жилмайди.— Совуқ эмасми? Утии борми? Гўшт етиб турибдими? Агар етмаётган бўлса, айтаман, олиб келишади.

— Ташаккур сенга,— қуруққина жавоб берди Спантамаъно.— Ҳаммаси етарли.

У Дейокага тикилди. Массагет қизарган, олазарак кўзларни олиб қочди. Дейока ҳалок бўлган отасининг бутунлай акси. Раҳмир тўғри сўз, бегараз одам эди. Саҳройилар ҳали бой ва камбагалга ажралмаган, уругнииг ҳар бир аъзоси умумий меҳнат маҳсулини тенг баҳам кўрадиган замонлардаги одатлардан кўплари унда сақланиб қолган эди. Дейока эса ўзинииг беҳисоб подалари билан бетўхтов мақтанар, Хоразм шоҳи Фаразманинг бойликлари ҳақида ҳасад билан ганирар эди. Бир куни эҳтиёт бўлиб Бесс ҳақида, гўё унинг қимматбаҳо жавоҳир солинган тўрвасини кимдир ўғирлагани ҳақида Спантамаънога гап очиб қолди.

Бу бефаҳм одам ўз хатти-ҳаракати, гап-сўзлари, олазарак қарашлари билан Оробани эслатар, Спантамаъно шунинг учун Дейокани бир кўришдаёқ ёмон кўриб қолган эди. Аммо сугд тоқат қилишга мажбур эди. Фақатгина Раҳмир хотирасининг ҳурмати учун эмас. Ахир бошқа бирор әмас, шу Дейока унга бош-

пана берган, уй-жойсиз Сиёвуш авлодили багрига олган эди-да.

— Вой! Бутунлай эсимдан чиқибди.— Дейока құл силтади ва гулханнинг нариги томонида ўтирган Зарога мулойим табассум қилди.— Хоразмлик савдо-гарларни күрган эдим. Айтишларича, Искандар отанғы Суғдиёнага ҳожим қилиб тайинлабди.

Заро астагина вой деб юборди. Спантамаъно бир сапчиб түшди ва юзинг қамчи теккандағы афти бужмайди. Дейока кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди ва эшик пардасини кўтарди.

— Хўп, мен кетдим. Керак бўлсан, чақирапсизлар.

У ғойиб бўлди. Аммо унинг кўланкаси гўё чодирда, у келтирган хабарни турли маэмунда тушушган иккни кишига ҳамон түшиб тургандай эди.

— Спана!— Заро ўрнидан турди ва эрига яқинлашди. У массагет аёлларнинг одатдаги қишки кийими — мўйна лозим ва мўйна камзулда эди. Яқиндагина шу хотин Суғдиёнанинг энт таниқли гўзали ҳисобланганига энди ҳеч ким ишонмасди. У ўзининг ҳашаматли лиbosларини ташлашга мажбур бўлди — чупки улар бу ҳолдан тойдирадиган жазирама иссиқ ёки жондаи ўтиб кетадиган аччиқ шамоллар эсадиган, тиканили ўтлар, заҳарли буталар ўсадиган, қум бўрошлири эсадиган ўлқада унга халақит берарди, холос. Энди у сочларини муаттар қиладиган қирмизи мой билан эмас, қатиқ билан юварди, шунинг учун илгариги кўрки ва муаттарлигини йўқотган эди. Аччиқ тутундап кўзлари ёшланарди. Юз терисига қимки гулхан қурумлари сингиб қолган. Кирдан ва соvuқ сувдан қўллари дагаллашиб кетганди.

— Нима дейсан?— соvuққина сўради Спантамаъпо. Навтакадалик пайтларида кўз илгамас ҳолда бўлган дарз улар орасидаги жарликка айланиб, борган сари кенгайиб бораарди. Зарода муҳаббатдан бирор учқун қолганими, йўқми, буни айтиш қийин. Унинг туйгуси хотин кишини одатдагидай эри ва хўжайининг боғлаб қўядиган ҳиссиятга айланиб қолган деса тўгрироқ бўлар. Аммо ташқарида ув тортаётган шамол таъсирида бу илиқ шабнам ҳам аста-аста соvuқ, муз эўлдирига айланмоқда эди. Спантамаъно-чи? Унинг ишлари яхши юришса хотинининг кўзларида шуъла пайдо бўлишига, агар аҳволи ёмонлашса ўша шуъла хираллашиб қолаётганига ишонч ҳосил қилди.

Бу кашфиёт магур Сиёвуш авлодининг иззат-нафси-ни ҳақоратлар эди. Спантамаъно Заронинг ундан оладиган ноз-неъматларни эмас, ёлғиз ўзини қандай бўлса шундайлигича севишини истарди. Эр-хотин бот-бот қовоқ солишар, бир-бири билан камдан-кам гаплашар эди.

— Қулоқ сол, Спантал!— У эрига қарамай гапи-рарди.— Биламан, гапларим сенга ёқмайди. Лекин... майли! Бари бир айтаман! Ҳаммаси жонимга тегди. Саҳро ҳам. Исқирт массагетлар ҳам, йиртиқ-ямоқ ҷодир, куйган гўшт ҳам... Ҳаммаси! Заро бунақа ҳа-ётга ўрганганд эмас. У аввалги ҳаётни истайди... ўёқдаги... саройдаги.

— Ҳим...— Сиёвуш авлоди кулимсиради.— Спантамаъно ҳам жонингга теккандир?

— Сен эмас — қайсарлигинг. Буёққа қара! Заро қандай бўлиб қолди? Менга ачинмайсанми?

— Сен ҳам буёққа қара!— қичқирди Спантамаъно ғазаб билан.— Менга осон тутасанми? Сендан кўра менга оғирроқ. Лекин мен чидаялман-ку, ишимиз шуни талаб қиласди. Нега сен чидашни истамайсан?

— Қанақа иш?— овози бўғилиб чинқирди Заро.— Аҳмоқ! Яна бу баҳтсиз дарбадар Искандар қўшинла-рини енгизни орзу қиласди! Бунингдан ҳеч нарса чиқ-майди. Яна қайтариб айтаман сенга: бор, фурсат бо-рида Зулқарнайнга таслим бўл! Наҳотки мен, ҳо-кимнинг қизи умримнинг охиригача чўлма-чўл дай-диг юрсам?

Аёл қорайиб кетган қўллари билан бошини чан-галлаб, тишини-тишига қўйди-да, ғазабли кўзлари билан гулханга тикилиб қолди .У ортиқ йиғлай ол-масди.

— Ҳеч нарса чиқмайдими?— қайта сўради Спантамаъно алам билан.— Бу гапни менинг энг яқин одамим айтятпими? Хўш, чиқмаса нима қилибди? Мен аввалидай Спантамаъно бўлиб қоламан-ку. Ҳоким Спантамаъно нимаю, дайди Спантамаъно ни-ма, у сенинг эринг, сен унинг хотини бўлганингдан кейин бари бир эмасми? Агар тангрилар умр бўйи чўлларда дайдиб юришимизни пешонамизга битган бўлса, юраверамиз. Агар тангрилар подшоликни ло-зим кўрса, подшолик қиласмиз. Бугун биз гадо бўл-сак, эртага подшомиз, аммо эр ва хотин бўлиб бу-гун ҳам, эрта ҳам, бир умр ҳам шундай қолишимиз керак.

Заро нафрат билан «Хе-е» деди. Спантамаъно умидсиз қўл силтади.

— Кўриб турибманки, ақлинг кирмайди. Бир нарсанни билib қўй, мен отанг сингари Искандарнинг тононин яламайман. Ҳеч қачон.

— Бунда тўрт юз олтин танга бор, Тигран. Вахшнинг қуий томонинг қараб йўлга чиқ. Хоразмдан мас-сагетлар ўлкасига етиб борасан. Лаънати Спантамаъно қаерда бекиниб ётганини бил. Лекин унинг кўзига кўринма. Бу қозозни яширинча Зарога етказ. Гапимга тушундингми?

— Ҳа, Ороба.

Шу қисқа, аммо муҳим сұхбатдан бир ой ўтгач Қизилқумда хоразмлик савдогарлар карвонн пайдо бўлди. Карвон ёлланма жангчилар қўриқчилигида кўчманчилар маэгилларининг биридан-иккинчисига ўтар, ҳар тўхтаганда ортиб бораётган юкнинг оғирлигидан туялар ўкиради.

Хоразмликлар орасидаги бир киши массагетлар билан бемалол тортишиб, беъмани нарсаларни со-тишга уринардики, ҳеч ким албатта уни харид қилмасди. Аммо савдогар хафа бўлмасди. Бели сириб боғланган калта камзули устидан кийган пўстини, кенг тери чоловори, соғиси узун этиги ва учи қуббали памат қалпоғи уши ҳақиқий хоразмлик савдогарга ўхшатиб қўйган эди. Аммо у барни бир Хоразм аҳлидан эмасди. У озғин юзи, чақноқ кўзлари ва суғлариникига жуда ўхшаб кетадиган узун соқоли билан эгри бурун, лаблари қалаш савдогарлардан ажралиб турарди.

Карвон Дейока манзилгоҳига етиб келганда савдогар ёш қабила бошлиги билан эски қадропини кўриб қолгандай сўраша кетди.

— Ишларинг қалай, Дейока?

— Менинг отимини қайдан биласан? — ҳайрон бўлди массагет. Савдогар унинг отини бу ўлка оқсоқолларининг ҳаммасини биладиган. Хоразм савдогарларидан ёки йўлда учраган бирор кўчманчилари сўраб олиши нумумин эди. Аммо Дейока буни фаҳмлаомасди.

— Ким билмайди шундай бой, Рахмир ўғлини бадавлат одамини? — Ҳайрон бўлди салтгар ҳам. Бу

сўзлардан мамнун бўлган Дейока қорнини дўйпайтирди.— Ахир Заро, ҳоким Оробанинг қизи сеникида меҳмон бўлиб турибди-ку. Шундайми?— давом этди ноганиш одам.

Бу кутимаган гапдан Дейока сапчиб тушди.

— Сенга ким айтди?— Қўл силтади у.— Йўқ! Ҳеч қандай Зарони билмайман...

— Э-э, тонмай қўя қол!— кулимсиради савдогар.

— Кимдан яширияпсан? У сеникида-ку.

Савдогар бу гапни ҳар бир уруғ оқсоқолига айтиб келмоқда эди. Аммо Дейока бундан хабарсиз эди. Заро уникидан бошпана топганини меҳмон ҳақиқатан ҳам билар экан деган хаёлга борди. Нима қилиш керак?

— Сен хавотир олма,— савдогар ўқи нишонига текканига ишонч ҳосил қилди.— Мен сугдиёналик савдогарман. Қарвошим Хоразмга жўнаётганда Заронинг отаси мендан қизига хабар етказишин илтимос қилди. Хўш, қалай у, соғ-саломатми?

Массагет иккиланиб қолди. Тан олсинми? Спантамаъночи? Сиёвуш авлоди унга ўзишинг қаерга яширинганини ҳеч кимга айтмасликни тайинлаган-ку.

— Хўш,— далда берди Дейокага савдогар.— У сеникидами ён йўқми? Ростини айт. Ороба мёнга юз тиллани ишониб тоширган, ким боламга бошпана берган бўлса ўша кишига ҳадя қиласан деб...

Савдогар шундай деб ҳайрон бўлиб қолган Дейока олдига ярқироқ, жарангдор юз тангани чиқариб қўйди... «Бу олтиплар қонун бўйича менга тегади,— фақмлади Дейока.— Зарога бошпана бердимми-йўқми? Бошпана бердим. Лекин Спантамаъночи... Ҳа. Ахир, савдогар уни сўрамаяпти-ку. У Заро ҳақида сўрайпти. Демак, унинг Спантамаъно билан ҳеч қандай иши йўқ. Унга зиён-заҳмат етмайди». Олтин шуъласидан кўзи қамашган Дейока ростини айтди:

— Ҳа. Заро бизникида.

Эрини излаётган одамга хотини қаердалигини билиш кифоя қилишини хаёлига ҳам келтирмади.

— Ташаккур сенга,— енгил тин олди савдогар.— Олтинингни ол, мана бу хатни эса Зарога топшири. Отасига битта сўз бўлса ҳам ёзив берсин. Шунда Ороба топширигини ҳалол бажарганимга ишонч ҳосил қиласиди. Мен эса гулханда исиниб турман.

— Яхши,— Дейока титроқ қўллари билан олтини олди,— Ҳозир келаман.

У картмопни қўйнига тиқди ва ташқарига чиқди. Хатни Спантамаънога билдирмай қандай қилиб Зарога топшириш керак? Дейока Сугдийнг совуқ нигоҳини эслади-ю, эти жунжикиб кетди. Массагет қулоқларида аллақачон Сиёвуш авлодининг даҳшатли саволлари жаранглагандаи бўлди: «Қаердан? Нима учун? Нега?» Аммо Дейока беҳуда ташвишланадиган эди. Панжакентликлар сўзига қараганда Спантамаъно кийик овига кетган эди. Дейока мамиун бўлди, Заро ёнига шошилди.

— Тағин Хораэмдаш савдогарлар келди,— деди массагет гулхан ёнига ўтириб. Заро сапчиб тушиди. Бирор янгилик йўқмикан?

— Хўш?

— Фалла. Газлама. Ҳар хил буюмлар олиб келишибди. Мўйнага алманишяпти. Бу қиш бизда тери кўп,— кўчманчи хўрсинди.— Қанча мол ҳалок бўлди. Нодаларимнинг тўртдан бири ҳам қолмади. Бироқ ҳозир гап бунда эмас. Мана,— Дейока хатни Зарога узатди,— сенга отанг ёзибди. Савдогар бериб юборди.

Заро унинг қўлидан хатни юлиб олди. «Худди сичқонга ташланган мушукдек чанг солди-я»,— ўйлади Дейока. Аёл хатни очди. Унда шундай сўзлар бор эди: «Заро, Спантамаъони таслим бўлишга кўндири. Рози бўлмаса — ўзинг келавер. Унинг тақдири ҳал бўлган. Ороба...»

— Савдогар кутиб турибди. Отангга битта сўз бўлса ҳам ёзиб бер.

— Маъқул,— Заро гулхандан кўмир олди-да, бўр билан ошланган оппоқ тери нарчасига бор-йўги битта сўзни битди. Сўнгра хатни Дейокага қайтариб берди.— Жўна Спантамаъно келиб қолмасдан бурун...

— «Маъқул»,— ўқиди савдогар хатни олиб. У қаиноат ҳосил қилган эди.— Нима қипти? Маъқул бўлса, маъқул-да. Хайр, яхши одам!

Шундай қилиб, Тигран жўнаб кетди.

Овда омад келмади. Кийиклар аллақачон жанубга кетган эди. Фақат иккита ориқ тулки тутиши, холос. Шунинг учун Спантамаъно манзилгоҳга очиқкан ва жаҳли чиққан ҳолда қайтиб келди.

У чодирга кириб, гулхан ёнига ўтириб исинишга

улгурмай туриб, Заро бир пиёла қайноқ чой келтириш ўрнига, беодоблик билан деди:

— Спанта! Бу бизнинг сўнгги суҳбатимиз.

Гапнинг бундай бошланиши сүфдни ҳайрон қолдирди. У оғзини очганча гапнинг давомини кутарди.

— Ё Искандарга таслим бўласан..

— Еки?..

— Еки мен кетаман.

— Шундай де.— Спантамаъно қошини чимиради.—

Бу қатъий қарорингми?

— Ҳа!

— Демак, кетасан?

— Кетаман!

Спантамаъно бўзариб кетди.

— Мен бадавлат, обрўли бўлган пайтимда кетмаган эдинг. Энди камбағал, обрўсиз бўлиб қолганимда ташлаб кетасанми?

— Ҳатто шундай бўлса ҳам...

Спантамаъно лабини тишлиди, сўнгра деди:

— Отангникита қайтиб борасан.. юмшоқ ўринларда ялпайиб ётиб... мияси йўқ, аммо бадавлат бузургонларга табассум қиласан, Мароканддан узоқларда, ёввойи сўқмоқларда нонсиз, бошпанасиз сарсон-саргардон бўлиб юрган пайтларимда сен разил отанг билан менинг ғийбатимни қилиб ўтирасан-а?

— Ҳатто шундай бўлса ҳам...

Спантамаъно жағини қисди ва тишлиари орасидан деди:

— Демак, сен учун мен отангга тўлаган жавоҳирлар Спантамаънодан кўра азироқми?

— Ҳатто шундай бўлса ҳам...

Спантамаъно секин ўрнидан турди. Унинг юзлари чодирни ярмигача кўмид юборган қордай оқарив кетди. Қошлари ғазабдан қонга тўлган кўзлари устига осилиб тушган эди.

— Оробанинг қизи!— деди хириллаб Спантамаъно.— Сенинг отанг, куёвим қизимни уради, соchlарини юлади, деб гап тарқатган эди. Ҳа-ҳа, унинг гаплари ёлғон бўлиб қолмасин!..

У Зарога ташланди, соchlаридан тутиб олди-да, ерга иргитиб юборди. У пишқиради. Ўз қаҳри уни тутоқтириб юборган эди. Хотинининг қўли, оёғига дуч келган нарса билан ура бошлади. Ҳаҳл билан калтаклагани сари у ҳузурланмоқда эди. Фазаб унинг

кучини юз марта ошириб юборган, мушти болгадай оғир бўлиб қолган эди. Заронинг фарёди ташқарига чиқди. Шовқинни эшитиб, Баро югурниб кирди. У газабдан ҳайвон бўлиб кетган Спантамаъндан Зарони амал-тақал қилиб ажратиб олди. Спантамаъно хотинининг қонга беланган юзига тупурди-да, чодирдан чиқиб кетди.

Кечқурун мусаллас ичиб, молдай маст бўлди-да, болта кўтариб бўралаб сўқинганча манзилгоҳ бўйлаб югурга бошлиди. У яхшилик худоси Охурамаздани ҳақорат қилиб, зулмат худоси Ахраманга шон-шарафлар айтди. Одамлар қочиб қолишиди. У мудраб ётган битта итнигина чопиб ташлашга мұяссар бўлди. Шундан сўнг у кийимларини ечиб ташлади-да, саҳро ичкарисига қараб югуриб кетди. Совуқ ҳаво эс-ҳушини йўқотган одамга ўз таъсирини кўрсатди, Варахран билан Баро буюк подшолар авлюдини пўстинга ўраб, панжакентликлар чодирига олиб келди.

Энди у кунбўйи ҳеч кимга гапирмас, ҳеч қаерга чиқмас эди. Мусаллас бермай қўйсалар дарҳол пи-чиққа ёпишарди. Унинг буйруги билан Дейока наша топиб келди, Сиёвуш авлоди чекишга ружу қилиб қолди. Туш ва кун унинг унун ўз аҳамиятини йўқотди. Унинг гофил нигоҳи олдида ёввойи шарпалар айлапар, ўйнар, лишиллар ва яшин сингари ўтиб кетарди. Буларни ўзидан қочириш учун у тинмасдан чеккани-чеккан эди. Натижада юз ва қовоқлари шишиб, кўкариб кетди. Ифлос, таралмаган соchlари паға-паға бўлиб кўзлари устига тушиб турарди. Баъзан-баъзан ўзига келар, шулдай пайтда уятдан ерга киргудай бўларди. Зарони калтаклаб, озор берганини эслаганда, нушаймон ичини ит бўлиб таталарди. Ўргага тушиб қолган бўридай бор кучи билан ув тортар, буларни унтуниш учун яна наша чекишга тушиб кетарди.

Бора-бора қаттиқ оғриб қолди. Ун куни кийик териен устида ўёқдан-бўёққа тўлғаниб, бошини чаңгалиб қичқириб ётди. Ўй биринчи куни шунчалик холдан кетдикни, хаёт кимирташга мадори қолмади. Алингар көхни унинг тўнигни ёнидан нари кетмайди, шифобахри гиёҳлар шираси билан хукмдорини даволаб ўтириши.

— Наҳотки шумчаки хота ўзиб кетсан? — шивиртади Спантамаъно кургузмаган лаблари билан. Көхни дуо ўзини билан тасоб қайдариди.

Вараҳран билан Баро қаөргадир уч күн йўқ бўлиб кетди. Қайтиб келгач, дарҳол йўлбошчилари ёнига киришиди. Алингар шу пайтда Спантамаънога қуруқ шўрва ичираётган эди. Сиёвуш авлоди овқатдан беш ёки олти марта ҳўплади-да, косани суриб қўйиб, ҳорғинлик билан пўстак устига чўзилди. Вараҳран билан Баро эшик олдида ўтирас, ўз раҳнамоларидан кўзларини узишмасди. Спантамаъно бу одамларга ҳайрон эди. Хотиржамлик уларни камдан-кам тарк этарди.

— Хўш, нима демоқчисизлар? — сўради зўрға эшитиладиган овоз билан.

— Яхши эмас, — жавоб берди Вараҳран.

— Ёмон, — деди Баро.

— Нима ёмон? — Спантамаъно хўрсииб қўйди. — Нима ёмон?

— Сенинг қилаётган ишнинг.

— Бўлмаса нима қилишим керак? — умидсизлик билан эътиroz билдири Сиёвуш авлоди. — Ҳаммаси тамом бўлди. Орзулар чилпакка чиқди. Сизлар буни тушунмайсизлар, чунки ҳеч нарса йўқотганларинг йўқ. Бир кунгина менинг ўрнимда бўлсанглар, қандай аҳволдалигими билib олардинглар.

Кандакор билан деҳқон жим бўлиб қолди. Сўнгра Вараҳран жаҳл билан деди:

— Биз ҳеч нарса йўқотганимиз йўқми? Менинг отам қани? У Зарафшон бўйида ҳалок бўлди. Қапи онам, ака-укаларим, опа-сингилларим? Уларни юлонлар ўлдирди. Суғдиёна қани? У сен учун қанчалик узоқда қолган бўлса, биз учун ҳам шундай.

— Менинг ҳам отам ўлди, — қўшимча қилди Баро. — Уйимда нималар бўлаётганини мен ҳам билмайман. Аммо мен Сиёвуш авлодидай ўзимни телбаликка солаётганим йўқ.

Спантамаъно тирсагига таяниб секин қаддини кўтарди-да, ўртоқларига тикилиб қолди. У қандай эсидан чиқарди? Ахир уларнинг ҳам бошига кулфат тушган-ку. Аммо нега улар бунча матонатли кўринали? Қандай куч уларга мадад беряпти?

— Биз кўпдан бери биргамиз, — пўнгиллади Сиёвуш авлоди, — аммо мен... сизларни тушунолмаяпман. Наҳотки, сизлар омоч, сандон ёнида шунчалик даваллашиб кетгансизларки... энг оғир йўқотишлар ҳам қалбингизга таъсир қилмайдиган бўлиб қолган?

Вараҳран билан Баро бир-бирларига қараб олиш-

ди. Қандакор бошини эгди. Декқоннинг юзлари ўзгариб, қадди букилди ва оғир юк олиб бораётган ҳўқиздай пишқириб нафас олди. Ҳоким бу одий, меҳрибон одамларни қаттиқ ранжитиб қўйганини сезди.

Спантамаъно узоқ вақт бир оғиз ҳам гапирмади, сўнгра ўзининг азобланган ва кир босган ҳолига назар солди-да, аламли кулги билан деди:

— Мен муқаддас уруғданман. Шу сабабли ўзими Суғдиёнанинг биринчи одами ҳисоблардим. Аммо эпди кўриб турибманки... (тўғрисинн айтишга жасонратим етади) кўриб турибманки: Вараҳран билан Баро, ҳеч кимга номи маълум бўлмаган икки камбагал яхшироқ, мендан кўра юз марта яхшироқ экан.— У лабини тишлади, хўрсинди ва икки йигитга чақноқ кўзлари билан пазар ташлади.— Айтингларчи, одамлар, менга айтингларчи, сизларпинг кучингиз пимада?

Унинг кўзларида шундай кўнгли очиқлик, овозида эса мойил қилувчи аниқлик бор эдикى, Вараҳран билан Барони сескантириб юборди. Бу баҳтсиз бузургонга одамнинг раҳми келади! Унга қандай боғланиб, меҳр қўйиб қолганиларини ҳис қилишди, улар ҳеч қачон ҳеч кимга бунчалик садоқатни ҳис қилмаган эди. Нима бўлганда ҳам у олижаноб одам: улар Спантамаънонинг қалбидаги кишандан холос бўлишини, куйлаш қобилиятини яна тиклаб олишиши исташарди.

— Кучимиз нимада?— ўйчаплик билан қайтариб сўради Вараҳран.— Мен учун гапни бежашдаи кўра кумушга гул солиш осонроқ... шунинг учун лўнда қилиб айтаман-қўяман: бизнинг илдизимиз тоза.

— Биз тоза палакдан вужудга келганимэ,— тушунтири Баро.

— Нима?— Спантамаъно ҳайрон бўлди.— Тушумаяпмай.

— Айтайлик,— деб Вараҳран керакли сўзини излаб чайналиб қолди,— биз... кенг далада ўсганмиз, дарё сувини ичганимиз... бизни шамоллар пишитган, биласанми? Сени бўлса саройлар ҳавоси заҳарлаган. Шу сабаб сен арзимас нарса учун сочингни юласан... биз бўлса унга парво қилмаймиз.

— Парво қилмайсиз?

— Ҳа. Биз муҳим нарсага эътибор берамиз.

— Сизнингча муҳим нарса — нима?

- Тинчлик. Озодлик. Нон...
- Бошқаси керак эмасми?
- Ҳеч нарса.
- Қам экан.
- Яна нима керак?
- Нима дединг? — Спантамаъно кўзларини катта очди.— «Яна нима керак?» дедингми?
- Ҳа.
- «Тинчлик, озодлик, нон», — ҳайрат билан тақрорлади Спантамаъно. Улуғ кашфиёт! Спантамаъно ҳам унинг нима эканлигини фира-шира тушунган, ёсидан чиқиб кетган ажойиб туши мана ҳозир... ҳозир эсига тушиб қоладиган одамдай юраги қувонч билан ура бошлаган эди.— Ҳақиқатан ҳам,— шивирлади Суғд,— яна нима керак? Ахир, шу «тинчлик, озодлик, нон» деган уч сўзда хаммаси мужассамку!— У ғамгин жилмайди.— Биз ожиз бандалар эса арзимас гап учун ўзимизни қайга қўяримизни билмай қоламиз. Ҳа, сизлар мендан кўра олижаноброқ, покизароқсизлар. Биз ярамасларга ўзининг соддалиги билан буюк бўлган сизларга етиш йўл бўлсин.

У умидсизлик билан қўл силтади.

Вараҳран билан Баро яна кўз уриштириб олишиди, бу гал ҳайрон бўлиб — қаранг-га, ўзларининг улуғ ва тағин алланималар эканлиги ҳақида униси ҳам, буниси ҳам шу ҷоққача ўйлаб кўрмаган экан.

— Сен кўп умидсизланма,— юмшоқлик билан деди Баро.— Ҳали сенинг қўёшинг сўпган эмас.

Спантамаъно сапчиб тушди.

— Наҳотки?

— Албатта! Сен бошқа бузургонлардай эмассан. Нима учун ундайлигини мен билмайман. Ҳақиқатан ҳам сен Сиёвуш авлоди, юрагинг эса қуёш парчаси эканлиги кўриниб турибди. Сен Босс, Оробалар билан муомала қилган пайтларингда ёпишиб қолган чиркинликлардан ўзингни поклаб олсанг бас. Олмосни қанча чанг босмасин, бари бир олмос бўлиб қолаверади. Чанги артилса, яна ярақлаб кетади.

— Поклаб олиш?— қичқирди Спантамаъно.— Энди, мен ифлос кўлмакда аганаб ётган ёввойи чўчқага ўхшаб қолганимдами? Вақт ўтди?

— Ҳали вақт бор,— ишонч билан деди Вараҳран.

— Қийин,— деди Баро.— Кетдик!

— Қаерга?

— Борганда биласан.

Сиёвуш авлоди ерга қаради, ўсиқ мұйловини чайнади, сүнгра бирдан бошини құтариб сүради.

— Бунинг нима кераги бор?

— Нима? — тушунмади Варажран.

— Спантамаъно сизларга нимага керак?

— Ҳа-а,— жиддийлик билан қошни керди **Варажран**.— Бизга раҳнамо керак. Тушундннгмн?

Спантамаъно дўстларига қараб қўйди-да, индамай ўрнидан турди.

Улар оппоқ далалар узра юксалиб турган, қорbosган тоққа етиб келишди. Йкки буқри тепалик орасидаги майдонда шамоллардан бекинниб, лой сувоқли қишлоқ паноҳ топган эди. Бундай қишлоқлар чўлнинг у ер-бу ерида учраб турар, массагетлар қишиши шу ерларда ўтказар эди.

— Танаоксар шу ерда туради,— тушунтириди кандалкор.— Уни икки юзга кирган дейишади.

— Мамлакат буюк фалокатга учраганда ва халқ-қа донишманд кексанинг маслаҳати керак бўлганда-гина Танаоксар тилга киради,— қўшимча қилди Баро.

— Үндай бўлса, у мени қабул қиласмикан?— шубҳаланди Сиёвуш авлоди.

— У сени кутяпти,— қисқа жавоб берди Варажран. Баро икковларининг уч кун дом-дараксиз кетганилари бежиз эмас эканда.

Қишлоқ мол-холлар қамаб қўйиладиган, қалин девор билан ўралган отардан иборат эди. Девор томидаги тешикдан тутун чиқиб турибди. Торгина дарвоза қаршисидаги япалоқ уй томидан қуюқроқ тутун қўтарилимоқда. Бу олов ибодатхонаси эди. Қамайиб қолган кўчманчилар уруғининг оқсоқоли ва бош коҳини Танаоксар ана шу ерда турарди.

Варажран тўғри айтган экан — бу ерда аллақачондан бери меҳмонни кутишмоқда эди. Ўринган пўстинли массагетлар кўп куттирмай дарвозани очишиди. Одамлар оёғи остида музлаган қор гичирлар эди. Спантамаънони ибодатхона олдигача кузатиб қўйишиди. У чуқур нафас олди ва ичкари кирди.

Ибодатхонада катта гулхан ловилларди. Қорайиб кетган деворлар олдига шоҳ-шаббалар таклаб қўйилган — булар мангуд олов сўнмаслиги учун тўпланган

Эди. Кираверишда, қоронги тахмон олдидаги супада чордана қуриб, құзларини юниб, кифтларини ёзиб, ориқ құлларини озғин тиізасига қўйиб ялангоч бронза санам турарди. Ҳайкалнинг бўртиқроқ жойларида гулхан шуъласи ўйнар, боши, кўкраги ва сонида оқа-риб қўрипаётган алланима унга қирмизи тус берарди. Спантамаъно шундай муносиб бўлмаган жойда санам борлигига ажабланди. Суғдлар олов ибодатхонасида тангри ҳайкали ва тирик жонзорларни сақлашмас эди. Айтмоқчи, массагетлар оловга сигинсалар ҳам Зардуштий таълимотини тан олмас эдилар.

Аммо, Танаоксар қайда қолди? Спантамаъно тў-сатдан бўғиқ ва чўзиқ овозини эшилди:

— Қелдингми, Спантамаъно?

Суғд чўчиб тушди ва қайрилиб қаради. Ҳеч ким йўқ! Фақат жонсиз ва дунёдаги ҳамма нарсага бе-фарқ санам турибди... Аммо, мана, санам олдинга эгилди ва озгин, қорайган құлларини чўзди. Спантамаъно ҳоргин юзни, кифтига тушиб турган сийрак оқ соч ва кумуш тусли соқолни кўрди.

— Танаоксар!

Спантамаъно супа қаршиисига тиз чўқди. Танаоксар құлларини тиізасига қўйди ва яна ҳайкалдай қөтиб қолди. Наҳотки бу тирик одам бўлса? Ёки Спантамаънога санам қимирлагандай бўлиб туюлдими? Аммо чол лабларни зўр-базўр бир-биридан айирди ва шошилмай, сўзларини сайлаб-сайлаб деди:

— Танаоксар сени қўрмаяпти, Спантамаъно. У кўпдан берин ўзини құршаб турган нарсаларни кўрмай қўйган. Қўзи оқиз одамнинг нигоҳи ўтмишга қаратилиган. Унинг олдидан ўтмиш шарпалари липиллаб ўтади, кўп йиллар бурун яшаган одамлар ўтади. Сени, бугун яшаётган одамини эса кексариб қолган Танаоксар қўрмайди. Бироқ у сенинг овозингни эшита олади, Спантамаъно. Юрагинг уришини эшита олади.

Чол жимиб қолди. У узоқ муддат оғзини очмади. Спантамаънога гўё Танаоксар ухлаб қолгандай бўлиб туюлди. Ранжиган суғд ўрнидан туриб кетмоқчи бўлган эди, чол яна тилга кирди:

— Айт-чи, эй инсон, ҳузуримга не мақсадда келдинг?

— Гапларим сени толиқтириб қўймайдими, отахон?

— Иўқ. Энди... мени ҳеч нарса толиқтирмайди. Галиравер...

-- Жафодийдамаш, отахон...— Сиёвуш авлоди күрсінди, уннинг күрсікінің күпроқ фарәдга ўхшар эди.— Бола ёшымдан ҳаммавақт нимагадир интилганиман. Бойлик изладим, шон-шуҳрат изладим. Хотин меҳрига ташна бўлдим. Нима чиқди? Ҳаммаси манави гулхан тутунидай арзимас нарса бўлиб чиқди. Энди мени дунёда ҳеч нарса хурсанд қилолмайди. Улимим яқинлигини сезяпман. Менинг юпанчим йўқ, чунки нима учун яшаб, нима учун жафо чекаётган нимни билмайман. Айт-чи: дунёда одамни келажак билан иноқлаштирадиган бирор нарса борми? Еки инсон тақдирни азалдан бу дунёда жабр кўришга ва алам-ҳасрат билан ҳаёт ва ўлимни лаънатлаб, қонрилик оламига кетишга маҳкум этилганми?

Спантамаъно алам билан Танаоксарга қаради.

Массагет тағин узоқ сукут сақлади, сўнгра аввал-гилай, қадимий ривоятни ҳикоя қилаётгандай ўйчаник билан оҳиста ва бўғиқ овозда гап бошлади:

— Икки юз йил... менинг отам ва онамдан бунёдга келганимга икки юз йил бўлибди. Бу вақт ичидагўзларим кўп нарсаларни кўрди. Аммо мен... эслолмайман, кўрганиларимнинг ҳаммасини эслолмайман. Ҳамма майда-чўйда воқеалар эсимдан чиқиб кетган. Лекин муҳимлари... Ҳозир ҳам ёдимда бор.

Массагет бошини эгиб, иягини қўлларига тиради.

— Ҳозиргидай кўриб турибман... форс подшоси Дороёвуш Виринчининг ўлкамизда от қўйиб юрган аскарларини. Бу воқеа... бир юз тўқсон йил муқаддам бўлган эди. У пайтда мен ёш бола эдим, ҳали уругимиз нишонини кўкрагимда илиб юрмасдим. Форслар оталаримизни қириб ташлашди. Оналаримизни қул қилиб сотиши. Ўйларимизни вайрон қилишиб. Массагетлар мамлакати буюк баҳтсизликка учради. Бизнинг ҳарбий кучимиз етишмас эди. Ёвлар аллақачон ногораларини чалиб, ғалаба қўшигини бошлаб юборган эдилар...

Аммо ана шунла қабиласипи қутқариш учун ўзини қурбон этишга қарор қилган одам чиқиб қолди. Бу оддий чўпон эди. Уни Широқ деб атардилар. У форслар томонига қочиб ўтди ва ўзини уларга дўст қилиб кўрсатди. У душманларни саҳро ичкарисига бошлаб борди. Дороёвуш жангчилари қум тепаликлар орасида йўқолиб кетди. Широқни ўлдирилар. Аммо массагет пок виждон билан ўлди. Нима учун? Чунки у ўз манфаати учунгина ҳаракат қилгани йўқ.

У ўлимга ҳамманинг манфаатини кўзлаб борди. Широқ ҳалок бўлди, аммо унинг ҳалқи чўпон жасорати туфайли ҳозиргача ўз таомилича яшаб келмоқда.

Эшитяпсанми, ўғлим? Ҳамма учун! Сен эса фаяхат ўзинг учун яшагансан. Ўзинг учун бойлик истадинг. Ўзинг учун шуҳратга иштилдинг. Ўзинг учун шодлик изладинг. Шунинг учун ўлим олдида даҳшатга тушасан. Қайтиб келиш йўли йўқ жойга кетганингдан кейин бойлигинг ҳам, шуҳратинг ҳам, муҳаббатинг ҳам тутундай тарқалиб кетади. Одамнинг ўз манфаати йўлидаги курашда топган шуҳрати эмас, эл манфаати учун курашда топган шуҳрати абадий қолади. Мана, орадан бир юз тўқсон йил ўтган бўлса ҳамки, массагетлар ораснда Широқнинг шуҳрати сўнмайди. Ҳеч қачон сўнмайди. Ўзини дунёдаги энг яхши одам ҳисоблаган мақтанчоқ, подон одамларнинг исмини ҳозир ким эслайди. Агар ҳаётингни ўз ҳалқингга қурбон қилмасанг, сенинг номинг ҳам ўшалардай унутилиб кетади.

— Мен ҳалқ томонидаман,— ғамгии эътиroz билдириди Спантамаъно,— бироқ бундан юрагим ҳаловат топаётгани йўқ.

— Сен ҳалқ томонидасан?— чол оҳпста бош чайқади.— Сен ўз вужудинг овозига қулоқ сол, сўнгра айт: сенинг нималг ҳалқ билан бирга — ақлингми ёки юрагингми?..

Спантамаъно ҳайрол бўлди. Ақлми, юракмн? Мароқанд унинг эсига тушди. Қўшин тарқалиб кетмоқда. Спантамаъно иккн Сугдиёнадан бирини танлаши керак. Шунда у оддий одамлар Сугдиёнасини танлади. Нима учун? Ушанда у куч ҳалқ томондалигини кўра олган эди. Демак, ақл... ақл уни шундай қадам қўйишга мажбур қилган экан-да? Юрак-чи? Унинг юраги ҳалққа эмас, Сиёвуш авлодига ачиган эди. Спантамаъно ўзини йўқотиб қўйди ва ҳеч нарса демади.

— Ана, кўрдингми?— кулимсиради Танаоксар, сүфднинг кўнглидаги гапларни уқиётгандай.

Спантамаъно нафасини ютиб Танаоксар гапларига қулоқ солар, баъзан юрагидан чуқур бир хўрсеник, энтикиш отилиб чиқар, яна аввалгидай тинчиб қоларди.

— Танаоксар билади: сенга қийин,— давом этди ожиз.— Эга бўлган нарсангдан маҳрум бўлдинг. Нимага ишонган бўлсанг, бари сароб бўлиб чиқди. Ни-

мани орзу қилган бўлсанг, унга етолмадинг. Аслзодалар сенга ёрдам бермади, фақирлар ёрдам беряпти, лекин улар қуролни яхши ишлатишомлайди. Хотининг сени ташлаб кетмоқчи. Искандар Зулқарнайн мағлуб этилгани йўқ. Шундайми?

— Шундай,— шивирлади суғд.

— Хўш, нима бўлибди?— Танаоксарнинг овози қатъийлашди.— Шундай бўлса ҳам, сен Искандарга қарши мардона курашга асос қўйдинг. Сенинг номининг келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласди. Бир йилдан кейин юзта Спантамаъно чиқади. Ўн йилдан кейин ўн минглаб Спантамаъно бош кўтаради. Сен ташлаган битта уруғдан кўплаб, ҳадсиз-ҳисобсиз ниҳоллар униб чиқади. Улардан яна беҳад-бекисоб ниҳоллар туғилади. Улар ҳам янги ҳоснл беради ва ниҳоят эртами, кечми душман муносаб жазосини олади. Буюк ишлар бир зумда амалга ошиб кетмайди. Ҳужум қил! Кураш! Лозим бўлганда орқага чекин. Аммо нима учун курашаётганингни унутма.

Танаоксар жим бўлди: ўзини орқага ташлаб, деворга суюнди. Бир-бирини қувиб учайдиган қалдирғочлар каби минг-минг чалкаш фикрлар Спантамаъно миясидачувалиб, ғужғон ўйнарди.

— Гулханга йўғонроқ қуруқ шохдан ташлаб қўй,— буюрди Танаоксар. Спантамаъно итоат билап бажарди. Ибодатхона кундуз кунидай ёришиб кетди. Чол суғдга ишора қилиб оёқ томонини кўрсатди.— Ет! Уйлаб кўр!..

Спантамаъно гиламга чўзилди. Тонгга қадар ўйлаб чиқди у. Спантамаъно қаршисида ҳад-ҳисобсиз оломоннинг голибона юриши намоён бўлди. Улар ҳаяжонга келган баҳайбат тўда бўлиб, аллақандай совуқ, қоронғи пастликдан чиқиб, Спантамаъно рўпарасидан бир текис қадам ташлаб ўтишар ва қаергадир қирмизи рангда товланиб турган чўққи, унинг ортида денгиздай ярқираб турган қувонч шуъласи томон ўтиб боришарди. Баланд бўйли, ягриндор бекисоб эркаклар, сарвқомат хотин-қизлар сафлари зулмат қаъридан чиқиб, бошларини мағрут кўтариб, қўлларини олға, шуъла томон чўзганча юқоридаги ярқираб шуълага қўшилиб кетмоқда эди. Уларнинг юзлари жиддий ва осойишта, хатти-ҳаракатлари эса қатъий ва салмоқли эди. Баъзи-баъзида улар оёғи остидан аллақандай совуқ маҳлуқлар чиқиб қоларди.

Улар ғазаб билан огизларини очар ва чайқалиб турган туманда чийиллаб күздан гойиб бўларди. Баъзан ранги ўчган гарнб жоппворлар сафдан ажралиб чиқар ва шафқатсиз оқимдан орқада қолар, йўл четига ўтириб олиб, кўзёши қилар эди. Жаҳон узра ажойиб тантанали қўшиқ жаранглар, эркак, вёл ва болалар овози бирга қўшилиб, мафтункор оҳанг бўлиб қуйиларди. Спантамаъно бу издиҳомни гўё абадий кузатгайдай бўлди, аммо унинг чеки йўқ эди.

Тонготарда қисқа муддатли уйқуда ҳаммасини унудти ва тетикланиб, қониқиб уйғонди. Унинг юзлари тунгни хаёлида кўрган одамлар юзида жиддий ва осойишта бўлиб қолган эди. Энди унинг юрагида ҳасрат йўқ. Нима учун яшаётгани, нима учун қурбон бўлишини билар эди.

— Хайр, отахон,— Спантамаъно ерга қадар эгилиб, Танаоксарга таъзим қилди.— Сен, кўзи ожиз одам, менинг кўзимни очдинг. Энди улар абадий юмилмагунча курашавераман.

— Манавини ол, найзангнинг учига боғлаб қўй,— деди Танаоксар ялтироқ узун қора соч ўримини узатиб.— Шунда ҳар бир ҳалол массагет ортингдан эргашади. Бу Широқининг сочи.— Кекса Танаоксарнинг совғасини Спантамаъно ҳаяжондан титраб қўлига олди.

— Умринг узоқ бўлсин, отахон!

— Бора қол — ишинг ўнгидан келсин.

Спантамаъно ибодатхонадап югуриб чиқди ва тош қотиб қолди. Қўзларига қўёш нури урилган эди. Бу икки ойдан бери булутлар орасида оппоқ доғ каби осилиб турган қуёш эмас, ҳақиқий жануб қўёши эди. Ҳаво очилиб кетган, осмон тиниқ, зангори рангда товланарди. Қор оёқ остида энди фирчилламас эди. Оёқ изи тушган жой дарҳол сув билан тўла қоларди. Баҳор келган эди.

Спантамаъно, коҳин Алингар, кандалор Вараҳран ва деҳқон Баро манзилгоҳдан-манзилгоҳга ўтиб, Иса-кандарга қарши ҳужум қилиш учун қўшин тўплашарди.

— Массагетлар!— қичқиради Спантамаъно Широқ сочи боғланган найзасини селпиб.— Сугдиёнга тупроғини душман хароб қилди. Агар сизлар бугун бизга ёрдам бермассангиэ, Зулқарнайн эрта бу ерга

ҳам келади. Ҳанжарингизни қайранг! Отларипгиэни әгарланғ! Менинг ортимдан юринг, массажетлар! Е галаба қиласиз, ё үласиз!

Юзлари шамолларда қорайган. Дадил күзлари ҳаммага очиқ ва тик боқади. Құллари үйноқи оти жиловини маңкам ва амировна тутиб туради. Йүлбошчининг жарангдор овози жимиб қолган оломон узра янграганда Варажран ранги оқарап, Баро эса муло-йим жилмайиб турар эди. Танаоксар ибодатхонаасида поклапиб олгандаи кейин Снёвшининг навқирон авлоди бутунлай ўзгариб кетди. Түғри, унинг аввалги берег қувноқынгидан асар ҳам қолмаган эди. Аммо Спантамаъно ўзишинг ҳақлиги ва кучига ишопган шафқатсиз зийрак жангчига айланган эди.

— Орқамдаи юрииғлар, массажетлар! — Чорларди Спантамаъно, массажетлар гулхан ёнида күзёши қи-лаётган хотин ва болаларини қолдириб, исенкор сүд ортидаи боришарди.

Бирорларни македонлар манзилида қўлга кирадиган енгил ўлжа қизиқтиrsa, бошқаларни очлик йўлга тушишга мажбур қиласди — қиши бўйи бор қўйларини еб бўлишган эди. Аммо очиқ кўнгил билан Спантамаънога қўшилганлар, шубҳасиз, жуда кўп эди. «Агар сизлар бугун бизга ёрдам бермасанглар, Зулқарнайи эрта бу ерга ҳам келади». Бу сўзлар энг бефарқ одамларни ҳам ўйлашга мажбур қиласди. Найза учиди ҳиллираб турган Широқ соchlари массажетларни ҳаяжонига келтириар ва жасорат баҳш этарди. Спантамаъно қўшини кундан-кун кўпайиб борди. Йўлбошчи Баро билан қирқта панжакентликни босиб олипган, аммо ҳали бош эгмаган Сугдиёна шаҳар ва қишлоқларига юборди, токи халқ Спантамаънони кутсии ва явиги исенга тайёрланиб турсин.

Мароканд юриишини ҳар томонлама ўйлаб сугд тунлари ухламай чиқарди. У сўнгги жавоҳирларини от, қурол ва асбоб-анжомлар олиш учун сарфлади. Ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан ўзини тийди. Ва унинг олдида мусаллас ҳақида гап очишини таъқиқлаб қўйди. У Зарони ҳам ўзидан ажратиб қўйди, хотин-юқ аравасида Алингар паноҳида титраб-қақшаб яшади. Унинг учун дунёда Заро йўқдай эди. Спантамаъно толмас тулнорини миниб, туну кун ўзини аямай саҳро кезар, одамлар унга фахр билан қараб, бош чайкашарди:

— Қоплон!

Улар Спантамаънога чипор ҳайвон терисидан пўстин кийиб юргани учунгина шу номни беришгани йўқ. У қоплондай жасур ва чаққон эди. Суғд бутун фикру зикрини курашга бағишилаганди. Танаоксар ибодатхонасиning қурум босган гумбазлари остида қуёш шаънига айтилган тантанали қўшиқ Спантамаъно қалбида қайта-қайта янграп, тинимсиз жаранглар эди.

УРУШ СҮҚМОГИДА

Агар улар ұзаро иноқ бўлғанларида фақат Европадаги әмас, Осиёдаги халқлардан бирортаси ҳам скифлар билан тиглаша олмас, бирорта халқ ұз-жэнича уларга қарши туришга бардош бера олмас эди.

Фуқиидиб, II, 97, 5—6

— Салом, Спантамаъно!

— Э-э, Баро! Қачон келдинг? Хўш, тезроқ гапирчи! Суғдиёнада нималар бўлянти?

— Биз ҳамма шаҳар ва қишлоқларни айланиб чиқдик. Халқ яна бош кўтарди. Ороба юборган одамларни тор-мор келтиришди. Бултур қўрғонларни эгаллаган кичик юон бўлинмалари қириб ташланди. Лекин...

— Хўш?

— Бирлашишга улгурмай қолишиди. Искандар қўз-ролон кўтарилиганидан хабар топиб, тезлик билан Бақтрадан йўлга чиқди. У ўз қўшинларини беш бўлинмага бўлиб, биттасига ўзи бошчиллик қилди. Душманлар Биҳардан Марокандгача — бутун Сурдиёни кезиб чиқди. Халқ қаршилик кўрсатди. Бир хиллари ўлдирилди. Бошқасинн ҳар хил ваъда билан таслим бўлишга кўндиришди. Қўзғолон бостирилди.

— Тағин-а?

— Ҳа. Ма, ол.

— Кўмирми?

— Буни менга бир бечора кампир берди. Үнинг уй-жойидан шугина қолибди.

— Ҳа, бу кампир Суғдиёнанинг ўзи! У мени чорляяпти. Кетдик, Баро.

— Иўқ.

— Нега?

— Ороба қўшинлари ичидаги ишончли одамларнинг гапига қараганда, ҳоким одам юборибди буёқ-қа... сенинг қаерга яширганингни билиб келиш учун. Сир очилган.

— О, иблислар! Чатоқ-ку.

— Албатта, чатоқ. Ороба бундан Искандарни хабардор қилган. Искандар бўлса, Дейока манзилгоҳига ҳужум қилинглар,— деб икки лашкарбошисига буйруқ берган. Лашкарбошиларнинг биттаси — Койнос. Иккинчиси — форс Артобаз.

— Ҳа! У чиябўрини биламан!

— Улар аллақачон йўлга чиққан. Уч кундан кеин етиб келади.

— Шун-доқ! Мен бир ўйлаб кўрай. Тўхта: Искандар қанча аскар қолдирибди Бақтрада?

— Унча кўп эмас. Лашкарбошиларидан... хаҳ, отинг ўчкирни номиям қийин... Кол... Фол... Ҳа! Эсимга тушди. Полисперхонт, Аттал, Горгий, Мелеагрларни қолдирган.

— Мелеагрни жуда хавфли дейишади.

— Уларнинг ҳаммаси ҳам хавфли.

— Демак, Койнос билан Артобаз мени қўлга туширмоқчийкан-да? Жуда соз! Спантамаъно сиз шаллангқулоқ итларга қоплон тиши қандай бўлишини кўрсатиб қўяди. Лашкарни тўплал! Уруш Сўқмоғи билан йўлга чиқамиз!

— Қаерга борамиз?

— Бақтрага. Хоразмдан жануброқда Вахшдан кеичиб ўтамиизда, чап соҳил билан Бақтрага борамиз. Маргда турган ва Суғдиёнада дайдиб юрган юононлар кўзини шамғалат қилиб ўтиб кетамиз. Менинг режам шундай: улар бизни бу ерда излайди, биз эса тўсадан қаерда пайдо бўламиз? Шундоққина Бақтра остонасида! Маъқулми?

— Ҳа.

— Қани, тезроқ отланинглар!

Ўрта пиёда жангчилари Эварх билан Леонид соқчилик минораси тепасида ўтирас ва баҳор қуёшида исинар эди. Найза ва қалқонлари уларнинг оёғи ёнида ётарди. Уларнинг ечиб, ёnlарига ташлаган дубулғалари ичидаги майда ола-була Осиё қўнғизлари ўрмалаб юрарди. Леонид бутун жангларда сафар халтага

солиб юрган кифарасини оқиста чалмоқда эди. Эварх құлни иягига тираб, тинглаб үтиради. Эварх билан Леонидларнинг Гавгамели яқинида худди шұңдай үтириб, Әракил билан Феаген үртасидаги баҳсни тинглаганларига ҳам беш йил бўлибди. Әш беотияликларни уруш ҳолдан толдириди. Уларнинг юзлари дагаллашди. Юраклари тошга айланди. Аммо бу юнонларни узоқдаги ватан соғинчи ҳеч қачон тарк этгани йўқ.

Эварх ўртоғи чалган куйга эшитилар-эшитилмас овоз билан жўр бўлар, бот-бот гарб томонга, бундан минг-минг довон нарида ушалмас орзудай мафтункор, илиқ денизлар билан ўралган Эллада томонга термилади.

Улар бултур ёздан бери қўриқлаб турган Банд қалъаси Парнаисид дарёсининг кичик бир ирмоги бўйида қад кўтарган эди. «Банд» сўзи бақтрияликлар тилида «тўсиқ» деган маънени билдиришини Эварх эшифтанди. Қалъага бу ном жуда-жуда муносиб эди. У Артаксанадан шарққа, Бақтрага борадиган йўлни тўсиб турарди. Ундан ташқари, бу ерга маҳаллий ҳалқ ҳамма сув Окс дарёсига оқиб кетмаслиги учун тўғон қурган эди. Бу иншоотдан ҳамма томонларга қараб сойлар чўзилиб кетган эди. Бақтрияликлар экинларини шулардан сугорар эди. Банддан Бақтра га борадиган, чап қирғоқдан ўтадиган йўл уч кунлик масофа эди. Банддан сал нарироқда саҳро бошланарди. Теварак-атрофда аҳоли кам, тинч-осоиышта жой, шунинг учун юнонлар бемалол ҳордик чиқаришарди.

— Қўлу оёқларим увишиб кетди,— деди шикоят қилиб бўлинма бошлиги Полисперхонт,— қайда дайдиб юрибди бу скифлар? Уларни бир оз эзилаб қўйсам, ёзилиб кетармиди.

Кифара торлари ғамгин нола қиласиди. Эварх тоқат қилолмади ва миноранинг гишт панжарасига мушт туширди.

— Жонга тегди!

— Нима?— Леонид чалишдан тўхтади ва ранжи гандай оғзини очди.— Кифара жонингга тегдимий?

— Кифара эмас,— Эварх жаҳл билан ўз қалқонини тепди.— Бақтра жонга тегди. Уруш жонга тегди! Ҳамма жонга тегди!

— Секинроқ!— Леонид шундай тезлик билан бoshини ёнига буриб, йўлбарс наърасини эшифтган ки-

йикдай құрқув билан пастга, Полосперхонт хонасіға қарадики, бүйни умуртқалари қирсиллаб кетди.

— Нимага әнди?— деди Эварх намойишкорона.

— Феагенни қандай үлдирғанлари эсингдан чиқдими?

Эварх дарҳол үзига келди. Бирпас жим турғаč, шивирлади:

— Жасур одам әні.

— Шуннинг учун ҳам адо бўлди.

— Нима, биз ўлмаймизми?

— Ким билади.

— Албатта, ўлиб кетамиз. Дракил бўлса уйига қайтиб боради. Бизни эса, сўзимга ишонавер, бирор шу ерлик одамнинг камони тамом қилади. Бизлар киммиэ? Сўйиш учун боқиб семиртирилган моллар, қўйлармиз. Дракил — у бошқа гап.

— Ҳа, кўтарнилиб кетди калбош марафонлик. Эсингдами, авваллари Феаген олдида қандай хушмадгўйлик қиласди? Энди бўлса — гиперет, нон билан таъминлаш соҳиби, подшонинг соқчиси, унинг топшириқларини бажаради. Унинг пинжиди юриб Ларетга ҳам жон битиб қолди.

— Дракил Феагенни сотди, шуннинг учун ҳам қарғадай юксакларда парвоз қиляпти. Сен ҳам мени Искандарга бориб чақ, у бошнингни силайди.

— Валдира ма, — сўзини бўлди Леонид. — Мен сенга Дракил эмасман. Сен купрус билан копрус (асал билан ахлат)ни чалкаштирма. Яхиси айтчи: ҳали ҳам Спитаменинн тутишмабдими? Кеча сен Бақтрадан келган чопарга дарвоза очган әдинг. У ҳеч нарса демадими?

— Ҳали тутишмабди.

— Тутишади, — Леонид ўрнидан турди ва ғийлиб керишди. — Қайга ҳам кетарди. Үқ?..

У тўсатдан қулочиши ёзди, кўзлари бақрайди, букила бошлигар оёқлари билан алланг-талланг икки қадам қўйди-да, ўртоғининг устига ағдарилди.

Леониднинг орқасида камон ўқи қимирлаб турарди.

— Ишлар қалай, Фаллосперхонт? — Спантамаъно довдираб, эсини йўқотиб қўйган юононнинг қоқ миясига қамчи дастаси билан туртиб, ғазаб билан кулимсиради. — Кутмаган әдингми?

Қип-яланғоч ва ранги-қути ўчган Полисперхонт тиз чўкиб ўтирар, хижолатда ўзини тасодифан қўлига илиниб қолган қалқон билан пана қилмоқчи бўларди (массагетлар ҳужум қилганда юони уйқуда эди). Полисперхонт бақрайиб қолган кўзларини ўз одамларидан ололмасди. Уларнинг ҳаммаси қалъа ҳовлисида зич қатор бўлиб, қимирламай ётар (уч юзиши эди), массагетлар эпчиллик билан бошларини кесиб, найза учига санчардилар. Уч юз кишининг барини-я! Унинг бир ўзи қолди. Полисперхонтнинг эти жимирлаб, титроқ босди. Шу чоққача ўзининг тиниқ ва жарангдор овози билан машҳур бўлган юони, аянчили товушда:

— Нима... нима қиляпсизлар? — деди.

У бошларга ишора қилди. Полисперхонт юони тилида гапирган бўлса ҳам, Спантамаъно унинг сўзларини пайқаган эди.

— Уч юзта... ҳаммаси бўлиб уч юзта бош,— деди у осойишта ва учта бармогини кўрсатди,— ўёқда-чи,— Қоплон шимол томонга қўл силтади,— Суғдиёна... тушинасанми? Сен,— юонинг мушт нуқиди ва кафти қирраси билан ўз бўйнига урди,— бир юз йигирма минг — Суғдиёна! Тушундингми, Фаллосперхонт.

Полисперхонт буқчайди ва боши қўйи эгилди. Ҳозир... зарб! Ҳаммаси тугайди.

Аммо Қоплон Полисперхонтни ўлдирмади. Олина-саб юоннинг қалқонини тортиб олиб, башарасига нажосат суришди ва эшакка тескари миндириб, йўлдан ҳайдаб кетишиди. Спантамаъно Банд дарвозасига ўт қўйишни буюрди. Дейока деди:

— Қелинглар, тўғонни бузамиш.

— Нега? — қовоқ солиб сўради Спантамаъно.— Ахир, биз бу билан Искандарга эмас, бақтриялик дўстларимиизга зарар келтирамиз-ку. Экинлар сувсизликдан қуриб битади-ку.

Дейока хижолат бўлиб нари кетди.

Массагетлар Полисперхонтни олиб келаётган йўл бўйига юзлаб бақтрийлар югуриб келишарди. Деҳқонлар келгиндиларнинг айби билан ҳалигача ҳайдовсиз ётган ердан кесак олиб, лаънати юонинг қараб отишарди.

Ҳужум ҳақидаги хабар ҳаддан ташқари тез тарқалди. Эртаси куниёқ Спантамаънонинг Банд қалъасини эгаллаб турган юонларни тор-мор қилганлиги ҳақидаги хабар жанубий Бақтрияга тарқалди. Одам-

лар калтак, болта ва ханжар билан қоролланншар, Спантамаъно томон ошиқишарди. Банд қалъасига уч юз отлиқ билан ҳужум қилган Қоплон уч кундан кейин уч минг кишилик қўшин билан Бақтранинг ўзиға бостириб борди.

Шаҳарда Аттал бошлиқ юонон ёлланма қўшинлари бўлинмаси ва Олтин Дарё водийсида безгак касалига йўлиқкан бирмунча хаста гетайралар қолдирилган эди. Мелеагр Драпсакка бекиниб олган, Горгий бўлмаси эса Парпандида довонини эгаллаб, Кабурага борадиган йўлни кесиб қўйган тоғлиқларни тинчтиш билан овора эди. Шунинг учун Аттал Спантамаъно билан очиқ курашишга журъат қилолмади. У ички қўргонга кириб, бекиниб олди-да, босиб келаётган массагет ва бақтрийларни онагр ва балластлардай ўққа тута бошлади.

Қамал мосламаларисиз қалъани эгаллаш мумкин эмаслигини Спантамаъно яхши биларди. Шунинг учун ҳам у қалъани олишга жон-жаҳди билан уринаётгани йўқ. Қамал кўп вақт қурбонлар талаб қилади. Искандар эса Қоплоннинг Бақтрага ҳужуми ҳақида хабар топиши; тез кунда бало-қазодай етиб келиши ва шаҳар девори ёнида роса қирғин қилиши мумкин. Сиёвуш авлоди эса тўсатдан ҳужум қилиб, кутилмаганда жўнаб қолиш, душман кутмаган томондан зарба бериб, шиддатли босқинлар билан уни ҳолдан тойдириш ҳақида ўйларди.

У массагет йўлбошчиларини кенгашга чақирди. Бир уришда отни жонидан жудо қиладиган, паҳлавон қомат — манзилгоҳларда аёлларникидай ингичка овози билан фамгии қўшиқлар айтадиган Гарпаг шу ерда эди. Гул шайдоси, ўзи ва отини чиройли гуллар билан безатишни севадиган ўйчан ўспирин Зафир ҳам шу ерда эди. Зафир от қўйиб келаётган душман чавандозини қўзини юмиб ҳам, товушига қараб, камон билан бехато уриб йиқита оладиган йигит. Қўрқоқ Дејока ҳам шу ерда эди. Ҳозир унинг бўшаб қолган манзилгоҳларида изғиб юрган юонон ва македонларнинг қасосидан қўрқиб Спантамаънога қўшилиб олган эди. Дејока ўз уругини узоқ шимолга, Вахш дарёси бошланадиган томонга жўнатиб юборган. Ўзи икки юз аскари билан Сиёвуш авлодининг ортидан эргашган эди. Қоплон билан юриш ҳар қалай сахро-да ёки денгиз бўйидаги тўқайзорда душман қабила-лари орасида юргандан кўра анча хавфсиэроқ.

— Хүш, нима дейсизлар? — Спантамаъно боши билан құрғон минорасига ишора қилди. — Қамал қила-мизми?

— Фойдаси йўқ,— деди Гарпаг.

— Ұлжа олиб, қайтиб кета қолган маъқул,— деди Зафир.

— Ұлжа! — Дейока лабларини ялаб қўйди.

— Сизлар нима дейсиз? — мурожаат қилди Қоплон Вараҳран билан Барога.

— Зафирнинг айтгани тўғри,— деди Вараҳран,— у ҳақ.

— Албатта,— қўшимча қилди Баро.

— Яхши. Ниманики қўлга илинса олинглар, кейин орқага қайтамиз. Негаки биз Мароканд остонасида додини берганимиз Кратер шошилиниш шу ёққа кела-ётган эмиш. Чопар шундай хабар келтирди. Кратер каттиқ газабланган, ундан яхшилик кутниш қийин, ям-ламай ютади.

Бақтрада макелоплар жануб қишлоқ ва шаҳарла-ридан талаб олингап қўплаб қорамол, галла, қури-тилган мева, газмол, идиш-товоқ, ёғ-мой ва мусаллас тўплаган эдилар. Спантамаънонинг буйруғи билан жангчилар омборхоналардаги нарсаларни ташиб чи-қиб, эшак ва туяларга юклай бошладилар. Улар ўз йўлбошчиларидан ўрик олиб, гап-сўзсиз, ишниг кў-зини билиб чаққон ҳаракат қилишар, ҳаракатларида шошилиш, палапартишлик эмас, осойишталик бор эди.

Зарони ҳаяжон қамраб олди. Қочиш керак! Юнон-лар томонга ўтиб олса, у ердан Марокандга, Ороба ёнига боради. Чўлу саҳроларда дарбадар кезишлардан қийналиб кетгац, эрининг бефарқ қарашини ҳа-қорат деб билган хотин бора-бора Спантамаънони ёмон кўриб қолди. Бу одам унинг учун ечилмас жум-боқ эди. У нима қилмоқчи? Эри Искандарга таслим бўлганда Суғдиёнанинг подшоси бўлиб, тўкин-сочиник ва шаъну шавкатда ҳаёт кечиради.

Э-йўқ! Спантамаъно атайлаб ўзини ажал чангали-га ургани урган. Бундай қилишга уни нима мажбур этар экан?

Тунда Заро қалъага етиб олиш ва юнонлардан бошпана сўраш ниятида билдиrmай чодирдан чиқди. Аммо эшик ортида уни коҳии Алингар тўхтатди.

— Сўяман,— деди у қисқагина қилиб. Заро гул-кан шуъласида ялтираб турган хашжар тигини кўр-

ди-да, йиғлаб орқага қайтди. Бир оз үзига келгач, эшикка тескари томондан чиқиб кетишінде қаракат қилди... аммо бу ерда ҳам ҳушер қоюп унинг йўлини тўсди.

Хотин Алингар олдида тиз чўкди, ёлвориб унга қўлларини чўзди.

— Мени қўйиб юбор! Наҳотки юрагинг тошдан бўлса? Қўйиб юбор?..

Алингар миқ этмади. Ана шунда отасига тортган хотин агар коҳин уни қўйиб юборса эвазига ўз танасини ваъда қилди. Коҳин Зарога тикилди. Аёлпинг кўзлари беҳаёлик билан порлаб турарди. Бу сўлим хотинга коҳиннинг юраги суст кетди. Аммо шу заҳоти Муқаддас Иш учун ўзини дунё лаззатларидан маҳрум қилган Спантамаъно ҳақида ўйлади. Ҳокимнинг эсини йўқотаёзган қизи ҳаяжонланиб пицирлади. Алингар ўзининг энг ёмон гуноҳга қадам қўяётганини ҳис қилди. Коҳин Заронинг томорига ханжар қадади ва ғазаб билан:

— Сўяман,— деди.

Ороба қизи калтакланган итдай бўлиб чодирга кириб кетди. У тонг отгунча гилам устида тўлганиб чиқди, эрталаб эса, ёнига эри келмаса ёпинчиқ билан ўзини бўғиб ўлдиришини айтди. Спантамаъно кириб келди.

— Нима дейсан?

— Ўйга кетишимга рухсат бер?

— Ўйга?— У ўзини осойишта тутар, бироқ қўзларида бир лаҳза чақнаган учқун Зарога бу одам қалбиди қанчалик қаҳр бекиниб ётганини маълум қилган эди.— Йўқ. Сен менинг хотинимсан, эринг тортган аламларни сен ҳам бирга тортишинг керак.

— Хотининг бўлишни истамайман!

«Эгина бундай демаган бўларди,— ўйлади Спантамаъно.— Оҳ, Эгина, Эгина! Ҳалок бўлганингдан бери қанча кун ўтган бўлса менга шунча яқин, қадрдан бўлиб боряспсан...»

— Хўш, яна пима?— деди Сиёвуш авлоди.— Сен истайсанми-истамайсанми, бари бир бир умрга менинг хотинимсан.

У яна бир марта газаб билан хотинига қаради ва чиқиб кетди.

— Отинг ўчсин,— шивирлади Заро

Ұлжаларни отларга ортиб бұлишгач, Спантамаъно Дейокага деди:

— Сен ўз йигитларинг билан ғарб томон бор, мол-хол билан карвонни қўриқлайсан. Мен Драпсакка жўнайман. Мелеагрнинг кимлигини бир кўриб қўймоқчиман. Бандда учрашамиз. Бирон кори ҳол юз берадиган бўлса тоғ орқали чопар жўнат.

Дейока хурсанд бўлганидан қичқириб юборишига сал қолди. «Агар Мелеагр бошингни олса ҳамма ўлжа ўзимга қолади»,— деб кўнглидан ўтказди.

Шундай қилиб, Дейока ғарб томон йўл олади. Массагетлар, исенчи бақтраликлар ва Спантамаънонинг панжакентликлари жануби-шарқ томон жўнайди ва Драпсакни қамал қилади. Қалъа уларни балласт ва онагр ўқлари билан қарши олади. Қўчманчилар шовқин-сурон билан қалъа девори остига бостириб боради, орқага суриб ташланади ва қалъани айланив ўта бошлайди.

Мелеагр қалъадан чиқиб ҳужум қилади ва йигирма-ўттизистача бақтрай ва массагетни ўлдиради. Жангга қизиқиб кетган юонлар Спантамаънонинг тўқайзорга бекиниб, ҳужумга тайёрланаётганини сезмайди. Суғлар эсанкираб қолган массагетларни қувиб келаетган юонларга тўсатдан ҳужум қилади. Драпсак қалъаси остонасида қисқа, аммо қонли жанг бошланиди. Нихоят Спантамаъно Мелеагрнинг қанақа одамлигини кўради.

Искандар ўлимидан беш йил ўтгач Филипп ўғли бунёд этган буюк давлатга ҳукмдор бўлишга уриинган, аммо Фердикка билан курашда ҳалок бўлган одамнинг қўриниши файритабий эди. Бу паст бўйли, кенг елкали, маймунга ўхшаш сержун, оёқлари қийшиқ, тутган жойини узиб оладиган кучли одам эди. Мелеагр ўзининг сафар ва жангларда ўтган таҳликали ҳаётida бирорта ҳам жароҳат олмаган, чунки ҳайрон қоларли даражада чаққонлиги билан ажralиб турарди.

Мана шу даҳшатли нусха Сиёвш авлоди билан юзма-юз келиб қолди. Шу экан-да номи кетган Спантамаъно! Юон қўлидаги этри қиличини кўтариб, сүғдининг бошини кесмоқчи бўлган лаҳзада миясида: «Искандар... бу ўлжа учун бир қоп олтин беради»,— деган фикр ялт этиб ўтди.

Шу дамдаёқ у чинқириб юборди ва қўлидаги қиличи тушиб кетди. Олға сакраган Спантамаънонинг

ханжари унинг қўлтиғига чуқур ботган эди. Суғд Мелеагрнинг қорнига тепди. У ёнбошга ағдарилиб тушди. Спантамаъно юоннинг қўлидан тушиб кетган темир шамширни шартта олди-да, душман боши узра селпиди. Аммо аллақандай гоплитнинг найзаси ҳалал берди, шамшир унга урилиб дастасини икки бўлиб юборди-ю, бир лаҳза тутилиб қолди. Бу орада бахтсиз Мелеагрга ёрдамга ташланган бошқа юоннлар Спантамаънони нари суриб ташлашди. Элладаликлар қўшиннинг учдан бир қисмини йўқотиб, қўғон девори ортига бекиниб олишди.

— Ярадор бўлдингми? — хитоб қилди Баро, мас-сагет ва суғдлар Драпсак яқинидаги боққа етиб олгач.

— Шунақа шекилли,— деди Спантамаъно чап юзига кафтини босиб, бепарволик билан,— Мелеагр қиличини тушириб юборганда ҳар қалай салгина уриб қолди,— у аянчли жилмайди.— Агар қалб жароҳатларини ҳисобга олмасак, бу менинг ҳаётимда биринчи жароҳат.

Агар Мелеагр ҳам умрида биринчи жароҳатни унинг қўлидан олганини билганда Спантамаъно жуда қувонган бўларди.

Спантамаъно қайси йўл билан Бандга жўнасак экан, деб ўйлаб бўлгунча Бақтра томондан чарчаб ўпкаси оғзига келган отда чопар кўринди. Бу бақтриялик эди. Оғзи катта очиқ. Бир нима деб қичқи-раётганга ўҳшар, аммо овозини шамол учирив кетарди.

— Кулфат! — эшитилди ниҳоят Суёвуш авлодига.

— Хўш?

— Юоннлар сенинг Драпсакка кетганингни билиб қолишиди. Қалъадан юз эллик киши чиқиб, карвонни қувиб кетди.

— Кейин нима бўлди? — ғазаб билан сўради йўлбошли.

— Дейока юоннларни кўрган заҳоти ўлжаларни ташлаб қочди.

— Биронтаям ўқ отмасдан-а?

— Ҳа.

— Юоннлар-чи?

— Бақтрага қайтиб кетишяпти.

— Тез кетишаётганими?

— Йўқ. Улжа халақит беради.

— Уларнинг йўлинин тўсиб чиқишига улгурамизми?

— Агар мана бу сүқмоқдан от қўйсанглар, уларнинг йўлини кесиб чиқасизлар.

— Эй, ҳамма орқамдан юрсин! Истиқбол помига қасамёд қиламанки, ўлжадаи бирорта дон ҳам юнонларга насиб қилмайди.

Уч кундан кейин Спантамаъно қайтариб олинган ўлжа билан Бандга қайтиб келди. Бақтранинг шундай ёнгинасида пистирмага тушган олти гетайра ва олтмиш ёллаима жангчи қиймалаб ташланди. Қолганлари эса зўрға қочиб қутулди ва амалтақал қилиб қўргонга етиб олди.

Дейока галаба билан қайтиб келаётган Спантамаънони узоқдан кўриб, чодирдан чиқди-да, унинг истиқболи сари йўл олди. У аллақачон уйига қочиб қолган бўларди-ю, Койносдан қўрқди. Раҳмир ўғли отдан тушган қабиладошлари орасидан мулоҳим табассум билан чиқди-да, Сиёвуш авлодига икки букилиб таъзим қилди.

— Сен ҳақиқий Қоплонсан,— деди қўрқувдан бўғилиб.— Қиличиниг душманни яшиндай поралайди...

Қоплон шошилмай отдан тушди, қамчинни маҳкам қисиб, енгил, оҳиста қадам босиб Дейокага яқинлашиди. Ҳозир ўшқиради! Мана, ҳозир ер тенинади! Мана, ҳозир қамчи билан туширади! Мана ҳозир... Иўқ. Ранги оқариб кетган бўлса ҳам, Спантамаъно осоиишта эди. Боқиши тик ва қўрқинчли эди. Иўқ, улар таҳдидли чақишаётгани йўқ. Уларда бир вақтлар Бессини совуқ терга ботирган, Оробага сичқон инини минг танга қилган, Зарони эса ақлдан оздирган, ўша бадан — баданин тешиб юборадиган шуъла чаракламоқда эди. Дейока тош бўлиб қолди.

— Қўрқоқмисан?— деди аста суд.— Е... сотқинмисан?

У олдинга энгашди ва совуқ назар билан Дейоканинг қизарган кўзларига тикилиб қолди. Массагетга гўё ҳозир Қоплон ташланадигандай, ўтқир тишлари билан кекирдагидан оладигандай туюлди. Аммо Спантамаъно кутилмаганда хўрсинди, жирканиб Дейоканинг оёғи остига тупурди-да, ортига бурилди.

— Бор-йўги бир қўрқоқ...

Тошдай қотиб қолган Дейоканинг атрофи бўшаб қолди. Ҳатто ўз қавмидан бўлган аскарлар ҳам мөховдан қочгандай ўз йўлбошчиларидан қочдилар. Фа-

қат эңг садоқатли одамлардан Дейоканинг орқа томонида йнгирма-ўттиз чоғлиси қолган, улар ҳам бошлиққа сездирмасдан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилиб, журъатсизлик билан қум устида десиниб туришарди.

У бир нима деб хириллади. Лекин ҳеч ким гапига тушунмади. У айтдики... айтмоқчи, ким билади унинг нима деганини?

— Кратердан чопар келди! — ҳабар берди Фердикка. Искандар чаққон ўгирилди. Ёнидаги деразадан тушиб турган шуъла кўзига урилди. Кўзлари совуқ чарақлаб кетди, гўё подшонинг қошларидан пастроқ-қа яшил шишалар жойлаштириб қўйпландек эди. Фердикка ўзини йўқотиб қўйди.

— Ҷақир! — қисқа қилиб буюрди подшо. Ҳамма замонлар ва ҳамма ҳалқларнинг чопарларидек чанг-га ботган, толиқкан чопар кириб келди ва ҳамма чопарлар каби ўралган қофозни дарҳол гап-сўзсиз ҳукмдорга узатди.

— Бўшсан.

Искандар бобични узди ва шошиб папирус қофозини ёйди. Ўқиган сари унинг жағлари қисила борди, охири чакка томирлари паст-баланд бўлиб бўртиб чиққанидан, македоннинг юзи совуқ ва ифодасиз, тунд тус олди.

— Кратер Спантамаънони тутолмапти,— деди у Фердиккага бўғиқ овозда.— Ваҳший тортиб олннган молларни жапубда ўзига қўшилган бақтралиқ дехқонларга бўлиб берибди. Банд яқинида жангга кириб, Кратернинг кўп одамларини қирибди ва қочиб кетибди.

— Қаёққа?

— Ҷўлга.

Филипп ўғли гижимланган қофозни чангллаган муштини гиламга тираганча, сүғдларнинг сопол маъбути подшога масхараомуз тикилиб турган бурчакка бемақсад тикилиб қолди.

— Ҳеч кимни киритма,— буюрди Фердиккага,— ўйламоқчиман.

Александр узоқ ўйлади. Бу лаънати Қоплони кандай қўлга туширса бўлади! Қачонгача Спитамен Сугдиёнада тирик юради ва Александрнинг биқинидан тишлаб тортади? Уни қўлга тушириш, бошини

олиш, терисини шилиш керак. Бўлмаса, токи бу Қоплон ҳаёт экан, македонларга на ёруғ кун нурида, на ой шуъласида осойишталик топилади. Қуюн гирдобига тушиб қолган учқундек тутқич бермас Сиёвуш авлоди гоҳ у, гоҳ бу ерда йилтиллаб кўриниб қолади, қаерда пайдо бўлмасин, ўша ерда қўзғолон ёнғини чиқади.

Агар Спитамен тўғрисида бошқа босиб олинган ўлкаларнинг қабилалари эшитса нима бўлади? Агар у ерларнинг ҳам ўз Спитаменлари чиқиб қолса-чи! Юзта ўз Спитаменлари? Мингта ўз Спитаменлари? Енгилмас тангри Аммон ўғли босиб ўтган ҳамма ер қўзғолон билан қопланади! Ҳамма остин-устун бўлиб кетади. Спитамен гумдон қилиниши керак. Иложи борича тезроқ, бутун Осиёни оёққа турғизмасидан бурун гумдон қилиниши керак! Аммо, қандай! Ахир чақмоқ ургир қутурган Қоплонни минглаб македонлар изма-из қувламаяптими? Аммо ҳеч қандай куч уни маҳв этолмаяпти-ку.

— Э-э! — Александр мушти билан бошига урди. — Аҳмоқ! Куч бас келмадими? Макр бас келади! Нашотки Қоплоннинг қўшини орасида Оробага ўхшаган бирорта чиябўри топилмаса?

Ҳамиша ўзининг олижаноблиги билан ғуурланиб, тангри ўғлига душман билан курашганда риёкорликка ўтиш муносиб эмас деб мақтаниб юрган одам сапчиб ўрнидан туриб кетди ва қўлини-қўлига ишқаб, хона бўйлаб юра бошлади. Ниҳоят у Спитаменга қарши яхши қурол топди.

— Ҳей, Оробани чақиринг!

Ороба ўзини куттириб ўтирамади. Подшонинг ҳар қандай талабини бажаришга доим тайёр бўлиб, кунбўйи саройда ўралашиб юради. Ноиб Зулқарнайн олдида шундай чаққонлик ва маҳорат билан тиз чўкдики, буни кўрганида ҳатто айёр Дракил ҳам ҳасад қилган бўларди.

— Зародан қандай хабар бор? — сўради Александр қўрқиб кетган навтакаликка бошдан-оёқ назар солиб.

Ороба яна ҳам пастроқ эгилди. Агар ноиб иккита эмас, қирқта тиззага эга бўлганда, бир йўла ҳаммаси билан ғўқкалаган бўларди. Аммо чол қирқоёқ бўлмагани учун кўксини ерга бериб қўя қолди. У македонлар Спантамаъонинг ўрнига ўзини жазолаши-

дан құрқарди. Чунки Заро, унинг қизи душман қаргохыда эди-да.

— Зарога мактуб йүллаганман,— нола қилди Ороба,— лекин Спантамаъно унга қулоқ солмаяпти. Эшишимча, бу бадкирдор одам Заронинг оғигига кишин солиб қўйганмиш. У қизимни жаллоддек қийнаяпганмиш. У мени, сенинг содиқ хиэмматкорингни ёмон кўрганидан шундай қиляпти. О, баҳтсиз Заро! Сени қайта кўрамикинман?

Навтакалик аёлларга ўхшаб ув тортиб йирлаб юборди. Александр масхараомуз кулди ва деди:

— Қизингга ачиняпсанми? Бўлмаса, эшит...
Зулқарнайн ноибнинг қулогига эгилди.

«БУШ ҚЕЛМА, БИРОДАР!»

Энкиду, дўстгинам, укагинам менинг,
Биз тоққа чиққанда сен бирга эдинг,
Илоҳий ҳўқизни биз жудо қилдик жонидан,
Арчазор ўтлоқ соқчиси Хумбабуни ғлодирдик.
Нега бунча қаттиқ уйқу маҳв этди сени?
Нигоҳинг сўнди, энди сўзимни эшиштайдсан?

Гилгамиши қиссаси»

— Эҳ, Варахран!— пичирлади Спантамаъно ҳали тупрори қуримаган қабр олдида тиз чўкаркан.

Баро ва бошқа сафдошлар ярим доира бўлиб, ялангоч бошларини эгиб йўлбошлилари орқасида маъюс туришарди. Қорақумнинг кучсиз, аммо қайноқ шамоли уларнинг узун соchlарини гоҳ юқорига тўзишиб, гоҳ қаҳрли пешоналарига тушириб ўйнарди. Чуқур ажинлар бузиб турган буғдоймагиз юзидан тер аралаш йирик-йирик ёш томчилари оқиб тушарди. Қенг ёйилган оёқлари тўпиққа қадар қумга ботган, тош қотгандай оғир кафтлари қилич дастасида эди.

Оғир сукунатни фақат тепа ортидаги отларнинг бўғиқ пишқириши ва коҳин Алингарнинг оҳангдор дуюйи фотихасигина бузиб турарди.

Кратер Спантамаънони Банд қалъасига қисиб борган, иккала томон ҳам кўп одамларини қурбон оерган жангла юон палахмончиси отган қўроғошин зўлдир Варахраннинг бошини ёриб юборди. Ийқилаётган Варахрани Баро суяб қолди ва қутуриб кет-

гаи отлар туёги өзіб ташламаслиғи учун уни күтариб қирғинбароидан олиб чиқдн. Таъқибдан қочиб, ярадорни уч кунгача отга күндаланғ қўйиб олиб юришиди. Құсқағина дам олиш пайтларнда Алингар қандай қилиб бўлса ҳам бечора қандакорни ўзига келтиришга ҳаракат қилас, аммо на шифобахш гиёҳлар, на энг таъсири дуолар унга ёрдам бера оларди. Вараҳран бирор марта ҳам кўзини очмай тўртингчи куни оламдан ўтди.

Шўрлик бир оғиз ҳам гапиролмади...

Вараҳранинг ўлими Сиёвуш авлоди дилини вайрон қилиб кетди. У қандакорни доим ёнида кўришга шунчалик ўрганиб қолган әдпки, бу камтар, аммо садоқатли дўстдан қачон бўлса ҳам ажралиб қолиш етти ухлаб тушига ҳам кирмаган әди. Вараҳран ўзини кўз-кўз әтмас, буюк подшолар авлоди билан яқинлигини сунистеъмол қилмасди. Бу оддий одам — уста Вараҳран ўзи учун нақадар катта иш қилганлигини Спантамаъно шу Вараҳран билан Баро яратди. Бир вақтлар Бақтрада маккор Вахшунвартада олдида чираған, ўзига ортиқча бино қўйган ўспирин (еслаш ҳам уят!) Спантамаънодан халқ ҳеч қачон унутмайдиган курашчи Спантамаънони шулар яратди.

Аммо, бари бир, яқин кишисининг ўлими Спантамаънони ўзи охиригача борншга қарор қилган сўқмоқнинг ярмида тўхтатиб қўймади. Яқин кишисининг ўлими баъзи одамларни чўччишиб қўйгандай, уни қўрқитиб юборолмади. Бошқаларнинг бахти учун, ўзии келажакка бағишлиған кишинга ўлим унчалик қўрқинчли эмас. Аксинча, Сиёвуш авлодининг Искандарга нафрати яна ҳам қатъий тус олди. Уртантурувчи, қониқтиромовчи, ёндирувчи қасос иштиёқи тазиёни остида Спантамаъно тирик қолган озгила дўстларига бош бўлиб бир қудуқдан иккинчисига, бир манзилдан иккичи манзилга, бир кўчманчилар ўтовидан бошқасиға от қўйиб борар, Широқ сочи боғланган найзани ўйнатиб одам тўпларди.

Бўй-бўш кенгликларда от туёқларининг тартибсиз садоси гумбурлар, қуриган камгоқлар қирсиллаб синар, ёмғир мавсумида сув оқадиган чатноқ ўзанлар ғижирлар, устини лойқа қоплаган шағал-тошлар шарақлар әди.

Қишлоқ дарвозалари ғижирлайди. Кўзни қамаштирадиган даражада бегубор, жазира осмонга гул-

ханларнинг сарғиши тутунлари ўрлайди. Ноғоралар «та-ка-тум! та-ка-тум!» қилиб тез ва таҳликали садо беради. Ўйноқлаб, пишқириб турган отлардаги ярим ялангоч чавандозлар қўёш ҳароратидан чатнаб, ёрилиб кетгап майдонлар ўртасида қичқириб, чанг-тӯзион кўтариб айланади. Болалар йиглашади. Аёллар бирбиридан олдинга ўтишга интилиб югуришади. Қоплон жангчилари Бақтра омборларидан келтирган аъло сифатли дон уларнинг идишларига тушади. Кексалар маънодор бош иргашади. Эркаклар шошиб-пишиб ханжарларини чархлайди. Улар бўлинма-бўлинма бўлиб шамол тўзитиб юрган қум барханлари орқасида кўздан гойиб бўлнишади.

Спантамаъно қўшини кундан-кун ортиб борди. Массагетлар, бақтрияликлар, сүғдлар ўнта-ўнта, юзта-юзта бўлиб оқиб келаверди. Спантамаъно бўлинма йўлбошчиларидан уларнинг кимлиги ва қаердан келганилигини қисқа қилиб сўраб-суриштирас, қуролярогларини кўздан кечиргач, ҳаммасини қабул қила-верарди — Искандарга қарши курашиш учун жуда кўп одам, қилич ва ўқ-ёй зарур.

Бир куни Сүғдиёна билан массагетлар мамлакати чегарасига жойлашган Баги қалъасидан от-уловсиз уч киши келди. Спантамаънони излаб кўп одам келарди. У қўшинининг кўпайиб бораётганига кўпнишиб бораётгап эди. Аммо бу учови уни ҳайрон қолдирди ва Қоплоннинг синчков ногоҳини дарров ўзига тортди.

Учаласининг бўйи паҳлавон Баронинг бўйидан сира қолишимас эди. Лекин улар навтакаликдан ўз тузилишлари билан фарқ қиласди. Баронинг гавдаси йирик, қадди-басти келишган бўлса, бу учаласининг аъзолари бир-бирига мос эмаслигиги билан кишини ҳайратга соларди. Қисқа, лекин йўғон бўйинлари, калта, лекин пайлари ўйнаб кетган оёқлари, бронзадан қуйилганга ўҳшаган сержун кўкраклари, сал букилга кенг елкаю бақувват узун қўллари уларни ба-ланд Помир тогларида яшайдиган сирли қор одамларига ўҳшатиб турарди.

Бу гайриоддий уч киши жангчилар оломони орасида бемалол ўтиб, Қоплон чодири ёнига келишди.

— Спантамаъно ким? — сўради бири йўғон гулдурагап овоз билди.

— Мен.

— Шоши-Миҳра,— бўкириб деди меҳмон ва шарқ томонга қўл силтади.— Вахшунварт!

Спантамаъно ҳушёр тортди. Шоши-Миҳра — бу «Ой ва Қуёш» чўққиси дегани. Коҳин Вахшунвартага ўзига паноҳ қилган жой. Меҳмон Вахшунвартанинг шажара белгиси туширилган кумуш тахтачани Спантамаънога узатди, сўнгра камарини ечиб, лиқ-лиқ тўла халтани унинг оёғи остига ташлади.

— Вахшунвартаберидеборган олтин. Бизнинг сен билан бирга бўлишимизни сўради. Энди менга ва дўстларимга нон билан гўшт бер. Бизнинг қорнимиз оч.

— Баро!— қичқирди гул-гул ёниб Спантамаъно.— Энг семиз қўйни сўй, тезроқ!

У курсанд бўлиб жилмайди. Демак, бу Вахшунвартага унча ёмон одам эмас экан. Қурол-яроғ харид қилиш учун Спантамаънога жуда-жуда зарур бўлган шунча олтинни юборишга қарор қилибди, ниҳоят унинг виждони уйғонганга ўхшайди.

Баро қўйни сўйиб, терисини шилгунча «Ой ва Қуёш» чўққисидан келган тоғлиқлар мижжа қоқмай унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб туришди. Бу куи одатдан ташқари кун эканлигини худо ҳам нишонлаётгандай, манзилгоҳда яна бир ғалати одам пайдо бўлди.

Озғин, узун соқолли, офтобда тимқора бўлиб куиб кетган одам, туллаган қари туянинг икки ўрқачи ўртасида чайқалиб, чинқироқ овоз билан ҳазил қўшиқ айтиб келарди. Туянинг биқин ва оёқларидаги хас-ҳашак ёпишиб, уюм-уюм бўлиб осилиб ётган кулранг жунлари устида ўтирган одамнинг бошидаги сочи эгнидаги кийимига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Бироқ бу на туяни, на устидаги одамни хижолатга соларди. Улар тантана билан чодирлар оралаб борар, бирининг қувноқ қўшиғи иккинчисининг қулоқни қоматга келтирувчи бўкириғига қўшилиб кетарди.

Туя Баро қўй сўйиб, нимталаб турган жой яқинидан ўтаётганда, навтакалик наздида, туякаш Шоши-Миҳра чўққисидан келган тоглиқларга қараб маънодор кўз қисиб қўйгандек туюлди. Баро қовоғини солди. Аммо, баҳши шу заҳоти унга, Барога ҳам, яна бир неча ўнлаб аскарларга ҳам кўз қисиб қўйди. Навтакалик бу бегам ва қувноқ дарбадарнинг шунақа одати бор экан деган қарорга келди.

Бахши Спантамаъно яшаб турган чодир рўпара-

сида туяни тұхтатди ва ҳайвонга дабдабали нутқ билан мурожаат қилди:

— О, шарқ денгизларн билан ғарб денгизларн орасида яшаётган туяларнинг бекіес гүзали, о, түрт оёқли ва думлиларнинг эң донишманди, о, икки ўркачли ва нортаялар орасида эң баобрүсі! Йўл юрсак ҳам мұл юриб, ниҳоят буюклар буюги Сиёвуш авлодининг юзини күришга мұяссар бўлдик! Шуҳрати тоғлардан ошган сардор Спантамаъно олдида тиз чўқ, илоё у бир мингу бир юзга кирсин!

Туя осилган тумшуғидан кўпик сочиб, аввалгидан баттарроқ бўкирди. Ҳарсиллаб тиз чўқди. Бахши тушиб, таъзим қилди.

— Сен кимсан?— сўради Спантамаъно ҳайрон бўлиб.

— Мен муруватли сарт уруғидан бўлган бахши ва латифагўй Сирдон авлодиданман. Қувноқ қўшиқ билан ризқимни териб еб юрибман. Сенинг тўғрингда кўлдан бери эшитаман, бу ерга Шошдан келдим. Қўшинга фақат мерган билан қиличбоз эмас, Сирдон авлодига ўшаган одам ҳам керак. Тўғри, номинг абадий ўчмагур бувамдай бўлишимга анча бор, аммо менинг ҳам қўлимдаи баъзи нарсалар келади.— У бирдан хўрор бўлиб қичқириб юборди, шундай ўхшатдикн, Спантамаъно ҳам жилмайиб қўйди. Сўнгра Сирдон авлоди бошипи бир ёнга энгаштирди-да, бўйин этини чўзиб, бўғиқ ва йўғон овоз билан овчи кучук бўлиб ҳуриди. Шундан кейин соқолини тўни орқасига беркитиб, лабларини чўзди ва бармоқлари билан пастки лабини тортида, маймун бўлди-қўйди. Аскарлар хурсанд эди.

— Энди Сирдон тўғрисидаги қувноқ ҳинкояни эшитииг,— эълон қилди масхарабоз.— Бир куни Сирдон Шошга бораётган эди. Йўлда ниманидир тарвузга алмаштириб олди, кун исиб кетди. Сирдон тарвузни сўйиб, ярмини еди-ла, ерга қўйди: «Майли, ҳамма бу ердан сахий бузургон ўтган экан», деб ўйласин. Сўнгра Сирдон йўлга тушди. Аммо у яна ҳам қизиб кетди. Яна ортига қайтди ва тарвузнинг қолган ярмини ҳам уриб олди: «Майли, ҳамма бузургоннинг қули ҳам бор экан деб ўйласин». Сирдон яна йўлга чиқди. Аммо жазира ма уни аввалгидан ҳам баттар қиздириб юборди. Сирдон яна ўша жойга қайтиб келди ва тарвуз пўчоғини битта қўймай еди: «Майли, одамлар

бузургоннинг әшаги ҳам бор экан деб ўйлай қолишсин».

Сирдон авлоди сўзини тамом қилиши билан атрофда кулги кўтарилиди. Бу бегам одамии кўрганда жангчилар ўзларини аллақандай енгил ҳис қилишди. Манглайлардаги чуқур ажинлар текисланга бошлади. Кўзларда қувонч пайдо бўлди. Ҳорғин елкалар тикланди. Уруш ўзининг барча даҳшатлари билан эсдан чиқди. Одамлар илгариги яхши дамларда бўлгандай бепарво табассум қилишарди.

— Қолавер! — рухсат берди Спантамаъно кулгидан қизариб кетган юзларини силаб. — Сен ҳақиқатни керак одамсан.

— Худо хайриигни берсин!

Сирдон авлоди тун ярмидан оққупча гулхан ёнида-гулхан ёнига ўтиб, гаройиб бобоси ҳаётидан қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб аскарларнинг ичагини узди. Ўни едириб-ичириб димоғини чоғ қилишди. Соқчилардан бошқа ҳамма уйқуга кетганда Сирдон авлоди Вахшунвартада жўнатган тоглиқлар билан гаплашиб олди-да, массагет Дейока чодирига писиб борди.

— Хўжайнинг дўстиман,— пицирлади эшикни кўриқлаб турган кўчманчига,— ҳозироқ уни уйғот, бўлмаса фалокатга йўлиқади.

Безовта бўлган соқчи Дейокани уйготди ва Сирдон авлодини чодирга кирғазди.

— Кимсан? — қисқа уйқудан кейинги бўғиқ овоз билан безовталаниб сўради Дейока. — Сенга нима керак?

— Мени танимадингми, Рахмир ўғли? — деди тулкилик қилиб баҳши.

— Кимсан? — деб такрорлади машъаланинг кучсиз шуъласида хира кўрипид турган меҳмон юзига кўрқув аралаш тикилиб.

— Яхшироқ қара,— киноя қилди Сирдон авлоди. Дейока қичқириб, титраб кетди. Қаршисида ундан қишида Зарони сўраб-суриштирган таниш савдогар турарди.

— Спантамаънога ҳеч нима демайсан! — буюрди «Сирдон авлоди» овозини ўзгартириб. — Бундан буён мен нима десам шуни қиласан. Тушундингми?

— Нима учун? — эзмаланди Дейока.

— Чунки, мен шуни истайман.

— Кимсан ўзинг менга буйруқ бергани? — ожизо-

на эътиroz билдири Дейока. Үз устидан бу одамнинг қаңдайдир ҳукмронлигини ҳис қилиб.

— Ҳа, ҳали шунақамисан?— деди Тигран ғижиниб.— Агар Спантамаънига бориб айтсам... Қоплон қаерга яширинганини Оробага юз тиллага сотгансанку, ахир!

— Мен-а?— ҳайрон бўлди Дейока.

— Бўлмаса ким? Заро қаердалигини сен айтганинг, Спантамаъни қаерда бўлса Заро ҳам шу ерда бўлмайдими ахир? Ҳар қандай өшак ҳам буни билади.

Дейока бўшашиб қолди.

— Агар... мен бориб сени чақиб берсам-чи?— гўлдиради ўзини йўқотиб.

— Бориб кўр!— Тигран даҳшат билан қўзларини ўйнатди.— Бугун келган тоғлиқ уч йигитни кўрдингми? Улар менинг хиэмматкорларим. Яқин жойда туришибди. Бир ҳуштак чалсам, улар чодирнингни парчапарча, ўзингни эса бурда-бурда қилишади.

Дейока қўрқувдан титраб кетди.

— Спантамаъниони нима қиласан?— Тигран юмшади.— Бари бир яқинда у тамом бўлади. Уни бир ёқлик қилишда менга ёрдам бер. Қоплон белига тугиб юрган нарса бу ишинг учун сенга мукофот бўлади.

Дейокага жон кирди. У олмосларни эслади, яна Банд қалъаси, македонлардан шармандаларча қочгани, ўшандага тортган хўрлиги ва ичидага: «Пайти келгандага қасос оламан!»деб ичган қасами эсига тушди. Мана, вақти келгандага ўштайди. Ниҳоят Дейока хирилдоқ овоз билан сўради:

— Қандай... бир ёқлик қилинади?

Иккинчи куни Спантамаъни уч минг кишилик отлиқ қўшини билан Багиустига юриш бошлади. Бу ҳақда айғоқчилар орқали хабар топган Койнос тезлик билан Биҳардан чиқди ва уларга қарши юрди. Унинг қўл остида тўрт юз гетайра, Мелеагр бўлинмаси, аконтчиларнинг ҳаммаси ва Аминтанинг маҳаллий аҳолидан тузилган чавандозлари бор эди.

Баги қаттиқ тупроқли текисликда, жанг учун қулай ерда ўриашган эди. Койнос билан Қоплон шу ерда тўқнашди. Македонлар ўнг қаноти билан ҳужум қилинишини билган Спантамаъни яхши қуролланган дахларга ўзи бош бўлиб қўшиннинг чап қанотини мустаҳкамлади. Ўртани Баро бешчилик қилган сүғд ва Бақтрийлар тўлдириди. Ўнг қанотни кўкламда Бақтра-

га юришда қатнашган Зафир билан Гарпаг әгаллади. Ен томондан ёки орқадан бўладиган ҳужумни хавфсизлантириш учун Спантамаъно ўзидан чапроқ-қа отлиқ енгил камончиларни жойлаштиришга қарор қилди. Қоплонни ҳайрон қолдириб бу хатарли иши... Дейока ўз устига олди.

— Банд қалъаси ёнида мен ўзимни шарманда қилдим,— деди у кўзини пирпиратиб.— Ўз шаънимдан бу дорни ювмоқчиман.

Қаноат ҳосил қилган Спантамаъно рози бўлди.

«Эҳ инсон, инсон!— фикран хитоб қилди сурд.— Қим сени англай олади? Яхшиямки, ҳамиша инсон илк бора туюлганидан кўра яхшироқ бўлади».

Койнос қўшинларини македонлар одатича пона шаклида сафга тизиб, Спантамаъно устига ташланди.

Лой ғўлаклар визиллади. Гетайралар найзаларини олға чиқариб, бир ҳамлада ағдариб ташлаш учун дахлар устига селдай ёпирилиб кела бошлади. Улар кейин бошқалар устига ташланмоқчи эди. Бироқ ҳамма натижа бермади. Энди Спантамаънонинг одамларида македонлар билан жангда ўлжа қилинган ёки ўз усталарининг қўли билан ясалган бронза совут, мустаҳкам дубулға, ажойиб қалқон, эгри темир шамшир ва узун найзалар бор эди. Энди Спантамаъно ҳам бўлинмаларини жангга сафлай билар, жангчилари эса қурол билан муомала қила олар эди. Даҳлар олға ташланди, найза саншиб, қилич солиб душман сафларини буза бошлади. Эсини йўқотиб қўйган гетайралар тўхтади ва тўдаланиб олди. Даҳлар энг сара йигирма бещ чавандозни шу заҳотиёқ ўлдиришиди. Бу орада Баро, Гарпаг ва Зафирлар ҳам Мелеагр ва Аминтани, аконтчиларни суриб бора бошлади.

Спантамаъно енгмоқда! Аконтчилар орқага чекинди. Мелеагр бўлинмаси ҳужумга зўрга чидаб туради. Койнос ҳужумни қайтаришга қанча уринимасин, ҷўпонлар қўйларни ҳайдагандай, даҳлар найза ўннатиб, қилич селлиб гетайраларни ўраб ола бошлади. Улар:

— Қур-е! Қур-е!— деб қичқириб македонларни ҳайдамоқда эди.

Шунда тўсатдан жанг ҳаракатининг бориши кескин ўзгариб кетди. Жангга берилиб кетган Спантамаъно қачон ва нима учун бу ҳол рўй берганини сезмай қолди. У фақат гетайралар ўзини ўнглаб олиб ўнг қанот бўйлаб ёйилаётганини, тезлик билан даҳ-

ларнинг ёни ва орқасига ўтиб олаётганини кўриб қолди. Кутимаганди Баро бўлинмасининг кўп қисми отларини орқага бурди ва юк араваларга қараб чоптириб кетди. Гарлаг билан Зафир ўртоқларининг чекинаётганини кўриб ваҳимага тушиб қолиши. Мелегар парокандаликдан фойдаланиб чап томондан қисқа ва аниқ зарба берди. Қоплон қўшинлари унинг кўз олдидага бўлак-бўлак бўлиб, парчаланиб кетди.

Бу қандай юз берди? Жанг авжи қизиган пайтда Тиграннинг топшириғи билан Дейока қўшиннинг чап қанотини бўш қолдириб, Баро қўл остида жанг қилаётган сүфд ва бақтрийлар юки ортилган араваларни талашга киришиб кетди. Мана гетайралар нима учун дахларни омбурдай қиснб олди, Баронинг одамлари эса дунёдаги ҳамма нарсани унутиб, разил мас-сагетдан ўз молларини қутқаришга ташландилар. Спантамаъно муваффақият билан бошлаган жанг тақдирини хиёнат шундай ҳал қилди.

Қоплон рўй берган ҳолат моҳиятини англаш олиш ва керакли бўйруқлар беришга ҳаракат қилди, аммо ҳамма томондан уни ажратиб қўйишган эди. Гетайралардан бири найза билан Қоплоннинг кўйлагини йиртди. Иккинчиси найза тифи билан унинг юзини тилиб юборди. Спантамаъно қутуриб кетган оти билан бир ерда айланар, дўлдай ёғилаётган зарбаларни қайтаришга зўрга улгуради. Суёвуш авлодига ҳар лаҳзада македопларининг узун темир найзаси санчилиши мумкин эди. Спантамаъно қалқон билан гоҳ биқини, гоҳ кўкраги, гоҳ бошини тўсар, яшин тезлигида қилич ўйнатор, борган сари чарчоқдан қўли дармонсизланиб кетаётганини сезар эди. Ҳадемай қўлидан шамшири тушиб кетади, ана унда... ажал дебланлари шундай бўлар экан-да!

— Бўш келма, жигарим! — Спантамаъно яқинида гулдураган овоз эшитилди. Қоплон қарамай туриб, Баронинг овозини таниди. Навтакаликнинг кучли овози Спантамаъононинг қон-қонига кирнб, унга беқиёс куч-қудрат бахш этди. Суғдинг қайноқ тер хи-ралаштирган кўзлари очилиб, чарақлаб кетди. Жангнинг тинимсиз ва даҳшатли шовқин-суронидан битган қулоқлари ҳам очилиб, унга жон ҳолатда урушаётган одамларнинг ҳансираш ва ноласи, қутуриб кетган отларнинг пишқириши ва кишнаши, туёқлар дупур-дупурию қиличларнинг шарақ-шуруқи, тешилган со-вутларнинг фирчиллаши ва синаётган найзаларнинг

қарсиллаши аниқ әшитила бошлади. Спантамаъно ҳаддан ташқари чаққонлик ва тезлик билан зарба берса бошлади. Ҳақиқатан у одам әмас, қоплонга ўхшарди.

— Бўш келма, жигарим!— Бақувват, разабланган арслондай соchlари тўзиб кетган Баро иккита оддий аскар зўр-базур кўтарадиган эгри шопини қулочкашлаб селпир, бу йўғон дастага ўриатилган, чархлоглиқ баҳайбат темир парчаси македонлар бошига илохий тошдай гурсиллаб тушар, ёғоч пайза, бронза қалқони, қалин совутлар ва душман аскарларининг қўл, қовурга ҳамда каллаларипи ҳар томонга учирив кетарди. Эсанкираб қолган гетайралар орасига Баронинг орқасидан жасур панжакентликлар ҳам киришди. Кичик, аммо бирлашган аҳил бўлинма нотекис тошлок ерни ёриб, кавлаб бораётган омочдай душман сафларини ёриб, бутун-бутун қаторларини бузиб ташлади.

— Бўш келма, жигарим!

Баро Спантамаъно томон ёриб кирди ва унинг атрофидагиларни қириб ташлади. Панжакентликлар ўз йўлбошчиларини македон наизаларидан ҳимоя қилиб турди, Баро эса бақириб-чақираётган қалин душман сафлари орасидан йўл оча бошлади. Панжакентликлар бирин-кетин отлар туёғи остига қулай бошладилар. Македонлар Қоплон атрофини ҳалқадай ўраб, қисиб келар, лекин Баро такрор-такрор қилич солиб, ёввойи итларни шохига илиб отган буқадай уларни улоқтириб ташларди.

Ниҳоят Қоплон македонлардан ажралиб чиқдида, гарб томонда кўриниб турган қум барханларига қараб от чоптириб кетди. Ёнида Баро билан омон қолган беш панжакентлик от қўйиб борарди. Гетайралар онасидан ажрамаган буғулар каби унинг ортидан қуваларди. Улар тезлик билан етиб ола бошлидилар. Баро шартта отини бурди. Буни кўриб Спантамаъно ҳам тўхтади. Навтакалик Спантамаънонинг қўлига чанг солди.

— Биродарим!— Баронинг кўзларида алам ифодаси бор эди.— Бари бир ҳаммамиз қочиб қутуловимиз. Мен юононларни чалфитиб турман. Қутулиб кет... хайр, Спантамаъно!

— Нималар деяпсан?— қичқирди Спантамаъно.— Үлсак, бирга ўламиз.

— Йўқ! Сен ўлмаслигинг керак. Қоч! Хўш, пима-

ни кутиб турибсан? — газаб билан бақирди. — Қоч де-
ялман сенга!

У шартта ханжарини суғурди-да, Спантамаъно минган отнинг сағрисини тилиб юборди. От пишқириб, типпа-тик турди-да, жон-жаҳди билан югуриб, қушдай учиб кетди. Суғд отини тұхтатмоқчи бұлар, әгарда зўрга турарди. Тулпор тепаликка етиб келгандагина ҳолдан тойиб, югуришини секинлатди. Спантамаъно орқага қаради ва македонларнинг ўлик түя устида айланётган қузғунлар галасидай бир ерга тўпланиб олишганини кўрди.

— Алвидо, Баро,— алам билан шивирлади Спантамаъно,— мана, сен ҳам ташлаб кетдинг мени...

Қоплоннинг орқа томонида овозлар эшитилди. У чаққонлик билан ўгирилиб қаради ва «Ой ва Қуёш» чўққисидан келган уч тоғлиқни кўрди. Улар тепаликда Сиёвуш авлодига қараб турешарди.

Узоқ Навтакада, қурум босган қоронғи кулбада ўтириб, Мандана эри ҳақида хаёл сурарди.

У нозик кафтини қорнига қўйиб, ичидаги тирик мавжудотнинг тиришқоқлик, қатъият билан қимирлаётганини кўзда севинч ёшлари билан сезиб турарди. Унинг тасаввурида Баро сиймоси яқинда дунёга келадиган янги одам сиймоси билан қўшилиб кетаётган эди. Йўқ, Манунинг шажара илдизи юлиб ташланган эмас. Ҳаёт булоғи қуригани йўқ. Майли, Манданадан сут келмаса — Баронинг ўғлини халқ боқади. Маъбуда Анахита ғолиб келди.

СПАНТАМАЪНОНИНГ БОШИ

*Раҳнон дөвори тандын умр рахшин сакратиб,
Теэрови боди нафасдин гоҳи кўз юмдим ғтуб,
Ғарқ ўлдим домани беҳосили соҳил бўлуб,
Қатраи найсони селоби сирышкимдин ютуб,
Айдаҳим қути кўнгул баҳринда монанди
садаф.*

Турдий, «Муҳаммаслар»

Туя миниб олган Тигран қуруқ жарлик остига тўпланиб олган аламзада суғд ва бақтрийлар тепа-

сида юксалиб турарди. Уларнинг ярмиси оғир ярадор; қон оқиб турган жароҳатларини қисиб инграр ва сўкинар эди. Қолганларининг ҳам ҳаммаёғи кесилган, ёрилган ва фура бўлиб кетганди. Бирортасининг кийимида бутун жой қолмаган: чакмону яктаклари йиртилган ёки бўйи ва энига тилка-пора қилиб кесиб ташланган эди. Душманлари македонлар томонидан тор-мор, «дўстлари»— массагетлар томонидан хонавайрон қилинган бу одамларни кўриш қайгули эди.

— Эҳ, бахти қаролар!— Тигран қўлларини юқори кўтаради.— Бу Спантамаъно дегани шунаقا қароқчи экан! Ким шундай деб ўйлади? Яна Сиёвуш авлоди дейишади...

У тилини такиллатади ва ғамгинлик билан бош чайқайди. «Сирдон авлоди»нинг сўзлари ҳар хил таъсир қиласи; бирорлар умуман қулоқ солмайди, бошқалар ҳүшёр тортади, аммо гапирмайди. Кимдир ғазаб билан дейди:

— Спантамаъно тўғрисида валақлама! Аравала-римизни массагет Дейока талади.

— Всй-вой,— хитоб қиласи хафа бўлиб Тигран.— Дейока ким? Спантамаънонинг дўсти. Бултурдан бери улар бир-биридан ажралмайди. Спантамаъно қайга борса Дейока шу ерга боради, Дейока қайда бўлса, Спантамаъно ҳам ўша ерда. Ёки гапим нотўғрими?

Одамлар иккиланиб бир-бирларига қарашади. Албатта, тўғри. Худди шундай— Спантамаъно билан Дейока доим бирга.

— Сиз ўйлайсизки,— тезлик билан гапида давом этади Оробанинг вакили,— Дейока араваларингизни Спантамаънонинг топшириғисиз таладими? Эҳ, бахти қаролар! Спантамаънога сиз кимсиз? У Суғдиёна ни унутиб, массагет бўлиб кетди. Унинг учун юзта сугддан битта массагет афзал. Бўлмаса қандайдир даҳлар, саклар ва Қорақум, Қизилқумнинг ҳар хил дайдилари билан ўралашиб юармиди?

Заҳарли сўзлар хўрланган қалбларга нафрат уруғи бўлиб тушар ва аламдийда юракларда ғазабнинг эгри-бугри, япалоқ, сариқ тикани бўлиб униб чиқарди.

— Сизга ачинаман,— хўрсинади Тигран,— энди қаерга борасизлар?

— Массагетлар ёнига...

— Вой! Шунаقا ҳам бўладими?

— Нима, бўлмайдими?

— Эсларинг жойидами? Қароқчиларга бориб қўшилиш! Бугун мол-мулкингизни ўғирлаган одам эртага ўзингизни ҳам тутиб олади-да, Хоразм савдогарларига сотиб юборади.

— Жимлик.

Кейин бирор деди:

— Массагетларга қўшилмаймиз. Саҳро кенг, унда бнзга ҳам жой топилади.

— Вой! Қанақа подон халқ бу бақтрийлар! Нима билан тирикчилик қиласизлар? Сизда на қўй-эчки, на түя бор. Қудуқ қазишга ҳам яроғингиз йўқ. Отларингизни еб битирашиб-да, кейин очлик ва ташналиктан ўлиб кетасиз.

Яна жимлик. Шунда кимдир дейди:

— Унда уйга қайтиб кетамиз.

— Уйга? Ие-ие! Юнонлар-чи? Спантамаъно тарафпда туриб уларга қарши курашганларинг учун пешоналарингдан ўпишмаса керак.

Шовқин-сурон кучаяди.

— Айт, донишманд, унда нима қилишимиз керак? Наҳотки ҳеч бир иложи қолмаган бўлса?

Энди Тигран сукут сақлайди. Узоқ жим туради, сўнгра овозини пасайтириб дейди:

— Йўли бор. Уз ихтиёргиз билан бориб, Искандарга таслим бўласиз. Янглишганингизни айтиб, тавба қилсангиз, у кечиради. Бўлмаса ҳалок бўласизлар.

Суғд ва бақтрийлар кенгашиб, сўкинишиб, баҳлашиб кетишади.

Шу пайт озғин, ранги заъфарон, ола-чипор ажнабий чоловорли киши оломон орасидан чиқади. Бу Да-тафарн эди. Қандай ўзгариб кетибди-я! Ундан аввалини Датафарнинг сояси қолибди. У Тигранга газаб билан назар ташлайди.

— Одамлар, унга ишонманглар! Наҳотки билмаётган бўлсангиз унинг хоинлигини? У сизларни алдаб, Спантамаънодан ажратиш учун душман томонидан юборилган одам. Искандарнинг олдига бормантлар. Қоплонни излаб топинглар. Охиригача курашиш керак.

Жангчилар хушёр тортади. Тигран безовта.

— Форс,— дейди у ғазаб билан,— нима учун сен ўзгаларнинг ишига аралашасан? Унга ишонманг, оғайнилар! Суғд ва бақтрийларга форснинг яхшилик

Қилганини қайси бириңиз әшитгансиз. У сизларни Искандарнинг ғазабига дучор қилмоқчи, дўсти Бесс учун сизлардан қасос олмоқчи. Қўл-оёғини боғланг. Уни Искандарга элтиб топширсангиз, шоҳлар шоҳи сизларга карам қиласди.

Одамлар иккиланиб қолади. Кимdir қичқиради:

— Сирдон авлоди ҳақ! Форсни ушланг!

Датрафарнинг қўлларин қайиришади. Форснинг оғиздан қон келади.

— Биз билан кетасанми, Сирдон авлоди?— сўрашади Тиграндан.

— Менми?— Тигран ҳайрон бўлгандаи елкасини учирали.— Нега? Суғдиёнада нима қиласман? Менга Искандар нима керак? Хоразмга йўл оламан.

— Бир ўзинг, нонсиз, сувсиз Хоразмга бормоқчимисан?

— Нега ёлғиз бўларканман? Менинг икки ўркачли, тўрт оёқли дўстим бор. Нон, сувни бўлса йўл-йўлакай қўшиқ айтиб топиб кетавераман.

— Майли, ўзинг биласан. Хайр, олижаноб одам.

— Яхши боринглар!

Бақтрий ва суғдлар жарликдан чиқиб, отларига минишадида, Вагига қараб жўнашади. Қаноат ҳосил қилган Тигран улар орқасидан узоқ тикилиб туради, сўнгра туясини буриб, бошқа томонга қараб ҳайдайди. Кечқурун эса кечати жангдан омон қолган даҳ, сак ва массагетлар манзилгоҳида пайдо бўлади. Улар қайгуда — саккиз юз қуролдошлари ҳалок бўлган, манзилгоҳ бўйлаб чўзиқ ғамғин дуо садоси әшитилади. «Сирдон авлоди» кўриниши билан одамлар енгил тортади.

Туясини тўхтатиб, беўхшов ҳаракатлар билан оёқларини бемаъни силтайди-да, юқоридан қумга ағанаб тушади. Қулгили башарасини шундай буриштирадики, жангчилар шунча қайгу-аламларига қарамай хоҳолаб кулиб юборишади.

— Нега хоҳолайсизлар?— пўнғиллайди «Сирдон авлоди» лат еган тиззасини уқувсизлик билан ишқалаб.— Ўзим ҳам тушмоқчи эдим.

Шунда энг ғамгин одамлар ҳам кулиб юборади.

— Кулинглар, кулаверинглар,— пўнғиллайди яна «Сирдон авлоди».— Ҳозир сизларга бир гап айтаманки, ҳўнграб йиғлай бошлийсизлар.

Жангчилар бирдан жим бўлиб қолишади. Тигран атрофини ўраб олишади. У ғамгин хўрсиниб қўяди.

— Мен бир сүфдни учратдим. У Дейоканинг манзилгоҳига келаётган экан. Галига қараганда, Искандар Багига келибди. Ўзи билан беш юз минг аскар олиб келган эмиш. Эртага шу ерда бўлади. Суфдайтадики, Искандар қаттиқ ғазабда эмиш. Спантамаъони ва унга ёрдам берганларни қиличдан ўтказмагунча Қизилқумдан кетмас эмиш.

— Шўrimиз қурсин,— ҳаяжонга тушади дахлар.— Нима қишлиш керак?

— Қочиш керак,— билағонлик қилиб гап ташлайди Тигран.— Вахшдан нарига, Қорақумга, Гиркан дengизига етгунча. Мен кичкина одамман, Искандар менга тегмайди, лекин... яна ким билади бу юонларни. Вақт борида жўнаб қолган яхши. Мен Хоразмга кетаман. Сизлар билганингизни қилинг.

Дахлар шу заҳоти ўринларидан туриб, ғарб томонда кўздан ғойиб бўлишади. Уларнинг орқасидан саклар билан массагетлар ҳам йўлга тушишади. Суҳрода Тиграннинг бир ўзи қолади. «Энди тамом бўлдинг, Спантамаъно»,— пичирлайди Оробанинг югурдаги ичиқоралик билан. У туясини шимол томонда қорайиб турган, унча баланд бўлмаган тоғ томонга ҳайдайди. «Қувноқ чол»ни у ерда Дейока кутмоқда эди.

Дейока бўлинмаси кам сувли сойнинг тошлоқ ўзани бўйлаб қайтмоқда. Баҳор чоғи унда яланғоч, деярли ҳосилсиз тоғу қоялардан айқириб келадиган бўтана ёмғир сувлари лиммо-лим бўлиб оқади, ҳозир эса сип-силиқ, ярмигача қумга ботган доғли тошлар оралаб кўз ёшидек жилдираяпти. Сой манбаидаги торгина дара остида — кўлмак ва бир оз ям-яшил ўтлоқ бор жойда пастак пахса девор билан ўралган эски қўрғонча, бир тепса қулаб кетадиган омонат дарвоза кўринади. Дейока уруш олдидан жангчиларининг бир қисмини, хотин-халаж ва молҳолларини шу ерда қолдириб кетган эди. Коҳин Алингар Спантамаъонинг хотини Зарони шу ерда қўриқлаб турарди.

Дейока шошилмоқда. Унинг қовоғи солиқ. Дейока ўз қилмишидан қўрқиб кетган эди. Дейока пастдан от қўйса, орқасидан қўрқув қора қузғун бўлиб қувварди. Қўрқув тепаликлар чўққисида бекиниб турган она бўриларнинг киприк қоқмас кўзлари би-

лан Дейокага тикилаётгандай, чирилдоқлар қанотининг шитирлашида ҳам аниқ эшитилаётгандай туюлади. Дейока Спантамаънога ачинмайди. У ҳеч кимга ачинмайди. Фақат ўзи учун қайғуради. Ўзига ачинади — фақат ўзига. Массагетга шуниси алам қиласидики, мана шундай ҳамма нарсадан, ҳаммадаң қўрқишига, сарсон бўлиб юришга тўғри келади. Ранжиш ҳамма нарса ва ҳаммага қарши ғазабга айланади. Дейока пўнгиллаб лаънат ўқиганча, шафқатсизлик билан отига қамчи босади.

— Қарс!

— Қарс!

— Қарс!

Бу Дейока тақиллатаётган дарвоза садоси. У қулаб тушади. Бўлинма ортидан юз минг кишилик қўшин қувиб келаётгандай қўргончага ҳовриқиб киради. Ичкаридаги одамлар ҳаяжонда. Итлар шовқин солиб ҳуради. Шошиб кираётган одамлар жонжаҳди билан ҳураётган итларни тепиб ҳайдайди. Дейока титроқ қўллари билан гармседа қизарган юзларини бекитади, пешонасидаги терни сидириб, кўзларини юмиб, кафтларини пастга туширади ва тикилиб турган коҳин Алингарга дуч келади. Алингар томи чирик қамиш билан ёпилган кичкина пахса кулбанинг эшиги олдида туради. У жиддий, савол назари билан Дейокага тикилади. Массагетнинг елкалари аста-секин осилиб тушади. Букчайиб қолади. Қўзларини ерга слади.

— Спантамаъно қани?

Алингар Дейока ёнига келади ва елкасидан ушлайди.

Массагетнинг томоғи қуруқшаб қолган. Бечора Дейока миқ этмайди.

— Спантамаъно қаерда?

Нима учун Дейока жавоб бермайди? «Ҳадемай келиб қолади» ёки «Вахш томонга кетди», ё бўлмаса «Искандарнинг қўлига тушди», деса-ку, бу лаънати Алингар нари кетарди. Лекин томоғига бир нима тиқилиб, қуруқшаган тили танглайига ёпишиб қолган, бир оғиз ҳам гапиролмайди.

— Спантамаъно қани? — учинчи марта сўрайди Алингар, овози борган сари пасайиб боради. Дейока ердан кўз олмай, суяқ кемираётган ит овозидай бўғиқ овоз билан:

— Қайдан биламан сенинг Спантамаънонгни? — дейди.

Шу заҳотиёқ биқинини чангаллайди ва сакраб ортга чекинади. Алингар ханжарини маҳкамроқ қисиб, яна унинг устига сакради. Алингар фақат қадимий китобларни ўқиидиган, хат битадиган чўп билан ёзиш-чишишни биладиган донишманд коҳингина эмас, қурол билан ҳам муомала қила биладиган одам эди. Панжакентлик қалбida ўз йўлбошчиси учун қасос олиш туйгуси портлаб кетади. У яна хоинга ханжар ўқталади.

— Уринг уни! — бигиллайди Дейока ўз соқчилари орасига бекиниб. Массагетлардан бири чаққонлик билан Алингарнинг икки кураги ўртасига пичоқ санчади. Иккинчи соқчи бир қилич солишда бошини танасидан жудо қилади. Коҳиннинг жасадини бир чегга судраб чиқиб, итларга ташлашади.

Дейока бу қилмишларини Заро кўриб қолмадими кан деб безоеталанади. Лекин Заронинг тиши қаттиқ оғриб, ўзи билан ўзи овора эди. Кулба бўйлаб зир юргурганча нола чекарди. Фақат кечга бориб ҳовлига чиқади ва ҳайрон бўлиб сўрайди.

— Алингар қани?

Неча кундирки, унинг орқасидан соядай кузатиб юрган одам бирдан йўқ бўлиб қолибди. Наҳотки... у атрофдагиларга умид билан кўз ташлайди. Унга қисқа қилиб жавоб беришади.

— Қочиб кетди.

Туя саҳрода секин-секин, шошилмай боради. У ўз ерида, текис жазирама кенгликларда. Туя ва саҳро — фарзанд билан онадай гап. Атрофдаги сарғайиб, қовжираб қолган гиёҳлар туюнинг кўксидаги пахмоқ жундан фарқ қилмайди.

Тигран бардошли ҳайвоннинг ўркачлари орасида чайқалиб, замондай чеки йўқ, туя одимидаи оҳиста, саҳронинг ўзидаи бир хил сүғд қўшиғини куйлаб боради. Тигран хурсанд. Оробанинг буйруғини қандай боллаб ўринлатди! Спантамаъно қўшинлари янчиб ташланди. Тирик қолганлар Вахшдан нарига қочди. Спантамаъно бепоён дунёда якка ўзи қолди. У Тиграннинг қўлида. Тиграннинг қўлидан эса ҳеч ким қочиб қутулган эмас.

Туя саҳро бўйлаб секин, жуда секин одимлаб боради. Тигран қўшиқ айтгани-айтган. Кун ботади. Шимол томондан қора булутлар сузиб кела бошлайди.

Демак, кузга яқын қолибди. Ҳаво салқин, оқшом ғи-
ра-шираси. Саҳрода ёлғизлик ёмон. Тигран борган
сари секинроқ күйлайди. Боқибекам түяни боргас са-
ри қаттиқроқ қистайди.

Ох, чүлда ёлғиз юриш қандай ёмон. Тигран энді
күйламай қүяди. Оробанинг хизматкори диққат бўла-
ди. Ороба ҳозир ўз қасрида дам олиб ўтириб, мусал-
лас ичаётгандир, Тигран эса дунёнинг бир чеккасида
саргардон бўлиб юрибди. Тигранга нима кераги бор
бу Спантамаъонинг? Спантамаъно нима ёмонлик
қилди Тигранга? Эҳ, агар Ороба бўлмаганда... Тигран
уҳ тортади. Сенга нима бўлди, Тигран? Сен Ороба-
нинг топшириғи билан озмунча сирли ишларни амал-
га оширмадинг, бирон марта қўлинг титраган эмас.
Ҳозир сени нима безовта қиляпти? Нимага юрагинг
орқага тортиб кетяпти? Нимага эканлигини Тигран
тушуна олмайди. Фақат бир нарсани — Спантамаъ-
нога қўл кўтара олмаслигини ҳис қиляпти. Яхши бўл-
майди. Яхши эмас! Эҳ, саҳрода ёлғиз қолиш қандай
ёмон... Нега бунча имиллайсан, қўш ўркач ҳайвон?

Уч тоғлиқни кўрган заҳоти Спантамаъно ҳушёр
тортди.

Нима учун улар бунча ғалати қарашяпти? Тўғри,
уларнинг кўзида газаб йўқ, лекин хайриҳоҳлик ало-
мати ҳам кўринмайди. Бу ерда мутлақо шубҳали
одамлар бўлмагани яхши эди. Ваҳоланки улар шу
ерда экан, кўрқанингни сездирмаслигинг керак. Да-
дил бўлиш керак. Спантамаъно ўзини қўлга олди ва
осойишталик билан сўради:

— Хўш, нима қилиб юрибсизлар?

Унга тоғлиқлар бир-бiri билан кўз уриштириб
олгандай, ранглари оқаргандай туюлди. Ҳар қалай
улар Спантамаъонинг юзидан кўзларини олишибди ва
биттаси дудукланиброқ деди:

— Сени излаб юрибмиз.

— Мени?

— Ҳ-ҳа... Бизни Дейока юборди.

— Ӯзи қаерда?

— Уёқда,— жангчи тоғ томонга қўл чўзди,— сени
асрашимизни буюрди. Бир кори ҳол бўлиб Искандар-
нинг қўлига тушмаслигинг учун.

Гарчи Спантамаъно уларнинг сўзини эшитган бўл-

са ҳам, маъносига етмади, чунки рўй берган ҳодиса бутун диққат-эътиборини банд қилиб олган эди.

— Даҳлар билан массагетлар қаерда?— сўради у хаёлчан.— Суғдлар билан бақтрийлар-чи?

— Б-билмадик. Саҳронинг бирор жойидадир.

— Уларни топиш керак.— Спантамаъно қалбида шу истак ловиллаб кетди. Агар ўз одамларини излаб топмаса аҳволи чатоқ бўлишини фира-шира ҳис қилмоқда эди.— Ортимдан юринглар! Иложи борича тезроқ уларни тўплаш керак?

— Уларни қандай топасан?— ишонқирамай деди тоғлиқлардан бири.

— Изларидан.

Тоғлиқлар индамай Қоплон ортидан йўлга тушиди. Мана, улар шунча узоқ кутган фурсат келди. Мана шу дам учун Ороба топшириги билан уларнинг йўлбошлиси Тигран Вахшунвартага тегишли шажара нишонини ўғирлаган эди. Мана шу дам учун хасис Ороба олтинни аямай, уч тоғлиқ йигитни Вахшунвартага элчилари қиёфасида Спантамаъно ҳузурига йўллаган эди. Қоплон ёлғиз ва ҳимоясиз. Қилични кўтар! Битта ур! Вассалом, Спантамаъно дунёда йўқ.

Аммо, йўқ, қўйл бормайди. Агар у бақирса, сўкинса, уларни ҳақорат қилса эди. Аммо Спантамаъно бемалол кетяпти, очиқ елкасини тутиб... йўқ-йўқ! Тоғлиқлар юзларини буриб, титраётган қўллари билан тер босган пешоналарини артишди. Улар балки бирортаси қўйл кўтаришга журъат этармикан деган илинж билан бир-бирига кўз қирини ташлаб қўярди. Аммо ҳаммаси бир хил туйғуни ҳис қилгани учун уятдан юзлари ловиллар, ҳар қайсиси ўзини қўрқоқ деб ўйларди. Бу қандай бало ўзи? Уларга нима бўлди? Нима учун улар ёш болага ўхшаб қолишли? Тоғлиқлар нима бўлганини тушунолмас эдилар.

Қоплон ўз одамларини топишга беҳуда овора бўлиб бутун оқшом ва тун бўйи чўлма-чўл саргардон кезди. У ўчиб қолган гулханларга дуч келар, ташлаб кетилган латта-путталарни, синган идиш парчаларини кўрар, лекин ҳеч қаерда жангчиларни учратмасди.

— Одамлар қайга кетдийкин?— ҳайрон бўлиб сўрарди тоғлиқлардан. Улар индамай кенг елкаларини қисишаради. Ниҳоят тонготарда уларга жануб томонга кетаётган қандайдир массагет дуч келди.

— Суғдлар билан бақтрийларни кўрмадингми?— ундан сўраб-суриштира бошлади Қоплон.

— Искандарнинг олдига кетиши,— истамайгина жавоб берди у.

— Таслим бўлдиларми?!

— Ха.

— Даҳлар-чи! Массагетлар-чи?

— Вахшга қочиб кетиши.

Қочиб кетиши!— Бу хабар Спантамаънони даҳшатга солди. Бошидан кечирган ҳамма воқеалар, ҳаддан ташқари чарчашдан (ўтган куни кечқурундан бери ҳеч нарса егани ҳам, ичгани ҳам, мизғигани ҳам йўқ). Қоплоннинг қулоқлари шанғиллар эди. Суғд қанчалик миясини ишга солмасин, йўқолган аниқликни тиклай олмасди. Шунинг учун нималар рўй берганини тушуна олмас ҳам эди.

— Бўпти,— деди тоғлиқларга лоқайдлик билан.— Дейоканинг олдига кетдик.

Массагет ўз йулига равона бўлди, Спантамаъно билан тоғлиқлар эса тескари томонга йўл олишди. Спантамаъно алам билан нега ҳаммаси шундай бўлиб чиқди, бошқача эмас, деб ўйларди. У кеча эрталабдан бери қўйган ҳар бир қадамини ўз хотирасида тикларкан, бирдан ҳаммасига сабабчи Дейока эканлигини аниқ тушунди. Дейока қўшиннинг чап қанотини бўш қолдириб кетди. Нима учун бундай қилдийкин? Спантамаъно отини қичаб ҳайдади ва кўп ўтмай унча баланд бўлмаган тоғ орасидаги кичкина қўрғонга етиб келди.

Қўрғон Спантамаъно ва унинг шерикларини ўнлаб ҳайратли нигоҳлар билан кутиб олди. Бу кўзларда ғалати, кеча тоғлиқлар кўзида кўринган нарсага ўхшаган бир нима бор эди. Спантамаъно буни сезди, ўйлаб кўрди-ю, шу заҳоти эсидан чиқарди. Уни бир нарса безовта қиласди: нима учун Дейока қўшиннинг чап қанотини бўш қолдирид?

— Дейока қани?— деб сўради у биринчи дуч келган массагетдан. Жангчи бирпас сукут сақлади-да, сўнгра қуруққина қилиб деди:

— Чодирида.

У атрофини хос соқчилар эгаллаб, бири ёнбошлаб, бири ўтириб жойлашиб олган кулранг кигиз чодирга ишора қиласди. Улар яқинлашиб келаётган Қоплонга чурқ этмай қараб туришарди, ҳатто баъзилари унинг саломига жавоб ҳам қайтармади.

— Кирсам бўладими?— Спантамаъно ижозат ку-

тиб турмай эшик пардасини сурди-да, ичкарига күз ташлади. Дейока кигиз устида ётар ва аста инграрди. Спантамаъно унинг юзини кўрди-ю, нима учун келганини унудти. Сўнгра эслади ва саволининг ўринсизлигини ҳис қилиб (ахир Дейока қаттиқ азоб чекяпти), пўнғиллади:

— Нима учун қўшиннинг чап қанотини ташлаб кетдинг?

— У-уҳ!— Дейока қуруқшаб қолган лабларини ялади.— У яна сўрайдиям! Чап қанот... чап қанот! Қани менинг чап қанотим? Қара, юнонлар мени нима қилишди!

Дейока ўзининг чап биқинини очди: Алингар ханжари етказган жароҳат устига ёпиширилган жунмато парчасини кўтарди. Қифиз устига қаро қон оқиб туша бошлади.

— Э-э!— Спантамаъно орқага тисарилди.— Сени жароҳаглаганларидан бехабар эканман. Кечир мени...

У ташқари чиқди ва атрофга паришон назар ташлади. Яна нима эсидан чиқди? Ҳеч эслай олмаяпти. Унинг боши айланмоқда эди. Ўлгудай ухлагиси келарди. Лекин у ҳамон оёқда турарди. Шунда қаердандир пайдо бўлиб қолган «Сирдон авлодига» кўзи тушди.

— Ҳа, қизиқчи,— Қоплон ўзини мажбур қилиб самимий жилмайди.— Сен ҳам шу ердамисан?

Тигран ғамгин бош иргади.

— Ҳозир қўшиқнинг пайти эмас, а?

Спантамаъно шу заҳотиёқ Тигранни ҳам унудти. Нимани эсламоқчи эди? Ҳал Алингар қаердайкин? Спантамаъно агрофга кўз ташлади-да, «Сирдон авлоди»дан сўради.

— Алингар қайга кетдийкин?

— Э, кулфат!— Оҳ урди Тигран.— Алингаринг ёмон одам экан.

— Нима?

— Қочиб кетди.

— Қандай қочиб кетди?— Спантамаъно тушунмагандай Тигранга тикилиб қолди.

— Бутунлай қочиб кетди.

— Қаерга?

— Йскандарнинг олдига.

— Ўҳ!— Спантамаъно кўкрагини чангллаб қолди. Унинг кўкраги санчмоқда эди.— Заро-чи... у ҳамми?

Тигран кўримсиз пахса деворли кулбага ишора қилди. Спантамаъно ҳаяжонлана бошлади. Кўзи чарақлаб очилганда бўлди. Заро! Мана кимни шунча узоқ излаётган экан. У кулбага қараб тез-тез юриб, ҳатто югуриб кетди. Нима учун у хотини билан неча ойлаб сұхбатлашмади? Сен хотинингни энди севмай қолдим деб йўлаганинг? Йўқ-йўқ! Гарчи буни ўзинг тан олмасандга, уни кеча ҳам, ҳамиша ҳам севардинг. Унинг уйга кетишига ижозат бермаганинг шундан эмасми? Ороба ҳаром қотсин. Заро ва сенинг у билан нима ишинг бор? Заро девнинг қизи бўлса ҳам, бари бир сенга керак. У сенга керак!

У саксовул шохларидан тўқилган эшикни итарди ва остонаяда тўхтади. Заро бир бурчакда чўққайиб ўтирад, чеккасини ушлаганча уёқдан-буёққа чайқалиб инграрди. Уни яна тиш оғриғи қийнаётган эди. Қаттиқ қиши, гулхан ёнида тунаш, муздай сув ва дағал овқат — булатнинг бари ой юзли Заронинг қордай оппоқ тишларига таъсир этмай қўймади.

У ҳам тун бўйи мижжа қоқмаган эди. Таҳликали хаёллар тиш оғригини баттар кучайтиради. Спантамаъно энди нима қиласди? Уни уйига қўйиб юборадими? Қўйиб юбормаса-чи? У ҳолда нима қилиши керак? Дейокадан Марокандгача кузатиб қўйиши сўрайдими? Лекин Дейока рози бўлармикан? Ёки Алингар қочгандай бир ўзи қочсамикан? Аммо слғиз ўзи чўл ошиб водийга етиб бороладими? Заро тиш оғриғи ва хаёллардан хуноб бўлиб кетган, шунинг учун дунёдаги ҳамма нарсани лаънатлаган, ўзидан нафратланар, Спантамаънони эса кўрарга кўзи йўқ эди. Бунинг устига унинг ўзи келиб қолди.

— Заро! — эркалаб шивирлади Спантамаъно. Хотин титраб кетди. Эри кўпдан бери унга бундай эркалаб муомала қилмаган эди. Бир лаҳза унинг кўэларида меҳр шуъласи кўринди. Аммо шунда замзамали оғриқ унинг тишларини янги куч билан пармалагандай бўлди. Заро кир бўлиб кетган узун тирноқлари билан чеккасига ёпишди, аввалгидан қаттироқ нола қилиб, она бўридай увиллай бошлади. О, лаънати! Ўз ватанингда яккамохов бўлиб қолганингдагина Заро сенга керак бўлдими? У эрига қаҳр билан ўқрайди. Агар кўзлар камон ўқидай ярадор қила олганда, Спантамаъно турган жойидаёқ ҳалок бўлган бўларди.

— Үлимингни берсин! — ғазаб билан вишиллади у ва кулбадан ҳовлига отилиб чиқди.

Спантамаъно бошини эгиб, кафтлари билан кўзларини бекитганча остонаяда туриб қолди. Заронинг сўзлари унда кечадан бери давом этаётгани карахтлини тарқатиб юборди. Унинг ақли ёришди. Чуқур хўрсипди-да, алам билан жилмайиб, лоқайд қўл силтади. Аҳмоқ! Сенга Заро нима керак? Нима керак сенга Дейокаю манави қаланғи-қасангি қароқчилар тўдаси? Сенинг дўстларинг бу ерда эмас.

Қоплон эски курсига ўтириди ва фикрга толди. У ҳалокатли мағлубиятга учраганини тушунмоқда эди. Лекин ҳали ҳаммаси тамом бўлганича йўқ! Сен тор-мор бўлдинг, Спантамаъно, аммо ёлғиз эмассан, Қоплон. Шайтон урсин қўрқоқ қаланғи-қасангиларни! Ернинг бағри кенг. Марғиёна, Гандхара, Эрон, Ассирия, Бобил, Миср, Финикия шаҳарлари, Қичик Осиё... Бу мамлакатларнинг барисини Искандар эзмоқда. Устимга гадо кийимини кийиб, бошимга тупроқ сочаманда, Шарқ йўллари бўйлаб кетаман. Сўз айтиб одамлар қалбига ўт соламан. Тонготарда шаҳарлар дарвозасини тақиллатаман. Майдонларда жар солзман. Овозим ўлдузли кечалар сукунатида ухлаб ётганларни уйғотиб юборади. Майли, юраклари безовта бўлсии. Майли, кўзларида ғазаб ўти чақнасин. Майли, қўллари шамширларга чўзилсан!

Спантамаъно кўзларини юмди, қалб кўзи олдида буюк, меҳрибон она-ер чўзилиб ётарди. У бепоён текисликлар узра юксалиб турган юзлаб шаҳарларни кўрди. Қуёш нурига чўмган, одамлар билан тўла сершовқин кўчалар. Деҳқон дағал қўллари билан иссиқ тупроқни эзиб кўраётган, шудгор қилинган далалар. Бешик устида эгилиб турган, пешонасига шажара нишонаси қўйилган озғин оналар. Қумлоқда эмаклаб юрган оёқяланг болалар. Ҳовуз бўйидаги сершоҳ чинорлар соясида кунни қисқартириб ўтирган кексалар. Тепкилаб узум эзаётган бугдойранг ёш йигитлар. Қади-басти келишган йўловчига ўғринча кўз ташлайдиган хушчақчақ қизлар. Спантамаъно яна кўп нарсаларни — бўяб-бежалмаган дунёни қандай бўлса шу ҳолича кўрди ва баҳт туйғусидан юрагининг аллақариши ширин жизиллаб кетди. Она-ер. Ҳаёт. Одамлар. Буларнинг олдида қандайдир жирканч Искандар ким бўлиди.

«Бобилликларнинг Гилгамиш деган қаҳрамони

бўлган,— ўйлади Спантамаъно,— Паллантнинг гапига қараганда юонларда Геракл деган бирор улуғланиди. Бизда Рустам баҳодир ҳақида гапиришади. Бир замонлар улар ҳам ер юзидағи ҳамма одамлардай тирик одамлар бўлган. Лекин улар оламдан ўтгач, халқ уларни афсонавий қаҳрамонларга ўхшатиб, ривоятлар тўқиган. Бу, албатта, уларнинг халққа садоқат билан қилган хизматлари учун. Авлодлар уларнинг номини ҳеч қачон унутмайди. Мени-чи? Мени ҳам эсга олишармикан? Агар эсга олишса, қандай эслашади? Улар мен ҳақимда ҳам оғзидан ўт сочувчи аждарнинг жонини олган девқомат одам дея ҳикоя қила бошлашар ёки минг йил, икки-уч минг йилдан кейин бирор қадрдан дўст чиқиб, узоқ асрларнинг сирли қатламлари орқали фикран назар ташлар ва мени қандай бўлсан, шу ҳолда кўрар ҳамда менинг тўғримда замондошларига ҳамма қатори севган ва хижронда ўртанган, изтиробга тушган ва қувонган, гўзал қизлардан бўса олган, гўшт еб, мусаллас ичган бир одам сифатида ҳикоя қилиб берар...»

Сиёвуш авлоди бош чайқади ва кулиб юборди.

Ҳали Тигран, Дейока ва уч тоғлиқ нима ҳилиш кераклиги ҳақида бир қарорга келмаган эдилар. Спантамаъони ўлдириш керакми? Ороба шундай буюрган. Лекин буларнинг виждони бундай демаётган эди. Спантамаъононинг ўлими учун улардан қасос олинишини, ким қасос олишини худо билади-ю, лекин бу қасос даҳшатли бўлишини англаб туришарди.

Ниҳоят «Сирдон авлоди» бир қарорга келди. У ўтовдан бошини чиқарди-да, шу ердан ўтиб бораётган аёлга пичирлаб икки оғиз сўз айтди. У Зарони чақириб келди.

— Ўтири!

Тигран кигизга ишора қилди. Заро ўтириди. Тигран чакмон енги билан соқолини тўсиб, пешонасига тушган сочини юқорига суриб қўйди. Манглайидаги чуқур тириқ очилиб қолди.

— Танияпсанми?

— Тигран!— Заронинг ранги оқариб, ўзини орқага ташлади. Ҳа, у отасининг содиқ хизматкорини — совуқ ва шафқатсиз одамни таниган эди. Шу билан бирга Заро хурсанд бўлди. Тигран бекорга келмаган, энди ҳаммаси бошқача бўлади.

— Тұғри топдинг: бу — менман,— Тигран кулим-
сиради.— Мени отанг юборди.— У ўйланиб қолди.—
Қулоқ сол! Менга Спантамаънони ўлдириш буюрил-
ган. Лекин...— Тигран чайналди; у құрқаётганини,
күп йиллик умрида биринчи марта одам ўлдиришдан
құрқаётганини ҳатто ўзи олдидә тан олишни ҳам ис-
тамас эди,— лекин... у сенинг эринг, шунинг учун
мен... яхиси, ўзинг ёнига бор, айтгінки, Искандарга
ўз ихтиёри билан таслим бўлсин. Акс ҳолда... уни ту-
тиб, зўрлик билан Марокандга олиб боришимизга
тўғри келади.

Иккаласи бир-бирига тикилиб қолди, чунки Қоп-
лонни тирик қўлга олиш мумкин эмаслигини били-
шарди.

— Яхши,— Заро қуруқшаб, ёрилиб кетган лабла-
рини ялади. Үнинг тиш оғриғи (балки кучли ҳаяжон-
дандир) бирдан тўхтади-қолди.— Мен... бора қолай
бўлмаса.

У Спантамаъно хаёл суриб ўтирган кулбага қараб
кетди. Бир лаҳза иккиланиб турди. Лекин сўнгра шу
одам туфайли не кунларни бошдан кечирганини эслади-да,
тишларини фижирлатиб, шиддат билан кулбага
кирди. Спантамаъно шу қадар хаёлга берилиб кет-
ган эдик, хотинининг кириб келганини ҳам сезмади.
Хотин қуруққина мурожаат қилди:

— Спантал!

Қоплон кўзини очди ва ҳайрон бўлиб хотинига ти-
килиб қолди. Ҳозиргина хаёллари парвоз қилиб юр-
ган бепоён зангори кенгликлардан бирдан мана шу
кулбага ва манави аҳмоқ, жанжалкаш, нодон хотини
ёнига тушиши шундай кескин ва тасодифан бўлдики,
Спантамаъно хоҳолаб кулиб юборди.

— Хўш, нима дейсан?

— Ўз хоҳишинг билан Искандарга таслим бўл.

Заронинг тўтидек қатъият билан бир неча ойдан
бери тақрорлаб келаётган бу сўзлари сурднинг раза-
бини қўзғатиб юборди. У ғазабдан титраб кетди. Но-
тинини калтакламоқчи бўлиб хезланди. Аммо ўзини
босди. У Баронинг: «Бўш келма, жигарим», деган сўз-
ларини эслади-да, қошлини қаттиқ чимириб, деди:

— Иўқол!— Сўнгра қўшиб қўйди:— Ифлос!

Бир-бирига мутлақо ўҳшамаган икки кишини боғ-
лаб турган, кўзга зўрға ташланадиган нимжон ришта
қайта уланмайдиган бўлиб узилиб кетди. Заро худди
гирват учириб кетгандай зумда фойиб бўлди.

Эҳ Спантамаъно! Нима учун Дейокага ишондинг? Ахир у сени илгари ҳам алдамаганмиди? Үлим! Бу тошлоқ, лекин бари бир гўзал ерлардан Паллант, Раҳмир, Вараҳран, Баро ва Алингар навбатма-навбат ўтиб кетди. Сенинг ҳам навбатинг келди, Сиёвуш авлоди.

Тигран билан паҳлавон гавдали тоғлиқ уч йигит кулбанг томон келмоқда. Эгри-буғри саксовул шоҳларидан ясалган гарифона эшик сени қутқариб қолармиди? Эшик қарсиллаб йиқилиб тушганини ҳамма эшилди. Дейока ҳам эшилди. Заро ҳам эшилди. Ҳамма энди нима бўлишини кутарди... Қотилликка гувоҳ бўлаётганини ҳамма тушунар, лекин ҳамма жим эди. Искандардан қўрқишиади. Улавер, Сиёвуш авлодининг сўнгги вакили!

Кулбада ола-тасир шовқин кўтарилди. Спантамаънонинг пиншқириши тоғликларнинг момақалдироқдай хириллаши ва Тиграннинг чиябўридай увиллаши билан қўшилиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Сўнгра Қоплоннинг янгроқ овози эшитилди:

— Заро!

Эҳтимол бу қонли олишувда эс-ҳушини йўқотган Қоплонга дафъатан Оробанинг қизи ҳаётидаги яккаю ягона яқин дўсти бўлиб тувландир. Қим билади? У «Заро» деб қичқириди, вассалом. Бу нидодан ҳамманинг томиридаги қон музлаб кетди. Заро гўё қудратли сеҳргар сеҳрлаб қўйгандай қимирламай ўтиради. Букилиб кетаётган оёқларини судраб тўсаддан кулба эшигига тоглиқ йигит кўринди. Ӯ чавақланган қорнини икки қўли билан ушлаб олганди. Ичак-човоқлари осилиб қолган эди. Тоғлиқ уч қадам юрди-да, гуппа қулади. Ичкаридаги шовқин яна ҳам кучайди.

— Заро!!— Яна қичқириди Спантамаъно. Аёллар бу нолани эшиитмаслик учун қишлоқдан чиқиб кетишди. Аммо Заро қимирламади. У ўзини алғов-далғов туш кўраётгандай ҳис қилас, қочмоқчи бўлар, лекин қимирлай олмас, оёқлари бўйсунмас, титроқ бўғиб қўйган томоғида фарёд қотиб қолган эди. Кулба эшигига иккинчи тоғлиқ кўринди. Қонга бўялган бошини ушлаганча бир ёнга чайқалиб кетди ва девор тагига ўтириб, йиглаб юборди.

— Заро!!!— Ичкаридан Спантамаънонинг сўнгги ноласи эшитилди. Қичқириқ «арра-а-а-ах!» деган кучли хириллашга айланди. Учинчи тоғлиқ кулбадан отилиб чиқди-да, кўзлари ола-кула бўлиб, дарвоза

томон югуриб кетди. Сүнгра ҳаммаёғи қесилтән, ки-йимлари тилка-пора қилиб юборилган Тигран чайқа-ла-чайқала чиқиб келди. У Спантамаънинг қоллон терисидан тикилган чакмонига ўралган юмалоқ бир нарсани қўлтиғига қисиб олгаи эди. Тугундан Тигран-нинг сонига қон оқиб турарди.

Заро қимир этмасди. Дейока журъатсизлик билан «Сирдон авлоди»га яқинлашди ва шивирлади:

— Олдингми... қўйнидаги нарсани?

Тигран қушхонада чарчаган қассобдай оғир ҳўр-синди ва тери ҳамённи массагет оёғи остига ташла-ди. Дейока чакқон эгилдида, уни титроқ қўлига олди. Юраги орқасига тортиб, музлаб кетди. Ҳамён жуда енгил эди. У чаққонлик билан боғичини ечиб, ичига қўлини тиқди-ю... бир нимани олди — олмосми? Йўқ, бу олмоснинг укаси, тўғри, уччалик қимматбаҳо ва чиройли эмас — кичкина кўмир парчаси эди. Қоп-лонга Баро Суғдиёнадан келтирган ўша кўмир пар-часи. Бу Спантамаънодан қолган якка-ягона бойлик эди.

* * *

Мароканд чорраҳаларида гўснофора гумбур-гум-бури, карнайлар ҳайқириғи, найлар садоси янграр-ди. Македонлар Спантамаъно устидан қозонилган ға-лабани байрам қилишмоқда эди. Аммо Суғдиёна су-кут сақларди.

Фалангачилар ва гетайралар, камончи ва найза-дорлар қўл ушлашиб муқаддас гулхан атрофида рақсга тушишар, хириллаб қолган томоқларидан Аполлон шаънига куйланган ҳамду санолар кўкка ўр-лар эди. Аммо Суғдиёна сукут сақларди.

Ороба саройида ўнлаб македон ва юонон лашкар-бошилари, форс, бақтрий ва сурғд амалдорлар қирми-зи Осиё гиламлари устиди ёнбошлиб, қимматбаҳо му-салласлардан шимириб, мева-чева, юмшоқ каклик гўштларидан тамадди қилишар ва тангри Аммон ўғ-лини мақтаб, кўкка кўтаришар эди. Аммо ўз ўғлидан жудо бўлган Суғдиёна фусса билан сукут сақларди.

Тўсатдан мис бонг янграб кетди. Ҳамма қадаҳи-ни ерга қўйиб, ўрнидан турди. Эгнида узун шарқона кийим, бошига катта-катта қўй шоҳлари билан беза-тилган тож кийиб, атрофи хос соқчилар билан ўраб

олинган Искандар пайдо бўлди. Унлаб одамлар ба-
раварига ер ўпди. Бир оғиздан айтилган қичқириқ
қаср гумбазларини ларзага келтириди.

— Искандарга шон-шарафлар!

Искандар тантаналн қадам қўйиб, Ассирия маъ-
будаси Астартанинг броиза меҳробига яқинлашди ва
мусаллас, анор меваси билан қурбонлик бажо кел-
тириди. Кумуш қўнгироқчалар садоси эшилди. Қиз-
ларнинг оҳиста ва майнин қўшифи янгради. Искандар
тахтга ўтириди, яна мис бонг янграб кетди. Хона эши-
ги катта очилди — ялтироқ хитон кийган, гўзал ва
муаттар Заро — Ороба қизи кириб келди. Янги тे-
рилган ранг-баранг гуллардан гултоҷ кийган хотин-
нинг муаттар сувда ювилган соchlари ялтираб турар-
ди. Белида олтин камар, қўлларида билагузуклар
порларди. Заро тез-тез қадам ташлар, қордай оппоқ
сорийсининг учи ва зангори ёпингичининг шаффоғ
қат-қат этаклари орқасида ҳилпираб борарди. Заро
денгиз тўлқинлари ва кўйиклардан туғилаётган маъ-
буда Афродитага ўхшаб кетганиди.

Унинг қўлида устига каштали рўмол ёпилган кат-
та олтин баркаш бор эди. Заронинг орқасидан шо-
шиб-пишиб Оробанинг хизматкори Тигран, массагет
Дейока ва унинг офтобда қорайган, қовоқлари солиқ
қабиладошлари тўдаси келишарди. «Эҳ, иодон,— ўй-
лади Ороба куёви ҳақида.— Нима истадинг? Нимага
интилдинг? Юз йил кайфингни суриб яшашинг мум-
кин эди. Ношукур. Ҳазарнинг чуқур қазидинг. Бир
ойда кейин Спантамаъно номини ҳеч ким эсламай-
ди ҳам...»

Искандар қўлини кўтарди. Қўшиқ тинди. Заро
тахтга яқин келди ва унинг қаршисида бир оёғи би-
лан чўккалади. Тигран, Дейока ва бошқа массагет-
лар тиз чўкишди. Искандар олдинга энгашиб, олтин
баркаш устига ёпилган рўмолнинг бир учини кўтарди
ва жилмайди. Унинг жилмайиши «тангри ўғли» ша-
рафига ярашмайдиган, очиқ-ойдин қувонч ва беорлик
табассуми эдики, бундан атрофга оғир сукунат чўқди.

Искандар бу сукунат замиридаги хатарни илгаб
олди ва нигоҳини кўтарди. Қасрдан совуқ изифирин
елиб ўтгандай, бир лаҳза бурун қувноқ шовқин-су-
ронлардан энг катта машъал бетиним лишиллаб тур-
ган жойдаги ҳамма нарса бирдан хиралашиб, қора-
йиб, қотиб қолгандай бўлди. Койнос чимирилди. Кра-
тер афтини бужмайтириди. Аминта қошларини керди,

Мелеагр тишларини қаттиқ қисди, Гефестион лаби-ни тишлиди, Фарнүх тош бўлиб қолди. Тўғри, Спан-тамаъно уларга душман. Аммо душманни очиқ жанг-да ўлдириш керак. Искандарнинг табассуми уларнинг иззат-нафсига тегиб кетди. Улар бир дақиқа олдин ҳайвондек ўқирганлари учун ҳозир уятдан ер ёрилса — остига кириб кетгудай бўлиб туришарди.

Аммо ҳаммасидан ҳам ўёқдаги — деразадан нари-даги, шаҳар девори ташқарисидаги, Олтин Дарё во-дийсидаги сукунат юз карра хавфлироқ эди. Буюк су-кунат... чорраҳалардаги олқишилар ҳам, Оробанинг ёқимли мадҳиялари ҳам бу сукунат қаршисида паш-шанинг ожиз финифлашига ўхшаб қолди. Очиқ де-раза орқали ичкарига сон-саноқсиз ёрқин юлдузлар олами мўралаб турар ва бу ҳол вужудига совуқ юргур-ган Искандарга аллақачон яшаган, ҳозир яшаётган ва ҳали оламга келмаган ўнлаб, юзлаб, минглаб Спантамаънолар, юз минглаб Сиёвуш авлодлари лаъ-нат ўқиб, қасоскор нигоҳи-ла тикилиб тургандай бў-либ туюлди. Оқариб кетган Тигран қунишиб қолди. Ўз абраҳмилклари яксон қилган массагетлар буқчай-дилар, Искандар эса ҳушини йиғиб олди.

Нима қилиш керак? Зарога уйлансинми? Суғди-ёна бунинг учун ҳеч қачон уни кечирмайди. Доронинг ўлими учун Бессни жазолагандай, уни ҳам жазолаш керакми? Унда Ороба исён кўтаради. Исён кўтартма-ган ҳолда ҳам, кейин унга суюниб бўлмайди. У эса Искандарга жуда-жуда зарур. Нима қилса экан? Ни-гоҳи Дракилга тушиб қолди. Марафонлик ҳирсл қо-ра кўзларини Зародан узолмас эди. Унинг орқасида юзини сепкил босган Лаэрт ҳам тикилиб турарди. Борди-ю?.. Искандар хўрсинди, ўзини орқага ташла-ди ва қўлини кўтарди. Ҳамма индамай подшога қа-ради.

— Биродарлар! — Искандар безовта нигоҳ билан ҳаммага қараб чиқди. — Спитамен ўлдирилди. Бу одам Суғдиёнанинг қўрқмас ва баҳодир йигитларидан бири эди. Аммо у бизга қарши қурол кўтаргани учун жазосини олди. Унинг қанча зиён келтиргани ўзингизга маълум. Бироқ биз икир-чикирлардан ба-ланд бўлишимиз керак. Биз Спитаменга ўлимидан кейин Сиёвуш авлодига муносиб ҳурмат қўрсатамиз. Птолемайос Лаг! Артабоз! Қоплоннинг бошини Би-ҳарга олиб боринглар ва уни ота-боболари кўмилган тесаликка дағи этниглар.

Птолемайос Лаг эҳтиром-ла Заронинг қўлидаги идишни олдида, чиқиб кетди.

— Ҳоким Ороба жанобларининг қизи,— деб давом этди Филипп ўғли,— македонларга кўрсатилган яхшиликнинг сабабчиси бўлганлиги учун уни тақдир-ламаслик шоҳлар шоҳига номуносиб иш бўлур эди.

Ўз кўксидаги оғир тилла занжирии ечиб, Заронинг бўйнига илди-да, марафонликни чақирди:

— Дракил!

Марафонлик ўзининг нима учун чақирилганини тушунолмай питирлаб қолди, сўнgra мушукдай тахт томон югурди.

— Ҳаммаларингиз, биродарлар, қўшинимизнинг бош таъминотчисини, бир неча бор ҳукмдорингизнинг муқаддас бошидан хавф-хатарни аритган жасур ва садоқатли одамни биласизлар. Шу одам ҳоким Ороба жанобларининг куёви бўлишга муносибми?

Македонлар ҳукмдорнинг ниятини тушунди. Дракил — қабиҳ одам. Зарони унга олиб бериш — хотини қўпол аравакашларга эрмакқа бериш деган гап. Демак, Искандар унинг қилган ишидан рози эмас. Македонлар енгил тин олиб, бир овоздан қичқириди.

— Муносиб!

— Заро, Ороба қизи,— мурожаат қилди Искандар қимир этмай ўтирган аёлга,— элладаликлар ҳурмат қиладиган қаҳрамон Дракилга хотин бўлишга розимисан?

«Қаҳрамон» сўзи тилга олинганда Мелеагр муштини тугди. Фарнуҳ Зарога ҳукмдорнинг сўзларини таржима қилиб берди. У бу сўзларни тушида эшитаётгандай эди. Қоплоннинг ўлимидан кейин ўтган кунлар ичida у ниманидир унугану ҳеч эслай олмаётгандай бўлиб юрганди. Уни уйга қайтиб келгани қувонтирган, қимматбаҳо кийим-кечакларнинг шитирлаши ҳушини олган, олтин шамдонларнинг шуъласи ҳаяжонга солган, кумуш идишлар жарангни севинтирган, хуллас тез-тез қуладиган бўлиб қолган эди. Аммо бирдан Заро ўзгариб кетди — атрофидаги ҳамма нарса аралаш-қураш, хира ва мавхум бўлиб қолди. Ҳозир ҳам унда шу ҳол рўй бермоқда эди. Фақат Фарнуҳ: «Розимисан?» деб қайтариб сўрагандагина, Ороба қизи нимага рози бўлиши кераклигига ақли етмаса ҳам: «Ҳа», деб жавоб берди.

— Суғдиёна ҳокими, Ороба!— қаттиқроқ сўзлади

Искандар.— Сен қизингни юонон Дракилга беришга розимисан?

— Ҳа!— қатъий жавоб берди амалга учган Ороба. Дракил унинг учун катта одам, Искандарнинг дўсти эди. Бообрў юонон билан қариндош бўлиш катта баҳт. Бундан ташқари, у Зарода аллақандай ўзгариш бўлаётганини кўриб туарар, яхшиси харидор чиқиб турганда қайтармаслик керак, акс ҳолда кейин бирорвага бермоқчи бўласан-у, лекин оладиган одам топилмайди, деб ўйларди.

— Кучмайсанми хотинингни, Дракил, Шарқ одатча ҳамманинг олдидা бўса олмайсанми!— буюрди Искандар.

Бахтдан эс-ҳушини йўқотган Дракил (у ахир, ҳоқимнинг куёви бўлди-я) семиз қўллари билан Зарони қучоқлаб олди ва ҳовлиқиб ўпди. «Чўлп» этган ўпич бутун хонага эшитилди.

Искандар асосини ирғатди. Созандалар гўсноғорани яна гумбурлатиб чалиб юборишиди. Тўй зиёфати бошланди.

САКСОН ЙИЛ УТГАЧ...

Кетсам мартабаси ошарми? Қайда?
Мен келдиму дунё кўрдими фойда?
Ҳеч ким тушунтириб бера олмади:
Келишим-кетишим сабаби қайда.

Умар Ҳадём, «Рубоийлар»

Орадан саксон йил ўтди. Шу давр ичиди Вахшнинг қанча суви Вурукарт кўлига оқиб, ер юзида қанча воқеалар юз берди.

Спантамаёню ўлдирилган йилдан кейиноқ македонлар коҳин Вахшунвартга бекиниб ётган Шоши-Миҳра қоясини қамал қилишди. Эҳтиёткор бақтрийни на қалин қор, на тубсиз жарликлар сақлаб қола олди. Қоронги тун зулматида уч юз македон музлаган қияликлардан темир қозиқ ва каноп арқонлар ёрдамида чўққига чиқди ва бир зарба билан Вахшунвартга аскарларини тор-мор қилди. Вахшунвартга ўзини роилилар паноҳига топшириди, гўзал қизи Рахшона эса Искандарга хотин бўлди. Шундан кейин Хориен ҳам тоғдаги манзилгоҳини ўз ихтиёри билан топшириди. Суғдиёна юриши ана шундай якунланди.

Езда Искандар Ҳиндистонга йўл олди ва орадан бир йил ўтгач, Гидасп дарёси бўйида подшо Порни ер билан яксон қилди. У Ганг дарёсигача боришни истар, аммо бу вақтда македонларнинг кўпи қирилиб кетганди. Бу вақтда тирик қолганларининг ҳам ҳафсаласи пир бўлган, тоғ ва саҳролардаги тишимсиз юришлар натижасида отларнинг түёқлари ейнилиб кетганди. Сон-саноқсиз жангларда қуроллар ҳам ўтмасланиб қолганди. Македон ва юонон хитонлари тўзизб битди. Шарқда қўлга киртилган Оснё кийимлари қалин ўрмон йўлларида дараҳтларга иленинг тишилиб кетди. Даҳшатли тропик ёмғир тиним билмай етмиш кун ёғди. Кучли бўрон ҷөдирларни юлқиб олиб, учирив кетар, манзилгоҳлар яқинидаги баҳайбат даражатларни қулатар әди. Одамлар иситмага йўлиқиб, титраб-қақшарди. Жангчилар қиличларини шақирлатиб, подшени хавотирга солишарди. Искандар орқага қайтишга қарор қилди. Бу мислсиз юришнинг бошланганига ўн йил бўлганда македонлар Бобил остонасига етиб келишди. Искандар шу ерда, ўттиз учёшида, дунёнинг юздан бир қисмини ҳам босиб олишга улгурмай оламдан ўтди. Осиёни босиб олиш бир қилич уриб қисмат тугунини узишдай осон эмас экан.

У асос соглган буюк давлат Искандарнинг вафотидан кейин зилзила натижасида қулаб тушган минорадай парча-парча бўлиб кетди. Бақтрия билан Сугдиёна македонлар қўлидан кетди. Даҳ Аршак — Спантамаънога ёрдам берган дахларнинг авлоди босқинчиларни Парфиядан қувиб чиқарди. Кекса Танаоксар ҳақ әди — битта Спантамаъно ўрнига юз минглаб Спантамаънолар дунёга келди. Мана шулар ўз мамлакатларининг эгалари бўлиб олдилар.

Суғдиёна тупроғини оёқ ости қилганларнинг ҳаммаси бирин-кетин зулмат ўлкаси Аидга равона бўлди. Вахшунвартанинг қизи — гўзал Рахшона ўз юртидан узоқда — Пеллада оламдан ўтди. Искандарнинг ўлимидан кейин мамлакатда биринчи одам бўлиб қолган Фердикка вазифасидан четлатган Ороба ҳам ўлди. Искандарнинг Птолемайос Лаг, Аминта, Кратер, Мелеагр каби Қоплонни таъқиб қилган ёки Қоплон таъқиб этиб қийнаган сафдошлари тутундай изсиз йўқолдилар.

Спантамаънони тирик кўрганлардан биргина одам ҳамон тирик әди. Бу — Заро. У бекиёс чиройи билап ажралиб турса ҳам, Дракил у билан узоқ даврон сур-

мади. У тез-тез англаб бўлмас ҳолатга тушар, ғазабли ва қонхўр бўлиб кетарди. Қўшинлар Суғдийнада тураркан, Дракил ҳаммасига чидашга мажбур бўлди. Аммо македонлар Ҳиндистонга юриш бошлаган заҳоти айёр мегарлик ўз хотинини сепкил юзли Лаэртга пуллади. Учарлиги туфайли бойиб кетган Лаэрт юртига қайтиб келгач, Танагрни ташлаб, Сицилияга, юони колонистлари ёнига кўчиб кетди. Бу ерда Катан шахрида дўкон очди. Уни карфагенлик ва римликлар ўртасидаги биринчи Пуни уруши даврида Сиракуздаги хизматдан қайтиб келаётган ёлланма самитлар ўлдириб кетишли. Заро ёлғиз қолди. Астасекин камбагаллашибди, қариди.

Бу кампини бутун Катан аҳли танирди. Унинг ёши тўқсон саккизда эди чоғи. Юзлари сўлғин, қирра бурун, лаблари юпқа бу гадо ҳовлилар атрофида тошбақадай имиллаб, узун серажин бўйинни чўзиб, ғамғин овоз билан бир бурда нои сўраб нола қиласди. Аммо ҳамма ердан қувиб ҳайдашар, калтаклашарди. Чунки у хотин осиёлик эди. Болалар унинг бошига чирик мева-чевани отарди. Итлар почасидан олар, бусиз ҳам титилиб кетган катак мурсагини тишлаб йиртишарди. Гадо хотин калтакларга итоаткорлик билан чидар, ҳақоратларга тиҳсиз оғзини очиб хушомадкорона жилмаярди, чунки у оч эди. Ҳеч ким ҳеч нарса бермаганда, у аҳлат уюмларини титкилар ва чирий бошлаган қарам япроқларини териб олар ва шулар билан ўзининг ҳеч кимга кераги йўқ ҳаётини сақлаб қоларди. У шаҳар бўйлаб дарбадар кезиб юраркан, ўз она тилини мутлақо унутиб, юони тилида Эврипиддининг қуйидаги шеърини бот-бот такрорларди.

*Шунча даҳшатлидир ер ости... Нодондир асти
Кимки ташна ғлимга. Яшаш яхши ғамда бўлса ҳам,
Шукрат чўққисига чиқиб ұлгандан кўра.*

Заро ожиз, чалажон чувалчанг каби бегона Сицилия шаҳарининг тошлоқ кўчаларида судралар, ғамаламларга сассиз чидарди. Аммо баъзан, шарқ шамоли эсган пайтларда яна унда ғалати ўзгариш юз берарди. Кампир бандаргоҳга шошилар, пишқириб тўлғанаётган денгиз бўйига ўтирас ва кунчиқар томонга узоқ-узоқ тикиларди. Тўлқинлар гоҳ орқага чекинар, гоҳ шижаот билан қирғоққа урилар, ҳўл

қирғоқ қамал қилипган қалъа девори каби титрап вә зирилларди.

Соҳилда юксалиб турған қоялар узра қуюқ булаттар сузганды тұлғонаётган дөнгиз шовқини аро узоқ-узоқдан ғамғип вә чүзиқ овоз әшитилгандай бўларди:

— Заро-о-о!

Дарбадар кампирнинг кўзлари ялтирай бошларди. У шунда ирғиб ўрнидан туриб кетарди-ю, ҳассасини силкиганча жанубнинг ғазабкор қуёши, учар қумлар, кўчма гулханлар атрофида тушиладиган муқаддас рақслар ҳақидаги ҳикоясини бошларди. Шунда бу ожиз тиланчининг овози ўз ватанида яшайдиган қоплонларнинг ириллашига ўхшаб кетарди. У мислсиз юришлар, ҳужум ва пистирмалар ҳақида ҳикоя қиласарди. Шарқ подшоларининг номларини меҳр билан тилга оларди. «Мен бир буюк одамнинг хотини эдим», деб таъкидларди. Аммо бу озиб-тўзиб кетган, ақлдан озган кампирнинг гапига ким ҳам ишонарди?

ҚАҲРАМОНЛИК ДОСТОНИ

1950 йил. Мен тўртинги синфда ўқирдим. Ӯшанда биринчи марта тарих дарси кирган. Үзоқ ўтмиш ҳақида, одамларнинг горда яшаганлиги, ибтидоий тузум ҳақида, кейин қадимги Миср, Афина, Рим ҳақида, уларнинг маданияти, дини, худолари ҳақида сабоқ беришган. Жуғрофия, табиат, риёзиёт, кимё, фалакиёт ва бошқа фанлар ўтилганда ҳам нуқул рус ва Оврупо олимларининг кашфиётлари ҳақида гапириларди. Улуг саркардалар, қаҳрамонлар ҳақида дарс ўтилганда ҳам рус ва Оврупо саркардалари тилга олинарди. Машҳур шаҳарлар ҳам Русия ва Овруподагина бордай эди. Илм-фан ҳам, маданият ҳам, меъморчилик, дәхқончилик ҳам дунёга гўё Россия билан Овруподан тарқалган.

Муаллим: «Ўқтабир инқилобидан аввал ўз ёзувилиз йўқ эди. Қул эдик, рус халқи бизни озод қилди. Маданият олиб келди»,— дерди. Бу гапларга ишонгим келмас, лекин ўқитувчига фикримни айтотмасдим. Унинг гапига қараганда, Инқилобгача бизда ҳеч нарса бўлмаган. Шу гапларни эшигандан кўз олдимга юксак бир девор келарди. Бу девор Ўқтабир инқилоби. Деворнинг у ёғи бўйм-бўш, қоп-қоронғи ўтмиш. Бу ёғи чароғон озод замон. Фан, маданият, ёзув гуллаган, ақилли, билимдон одамлар тўла баҳтиёр ҳаёт. Наҳот. Наҳот Русияда, Оврупода ёзув, маданият бўлгану бизда ҳеч нарса бўлмаган. Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Яссавий, Навоий ҳақида эшигандим. Ёзув бўлмаса, булар қандай ижод қилган? Нима учун булар ҳақида дарсликда ёзилмаган? Муаллим буларни билмасмикан, дердим.

Кейинроқ билсам, муаллим ўз олимларимиз ҳақида билади. Лекин мактаб дастуридан чиқишига ҳақи ийўқ экан. Дастур эса Москвада тузилган ва тасдиқланган. У ёқда ўқув дастури тузганларнинг эса ўз мақсади бор. «Тенглар ичиди тенг» деб қонунларда ёзилса ҳам биз мустамлака эдик.

Юқори синфларда ўқиб юрганимда тарихга қи-

зиқа бошладим. Рости дарсликдаги гапларга аччиқ-ма-аччиқ ватанимиз, халқымиз ўтмиши ҳақида ҳақиқатни билишга киришдим. Тарих ҳақида топиш имкони бўлган китобларни ўқир, ўз ўтмишимиз ҳақида қизиқ гаплар излардим.

Киев Руси, Новгород, Суздал кенесликлари, Англия, Франция, Греция, Италия, Қадимги Миср тарихи, маданияти ҳақида тасаввурим анча бойиди. Уларни мактабда етарли ўқитишган. Лекин Америка, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва араб мамлакатлари тарихини ўқитишмаган. Бу ўтакетган ноҳақлик эканини кимга айтардинг...

Уша мамлакатлар, халқлар, уларнинг тарихи, маданияти, шаҳарлари, подшолари, саркардалари, олимларни ҳавасим келарди. Улар ҳақида китоблар кўп. Ўз гарихимиз, маданиятимиз ҳақида ўйлагандা, ичимни бир ўқинч алами ўртаб юборарди. Шундай кайфиятла юрган кунларимнинг бирида қўлимга Явдот Илёсовнинг «Суғдиёна» китоби тушиб қолди. Номи қандайдир сирли, дилга яқин, сеҳрли, қадрдон эди.

Кутубхонадан олиб, уйга келиб ўқий бошладим.

Ўқиган сари қизиқиб, кўнглим ғууррга тўлиб борарди. Ўз тарихимиз, қадимий маданиятимиз, қаҳрамонларимиз бор экан-ку. Нега уларни тарих дарслигига киришмаган? Рус тилини яхши билмаганим, кўп сўзларни тушунмаганим учун афсусланардим. Китобдаги ҳар бир сўзни дилимга жо қилгим, танишларга, жўраларимга айтиб бергим келарди. Уйда русча-ўзбекча лугат ҳам йўқ эди. Кутубхонага бориб шу китобнинг ўзбекчасини сўрадим. Таржима қилинмаган экан.

Ушанда бу китобнинг ўзбек тилида нашр этилишини, халқымиз ўз аждодлари, ўтмишларини ўқиб билишларини жуда-жуда орзу қилган эдим. Ўтмиши миздан узилиб қолганимиз, ғофиллигимиш юрагимни ўртаб юборган эди. Спантамаъононинг содда, камтар, ишонувчан, лекин ўз элу юртини севган, уни босқинчилардан озод қилиш учун жонини фидо қилган мардлиги, жасорати ғуур бағишилаб, кўнгилни кўтарса, Оробанинг ғаламислиги, амал-mansab учун ҳар қандай пасткашликтан қайтмаслиги, ватан, озодлик деган муқаддас туйғу унинг учун аҳамиятсизлиги ориятингни қўзғайди, ҳамиятингни таҳқирлайди.

Қохин Ваҳшунвартар, унинг соҳибжамол қизи Раҳшона, айғоқчи Бахши ва массагетлар йўлбошчи-сининг ўғли Раҳмир сингари мард, маккор, хиёнаткор одамлар ҳозир йўқми? Инсон табиати, феъл-автори ҳеч қачон ўзгармас экан.

Искандар ва унинг катта-кичик лашкарбошилари қиёфаси, феъл-автори қандай маҳорат билан яратилган. Уларнинг хатти-ҳаракати, гали китобхонни ё мафтун қилиб, ё ғашини келтирриб, дилшга ўриша-ди. Хотирасида узоқ сақлапиб қолади. Бефарқ қол-дирмайди.

Бу китоб айниқса, бизнинг ҳалқимиз учун жуда қимматли китобидир. Фақат узоқ ўтмиш тарихимизни тирилтиргани, қизиқарли ёзилгани учун эмас, кўксимизни ғуур ва сурурга тўлдиргани учун ҳам, ғофил бўлмасликка, ҳушёрликка чақиргани, кўзимизни очгани учун ҳам мўътабар ва азиздир.

Явдот Илёсов бу ғояларни фақат шу китобида эмас, «Ғазаб сўқмоги», «Чипор ажал», «Қора бева», «Олтин санам», «Анахита қасоси», «Қисмаг сеҳргари», «Сукут минораси» каби барча қисса ва романларида ҳам изчил давом эттирди.

Ўлкамиз тарихи ҳақидаги китобларин ўқиганда кўнглимдан икки хил фикр ўтади. Бирин холислиги билан таскин, ғуур берса, бири уйдирмалар билан алам, изтироб қўзғайди.

Тарихга синфий нуқтаи назар ва коммунистик мафкура билан ёндошиш илмда ҳам, бадиий ижодда ҳам сохталик ва уйдирмани юзага келтирди.

Тарихдаги воқеалар синфий нуқтаи назардан талқин қилинган кўпгина китоблар бугун ўз қимматини ўқотди. Ҳеч кимга кераги йўқ нарсага айланди. Эҳтимол коммунизм даврининг мафкуравий маҳдудлигини, илмни сиёсатга қурбон қилиш нимага олиб келиши мумкинлигини ўрганиш учун асқотар.

Ўз даврида севиб ўқилган, мукофот ва унвонларга сазовор бўлган асарларнинг бугунги қисмати фоят ибратлидир. Ижодкор ақли теран, кўзи ўткир, инсофни унумтаган, виждони уйғоқ одам бўлса ноёб истеъодини нафс ёки мартаба учун қурбон қилмайди. Нима ўткинчию, нима абадийлигини яхши била-ди. Абадият учун хизмат қиласи.

Явдот Илёсов муҳтоҷликда яшаган, ёруғлик кўр-маган бўлса ҳам, абадият учун ижод қилган эди.

Унинг асарларида қаҳрамонларнинг ижобий ёки салбийлиги синфий мавқеига қараб белгиланмайди. Унинг қаҳрамонлари биринчи навбатда инсон.

Узоқ асрлар қаърида унудилиб, алғов-далғов замонлар қуюнлари чангидаги кўмилиб кетган тарихимизни мавҳумлик оламидан қатра-қатра териб, чанг-губордан тозалаб, бизга етук бадиий асарлар шаклида туҳфа қилган бетакрор санъаткор Явдот Илёсов олдида қарзимиз катта.

Яқин ўтмишдаги миллий қаҳрамонларимизни босмачи, халқ душмани қилиб қатор китоблар ёзган, элимизни лақиллатиб, чалғитиб, аҳмоқ қилганларга халқ ўзувчиси» унвонлари бериб аъзозладик. Бутун дунё улуғ саркарда, доно йўлбошли, инсонпарвар қонунлар ижодкори санаб, ҳавас билан ардоқлаган Амир Темурни назари паст, қонхўр, разил, ёвуз, яхшиликни хаёлига ҳам келтирганидиган бузғунчи ва ҳоказо деб тасвирлаган ўзувчининг китобини ўзбекчага ўша заҳоти таржима қилиб чиқардик. Мукофотлар, унвонлар бердик. Ваҳоланки, иззат нафсимиз бундай китобдан озор чекади, ғуруримиз таҳқирандади.

Явдот Илёсовнинг ғурур ва олижаноб мардлик туйғулари уйғотувчи, таскин ва далда берувчи, ватанпарварлик руҳида тарбияловчи китоблари ҳамон ўзбек китобхонлари учун очилмаган қўриқ бўлиб қолмоқда. Ўз ўқувчинини муштоқу интизор бўлиб кутмоқда.

Қачон қарзимизни узамиз? Қачон унинг китобларини ўзбек тилида тўла нашр этамиз? Қачон кўзимиз очилади? Халқимиз, маданиятимиз, миллатимиз учун фойдали ёки зарарли ғояларнинг қачон фарқига борамиз? Қачон ватанимиз бутунлиги, шон-шуҳрати, миллатимиз тақдирни учун жонини фидо қилган инсонларни тақдирлашни ўрганамиз?..

У китоблари ўзбек тилида босилиб чиқишини, ўзбек китобхони ўқишини, қаҳрамон аждодлари билан фахрланишини, улардан ўрнак олишини жуда-жуда истарди.

Бир куни нашриётдаги хонамизга Рауф Парфи билан малла сочли, ўрта бўйли одам кириб келди. Рауф:

— Танишинг, Явдот Илёсов. Классик ўзувчи. Тарихий романлар муаллифи,— деди.

Дархол «Суғдиёна»ни эсладим. Танишганимдан хурсандлигимни айтдим.

Уша кунлари тайинли турар жойим йўқ, ўртоқларимнинг уйида ётиб юрардим. Рауф аҳволимни айтган бўлса керак, Явdot ака:

— Юр, бизникига кетдик,— деди.

Иккита бир хонали уий бор экан. Тўртинчи қаватдаги бир хонали уйда хотини билан тураркан. Иккинчи қаватдагисини менга очиб берди.

— Ҳеч нарсани ўйлама. Шу хона сеники. Шеърингни ёз. Яшайвер,— деди.

Бир куни гаплашиб ўтирганда:

— «Суғдиёна»ни таржима қилмайсанми?— деб қолди.

Таржима қилинмаганими? Ўқиганимга қанча йил бўлди. Мен уни таржима қилинган деб ўйлардим. Шу чоққача халқимиз баҳра олмаганига афсусланиб кетдим.

Таржима қилганимдан кейин Явdot ака ўқиб, жуда хурсанд бўлди. Ўзбек тилини яхши биларди. Кўп шоир, ёзувчиларимиз асарларини рус тилига ўзбекчадан ағдарган эди.

Энди озод бўлдик. Оғир йилларда халқимиз кўк-сини кўтариш, миллий ғуур кўзини очиш учун истеъодини бағишлигаран ёзувчи қадрига етайлик. Қудратли мафкура машинаси байналминал тарбия ниқоби остида миллат туйғусини йўқотиш, миллий тилларни ўлдириб, ягона совет халқини вужудга келтириш учун ҳамма имконни ишга солган пайтда у озодлик учун курашни, босқинчилар дўст эмаслигини, ҳеч қачон ҳеч бир халқни баҳтиёр қилмаслигини, қирғин ва кулфат келтиришини, мазлум элларни талаш ҳисобига яшашини ўта таъсирчан асарларида ифодалади.

Бой ва қадимий маданиятимиз борлигини, халқи миз истеъоддли, меҳнаткаш, мард ва саховатли, ориятли ва эркесварлигини, ҳеч қачон баҳтсизлик ва зулмга кўнигиб кетмаслигини ёрқин сиймолар тимсолида моҳирона ифодалади.

Бутун орзу-умидларини, истеъодини, ҳаётини тарихимиздан асарлар ёзиш, халқимиз ҳамиятини қўзқотишга бағишлиди. Ўз баҳтини, шон-шуҳратини шунда кўрган бўлса, миннатдор эл бир кун қадримга етар деб умид қилган бўлса ажаб эмас. Тасоди-

фий ўлым уни олиб кетди. Мамлакатимиз озод бўлган куиларни кўролмади. Аммо у ўз асарлари билан шу кунлар келишига хизмат қилган эди.

«Сўғдиёна» унинг шундай асарларидан биридир. Бу асарни озодлик учун курашган аждодларимиз ҳақидаги ажойиб достон дейиш мумкин.

Маъруф ЖАЛИЛ.

МУНДАРИЖА

Бирінчи китоб

ТАНГРИ АММОН ҮФЛИ

Шамол, нон ва умид	7
Гавгамели жангы	20
Доро Кодемоннинг ўлими	47
Тоғ орқали юриш	65
«Шимолга кетамиз!»	76
Ороба қизи Заро	92
Искандарми ёки Бесс?	111

Иккінчи китоб

ДАҲШАТ ВОДИЙСИ

Икни Бошли Құшлар шаҳри	126
«Киресхата! Киресхата!»	149
Мароканд девори ёнида	170
Узун Найзадорлар босқини	196

Учинчи китоб

ҚОПЛОН ОВДА

Қизилқұмда	213
Ұруш сұқмоғида	234
«Бүш келма, биродар!»	247
Спантамаънонинг боши	257
Саксон йил ўтгач	277

ЯВДАТ ИЛЕСОВ

СҮФДИЁНА

Тарихий роман

Қайта нашр

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1994**

«Ёш гвардия» нашриётининг 1969 йилги
нашридан қайта нашр қилинди.

Муҳаррир З. А. Мирзоҳакимова.
Бадиий муҳаррир Ю. Г. Лебедев.
Техник муҳаррир Л. Ю. Хижова.
Мусаххих М. Комилова.

Теришга рухсат берилди 12.11.93 й. Босишига рухсат
этилди 02.03.94 й. Формати 84×108^{1/32}. Адабий гарнитура.
Юқори босма. Шартли босма листи 15,12. Нашриёт ҳисоб
листи 16,3. Тиражи 75.000. Буюртма № 2479. Баҳоси шарт-
нома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент ш., «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.